

О.М. ПАРДАЕВ

МАҲСУЛОТЛАРНИ  
САҚЛАБ СОТИШ ХИЗМАТЛАРИ  
САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШНИНГ  
ТАШКИЛИЙ-ИҚТИСОДИЙ  
МЕХАНИЗМЛАРИ



ТОШКЕНТ

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА  
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**САМАРҚАНД ИҚТИСОДИЁТ ВА СЕРВИС ИНСТИТУТИ**

**О.М.ПАРДАЕВ**

**МАҲСУЛОТЛАРНИ САҚЛАБ СОТИШ  
ХИЗМАТЛАРИ САМАРАДОРЛИГИНИ  
ОШИРИШНИНГ ТАШКИЛИЙ-  
ИҚТИСОДИЙ МЕХАНИЗМЛАРИ**

**ТОШКЕНТ – 2017**

**УЎК: 339.14.004.4**

**КБК 65.304.25**

**П-21**

- П-21      О.М.Пардаев. Махсулотларни сақлаб сотиш хизматлари самарадорлигини оширишнинг ташкилий-иктисодий механизмлари. –Т.: «Fan va texnologiya», 2017, 284 бет.**

**ISBN 978-9943-11-476-0**

Монографияда маҳсулотларни сақлаб сотиш хизматлари билан шугууланадиган корхоналарда самарадорлик ва уларни оширишнинг ташкилий-иктисодий механизмлари билан боғлиқ тушунчаларнинг мазмуни, мезонлари, кўрсаткичлари, омиллари ва уларни баҳолаш йўллари аниқ мисоллар ёрдамида караб чиқилган. Унда мазкур хизматлар билан боғлиқ кўрсаткичларнинг омили ва киёсий таҳлили ҳам келтирилган. Ишда алоҳида эътибор маҳсулотларни сақлаб сотиш хизматлари кластери, синергетик самара ва синергетик самарадорлик билан боғлиқ масалаларга ҳам қаратилган. Унда хўжалик юритувчи субъектлар иқтисодиётини ўксалтиришга, унинг самарадорлигини оширишга қаратилган таъсирчан бошқарув қиорорларини қабул қилиш бўйича илмий-назарий ва амалий тавсияларга бой материаллар ўрин олган.

Монография олий ва ўрга маҳсус ўкув юртлари талабалари, магистрантлар, катта илмий ходим-изланувчиларга, хизмат кўрсатиш соҳасидаги иқтисодий ишлар билан шугууланувчи мутахассисларга мўлжалланган. Ундан малака ошириш маркази тингловчилари, қасб-хунар коллежлари ўқитувчилари ҳам фойдаланишлари мумкин.

**УЎК: 339.14.004.4**

**КБК 65.304.25**

**Тақризчилар:**

**М.М.Муҳаммедов – и.ф.д., профессор;**

**О.М.Муртазаев – и.ф.д., профессор;**

**Қ.Ж.Мирзаев – и.ф.д., профессор.**

*Монография Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти илмий  
Кенгашининг қарорига асосан чот этилди.*

**ISBN 978-9943-11-476-0**

**© О.М.Пардаев, 2017.**

**© «Fan va texnologiya» нашриёти, 2017.**

## КИРИШ

Жаҳон ахолисининг ўсиб бориши ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари бозоридаги рақобатнинг кучайиши шароитида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлашни самарали ривожлантириш ва рационал ташкил қилиш ҳамда совитгичларда сақланган маҳсулотлар, айниқса мева-сабзавот, картошка ва полиз маҳсулотларининг рақобатбардошлигини ошириш тобора долзарб масалага айланниб бормоқда. Чунки озиқ-овқат маҳсулотларини «даладан дастурхонга» схемаси бўйича истеъмолчига етказиб беришда улкан йўқотишларга йўл қўйилмоқда. «БМТнинг Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти маълумотларига кўра, ҳар йили дунё бўйича қарийб 1,3 миллиард тонна миқдоридаги салкам 1 триллион долларлик озиқ-овқат маҳсулотлари шу тариқа бой берилади»<sup>1</sup>.

Шу туфайли, Ўзбекистонда озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш билан бирга, уларни нобуд қилмасдан сақлаш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. 2015-2023 йиллар мобайнида мева-сабзабот маҳсулотларини ишлаб чиқариш, қайта ишлаш ва сақлаш бўйича инфратузилмани такомиллаштириш учун 1 млрд. АҚШ доллари, шу жумладан, маҳсулотларни сақлаш тизимини ривожлантиришга 260 млн. АҚШ доллари миқдорида инвестиция сарфлаш режалаштирилган<sup>2</sup>.

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлаш ва сотиш хизматларини замонавий талаблар асосида самарали ривожлантиришга, ички истеъмол бозорини қиши-баҳор мавсумида барқарор таъминлаш ва соҳанинг экспорт имкониятини кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратилди. Бу борада амалга оширилган дастурний чора-тадбирлар бугунги кунда «йил давомида нархларнинг мавсумий кескин ошиб кетишига йўл қўймасдан, асосини асосий турдаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан узлуксиз таъминлаш ҳамда ушбу маҳсулотларни экспорт қилишни кенгайтириш, нарх-наво барқарорлигини сақлаш имконини бермоқда»<sup>3</sup>. Таъкидлаш керакки,

<sup>1</sup> Президент Ислом Каримовнинг 2014 йил 9 июндаги «Ўзбекистонда озиқ-овқат дастурини амалга оширишининг мухим заҳирларини» мавзусидаги ҳақаро конференциясини очилиш маросимида ўтсан. «Халқ сўзин» газетаси, 2014 йил 15 июн.

<sup>2</sup> [www.puz.uz](http://www.puz.uz)

<sup>3</sup> Каримов И.А. «Боши максадимиз – мавжуд қийинчлиликларга карашмасан, оғиз борасдан истисодиётимизда таркибий ўзгарашларни изчили давом этитиш, хусусий максадимиз – кириши ва тадбиркорликки юнайти кенг йўл очиб берни хисобланган оларни таъминлаш», Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг мамлакатимизни 2015 йилда ижтимоий истисодий ривожлантириш

мамлакатимизда мева-сабзавот, картошка ва полиз маҳсулотлари каби маҳсулотларнинг экспорти йўлга кўйилиб, бу йўналишда сезиларли натижаларга эришилди. 2014 йил 7 июнда Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган «Ўзбекистонда озиқ-овқат дастурини амалга оширишнинг муҳим захиралари» мавзусидаги халқаро конференцияда таъкидланганидек, «ҳозирги вақтда биз умумий киймати қарийб 5 млрд. доллар бўлган озиқ-овқат, биринчи навбатда, мева-сабзавот маҳсулотларини экспорт қилмоқдамиз. Сўнгти уч йилда экспорт қилинаётган қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ҳажми 3 баробардан зиёд ошди»<sup>4</sup>.

Бугунги кунда жаҳон миқёсида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлаш ва сотиш соҳаларини самарали ривожлантириш, совитгичларда сақланадиган маҳсулотларнинг рақобатбардошлигинитаъминлаш юзасидан мақсадли тадқиқотлар кенг миқёсда олиб борилмоқда. Бу борада ички ва жаҳон бозорларидаги конъюнктура ўзгаришини инобатга олган ҳолда маҳсулот ишлаб чиқариш ва сақлаш параметрларини оптималлаштириш, сақлаш ва қайта ишлаш корхоналарини юқори сифатли хомашё билан узлуксиз таъминлаш, мавсумий талабларни эътиборга олган ҳолда аҳолига қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини барқарор етказиб бериш, бозорларда рақобатбардош маҳсулотларнинг турларини кенгайтириш, маҳсулотларни кичик ва оптимал ҳажмдаги совитгичларда сифатли сақлашни таъминлаш кабилар юзасидан тадқиқотлар муҳим аҳамият касб этмоқда. Шунингдек, маҳсулотни сақлаш ва транспортда ташишда табиий йўқотиш нормативларини ҳамда соҳани самарали ривожлантиришга оид иктиносидий-молиявий механизmlарни такомиллаштириш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини тайёрлаш ва сотиш хизматлари самарадорлигини баҳолашнинг интеграл кўрсаткичларини ишлаб чиқиш, маҳсулот сифатини сақлаш жараёнини рационал ташкил қилиш ва сарф-харажатларни оптималлаштириш, музлаткичдан олинган мева-сабзавот маҳсулотларини чакана савдо корхоналарида сақлашнинг оптимал шароитларини белгилаш, аввалдан белгиланган параметрлар асосида маҳсулотларни сақлаш оптимал ҳажмининг прогноз кўрсаткичларини асослаш ҳамда маҳсулотларни сақлаш ва сотиш хизматлари самарадорлигини оширишда синергетик

исувлари ва 2016 йилга мўлжалланган иктиносидий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишлорига бағишланган Вазирлар Махкамаси мажлисидаги мазкурлари.// "Халқ сўзи" газетаси. 2016 йил 16 январь.  
[www.press-service.uz/ru/news](http://www.press-service.uz/ru/news).

самарадорлик ва кластер ёндашувларни самараали кўллаш юзасидан олиб борилаётган тадқиқотлар кўлами янада кенгайтирилмоқда. Шу жихатдан ҳам, юқорида кўрсатилган тадқиқотларни амалга оширишда мазкур тадқиқот мавзуси ўзининг долзарбилиги билан изоҳланади.

Шу туфайли ҳозирги кунда мазкур соҳага жуда катта эътибор қаратилмоқда. Бунинг ёркин мисоли сифатида Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президентининг 2012 йил 10 майдаги «2012-2016 йилларда Ўзбекистон Республикасида хизматлар соҳасини ривожлантириш дастури тўғрисида»ги ПҚ-174-сонли Қарори, 2016 йил 12 апрелдаги ПҚ-345-сон «Мева-сабзавот, картошка ва полиз маҳсулотларини ҳарид қилиш ва улардан фойдаланиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2016 йил 26 февралдаги «2016-2020 йилларда хизматлар соҳасини ривожлантириш дастури тўғрисида»ги 55-сонли Қарори, Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президентининг 2016 йил 5 октябрдаги “Тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлашга, ҳусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилишга ва ишбилармонлик муҳитини сифат жихатидан яхшилашга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа норматив-хукукий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга олиб борган тадқиқотларимиз муайян даражада хизмат қиласди. Ушбу қарорларнинг ижросини таъминлашга қаратилган илмий тавсияларимиз мамлакатимиз иктисодий ва ижтимоий ҳаёти учун катта аҳамиятга эга. Булар:

Биринчидан, мамлакатимиз ерларида ҳосилдор интенсив боғларни ташкил қилишнинг устуворлигига аҳамият бериш билан бирга, республикамизда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашга доир муаммоларни ҳал қилиш имконини яратади ва жойларда бу борада маҳаллий ҳокимият томонидан ишлаб чикиладиган узоқ муддатга мўлжалланган дастурларни илмий жихатдан асослашга ёрдам беради.

Иккинчидан, турли фермер хўжаликлари ва тадбиркорлар томонидан амалга оширилаётган боғдорчилик билан шуғулланадиган тадбиркорлик фаолиятининг самарадорлигини аниқлаш ва ҳар бир хўжаликнинг қўйган инвестицияси қанча вақтда тўлиқ қопланиши ва қанчадан фойда олиш мумкинлигини аниқлаш имконини беради.

Учинчидан, дәхқонларнинг маҳаллий олмани етишириш ва интенсив боғларни амалга ошириш борасидаги фарқларни аниқлаш ва уларнинг самарадорлигини киёслаш учун ҳам илмий асосланган хуносаларни чиқариш ва тегишли бошқарув қарорларини қабул қилиш учун иқтисодий жиҳатдан асосланган ҳисоб-китобларга эга бўлади.

Тўртинчидан, мамлакатимиз учун сұғориладиган ер майдонларидан самарали фойдаланиш ва уларнинг бандлигини серҳосил навлар билан таъминлаш эвазига мева ва сабзавот маҳсулотларини етиширишни кўпайтириш имконияти яратилади.

Бешинчидан, интенсив боғлардаги дараҳтлар пакана бўлганлиги туфайли, улар орасига сабзавот ҳамда полиз экинларини экиш ва ердан самарали фойдаланиш билан бирга, мамлакатимизда озиқовқат маҳсулотларини кўшимча манбалар ҳисобига кўпайтириш учун ҳам имконият яратилади.

# **1-боб. ХИЗМАТ КҮРСАТИШ СОҲАСИНИНГ НАЗАРИЙ МАСАЛАЛАРИ, УНДА САҚЛАШ ВА СОТИШ ХИЗМАТЛАРИНИНГ ЎРНИ**

## **1.1. Хизмат кўрсатиш соҳаси ва уни тадқиқ қилишнинг назарий масалалари**

Хизмат кўрсатиш жараёнида инсоннинг меҳнати асосий ўринни эгаллайди. Инсонларнинг инсонларга кўрсатиладиган хизматлари бир томондан меҳнатни сарф қилиш орқали амалга оширилса, иккинчи томондан уни бошқа бир киши шу вақтнинг ўзида истеъмол қиласди. Хизмат кўрсатиш жараёнининг асосий хусусиятларидан бири шундаки, уларнинг иккаласи ҳам бир вақтнинг ўзида содир бўлади.

Инсоннинг меҳнати у ишлаб чиқаришда бўладими ёки хизмат кўрсатиш соҳасида, шу даражада серқирра ва мураккабки, уни қандайдир бир кўрсаткич ёки йўналиш билан баҳолаб бўлмайди. Буни бир канча йўналишларда баҳолаш мумкин. Ушбу масала бўйича айрим олимлар, хусусан, Б.А.Абдукаrimov, F.X.Кудратов, И.С.Тухлиев, М.Қ.Пардаев, К.Б.Уразов, К.Ж.Мирзаев, Н.У.Худайбердиев, И.С.Очилов, Ж.Р.Ураков, Ю.П.Ўринбаева, Ш.А.Султонов<sup>5</sup> кабиларнинг тадқиқотлари диққатга сазовор. Ушбу олимларнинг асарларида мазкур масала бўйича асосли фикрлар келтирилган. Уларнинг фикрича, хизмат кўрсатиш соҳаси самарадорлигини баҳолашгаилк бор олтида йўналиш бўйича қараш лозимлиги таклиф қилинган. Буларга куйидагилар киритилган: ЯИМнинг яратилиши нуктаи назаридан, меҳнат жараёни нуктаи

<sup>5</sup>Кудратов F.X., Абдукаrimov B.А., Пардаев M.Қ. ва бошқалар. Савдо иктисолиётни муаммолари. Ўкув кўлланма. – Т.: "Иктисол-молия" нашриёти, 2016, 508 б., Пардаев M.Қ., Мирзаев К.Ж., Пардаев О.М. Хизмат соҳаси иктисолиётни. Ўкув кўлланма. – Т.: "Иктисол-молия" нашриёти, 2011, 384 б., Пардаев M.Қ., Очилов И.С. Хизмат кўрсатиш соҳаси корхоналаридаги самарадорликни ошириш йўллари. Монография. – Т.: "Иктисол-молия" нашриёти, 2011, 10-18 б., Пардаев M.Қ. ва бошқалар. Хизмат кўрсатишни тармоқлари иктисолиётнинг айрим муаммолари. – Т.: "Наврӯз" нашриёти, 2014, 264 б., Уразов К.Б., Н.У.Худайбердиев, М.Б.Анишев ва бошқалар. Хизмат кўрсатиш соҳаси корхоналаридаги бухгалтерия хисоби ва аудитнинг долзарб масалалари. Монография. – Т.: "Иктисолиёт" нашриёти, 2011, 260 б., Ураков Ж.Р. Хизматлар кўрсатиш корхоналари фаолияти самарадорлигини ошириш. Монография. – Т.: "Иктисолиёт" нашриёти, 2013, 127 б., Ўринбаева Ю.П. Хизмат кўрсатиш соҳаси ва ахоли турмуш дарожаси: ўзаро боғликлари ва ривожланиши истижбонлари. Монография. – Т.: "Фай" нашриёти, 2013, 144 б., Султонов Ш.А. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик: худудий муаммолар ва ечимлар. Монография. – Т.: "Наврӯз" нашриёти, 2013, 7-19 б.

назаридан, меҳнат эгаси нұқтаи назаридан, мулкдор нұқтаи назаридан, давлат нұқтаи назаридан, жамият нұқтаи назаридан<sup>6</sup>. Бунда барча манфаатдор субъектлар қамраб олиниган. Үшбу қарашлар муаллифларнинг кейинги асарларида ҳам сакланиб қолинган<sup>7</sup>. Аммо айрим адабиётларда, хусусан, тадқиқотчи Ж.Р.Ураковнинг монографиясида хизмат кўрсатиш самарадорлигига факат хўжалик юритувчи субъектлар нұқтаи назаридан ёндашилган<sup>8</sup>. Бирок, айрим тадқиқотчилар, жумладан, Ю.П.Ўринбаева, хизмат кўрсатиш соҳасига аҳоли турмуш даражасини яхшилаш нұқтаи назаридан ёндашган<sup>9</sup>. Булардан фарқли ўларок, тадқиқотчи Ш.А.Султонов, тадбиркорлик ва хизмат кўрсатиш соҳасига жамият, ҳудудлар ва хўжалик тузилмалари нұқтаи назаридан қарайди<sup>10</sup>. Кўриниб турибдики, мазкур масаланинг назарий жиҳатлари бўйича олимлар ўртасида турли қарашлар мавжуд экан. Бу эса, хизмат кўрсатиш соҳасининг назарий масаласини тадқиқ қилиш заруратини туғдиради.

Тадқиқотларимиз натижасида, хизмат кўрсатиш соҳасига, хусусан, сақлаш ва сотиш хизматларига, ундаги меҳнатнинг характеристига баҳо бериш учун ушбу йўналишлар етарли эмаслиги аён бўлди. Ҳар бир жараён маълум манфаатлар қуршовида содир бўлади. Бундан ҳамма даҳлдор субъектлар манфаатдорлиги таъминланиши лозим. Акс ҳолда ушбу жараённинг содир бўлиши тўхтайди ёки самарадорлиги жуда паст бўлади. Буларни инобатга олиб, хизмат кўрсатиш соҳасига тўққизта йўналиш бўйича қарашни мақсадга мувофиқ деб топдик:

- иш кучи соҳиби нұқтаи назаридан;
- моддий ва номоддий неъмат яратилиши нұқтаи назаридан;
- меҳнатнинг характеристи нұқтаи назаридан;
- давлат нұқтаи назаридан;
- жамият нұқтаи назаридан;
- ЯИМнинг яратилиши нұқтаи назаридан;

<sup>6</sup> Пардаев М.К., Очилов И.С. Хизмат кўрсатиш соҳаси корхоналарида самарадорликни ошириш йўллари. Монография. – Т.: “Иктисолд-молиз” наприёти, 2011, 12-16 бетлар

<sup>7</sup> Пардаев М.К., Мирзазов К.Ж., Пардаев О.М.. Хизматлар соҳаси иктисолидети. Ўқув кўлланма. – Т.: “Иктисолд-молиз”, 2014, 384 б., Пардаев М.К. ва бошқилар. Хизмат кўрсатиш тармоқлари иктисолидетининг айрим муаммолари. – Т.: “Наврўз” наприёти, 2014, 264 б.


<sup>8</sup> Ураков Ж.Р. Хизмат кўрсатиш корхоналари фаолияти самарадорлигини ошириш. Монография. – Т.: “Иктисолд” наприёти, 2013, 127 б.

<sup>9</sup> Ўринбаева Ю.Н. Хизмат кўрсатиш соҳаси ва аҳоли турмуш даражаси: ўзаро боғликлиги ва ривожданинг истиқболлари. Монография. – Т.: “Фон” наприёти, 2013, 144 б.

<sup>10</sup> Султонов Ш.А. Кичик бешек ва хусусий тадбиркорлик: ҳудудий муаммолар ва етимлар. Монография. – Т.: “Наврўз” наприёти, 2013, 7-19 бетлар

- такрор ишлаб чиқариш нұқтаи назаридан;
- мулкдор нұқтаи назаридан;
- мәхнат жамоаси нұқтаи назаридан.

Ушбу йұналишлар бир-бири билан узвий боғлиқликда. Чунки ҳаммасининг замирида манфаатдорлик мавжуд. Бозор муносабатлари шароитида амалга оширилаётгандай тадбирлар, хўжалик механизмлари ва иш тартиблари бирорта манфааттага зид бўлмаслиги керак. Манфаатларнинг натижа билан уйғунилигини таъминлайдиган нарса – бу манфаатдорликдир. Манфаатдорлик мәхнат килишга ундейди. Уларнинг бир-бири билан боғлиқлиги куйидаги расмда ўз аксини топган (1.1-расм).



### *1.1.-расм. Мехнатнинг манфаатга ва натижанинг меҳнатга боғлиқлиги<sup>11</sup>.*

Мазкур расмдан кўриниб турибдики, мәхнат бир томондан манфаат билан боғлик бўлса, иккинчи томондан натижанинг микдорини белгиловчи асосий омилдир. Мәхнат сохиби ишчи ва хизматчилар бўлганлиги туфайли, жамият тараққиётида мәхнат ва унинг характеристи мухим роль ўйнайди.

Шу туфайли иктисадий тараққиётнинг, хусусан, хизмат кўрсатиш соҳасининг самарадорлиги учун манфаат, мәхнат ва натижа уйғунилигини таъминлаш лозим. Булардан келиб чиқиб, ҳар қандай ижтимоий-иктисадий жараёнларга баҳо беришда шу нұқтаи назардан ёндашиш лозим, деб ҳисоблаймиз. Буларнинг ўзаро боғлиқлигини куйидаги расмда кўриш мумкин (1.2-расм).

Расмда келтирилган йұналишларнинг ҳаммаси хизмат кўрсатиш жараёнида, хусусан, саклаш ва сотиш хизматларида ҳам кўлланилади. Чунки хизматларнинг умумий йұналишига қандай талаблар кўйиладиган бўлса, биз тадқиқ килаётгандай хизмат турларига ҳам худди шундай талаблар кўйилади. Хизматлар характеристи жиҳатидан нафакат назарий йұналишда, балки амалий жиҳатдан ҳам бир-бири билан узвий алоқада ва боғлиқликдадир.

<sup>11</sup> Тадқиқлар натижасида муаллиф томонидан ишлаб чиқилди.



*1.2-расм. Хизмат кўрсатиш соҳасининг ўрнини субъектлар манфаатларидан келиб чиқсан ҳолда баҳолашининг асосий йўналишлари<sup>12</sup>.*

Энг аввало, хизматларга сарфланган меҳнатни иш кучи соҳиби нуткай назаридан баҳолайдиган бўлсак, ҳар қандай меҳнат сарфланган меҳнат ва вақтдан иборат бўлиб, унинг амалга оширилганлиги учун иш кучи соҳиби ҳақ олишни, яъни маълум даражада наф кўришни кўзда тутади. Иш кучи соҳиби ўзининг сарфлаган меҳнатини қадрлашни, яъни кўпроқ ҳақ олишни

<sup>12</sup> Ушбу расм олдинги нашр килинган кивлар асосида такомиллаштирилди. Қаранг: Пардаев М.К., Мирзаев К.Ж., Пардаев О.М. Хизмат соҳаси иктисадиёти. Ўкув кўлланма. – Т.: “Иктисад-молия” нашриёти, 2011, 384 б., Пардаев М.К., Очилов И.С. Хизмат кўрсатиш соҳаси корхоналаридаги самаралорликни ошириш йўллари. Монография. – Т.: “Иктисад-молия” нашриёти, 2011, 12-16 б. Пардаев М.К., Мирзаев К.Ж., Пардаев О.М. Хизматлар соҳаси иктисадиёти. Ўкув кўлланма. – Т.: “Иктисад-молия”, 2014, 384 б., Пардаев М.К. ва бошқалар. Хизмат кўрсатиш тармоқлари иктисадиётининг айрим муаммолари. – Т.: “Наврўз” нашриёти, 2014, 264 б. Ураков Ж.Р. Хизмат кўрсатиш корхоналаридаги фазлияти самарадорлигини ошириш. Монография. – Т.: “Иктисадиёт” изшириёти, 2013, 127 б.. Ўринбаева Ю.П. Хизмат кўрсатиш соҳаси ва ахоли турмуш дарражаси: ўзаро боғликларни ва ривожланиш истикборлари. Монография. – Т.: “Фан” нашриёти, 2013, 144 б.

хоҳлайди. Унинг ушбу истаги бир вақт бирлигига кўпроқ меҳнат қиласа-ю, кўпроқ ҳақ оладиган бўлса. Шу туфайли улар меҳнатининг самараадорлигини муттасил ошириб бориш истагида бўлади. Шунинг учун самарали меҳнат ҳамиша одилона рағбатлантирилса, унинг самараадорлиги бардавом бўлади. Агар ходимнинг хизмат кўрсатиш жараёнида сарфланган меҳнати бошқалар учун наф келтириб, мулкдор учун фойда олишга сабаб бўлса-ю, аммо у шу меҳнатга муносиб ҳақ олмаса, ўша сарфланган меҳнат иш кучи соҳиби учун унумсиз, нафсиз ҳисобланади. Бундай ҳолатда иш кучи соҳиби шу хизматларни кўрсатишдан бош торгади ёки самарали меҳнат қилишга ўзини сафарбар қилмайди. Демак, ҳар қандай ходимнинг меҳнати манфаатлар муштараклигини таъминлаши лозим. Бу биринчи галда иш кучи соҳиби учун муносиб ҳақ тўланадиган, жамият учун нафли, мулкдор учун фойдани таъминлайдиган, давлат учун унинг бюджетини тўлишига хизмат қиладиган, мамлакат ЯИМнинг ҳажмини кўпайтирадиган, кенгайтирилган ишлаб чиқаришини тезлаштирадиган бўлиши керак.

Иш кучи соҳибининг меҳнати натижасида яратилган моддий неъмат инсонларнинг моддий эҳтиёжларини қондиришга, улар томонидан кўрсатиладиган хизматлар асосан инсонларнинг маънавий оламини юксалтиришга хизмат килади. Шу жихатдан қарайдиган бўлсак, меҳнат ижобий ҳамда жамиятнинг манфаатига зид бўлмаган бунёдкорлик ишларини бажаришга қаратилган бўлса, бундай меҳнат зарур ва нафли ҳисобланади. Аммо шундай меҳнатлар ҳам борки, улар вайронгарчилик гояларини амалга оширишга, қўпорувчилик ишларига қаратилган бўлади, бундай меҳнатлар иш кучи соҳиби учун ҳам, жамият ва бошқа манфаатдор томонлар учун ҳам заарлидир. Чунки бундай меҳнат иш кучи соҳибини жиноят қилишга ундейди, жамиятга катта маънавий ва моддий зарар етказади. Шу туфайли, ижобий натижа ва самара берадиган меҳнатгина рағбатлантирилиши лозим.

**Меҳнатни моддий ва номоддий неъмат яратилиши нуқтаи назаридан баҳоланадиган бўлса, уни сарфлаш натижасида моддий ва номоддий неъмат яратилиши шартлигини инобатга олиш лозим бўлади.** Агар меҳнат сарфи натижасида моддий бойлик яратилмаса, бундай меҳнат режали иқтисодиёт шароитида “нафсиз меҳнат” бўлиб ҳисобланади. Агар хизмат кўрсатиш жараёнида ҳамиша ҳам моддий неъмат яратиласлигини инобатга олинса, бунга сарфланган меҳнат ҳам, унда фаолият кўрсатган ходимлар ҳам


самарасиз бўлиб ҳисобланган бўларди. Аммо хизмат кўрсатишига сарфланган меҳнат бозор муносабатлари шароитида иш кучи сохиби, жамият, истеъмолчи, давлат учун манбаатли ва муҳим ҳисобланади. Шу жиҳатдан, хизмат кўрсатишига сарфланган меҳнат моддий ва номоддий неъматларни яратиш нуқтаи назаридан ҳам муҳим аҳамиятга эга. Чунки жамиятга, аҳолига, энг аввало, уй-жой, кийим-кечак, озиқ-овқат керак. Булар моддий неъматлар бўлиб, меҳнат билан яратилади. Аммо инсоннинг ҳаёт даражаси ва сифатининг таъминланиши учун фақат моддий неъматларнинг мўл-кўллиги етарли эмас. Чунки ҳар бир инсон уй-жойга, кийим-кечакка эга бўлиб, қорни тўқ бўлса, унинг хизматларга бўлган эҳтиёжи ошиб бораверади ва уни кўпайтириш зарурати пайдо бўлади. Шу жиҳатдан хизмат кўрсатиш соҳаси аҳолининг ҳаёт даражасини ва сифатини оширишда муҳим мезон ҳисобланади.

Ана шу нуқтаи назардан карападиган бўлса, уларнинг характеристига баҳо беришда ва самарадорлигини аниқлашда айтиб ўтилган ёндашувлардан фойдаланилади, чунки иккала меҳнат ҳам, юқорида таъкидланганидек, ЯИМ яратишда иштирок этади. Демак, ушбу назарий қарашлардан шундай хулоса қилиш мумкинки, жамиятнинг ялпи ички маҳсулоти (ЯИМ) унумли меҳнат билан ҳам, хизмат кўрсатиш соҳасида банд бўлган ходимларнинг асосал унумсиз деб аталган меҳнати билан ҳам яратилади.

Меҳнатнинг натижаси бир хил ўлчанадиган, яъни ЯИМнинг яратилиши билан белгиланадиган бўлса, жамиятда содир бўладиган иктисадий муносабатлар ҳам, меҳнатнинг характеристидан қатъий назар, ЯИМ яратиш нуқтаи назаридан, бир хил мазмунга эга бўлади. Бу мазмуннинг моҳияти ва ўзагини бозор муносабатларида кўлланиладиган бозор механизмлари ташкил қиласди. Бунда моддий ишлаб чиқариш инсон учун амалга оширилади, инсон эса хизмат кўрсатиш жараби билан шуғулланади. Бунинг натижасидан икки ҳолатда ҳам яна инсонлар манбаатдор бўлишади. Бундан манбаатдор инсонлар ўз кучини тўплаб, яна моддий ишлаб чиқаришида иштирок этади. Шу тариқа ишлаб чиқариш, инсон ва хизмат кўрсатиш соҳалари ўргасида узвий боғлиқлик мустаҳкамланиб бораверади. Бу боғлиқликда инсон кўпприк вазифасини бажаради. Бунинг ўзаро боғлиқлигини қўйидагича ифодалаш мумкин (1.3-расм).

Мазкур расмдан кўриниб турибдикси, моддий неъмат ишлаб чиқариш билан хизмат кўрсатиш соҳасини узвий равишда инсон

боглаб турибди. Инсон улар ўртасида кўприк вазифасини бажармоқда. Масалан, нон ишлаб чиқариши кўзда тутайлик. Бу моддий ишлаб чиқарии соҳаси. Нон ким учун ишлаб чиқарилади? Албатта, бу ерда инсонларнинг эҳтиёжи ва манфаати мавжуд, яъни нон инсонлар томонидан инсонлар учун ишлаб чиқарилмоқда. Бу жараённинг икки томонида ҳам инсонлар иштирок этмоқда. Чунки инсонларнинг меҳнати туфайли, шу нон маҳсулоти ишлаб чиқарилади. Уларнинг қандай ишлаб чиқарилиши, у ерда кўлланиладиган техника ва технологияларга боғлик. Қай даражада илғор техника ва технология кўлланилса, нон ишлаб чиқаришда банд бўлган кишиларнинг меҳнати шунча самарали, ишлаб чиқарилган маҳсулотининг сифати баланд бўлаверади.



*1.3-расм. Моддий неъмат ишлаб чиқарии ва хизмат курсатиши соҳагарининг бир-бiri билан узвий боғлиқлиги.*

Хизматларга ундаги меҳнатнинг характеристи нуқтаи назаридан қараладиган бўлса, моддий неъматлар ишлаб чиқарадиган ва унинг ҳаракатини таъминлайдиган меҳнат унумли меҳнатга киради, моддий неъмат яратилмайдиган, яъни турли хизматлар кўрсатиш билан боғлик меҳнатлар унумсиз меҳнат бўлиб ҳисобланади. Меҳнат унумли бўладими ёки унумсиз бўладими, жамият учун зарур ҳисобланади. Шу туфайли, барча килинган меҳнат ҳаки тўланади. Меҳнатнинг натижасида яратилган қийматига эга бўлган моддий ва номоддий неъматларнинг ҳаммаси мамлакат ялпи ички маҳсулотида ўз ифодасини топади. Шунинг учун ҳам, барча меҳнатлар характеристи нуқтаи назаридан, жамият миёсида нафли ҳисобланади. Чунки ҳар қандай меҳнат жамият учун фойдали бўлиб, унинг қандайдир бир эҳтиёжини қондиради ва унинг ривожланишига ҳам таъсир қиласи.

Инсоннинг ҳозирги XXI асрда яшashi учун фақатгина нон эмас, балки унга боғлиқ бўлган бир қанча моддий ва маънавий аҳамиятга молик хизматлар ҳам керак. Шу туфайли, хизмат кўрсатиш соҳаси нафақат аҳолининг яшаш даражаси ва сифатини оширишда, балки жамият тараққиётини ривожлантириш учун ҳам муҳим соҳа бўлиб ҳисобланади.

Хизматлар тизимида маҳсулотларни сақлаш ва сотиш хизматлари ҳам жамият нуқтаи назаридан тегишли ўринга эга. Бунда эътиборга олиш лозим бўлган жиҳат шуки, хизмат кўрсатиш соҳасининг ривожланиши ва унга бўладиган эҳтиёжнинг кучайиши моддий неъматлар ишлаб чиқаришнинг етарли даражада ривожланганилиги билан бевосита боғлиқдир. Шу жиҳатдан, биринчи галда, моддий неъмат ишлаб чиқаришни йўлга қўйиб, жамиятнинг шунга бўлган эҳтиёжи қондириладиган даражага етказилиши лозим. Албатта, моддий неъмат ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳаси бир-бири билан узвий боғлиқ соҳалардир. Чунки хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантирмасдан туриб, моддий неъматларни ишлаб чиқаришни юксалтириб бўлмайди ва мос равишда, моддий неъматнинг етарли даражада ривожлантирмасдан, хизматнинг ривожланишини таъминлаш кийин. Масалага шу жиҳатдан қарайдиган бўлсак, жамият тараққиётини учун моддий неъматларни ишлаб чиқариш қанчалик муҳим бўлса, хизматларни кўрсатиш ва уни такомиллаштириш ҳам шунчалик зарурдир. Бу жиҳат хизмат кўрсатишга, хусусан, маҳсулотларни сақлаш ва сотиш хизматларига сарфланадиган меҳнатнинг характеристига нафлийк нуқтаи назаридан қарааш ўзига хос аҳамият касб этади.

Хизмат кўрсатиш жараённада сарфланган меҳнатга **жамият нуқтаи назаридан** қаралса, мазкур меҳнат нафли ҳисобланади. Чунки ҳар қандай бунёдкорликка йўғрилган меҳнат жамият учун ёки бу жиҳатдан нафлидир. Меҳнат жараённинг содир бўлиши унинг соҳиби учун нафли ҳисобланади. Шу туфайли, унинг самараси ва самарадорлигини баҳолашда, натижавийлигини аниқлашда мазкур соҳанинг ялти ички маҳсулот (ЯИМ)га кўшган ҳиссаси ҳам инобатга олинади. Бунда яна шуни инобатга олиш лозимки, ушбу меҳнат орқали жамиятнинг хизматларга бўлган эҳтиёжи қондирилади, унинг хизмат бозори бойитиласди. Меҳнатга қобилиятили аҳолининг бир қисми иш билан таъминланиб, бандлик даражаси ошади. Бу ҳам жамиятда иктисодий-ижтимоий барқарорликни таъминлайди. Чунки меҳнат билан банд ахоли иш

ҳақи эвазига маълум бойлика эга бўлади ҳамда моддий ва номоддий эҳтиёжларни қондирадиган яшаш имконияти яратилади.

Хизмат кўрсатиш соҳасига давлат нуқтai назаридан қарашиб ҳам ҳайтий зарурият. Чунки ҳар қандай фаолиятнинг бемалол амалга оширилиши учун давлат тегишли шароит яратиб беради. Мос равишда, ҳар бир фаолият натижасидан давлатга тегишли соликларни тўлаш орқали, унинг манфаатига ҳам хизмат қилишга тўғри келади. Хизмат кўрсатиш соҳасида иш юритадиган тадбиркорлар фаолияти бевосита нодавлат мулкига асосланган хўжалик юритувчи субъектлардан ташкил топади. Аммо улар ҳам давлат билан бевосита алоқада, яъни иктисадий ва хукукий жиҳатдан муносабатда бўлиб туради. Бу муносабатлар хўжалик юритувчи субъектларнинг давлат бюджетига солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни амалга ошириш вактида, шу билан бирга, давлатнинг хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини муҳофаза килиш ва уни тартибга солиш каби жараёнларда содир бўлади.

Давлат ўз навбатида тадбиркорга тегишли шароитни, тадбиркорлик фаолиятини эркин юритиш учун тегишли қонун ва конуности меъёрий хужжатларини яратиб беради, уларнинг фаолиятини қонуний химоя қиласи. Бунинг жавоби сифатида тадбиркор ўз даромадларининг бир кисмини давлатга солиқ тарзида тўлаб туради. Шу йўналиш асосида хизмат кўрсатиш корхонаси, хусусан, маҳсулотларни сақлаш ва сотиш хизматлари билан шуғулланувчи субъектлар ҳам давлат бюджетини тўлдиришда иштирок этиш билан бирга, давлатнинг иктисадий қудратини мустаҳкамлашга хизмат қиласи. Демак, мазкур ҳолатдан икки томоннинг ҳам манбаатдорлиги таъминланади.

Яна бир муҳим йўналиш хизмат кўрсатиш соҳасига ЯИМнинг яратилиши нуқтai назаридан қарашдан иборатdir. Мазкур йўналишнинг ўзига хос хусусияти ушбу соҳага сарфланган меҳнатнинг унумли ёки унумсизлиги, мулкдорнинг наф кўриши ёки зарар билан якунланиши, инвесторнинг ўзига хос талаб ва истакларининг бажарилиши ёки бажарилмаслигининг аҳамияти йўклиги билан белгиланади. Чунки ҳозирги шароитда, моддий неъмат яратадиган унумли меҳнат ҳам, номоддий неъмат ва хизмат кўрсатиш жараённида моддий неъмат яратмайдиган “унумсиз меҳнат” ҳам шу ЯИМнинг яратилишига хизмат қиласи. Шу жиҳатдан, ушбу соҳада яратилган барча неъматлар ялпи ички

маҳсулот сифатида баҳоланади. Бу эса, мамлакат иқтисодиётида хизматлар улушкининг ошиб боришини тақозо қилади.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар айнан ушбу талабдан келиб чиқсан ҳолда давом этмоқда. Ҳозирги кунда хизмат кўрсатиш соҳасининг мамлакат ЯИМдаги улуси йилдан-йилга ошиб бормоқда (1.1-жадвал).

### 1.1-жадвал

#### Хизмат кўрсатиш соҳасининг мамлакат ЯИМдаги улушкининг 2000-2015 йиллардаги ўзгаришлари<sup>13</sup>

Т/р	Йиллар	Хизмат кўрсатиш соҳасининг мамлакат ЯИМдаги улуси, %	Хизмат кўрсатиш соҳасининг мамлакат ЯИМдаги улушкининг ўсии суръати, %
1.	2000	37,0	100,0
2.	2007	42,5	114,9
3.	2008	43,5	117,6
4.	2009	47,0	127,0
5.	2010	49,0	132,4
6.	2011	50,5	136,5
7.	2012	52,0	140,5
8.	2013	53,0	143,2
9.	2014	54,0	145,9
10.	2015	54,5	147,3


Мазкур жадвал маълумотларидан қўриниб турибдики, хизмат кўрсатиш соҳасининг мамлакат ЯИМдаги улуси охирги 15 йил давомида муттасил ошиб бормоқда. Агар унинг микдори 2000 йилда 37,0 %ни ташкил қиласан бўлса, 2015 йилга келиб, 54,5 %гача кўтарилиди<sup>14</sup>. Бу кўрсаткич аҳолининг яшаш даражаси ва сифати юксалиб бораётганлигидан далолат беради. Чунки бу ҳолат

<sup>13</sup> Мазкур кўрсаткичлар Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президентининг ҳар йилги мамлакатни ижтимоий-иктисодий ривожлантириш шартномалари ва келгуси йилги мўлжалланганга устувор вазифаларира багишилган Вазирлар Маҳкамаси мажлисида сўзлаган нуткваридан олинди.

<sup>14</sup> Каримов И.А. “2015 йилда иқтисодиётимизда туб тарқибий ўзгаришларни амала оқириш, модернизация ва диверсификация жараёнларини изчили давом этириш ҳисобидан ҳусусий мулк ва ҳусусий талабкорларни көнг йўл очиб бериш – устувор вазифамиздир”. Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти Ислом Каримовининг мамлакатимизни 2014 йилда ижтимоий-иктисодий ривожлантириш шартномаси ва 2015 йилга мўлжалланган ижтимоий дастурнинг ёнг муҳим устувор йўналишларига багишилган Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 17 январдаги мажлисидаги маъруzasи. //“Ҳаёт сўзи” газетаси. 2015 йил 18 январь, 1-3 бетлар.

аҳолининг маблағи моддий эҳтиёжларидан ортиб, хизматга бўлган эҳтиёжини қондиришга кўпроқ эътибор қаратилаётганинидан далолатдир.

Энди, ушбу холатни баҳолаш учун, хизмат соҳаси билан боғлиқ жараённи олайлик. Булардан бири ва кўп кўлланиладигани тиббий хизматлардир. Бу ерда ҳеч қандай моддий неъмат яратилмайди. Факат тиббий хизмат инсонлар томонидан инсонларга кўрсатилади. Аммо тиббий хизматнинг самарадорлиги тиббиёт ходимининг малакаси ва тажрибаси билан биргаликда, қандай тиббий техника ва асбоб-ускуналардан фойдаланишга ҳам боғлиқ. Тиббий техникалар моддий ишлаб чиқаришда яратилган, аммо бу ерда инсонларга инсонлар томонидан хизмат кўрсатишда иштирок этмоқда. Инсонлар тегишили тарзда тиббий муолажалар олгач, соғликларини тиклаб, уларнинг бир қисми яна моддий ишлаб чиқариш соҳасига, иккинчи қисми эса хизмат кўрсатиш соҳасига боради. Бундан ҳам кўриниб турибдики, моддий неъмат ишлаб чиқариш билан бирга, хизмат кўрсатиш соҳаси ва инсон ўртасида ўзаро мустаҳкам боғлиқлик бордир. Тиббий хизмат моддий неъмат ишлаб чиқариш бўлмаса-да, унда билвосита иштирок этади. Бу жараёнда ҳам кўприк вазифасини инсонлар бажариб турганлигини кўриш мумкин. Бу боғлиқлик нафақат иқтисодий муносабатларни, балки жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиётини ҳам белгилайди. Демак, жамият тараққиётини шакллантириш учун, ишлаб чиқариш билан хизмат кўрсатиш соҳасининг ўйғунлигини таъминлаш катта аҳамиятга эга экан. Мазкур холатнинг занжирини куйидагича тасвиirlash мумкин (1.4-расм).



*1.4-расм. Моддий ишлаб чиқариши, инсон ва хизмат курсатиш соҳаларининг бир-бiri билан боғлиқлик*

<sup>15</sup> Тадқикот натижасида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган

Ушбу расмдан кўриниб турибдики, моддий ишлаб чиқариш, инсон ва хизмат кўрсатиш соҳаларининг бир-бири билан боғлиқлигига инсон барча жараёнларни боғловчи субъект сифатида иштирок этмоқда. Инсон томонидан моддий неъматлар ишлаб чиқарилади ва бу бевосита инсонларга ва хизмат кўрсатиш соҳасига йўналтирилган бўлади. Навбатдаги жараён ишлаб чиқаришни давом эттириш ва инсонлар ҳаётини яхшилаш учун маҳсус хизмат кўрсатиш соҳасига йўналтирилади. Хизмат кўрсатиш яна инсонларга қаратилади ва шу тариқа мазкур занжир давом этади.

Шунингдек, хизмат кўрсатиш соҳасига ва унда банд бўлган ходимлар меҳнатига тақрор ишлаб чиқариш нуқтаи назаридан қарашни ҳам лозим деб топдик. Мазкур соҳанинг бир қисми тақрор ишлаб чиқаришда иштирок этса-да, асосий қисми иштирок этмайди. Бундан фарқли ўлароқ, моддий неъмат ишлаб чиқариш соҳаси бевосита тақрор ишлаб чиқаришда иштирок этади. Масалан, хизмат кўрсатиш соҳасининг ташиш билан боғлиқ қисми (транспорт хизмати) яратилган моддий неъматни бир жойдан (ишлаб чиқаришда) иккинчи жойга (истеъмолчига) етказиб бериш билан моддий неъмат яратмаса-да, унинг истеъмол қилиниши учун ташиш вазифасини ўтайди ва тақрор ишлаб чиқаришда иштирок этади. Худди шундай савдо хизматини ҳам мисол тарикасида келтириш мумкин. Ушбу хизмат орқали етиштирилган моддий неъмат айирбошлиш натижасида истеъмолчига етказилади ва кенгайтирилган ишлаб чиқаришда иштирок этади. Мазкур хизматлар тури тақрор ишлаб чиқариш жараёнини тезлаштиришга ҳам хизмат қиласи.

Хизмат кўрсатиш соҳасининг моддий неъматлар ишлаб чиқармайдиган қисми тақрор ишлаб чиқаришда бевосита иштирок этмайди. Аммо шундай хизматлар ҳам борки, уларда бевосита моддий неъмат ишлаб чиқарилишига қарамасдан, тақрор ишлаб чиқаришда иштирок этмайди. Буларга мисол қилиб, рассомнинг меҳнатини келтириш мумкин. Унинг ижодий меҳнати маҳсули расм ҳисобланади. Буни у ўзининг ижодий меҳнати натижасида яратади. Расм кўриниши ва мазмуни бўйича моддий неъмат ҳисобланади. уни ушлаш, сақлаш ва яратилган пайтдан бошқа вактда ҳам кўриш, бошка жойга кўчириш, узок вакт мобайнида сақлаш орқали бир неча авлодларни завқлантириш мумкин. Аммо у тақрор ишлаб чиқаришга кирмайди ва унда иштирок ҳам этмайди. Чунки рассомнинг расм яратиш бўйича меҳнати узлуксиз эмас. У

ҳар сафар турли расмларни чизади. Улар характеристи жиҳатидан бетакрордир. Шунинг учун ҳам хизмат кўрсатиш соҳасининг ўзига хос жиҳатлари кўпdir. Рассом меҳнатининг яна бир жиҳати, унинг чизган расмларининг бир қисми умуман сотишга чиқарилмаслиги, ўзи учун яратилган бўлиши ҳам мумкин. Бундай ҳолда ҳам унинг меҳнати бетакрорлигича қолади.

Шуни назарда тутиш керакки, хизмат кўрсатиш жараёнида ақлий меҳнат билан биргаликда жисмоний меҳнат ҳам иштирок этади. Уларнинг қайси бирининг хиссаси кўплиги, хизмат кўрсатиш соҳасидаги меҳнатининг такрор ишлаб чиқаришга дахлдорлигини белгиламайди. Аммо меҳнат қилган ҳар бир киши ижтимоий такрор ишлаб чиқаришда иштирок этмаса-да, ўзи, ўзининг иш кучи билан такрор ишлаб чиқаришда иштирок этади. Инсон иш кучини такрор ишлаб чиқаришда иштирок этиши ҳам хизматнинг ўзига хос хусусиятларидан биридир.

Тадқикотларимизнинг кўрсатишича, хизмат кўрсатиш жараёни жуда кўп кўл меҳнатини, яъни жисмоний меҳнатни талаб қиласидан жараён. Аммо келажакда хизмат кўрсатиш жараёни такомиллашиб борган сари, шу соҳадаги умумий меҳнатининг таркибида ақлий меҳнатининг улушки ортиб бораверади. Чунки барча соҳаларда содир бўлгани каби хизмат кўрсатиш соҳасида ҳам юқори технологияга асосланган асбоб-ускуналар жорий қилинмокда.

Хизмат кўрсатиш жараёни фақат кўл кучи билан амалга оширилган дастлабки пайтларда, соҳада асосан жисмоний меҳнатнинг улушки катта бўлган. Ушбу жараёнга турли техника ва технологияларнинг кўлланилиши натижасида мазкур соҳада ҳам ақлий меҳнатнинг хиссаси ошиб боради. Масалан, уқалаш хизматини олайлик. Бу хизматни фақат кўл кучи билан амалга ошириш мумкин эди. Аммо ҳозирги пайтда жуда кўп қурилмалар пайдо бўлдики, улар бемалол уқаловчининг меҳнатини бажара олади. Энди уқаловчи шу қурилманинг тугмачасини босиб, уни бошқаради, холос. Бундан ташқари, олдин ҳар бир киши ўз вазифасини индивидуал, яъни якка тарзда бажарган. Бунда кўл меҳнатининг, яъни жисмоний меҳнатнинг улушки кўп бўлган. Эндиликда, бир тадбиркорнинг кўл остида бир қанча кишилар биргаликда фаолият кўрсатади. Уларни бошқариш билан боғлик бўлган меҳнат ҳам ақлий меҳнат таркибига киради.

Ақлий мөхнат әвазига яратылған товарнинг киймати, жисмоний мөхнат маҳсулуга нисбатан ҳамиша ортиқ бўлған. Демак, бир вақт бирлигиде кўпроқ ва каттароқ самарадорликка эришиш керак бўлса, хизмат кўрсатиш жараённига ҳам кўпроқ ақлий мөхнатни кўллаб амалга оширишга ҳаракат қилиш лозимлигини тақозо қилади. Кўриниб турибдик, хизмат кўрсатиш соҳасида банд бўлган ходимлар мөхнатига такрор ишлаб чиқариш нуқтаи назаридан қаралганда, мазкур соҳанинг бошқа соҳаларга нисбатан бир қанча ўзига хос ҳусусиятлари мавжудлигини кўриш мумкин.

Хизмат кўрсатиш соҳасида сарф қилинадиган мөхнатга албатта мулкдор нуқтаи назаридан ҳам қараш бугунги кунда ҳаётий заруриятдир. Чунки мулкдор ўз мулкини мазкур соҳага тиккан бўлса, албатта фойда олишни, ўз мулкини муттасил кўпайтириб боришини кўзда тутади. Бозор муносабатларига асосланган иқтисодиёт шароитида мулкдор учун у хизмат соҳаси бўладими, ишлаб чиқариш тармоғи бўладими, фарқи йўқ, ўз мулкини ишлатиш әвазига маълум даражада фойда олишни кўзда тутади.

Тадқиқотларимиздан маълум бўлдики, мулкдорлар биринчи тадбиркорликни бошлашида ўз мулкини асосан хизмат кўрсатиш соҳасига қўядилар. Чунки ушбу соҳага кўйилған мулк унча катта бўлмаслиги ва ҳозирги тез ўзгарадиган шароитда, талабга қараб мослашувчанлиги билан фарқ қилади. Шу жиҳатдан тадбиркорларининг бир қисми, бизнинг ҳисоб-китоблар бўйича, уларнинг 67 % и ўз мулкини мазкур соҳага тикиди.

Инсон мөхнатига, у қайси соҳада бўлмасин, **мөхнат жамоаси нуқтаи назаридан** қараш ҳам мухимдир. Чунки ҳар қандай жамоа тарқалиб кетмаслиги учун, улар уюшган корхона барқарор фаолият кўрсатадиган даражада бўлиши керак. Бунинг учун ҳам жамоанинг мөхнати билан яратылған маҳсулот (товар, хизмат) сотилиш натижасида ўзининг таниархини қоплаб, маълум даражада даромадга эришишини таъминлаши лозим. Даромад эса, ўз навбатида корхонанинг турли тўловларидан ортадиган даражада ва соғ фойдани таъминлайдиган ҳолатда бўлишликни талаб қилади.

Мөхнат жамоаси ҳар бир мөхнат соҳибининг (ходимнинг) мөхнатидан манфаатдор ва мос равишда ҳар бир ходим ҳам мөхнат жамоасининг мөхнатидан манфаатдор бўлиши даркор. Улар биргаликда юқори натижаларни кўлга киритса, унинг натижасидан

ҳамма манфаатдор бўлади. Корхонанинг фойдаси кўпаяди, ҳар бир шахснинг оладиган маоши ҳам ошиб боради, давлатга тўланадиган солик ҳам кўп бўлади, жамиятнинг бозори ҳам тегишли товарлар (хизматлар, ишлар)га тўлиб боради.

Кўриниб турибдики, кўрсатиладиган хизматлар ҳам бир вактнинг ўзида бир канча манфаатларни қондиришга хизмат қила-диган ва уларнинг муштараклигини таъминлайдиган бўлиши лозим экан. Шу жиҳатдан олиб қараладиган бўлса, хизматларнинг мамлакат ижтимоий-иқтисодий ҳаётидаги ўрни бекиёсdir.

## **1.2. Махсулотларни сақлаш ва сотиш хизматларининг хизматлар тизимидағи ўрни ва уларнинг таърифлари**

Хозирги пайтда **маҳсулотларни сақлаш ва сотиш хизматлари** иқтисодий жараёнларнинг таркибий қисми бўлиб, мамлакатимизнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётида муҳим аҳамият касб этиб бормокда. Ушбу жараённи амалга ошириш орқали ҳалқнинг озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини узлуксиз қондириб боришга эришиш билан бирга, унинг хавфсизлиги таъминланади, тадбиркорларнинг бойлиги ҳам ортиб боради. Пировардида аҳолининг яшаш фаровонлиги, даражаси ва сифатининг ошишига маълум даражада таъсир қиласди. Аммо бу масалада ҳали жуда кўп ечимини кутаётган муаммолар мавжуд. Улардан бири мазкур жараёнларнинг назарий жиҳатдан тадқиқ қилинмаганлиги оқибатида улар таърифининг ҳамон етарли даражада ишлаб чиқилмаганлигидир.

Махсулотларни сақлаш ва сотишга бағишланган ишларда сақлаш ва сотишнинг ташкилий масалалари кенг ёритилган бўлишига қарамасдан, улар хизматларнинг тури сифатида қаралмаган ва назарий жиҳатдан тадқиқ қилинган таърифлар берилмаган<sup>16</sup>. Шу туфайли, хозирги шароитда уларнинг таърифларини ишлаб чиқиши ҳаётий заруриятга айланмоқда. Зеро, ҳар бир масалани ёки жараённи такомиллаштириш, уни яхшилаш ва самарадорлигини ошириш учун, энг аввало, ушбу жараённи ифодаловчи

<sup>16</sup> Турсунхўжаев Т.Л. Киплек хўжалиги маҳсулотларни сақлаш ва қайта ишлаш технологияси. Ўқув кўлганма. - Т.: ТДИУ, 2004, 112 б., Отобоев М. Ўзбекистон мева-сабзовот комплекси: муаммо, тажриба ва счимлар. - Т.: Мехнат, 1991. Приватский Л.А. Хранение и переработка плодов и овощей. - М.: Колес, 1992.. Орипов Р. Кишлоқ хўжалик маҳсулотларни сақлаш ва қайта ишлаш технологияси. - Т.: Мехнат, 1991. ва к.к.

тушунчаларнинг таърифларини ва уларни ифодаловчи кўрсаткичларни ишлаб чиқиши лозим бўлади.

Хар қандай таърифда бўлганидек, маҳсулотларни саклаш ва сотиш билан боғлик тушунчаларнинг таърифида ҳам унинг мазмунини тўлиқ ифода этиш билан бирга, шу жараён билан боғлик барча жихатларни ўзида қамраб олиши лозимдир.

Тадқиқотларимиз натижаси шуни кўрсатдик, бундай таърифда куйидаги жихатлар ўз ифодасини топмоғи лозим экан.

Биринчидан, маҳсулотларни саклаш хизматини амалга ошириш учун маълум миқдордаги бойлик (маҳсулот) бўлиши лозим, чунки йўқ нарсани сақлаб бўлмайди.

Иккинчидан, бу жараён сақловчи ва мулк эгаси ўргасида тузилган шартномага асосланиши лозим. Акс ҳолда, маълум миқдордаги мулкни бирорвнинг ихтиёрига топшириб кўйилса, у эртага ўзи, ўзбошимчалик билан уни сотиб юбориши ва шахсий истеъмоли учун фойдаланиши мумкин. Шу туфайли, улар ўргасидаги сақлаш билан боғлик муносабат, албатта шартнома билан расмийлаштирилган бўлиши лозим.

Учинчидан, сақлаш маълум муддатга тузилади. Чунки қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлаш муддати олти ой бўла туреб, уни тўккиз ой давомида сақлаб беришга шартнома тузиш, албатта масалани жиддийлаштиради. Айрим ҳолларда ушбу масалага ўзига хос тарзда ёндашиб мумкин.

Тўртингчидан, бу хизмат келишилган муддатда, белгиланган хизмат ҳаки эвазига амалга оширилиши лозим. Бу ҳам шартнома билан расмийлаштирилган бўлишилигини такозо қиласди.

Бешинчидан, сақловчи маҳсулотнинг сифати ва миқдорини камайтирасликка кафолат бериши лозим. Акс ҳолда, маҳсулот сақловчининг жавобгарлиги бўлмайди ва бу унинг сифатини пасайиб кетишига ҳамда миқдорининг камайишига сабаб бўлиши мумкин. Бунда ҳар бир маҳсулотнинг сакланиш жараёнидаги табиий камайиши инобатга олинади.

Олтинчидан эса, сақловчи сакланган маҳсулотни қайтариб бериш мажбуриятини олиши лозим бўлади. Шундагина маҳсулотларни сақлаш хизмати тўлиқ амалга оширилган хисобланади.

Маҳсулотларни сақлаш хизматига берилган таърифда юкорида келтирилган барча талаблар ўз ифодасини топмоғи лозим. Агар ушбу талаблардан ва назарий талқинлардан келиб чиқадиган

бўлсак, маҳсулотларни сақлаш хизматига қуидагича таъриф бериш мумкин бўлади.

**Маҳсулотларни сақлаш хизмати деганда, сақлаш хизматини амалга оширувчи, маълум миқдордаги бойликини (маҳсулотни) муайян муддатда унинг сифатини меъёр даражасидан пасайтирган ва миқдорини камайтирган холда, белгиланган хизмат ҳақи эвазига қайтариб бериш мажбурияти билан сақловчи ва мулк эгаси ўртасида тузилган шартномага асосланган муносабат тушунилади.**

Худди шундай маҳсулотларни сотиш хизматига ҳам таъриф бериш лозим бўлади. Ҳар қандай нарсани сотиш жараёнида, яъни сотиш хизматини кўрсатишда, биринчидан, товар ёки маҳсулот пулга (ёки бошқа шунга тенглаштирилган бойликка) айланса, иккинчидан, уларга эгалик қилиш ҳукуқлари (мулк эгалари) ҳам ўзгаради. Учинчидан, сотиб олган шахс бевосита ўзи истеъмол қилиши ёки унинг қайта сотиш мақсади бўлиши мумкин. Ушбу ҳолатлар ҳам мазкур тушунчанинг таърифида ўз аксини топмоғи лозим. Агар ушбу назарий карашларга асосланадиган бўлсак, маҳсулотларни сотиш хизматига қуидагича таъриф бериш мумкин.

**Маҳсулотларни сотиш хизмати деганда, маҳсулот (товар)нинг бир шахсдан иккинчи шахсга пул ёки бошқа шунга тенглаштирилган бойликка алмаштириш эвазига мулк эгасининг (мулкка эгалик ҳукуқининг) ўзгаришини таъминлаш жараёнида кўрсатиладиган хизматлар билан боғлиқ муносабатлар тушунилади. Маҳсулотларни сақлаш ва сотиш хизматлари нинг ижтимоий-иқтисодий мазмуни ва аҳоли фаровонлигини оширишдаги аҳамиятини тўлиқ очиб бериш учун унинг ўзига хос хусусиятларини, ушбу хизматларнинг самарадорлиги, уларни ифодаловчи кўрсаткичларни, аниқлаш мезони ва ўзига хос хусусиятларини қараб чиқиши максаддага мувофиқдир.**

### **1.3. Мамлакат озиқ-овқат хавфсизлигини таъминланган бўйича амалга оширилган тадбирлар ва уларнинг таъминланишида маҳсулотларни сақлаб сотиш хизматларининг ўрни**

Юкорида кўрганимиздек, истиклолга эришгач, мамлакатимиз кишлоқ хўжалиги тарихида бутунлай янги давр бошланди. Мазкур

соҳа тубдан ислоҳ қилиниб, юртимизда пахта якка ҳокимлигига тамоман барҳам берилди. Биринчи Президентимиз Ислом Каримовнинг ташаббуси билан 1989 йилда, яъни собиқ итифоқ давридаёқ, қишлоқ ахолисини ижтимоий ҳимоя килиш, уларнинг даромадларини ошириш ва озиқ-овқат маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш мақсадида кўплаб оиласарга томорқа берилди. Чунки қишлоқ ахолиси ўзини-ўзи озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашнинг ўша даврда бошқа йўли йўқ эди.

Мазкур жараённи расман мустаҳкамлаш учун Президентимиз 1991 йил 11 январда “Колхозчилар, совхозларнинг ишчилари ва қишлоқ жойларида яшовчи бошқа фуқароларнинг шахсий ёрдамчи хўжаликларини янада ривожлантиришга оид қўшимча чоратадбирлар тўғрисида”ги Фармонига имзо чекди. Мазкур ҳужжатга биноан қишлоқ ахолиси ер майдонларига эга бўла бошлиди. Пировардидаги 1,5 миллион оила ўз томорқа майдонларини кенгайтириш, 500 мингдан ортиғи янги томорқа олиш имкониятига эга бўлди. Шу туфайли республикамиздаги 2 миллиондан ортик оила, яъни ўртача 10 миллиондан зиёд қишлоқ ахолисининг ижтимоий-иктисодий муаммоси ижобий ҳал этилди. Бу ўша даврда қишлоқ ахолисининг аксарият қисми ер билан таъминланди, деган гап эди.

Маълумки, Ўзбекистон қишлоқ хўжалигига қўп йиллик бой тажриба ва юксак илмий салоҳиятга эга бўлган мамлакат. Аммо шундай давлат ўз ахолисини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлай олмаслиги тарих учун кечирилмайдиган, ачинарли ҳол эди. Чунки мустабид тузум даврида пахта яккаҳокимлиги ҳалокатли даражада авж олиши оқибатида, иқтисодиёт бир ёқлама йўлдан кетишига мажбур қилингани ушбу муаммони янада чуқурлаштирган эди. Ўзбекистондай давлат озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашга фақат мустақилликнинг биринчи йилларидан бошлаб киришиш имкониятига эга бўлди.

Ушбу ҳолатга тўғри баҳо берган Биринчи Президентимиз Ислом Каримовнинг 1991 йил 29 ноябрдаги “Республикада деҳқон (фермер) хўжаликларини янада мустаҳкамлаш ва тадбиркорлик фаолиятини давлат йўли билан кўллаб-кувватлаш тўғрисида”ги Фармони қишлоқ хўжалигига, айниқса, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашда катта туртки бўлди. Мазкур фармон натижасида колхоз ва совхозлар тугатилиб, ширкатлар ҳамда деҳқон (фермер) хўжаликларини ташкил қилиш масаласи устувор аҳамият касб эта

бошлади. Чунки қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг жаҳон тажрибасида синалган бундан бошқа иложи ҳам йўқ эди.

1990 йилда юртимиз аҳолисининг озиқ-овқат маҳсулотлари, жумладан, гўшт, сут ва қандолат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжи, асосан импорт ҳисобига қондирилганлиги ҳеч кимга сир эмас. Чунки бизнинг асосий бойлигимиз пахта бўлиб, асосий ер майдони ҳам шу билан банд бўлган эди. Қишлоқ аҳолисининг остонасиғача пахта экилар, бошқа маҳсулотлар экишга ва томорка қилишга имкониятлари чегараланган эди. Бугунги кунда эса аҳоли учун зарур бўлган озиқ-овқатларнинг деярли барчаси ўзимизда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар эвазига қопланмоқда.

Бу ўз-ўзидан содир бўлган эмас. Мамлакатимизда ерни ҳақиқий эгасига бериш ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари стиштириш ҳажмини кўпайтириш йўлидаги амалга оширилган йирик сиёсий, ижтимоий-иктисодий тадбирлар такомиллаштирилди. Мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлаб жамоа ва ширкат хўжаликларининг ерларини хусусий мулкчилик шакидаги фермер хўжаликларига узоқ муддатга ижарага бериш амалиёти ўзининг катта самарасини берди. Ушбу жараён йилдан-йилга такомиллаштирилмоқда. Фермер хўжаликларини мақбуллаштириш жараёни давом этмоқда. Бу борада ўзимизга хос йўл ташланиб, уларнинг ҳолати турли вариантларда синаб кўрilmоқда ва бугунги кунда уларнинг сони 160 мингтага етказилди. Шу билан бирга жуда кўп янги иш ўринларини ажратишга муваффак ҳам бўлинди.

Қишлоқ хўжалигига амалга оширилган ислоҳотлар биринчи галда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашга қаратилди. Шу ҳақда гап кетгандা, истиқлол йилларида экин майдонларининг таркибий ўзгаришларини алоҳида қайд қилиш лозим. Ўтган асрнинг 90-йилларида асосий майдонларда гўза парваришиланган бўлса, ҳозирги найтда пахта майдонлари деярли икки баробар кисқартирилиб, уларнинг ўрнига дон, сабзавот, полиз, мойли экинлар экилиб, боғлар ва токзорлар барпо этилмоқда.

Биринчи Президентимиз Ислом Каримовнинг 2008 йил 20 октябрдаги “Озиқ-овқат экинлари экиладиган майдонларни оптималлаштириш ва уларни етиштиришини кўпайтириш чоратадбирлари тўғрисида”ги Фармони озиқ-овқат хавфсизлиги таъминланиши борасидаги муҳим хужжат бўлди. Ушбу фармонга асосан, 2009 йил ҳосилидан зътиборан 75,8 минг гектар, 2012 йил

хосилидан эса яна 30,1 минг гектар пахта майдонлари қисқартирилди. Бир канча туманлар, жумладан, Асака, Жомбой ҳамда Янгийўл туманларида пахта экиш тұхтатилди. Юқорида таъкидланганидек, ушбу жараён давом этмоқда. Биргина 2015 йилда пахта майдони яна 30,5 минг гектарга қисқартирилди. Буларнинг ўрнига мева-сабзавот ва полиз маҳсулотлари етиширила бошланди. Бугунги кунда серхосил боғдорчиликка, айникса, интенсив боғларни барпо этишга катта ахамият берилмокда.

Мұхим жиҳат. 1990 йилга нисбатан бугунги кунда мамлакатимиз аҳолиси 11 миллиондан зиёд ўсди. Шунга қарамай, 1990 йилга нисбатан аҳоли жон бошига гүшт истеъмоли 1,4 баробар, сут ва сут маҳсулотлари 1,5 карра, картошка 1,9 марта, сабзавот 2,6 баробардан зиёд, мева 6,3 марта ортди. Бу албатта ўз самарасини бермокда.

Юртимизда аҳоли жон бошига қарийб 300 килограмм сабзавот, 75 килограмм картошка ва 44 килограмм узум түғри келмокда. Бу оптималь, яъни мақбул деб ҳисобланадиган истеъмол меъёридан уч баробар кўпдир.

Бинобарин, Биринчى Президентимизнинг 2014 йилда Тошкентда ўтказилган “Ўзбекистонда озиқ-овқат дастурини амалга оширишнинг муҳим захиралари” мавзуидаги халқаро конференциядаги нутқида инсон саломатлиги, унинг узоқ ва баракали умр кўриши түғри ва мутаносиб рацион асосида овқатланишни таъминлаш билан чамбарчас боғлиқ эканига алоҳида ургу берилиб, мустакил тараққиётимизнинг ўтган қисқа даврида Ўзбекистонда амалга оширилган улкан ислоҳотлар қишлоқ хўжалигини тубдан диверсификация қилиш ва аҳолимизни асосий озиқ-овқат маҳсулотлари билан тўлиқ таъминлаш, уларни катта миқдорда экспорт қилишни йўлга кўйиш имконини бергани таъкидланган эди. Эътиборли жиҳати, халқаро конференцияда мамлакатда озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш, хавфсизлигини таъминлаш бўйича амалга оширилаётган кенг кўламли сайд-харакатлар нуфузли халқаро ташкилотлар вакиллари ва эксперталари томонидан хам юксак баҳоланди.

Бугунги кунда мамлакатимизда 180 турдан ортиқ ҳар хил мева-сабзавот ва уларни қайта ишлап асосида тайёрланган маҳсулотлар дунёнинг 80 дан ортиқ давлатларига экспорт килинмоқда. Кечагина барча озиқ-овқат маҳсулотларини четдан

олган мамлакат учун бу кўрсаткични мисли кўрилмаган муваффакият сифатида баҳолаш мумкин.

Хозирги пайтда Биринчи Президентимизнинг 2015 йил 29 декабрда қабул қилинган “2016-2020 йиллар даврида қишлоқ хўжалигини қайта шакллантириш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори ҳам бу борада амалга оширилаётган ислоҳотларнинг узвий давоми бўлди. Унга кўра, 2016-2020 йиллар мобайнида 170,5 минг гектар пахта ва 50 минг гектар ғалла майдонлари қисқартирилади. Буларнинг ўrniga бўшаган ерларга озиқ-овқат экинлари экилиши, яъни мева-сабзавот, картошка, полиз маҳсулотлари, узум ва боғдорчиликни ривожлантириш кўзда тутилди. Ушбу дастур бўйича 2015 йилнинг ўзида пахта майдонлари 30,5 минг гектарга қисқартирилди. Пахтадан озод бўлган ва янгидан ўзлаштирилаётган ерларда боғ-роғлар ташкил қилинмоқда. 2014-2016 йилларда мамлакатимизда 23,5 минг гектар янги токзорлар барпо этилди ҳамда 17,4 минг гектар токзорлар реконструкция қилинди<sup>17</sup>.

2016 йил 12 апрелда “Мева-сабзавот, картошка ва полиз маҳсулотларини харид қилиш ва улардан фойдаланиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарор қабул қилиниб, бунда мева-сабзавот, картошка ва полиз маҳсулотларини қайта ишлаш, ички истеъмол бозорини ушбу маҳсулотлар билан барқарор равишда таъминлаш ва уларнинг экспортини янада ошириш бўйича қатор муҳим вазифалар белгиланди. Мазкур вазифалар таркибида уларнинг ҳажми ва сифатини саклаган ҳолда саклаш масаласига ҳам алоҳида аҳамият беришни тақозо қиласди.

Таъкидлаш жоизки, мустақиллик йилларида боғ-токзорлар, сабзавот, полиз ва картошка экин майдонларини кенгайтириш, агротехник тадбирларни ўз вақтида ўtkазиш, юқори сифатли кўчкат ва уруг навларини экиш хисобига хосилдорлик муттасил ошиб борди. Буни 1991-2015 йиллар давомида эришилган хосилдорлик мисолида ҳам кўриш мумкин. Жумладан, шу йиллар давомида боғдорчиликдаги хосилдорлик 3,3 марта, узумчиликда – 2,5 марта, сабзовотчиликда – 1,4, полизчиликда – 1,8, картошкачиликда – 2,6

<sup>17</sup> Мева-сабзавот меҳсулотлари ярмаркасига тайёргарлик кўрни бўрасида амалга оширилган тадбирлар топракни ЎзА мухбирига Фахрiddин Қирғизбоевнинг берган интервьюси. // BAIS газетаси. 26-сон. 2016 йил 1 ноёби.

марта ўсишга эришилди<sup>18</sup>. Натижада қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштирип бўйича юкори самарадорликка ҳам эришилди. Чунки мустақиллик йилларида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш ҳажми 2 баробардан зиёд ошди, хусусан, картошка 7 марта, мева қарийб 4,1 марта, сабзавот 2,8 марта, сут ва сут маҳсулотлари 1,7 марта, гўшт 1,3 баробар ўсди<sup>19</sup>. Кўриниб турибдики, мустақиллик йилларида озиқ-овқат хавфсизлигига берилган изчил эътибор ўзининг юкори самарасини берди. Бу эса, агарар соҳадаги танлаган йўлимизнинг тўғрилигидан далолатdir.

<sup>18</sup> Мева-сабзавот маҳсулотлари ярмарасига тайёргарлик кўриш борасида амалга оширилган тадбирлар доирасида ЎзА мухбирига Фахритдин Кирғизбоевнинг берган интервьюси. // ВАНС газетаси. 26-сон. 2016 йил 1 юни.

<sup>19</sup> Косимов М. Озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш — устувор вазифа.// “Халк сўзи” газетаси. 115-сон. 2016 йил 14 июни.

## **2-боб. МАҲСУЛОТЛАРНИ “БОҒДАН ДАСТУРХОНГАЧА” СХЕМАСИ АСОСИДА ЕТКАЗИШ ХИЗМАТЛАРИ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ВА ТАБИЙ ЙЎҚОТИШ МЕЪЁРЛАРИНИ АСОСЛАШ ЙЎЛЛАРИ**

### **2.1. Маҳсулотларни “боғдан дастурхонгача” схемаси асосида етказиш хизматларининг турлари ва улар самарадорлигини ошириш имкониятлари**

Мамлакатимизда олиб борилаётган иқтисодий-ижтимоий сиёсатнинг пировард мақсади – ахолининг фаровонлигини таъминлаган ҳолда, унинг яшаш даражасини ва сифатини оширишга қаратилганлиги билан аҳамиятлидир. Мазкур тадбирнинг бир йўналиши бўлиб, ахолини йил давомида сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари, хусусан, ўзимизда етиштирилган маҳсулотлар билан таъминлашга қаратилгандир.

Биринчи Президентимиз Ислом Каримов «Ўзбекистонда озиқ-овқат дастурини амалга оширишнинг муҳим заҳиралари» мавзуусидаги 2014 йил 9 июнда ўтказилган ҳалқаро конференциянинг очилиш маросимидағи нутқида “БМТнинг Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти ҳамда Жаҳон соглиқни саклаш ташкилоти маълумотларига кўра, ҳозирги вактда дунёда 840 миллиондан ортиқ киши, яъни деярли ҳар саккиз одамнинг бири тўйиб овқатлан-маяпти, сайёрамиз ахолисининг 30 фоизидан зиёди тўлақонли равинцида овқатланмаслик, энг асосий микроэлемент ва витаминалар етишмаслиги муаммосини бошидан кечирмоқда. Ана шундай сабаблар туфайли 160 миллиондан ортиқ бола бўйининг ўсиши, жисмоний ва интеллектуал ривожланишига доир камчиликлардан азият чекмоқда”<sup>20</sup>, деб таъкидлади.

Мазкур муаммо келажақда янада жиддийлашиб бораверади. Чунки ер юзи ахолисининг тез кўпайиб бораётгани билан озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш хажмининг ўсиш имкониятлари чеклангани ўртасидаги тафовут ортиб бормоқда.

<sup>20</sup> Президент Ислом Каримовнинг «Ўзбекистонда озиқ-овқат дастурини амалга оширишнинг муҳим заҳиралари» мавзуусидаги 2014 йил 9 июнда ўтказилган ҳалқаро конференциянинг очилиш маросимидағи нутқи // “Халқ сўзи” газетаси. 2014 йил 10 июнь.

Оқибатда, озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиши ахоли сони ва эҳтиёжларининг ўсишидан ортда қолмоқда. Бундай ҳолат бутун дунё миқёсида глобал озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашни тақозо қилмоқда. Мазкур муаммо, ўз навбатида, дунё бўйича озиқ-овқат дастурини ҳал этиш масаласининг йилдан-йилга кескинлашиб боришига ҳам сабаб бўлмоқда.

Шунингдек, етиштирилган озиқ-овқат маҳсулотларининг бир кисми ҳам истеъмолгача бўлган жараёнда нобуд бўлиб бормоқда. Бунга барҳам бериш учун жуда катта ташкилий-иктисодий тадбирларни амалга оширишни талаб қиласди. Бу борада Биринчи Президентимиз ўз маъруzasida: “Озиқ-овқат маҳсулотларини “даладан дастурхонга” схемаси бўйича истеъмолчига етказиб беришда улкан йўқотишларга йўл қўйилмоқда. БМТнинг Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти маълумотларига кўра, ҳар йили дунё бўйича қарийб 1,3 миллиард тонна миқдоридаги салкам 1 триллион долларлик озиқ-овқат маҳсулотлари шу тарика бой берилади”<sup>21</sup>, – деб таъкидлаган эди. Кўриниб турибдики, мазкур йўқотишлар дунё миқёсида содир бўлмоқда. Шу туфайли, бунинг чорасини ҳар бир мамлакатда кўриш лозимлигини тақозо қиласди. Чунки унумдор ерларнинг тақчиллиги, унинг чекланганлиги қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштиришни чеклаётган бир пайтда, етиштирилган маҳсулотларни нобуд бўлишига йўл қўйиш кечирилмайдиган ҳолатдир.

Бу борада ўзимизда анъанавий усуllар билан бирга жуда кўп ноанъанавий усуllар ҳам жорий қилинмоқда ва самарали қўлланилмоқда. Бироқ шуни эътироф этиш керакки, маҳсулотни бир киши етиштиради, иккинчи киши уни тайёрлаш билан шугулланади. Яна бир субъект уни сақлаш билан шугулланса, тўртинчи киши сотиш билан шугулланади. Бу ерда кетма-кетлик узилади. Табиийки, бир тизим бўлмаган жойда маҳсулотларни сақлаш ва сотиш жараёнида кўзланган мақсадга тўлиқ эришиш кийин. Шу туфайли ҳозирги пайтда жаҳон амалиётида сақлашнинг совитгичларда амалга оширилишига алоҳида аҳамият берилмоқмоқда. Биз ўзимизнинг иқлим ва иқтисодий шароитимиздан келиб чиқиб, маҳсулотларни сақлашда “богдан дастурхонгача” усулидан фойдаланиши мақсадга мувофик, деган хуносага келдик.

<sup>21</sup> Унга жойда.

Бу усулнинг моҳияти нимада, деганда унинг таърифини келтириш мақсадга мувофиқдир. «Боғдан дастурхонгача» усули деганда, етиштирилган маҳсулот ҳосилни йиғиштириши пайтидан бошлаб сифати ва хавфсизлигини таъминлаган ҳолда сақлашдан тортиб якуний истеъмолчиға бўлган бутун жараённи тизимли равищда амалга ошириб, турли табиий ва механик йўқотишларни минимал даражага тушириш тушунилади. Бу куйидаги жараёнларни ўз ичига олади:

- ҳосилни йиғиштириш;
- саралаш ва қадоклаш;
- бир қисмини қайта ишлаш;
- транспортда ташиш;
- совитгичларга жойлаштириш;
- совитиш жараёни;
- транспортда ташиш;
- сотиш (чакана ва улгуржи савдо ҳамда бозорлар орқали).


Ушбу жараён давомида, яъни “боғдан дастурхонгача” усулининг барча босқичларига тўлиқ амал қилинса, етиштирилган тез бузиладиган маҳсулотнинг хавфсизлиги, ёқимли кўрининиши ва сифатининг сақланиб қолиши таъминланади.

Бунинг бир қанча афзалликлари мавжуд. Биринчидан, маҳсулот сифатининг тўлиқ сақланиши талабнинг ўсишини таъминласа, иккинчидан, маҳсулотнинг нобуд бўлишига йўл кўйилмайди, учинчи, энг муҳим жиҳат, аҳоли саломатлигини ҳимоялаш имконини яратиш билан бирга, мамлакат озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш имконини беради. Шу туфайли, “боғдан дастурхонгача” усули нафақат иқтисодий, балки муҳим ижтимоий аҳамиятга эга эканлигини ҳам кузатиш мумкин. Мамлакатимизда етиштирилаётган маҳсулотларни деярли барчасини шу усул билан аҳолига етказиладиган бўлса, бу масалада мамлакатимизда янги тежкамкор ва самарали тизим яратилганинг гувоҳи бўламиз.

Шуни эътироф этиш керакки, айрим мамлакатларда, хусусан ўзимизда ҳам, етиштирилган маҳсулотлар анъанавий тарзда уй хўжалигида сақланади. Бунинг ўзига яраша қулайликлари мавжуд. Биринчидан, уй хўжаликларининг совуқ омборларида сақланадиган озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талаб унинг нархи бир мунча арzonлиги туфайли, кўпроқ. Иккинчидан, уй хўжаликларининг оладиган даромадлари ўzlарида қолишидан ҳам уларнинг ўzlари

манфаатдор. Учинчидан, маҳсулотларни сотишнинг қулийлиги, янгилиги, мазаси ва бошқа хусусиятларга боғлиқ афзалийкларнинг мавжудлигидир.


Тадқиқотларимиз натижасида “боғдан дастурхонгача” усулини қўллашни тизимли равища таҳлил килиб, қуйидаги йўналишларнинг самарадорлигини ўргандик. Биринчиси, етиширилган маҳсулотни сакламасдан даладан сотиш усули. Бу қуйидаги расмда ўз аксиини топган (2.1-расм).



*2.1-расм. Етиширилган маҳсулотни сакламасдин, даладан сотиш усулининг кетма-кетлиги.*

Ушбу расмдан кўриниб турибдики, етиширилган маҳсулот сакланмасдан, бевосита даладан сотилган. Бу боғбонларга ҳам жуда кулий. Чунки ҳеч қандай ортиқча харажат ва қўшимча ташвиш йўқ. Аммо ўша пайтда маҳсулотнинг энг арzon пайти бўлади. Шу туфайли оладиган даромад ва фойда суммаси унчалик юқори бўлмайди.

Иккинчи усул, етиширилган маҳсулотни уйда, табий шароитда, анъанавий усулда саклаб сотиш. Бунинг бир-бири билан боғлиқлиги қуйидаги расмда келтирилган (2.2-расм).




*2.2-расм. Етиширилган маҳсулотни анъанавий усулда саклаб сотиш йўналишининг кетма-кетлиги.*

Ушбу расмдан кўриниб турибдики, етиширилган маҳсулотни анъанавий усулда саклаб сотиш йўналишининг кетма-кетлигига уй шароитида саклаш масаласи қўшимча “ташвиш” туғдириши тайин.

Шу билан бирга, даладан уй омборига олиб келиш, саралаш каби жараёнлар билан боғлиқ қўшимча харажатларга ҳам йўл қўйилади. Аммо вақт ўтиши билан сақланган маҳсулотларнинг қимматга сотилиши ҳам мумкин. Бу барча харажатларни қоплаб, қўшимча даромад олиш имконини беради. Аммо уни анъанавий усулда саклаш жараёнида бир мунча йўқотишларга сабаб бўлиши билан бирга маҳсулотнинг сифати ҳам бироз бузилади, товар кўриниши яхши бўлмайди ва ҳ.к.


Ушбу камчиликларни бартараф қилиш учун, етиштирилган маҳсулотларни совитгичларда сақлаб сотиш мақсадга мувофиқ. Чунки бу жаҳон амалиётида ҳам, ўзимизда ҳам кенг қўлланилиб келинмоқда. Бунинг кетма-кетлиги қўйидаги расмда келтирилган (2.3-расм).



*2.3-расм. Етиштирилган маҳсулотни маҳсус совитгичларда сақлаб сотини ўналишининг кетма-кетлиги.*

Ушбу расмдан кўриниб турибдики, маҳсулотларни совитгичларда сақлаш ўзига хос талабга жавоб беришни тақозо қиласди. Бунда асосий ўринни тегишли моддий-техника таъминоти билан таъминланиш даражаси ташкил қиласди. Шу туфайли бизда ҳам бу борада ҳали бажариладиган ишларимиз талайгина.

Яна бир жихат. Ҳозирги пайтда совитгич корхоналари эгалари етиштирилган маҳсулотни даладан сотиб олиб келиб, сақлаб, ўзлари сотмоқдалар. Булар фаолиятининг ҳам самарадорлигини ўргандик. Бу қўйидаги кетма-кетликда амалга оширилади (2.4-расм).



**2.4-расм. Етиштирилган маҳсулотни тадбиркор сотиб олиб, ўзининг маҳсусе совитгичларида саклаб сотиши йўналишининг кетма-кетлиги.**

Мазкур ҳолатда тадбиркор маҳсулотни етиштиришда умуман иштирок этмайди, аммо ҳосилни йигиштириш мавсуми вактида имкониятига яраша маҳсулотларни тайёрлаб, харид килиб, сотади. Бунда тадбиркор маҳсулотларни харид қилиб омборга олиб келгунча, саралаш ва саклаш жараённида бир қанча кўшимча харажатлар қиласди. Аммо нархнинг ўзгариши эвазига барча харажатлари копланиб, кўшимча фойда олишга муваффақ бўлади.

#### 2.1-жадвал

#### Маҳсулотларни саклаш усусларининг номлари ва мазмуни

T/p	Саклаш усусларининг номи	Саклаш усусларининг мазмуни
1.	Маҳсулотларни сакламасдан сотиш усули.	Кўп фермерлар маҳсулотларини йигиштирибօқ, сакламасдан сотишни афзал кўрадилар. Улар бирданига, ўша йигиштирган жойнинг ўзида сотиб юборадилар. Бу усул ортиқча ташвишсиз хал бўлғанлиги учун кулаги хисобланади.
2.	Маҳсулотларни анъанавий тарзда омборда саклаб сотиш усули.	Жуда кўп тадбиркорлар маҳсулотларини ўзларининг омборида анъанавий тарзда саклаб сотишни афзал биладилар. Бу усулда факат мослаштирилган бино бўлса, етарли. Бунда хам ташвиш камроқ, аммо нобудгарчилик кўпроқ бўлади.
3.	Маҳсулотларни маҳсус совитгичларда саклаш усули.	Хозирги пайтда жуда кўп тадбиркорлар ўз маҳсулотларини маҳсус совитгичларда саклаб, унинг нархи анча кимматлашгандан кейин сотадилар. Ушбу усул албатта кўшимча харажат ва эътиборни талаб қиласди.

Маҳсулотларни саклашнинг турли усувлари мавжуд. Биз улардан, тадқиқот учун, ҳозирги пайтда жуда кўп қўлланилаётган саклаб ва сақламасдан сотишнинг учта усулини танлаб олдик. Буларга қўйнагилар киради (2.1-жадвал).

Юкорида келтирилган усувларнинг қайси бири самарали эканлигини билиш учун, уларнинг нафақат иқтисодий самара-дорлигини баҳолаш, балки ижтимоий самарадорлигини баҳолаш масалаларини кўриб чиқиши ҳам тақозо этади. Чунки айрим жараёнлар, хусусан, маҳсулотларни етиштириш, саклаш ва сотиш фақатгина иқтисодий самара бериш билан чекланмайди, балки уларнинг ижтимоий, ҳатто сиёсий самарадорлиги ҳам ўта муҳим ва кучли бўлади. Зоро, уларга эришиш бир қанча ҳолатларни келтириб чиқариши мумкин:

- 1) маълум даражада мамлакатнинг озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашга хизмат киласди;
- 2) аҳолининг сифатли маҳсулотларга бўлган эҳтиёжини йил давомида узлуксиз қондириш имконини яратади;
- 3) мамлакат аҳолисининг ҳаёт даражаси ва сифатини ошириш имконини беради.

Маҳсулотларни саклаш самарадорлигини баҳолаш ва унга баҳо бериш учун, ушбу жараён билан боғлик ҳаражатлар турлари ва улар самарадорлигининг оширилиши, ушбу ўзгаришларга таъсири этувчи омилларни аниқлаш ва улар таъсирини ҳисоблаш йўлларини ҳам ўрганишни тақозо қиласди.

## **2.2. Маҳсулотларни саклаш хизматларини кўреатиш асосида табиий йўқотиш меъёрларини аниқлаш йўллари**

Маҳсулотларни саклаш ва сотиш хизматлари билан боғлик масалалар доимо долзарб бўлиб келмоқда. Олдинлари маҳсулотларни саклашнинг жуда оддий усувларидан, хусусан, айрим маҳсулотларни куритиш орқали сакланган бўлса, айримлари ерга кўмилган холда сакланган, бир қисм маҳсулотлар бевосита далада сакланган. Булар ҳам маҳсулотларни оз миқдорда саклаш учун катта имкониятлардан бири бўлиб келган. Кейинчалик ўралар ҳам такомиллаштирилиб, модернизация килинди, оддий тупрок ўрнига бетонлаштирилган, пишган гишталар териб килинган ўралар пайдо бўлди. Хуллас, барча жараёнлар сингари саклаш билан боғлик хизматлар ҳам такомиллаштирилди.

Жамият тараққиёти, фан ва техника ютуқларидан фойдаланиш жараёни, барча соҳалар сингари, ушбу соҳани ҳам ривожланишига сабаб бўлди. Махсулотларни саклашнинг бир қанча янги такомиллашган усуллари ишлаб чиқилди. Бу ҳақда олимларимиздан Р.Орипов, И.Сулайманов ва Э.Умурзоков<sup>22</sup>, Т.Э.Останакулов, В.И.Зуев ва О.Қ.Қодирхўжаев<sup>23</sup>, Т.Л.Турсунхўжаев<sup>24</sup>, Б.О.Ҳасанов, Р.О.Очилов, Р.А.Гулмуродов<sup>25</sup> кабиларнинг асарларида қайд этилган. Бунга қўйидагиларни киритиш мумкин:

- табиий ҳолда уюм шаклида ва хандакларда саклаш усуллари;
- кимёвий моддаларни ишлатиш йўли билан саклаш;
- табиий-биологик усул билан саклаш;
- муваққат омборларда саклаш;
- доимий маҳсус курилган омборларда саклаш;
- советгичларда саклаш;
- маҳсус газ мухитини бошқариб саклашга мўлжалланган омборларда саклаш.

Ҳозирги кунда маҳсулотларни саклаш билан боғлиқ хизматларни такомиллаштириш масалалари йилдан-йилга долзарб бўлиб бормоқда. Чунки озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашнинг асосий йўналишларидан бири мазкур хизматларни такомиллаштиришдан иборатдир.

Хизматлар тизимида мева ва сабзавотларни саклаш билан боғлиқ хизматлар муҳим аҳамиятга эга. Чунки етиштирилган маҳсулотларни йил давомида истеъмол қилинишини таъминлаш учун саклаш объектив зарурият бўлиб ҳисобланади. Мамлакатимизда мева ва сабзавотлар турли хил усулларда омборларда сакланади. Бу борада юкорида номлари зикр этилган мамлакатимиз олимлари<sup>26</sup> маҳсулотларни саклаш технологиясига оид тадқиқотлар

<sup>22</sup> Орипов Р., Сулайманов И.ва Умурзоков Э. Қишлоқ ҳўжалик маҳсулотларини саклаш ва қайта ишлаш технологияси. Дарслик. – Т.: “Мехнат”, 1991, 111-125 бетлар.

<sup>23</sup> Останакулов Т.Э., Зуев В.И., Қодирхўжаев О.Қ. Сабзувотчилик. Дарслик. – Т., 2009. 460 б.

<sup>24</sup> Турсунхўжаев Т.Л. Қишлоқ ҳўжалик маҳсулотларини саклаш ва қайта ишлап технологияси. Ўқув кўйланима. – Т.: Ўзбекистон ғурунчигар уюшмаси адабиёт жамгармаси нашириёти, 2004, 112 б.

<sup>25</sup> Б.О.Ҳасанов, Р.О.Очилов, Р.А.Гулмуродов Сабзувот, картошка ҳамда полиз эквилиарининг касалликлари ва уларга қарши кураш. – Т.: “Ворис” нашириёти, 2009, 244 б.

<sup>26</sup> Орипов Р., Сулайманов И.ва Умурзоков Э. Қишлоқ ҳўжалик маҳсулотларини спеклари ва қайта ишлап технологияси. Дарслик. – Т.: “Мехнат”, 1991, 296 б., Останакулов Т.Э., Зуев В.И., Қодирхўжаев О.Қ. Сабзувотчилик. Дарслик. – Т., 2009, 460 б. Турсунхўжаев Т.Л. Қишлоқ ҳўжалик маҳсулотларини саклаш ва қайта ишлап технологияси. Ўқув кўйланима. – Т.: Ўзбекистон ғурунчигар уюшмаси адабиёт жамгармаси нашириёти, 2004, 112 б., Б.О.Ҳасанов, Р.О.Очилов, Р.А.Гулмуродов Сабзувот, картошка ҳамда полиз эквилиарининг касалликлари ва уларга қарши кураш. – Т.: “Ворис” нашириёти, 2009, 244 б.

олиб боришган. Аммо ушбу масаланинг соф иқтисодий жиҳатлари, унинг самарадорлик масалалари дейрли тадқик килинмаган.

Олимлардан Р.Орипов, И.Сулейманов ва Э.Умурзоквларнинг эътироф этишича, “янги мева ва сабзавотлар, шунингдек, уруғликлар ҳамда картошка сақладиган иншоот ва бинолар мева-сабзавот омбори деб юритилади”<sup>27</sup>. Ушбу омборлар сақлаш муддатига қараб вақтинча ва доимий бўлади. Вақтинча омборларга маҳсус жиҳозланмаган, аммо сақлашга мослаштирилган уюм, хандак, ўра ва бошқа усулларда сақлаш киради. Доимий омборлар маҳсус жиҳозланган ва омбор учун мўлжалланган бир қаватли бино шаклида ёки ердан 1,5-2,5 метр чуқурроқ қилиб, ўра шаклида бетондан ёки гишидан қурилади. Сақлашнинг турига қараб, омборларнинг ҳам турли гуруҳлари мавжуд. Мева-сабзавот омборлари, маҳсулотни сақлаш усулларига қараб, қуйидаги гуруҳларга бўлиниши эътироф этилган:

1. Табиий усулда шамоллатиладиган омборлар.
2. Вентилятор ёрдамида ташқи ҳаво билан совитиладиган омборлар.
3. Сунъий усулда совитиладиган совитгичлар.
4. Атмосфераси бошқариб туриладиган совитгичлар.
5. Музхона ва музли омборлар<sup>28</sup>.

Маълумки, полиз экинларини (картошка, сабзи, шолғом, тури ва бошқалар) сақлаш анъанавий тарзда, асосан табиий усулларда шамоллатиладиган омборларда сакланади. Бундай омборлар ҳар бир оиласда бўлиб, уларда сабзавотларни сақлаш энг арzon, қўшимча маблағ ва ортиқча қурилиш материалларини талаб қилмайди. Бу турда сақлашнинг афзаликларидан яна бири шундаки, сақловчи сақлашни ўз оиласида, ўзига мақбул, қулай жойда хандақ ва ўрани жойлаштириш билан бирга, оила эҳтиёжига мос ҳажмда амалга ошириш имконияти бўлади.

Аммо шуни ҳам эътироф этиш керакки, тадқиқотларимиз давомида маълум бўлишича, ушбу анъанавий усулда сақлаш ўзининг салбий томонларига ҳам эга экан. Бунда сақланадиган маҳсулотларда содир бўлаётган биологик ўзгаришларни аниклани ва назорат қилиш анча қийин кечади. Чунки оиласарда бундай ўзгаришларни амалга оширадиган лабораториялар йўқ ёки уларни

<sup>27</sup> Орипов Р., Сулейманов И.ва Умурзоков Э. Кишлок хўжалик маҳсулотларини сақлаш ва қайта ишлаш технологияси. Дарслик. -- Т.: “Мехнат”, 1991, 111-б.

<sup>28</sup> Узи жойда. -- 111-б.

назорат қилиб борадиган асбоблар ҳам оммавий тарзда сотилмаяпти. Боз устига жуда күп биологик ўзгаришлар ҳамда обуздо шароитига боғлиқ. Шу сабабли маҳсулотларнинг анча күп кисми нобуд бўлади. Демак, ҳар бир маҳсулотнинг нобуд булиши ёки сифатли сақланиши сақлаш технологиясига боғлиқдир.

Мамлакатимизда энг күп истеъмол қилинадиган маҳсулотлардан бири картошка ҳисобланади. Ушбу маҳсулотнинг ўзига хос хусусиятларидан бири, у бошқа кўргина сабзавотларга қараганда сақлашга чидамлилиги билан ажралиб туради. Шунга қарамасдан, уни сақлашда кўп нобудгарчиликларга йўл кўйилади. Олимларнинг тадқиқот натижаларига назар ташлайдиган бўлсак, Р.Орипов, И.Сулойманов ва Э.Умурзоқовлар ўзларининг дарслигида А.Рустамовнинг маълумотини келтирадилар. Унда картошканинг омборда сақланиши пайтида нобуд бўлишлик даражаси кўйидагича (2.2-жадвал).

## 2.2-жадвал

### Анъанавий омборда сақлаш усулида картошканинг нобуд бўлишлик даражаси<sup>29</sup>, %

Сақлаш усули	Табиий кама-йиши	Чиригани	Ўсиб кетгани	Жами нобуд бўлгани
Табиий равишда шамоллатиладиган чала чукур омбор	7,2	10,9	1,1	19,2
Актив вентиляция кўлланиладиган чала чукур омбор	6,9	2,9	0,5	10,3
Сун’ий совитладиган омбор	3,4	0,9	0,0	4,3
Замонавий совитгичларда (6 ой, октябрь-март ойлари давомида) <sup>30</sup>	4,3	0,7	0,0	5,0

Мазкур жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, картошкани сақлашнинг турли усусларида сақлаш самарадорлиги турлича. Табиий равишда шамоллатиладиган чала чукур омборда сақлаш натижасида нобудгарчилик 19,2 %ни ташкил қилас экан.

<sup>29</sup> Орипов Р., Сулойманов И.ва Умурзоқов Э. Кишлоқ хўжалик маҳсулотларини сақлаш ва кайта ишлаш технологияси. Дарслик. – Т.: “Мехнат”, 1991, 160-б.

<sup>30</sup> 2010-2015 йиллар давомида биз ўтказган тадқиқот нафюкалари.

Актив вентиляция қўлланиладиган чала чукур омборда сақланса, картошканинг нобудгарчилиги биринчи усулга нисбатан қарийб икки баробар кам, яъни 10,3 %ни ташкил қиласди, холос. Сунъий совитиладиган омборда сақланганда, картошканинг умумий нобудгарчилиги атиги 4,3 %ни ташкил қиласди. Ушбу усулнинг биринчи усулга нисбатан самараадорлиги қарийб 4,5 мартаға тенг. Кўриниб турибдики, сақлаш технологиясини такомиллаштириш, замонавий музлатгичларда сақлашни таъминлаш катта иқтисодий самара келтиради ва нобудгарчиликни кескин камайтиради. Шу туфайли, ҳозирги пайтда деярли барча маҳсулотлар маҳсус совитгичларда сақланиши ташкил қилинмоқда. Кўплаб замонавий омборлар курилмоқда.

Картошканинг пишганлиги палаги сарғайиб, тугунақларнинг пўсти қалинлашиб, сидирилмайдиган бўлиб қолганлиги билан белгиланади. У пишгандан кейингина қазиб олинса, сакланиши яхши бўлади. Қазиб олинган картошка одатда, хаво очик кунлари офтобда 2-3 соат, ёмғирли кунларда эса айвон ёки омборда 2-3 кун куритилади. Бунда картошкани ҳаддан ташқари куритиб, сувини кочириб, сўлитиб юбормаслик лозим. Ҳосилни йиғиштириш вактида совуқ тушса, унда картошка бир неча кун иситилган бинода навланиб, кейин сараланади. Картошкани музлатмаслик чорасини кўриш лозим. У музласа, асл ҳолига келмайдиган маҳсулот. Шунинг учун уни кавлаш ва сақлаш жараёнида жуда эҳтиёткорликни талаб қиласди.

Омборга сақлаш учун келтирилган картошка тоза, соғлом шикастланмаган ва қурук, шу билан бирга, етилиш даражасига қараб саралангандан бўлиши талаб қилинади. Саралаш пайтида шикастланган картошкани ажратиб олиш лозим. Чунки бундай картошкани узок муддат сифатини асрарсан ҳолда сақлаб бўлмайди. Тозаланимаган картошканинг нафас олиши анча қийинлашади. Шу туфайли, имкон қадар, картошкани ювмасдан тоза ҳолда сақлашга киритиш лозим. Айрим ҳолларда ёғингарчилик пайтида терилган картошкада лойи қолиши мумкин. Албатта, уларни куритиб, лойидан тозалашга тўғри келади.

Мутахассисларнинг эътироф этишларича, сақлаш вактида картошкада кечадиган жараёнларнинг жадаллигига қараб, уни уч даврга бўлиш мумкин<sup>31</sup>.

<sup>31</sup> Орипов Р., Сулайманов И.ва Умурзоков Э. Кишлок хўжалик маҳсулотларини сақлаш ва қайта ишлаш технологияси. Даролик. - Т.: "Мехнат", 1991, 158-159-бетлар.

Биринчи давр – йигиширилгандан кейинги ёки даволаш даври деб юритилади. Бу даврда омборхона шамоллатиб турилиши, ҳарорати 15-18°C дан ошмаслиги лозим. Ушбу жараён 10-15 сутка давом этади, бу даврда картошканинг шикастлари ва жароҳатланган қисмлари даволанади.

Иккинчи давр – совитиш даври дейилади, бунда омбордаги ҳарорат 4-5°C гача пасайтирилади. Ушбу боскичда картошкада биологик жараёнлар сусаяди ва картошканинг чириши даражаси пасаяди. Бу давр 20 кундан 40 кунгача давом этади.

Учинчи давр – киш ва баҳор ойларига тўғри келади, бу давр асосий давр ҳисобланади. Бунда картошка физиологик тиним даврини ўтайди. Бу даврда ҳавонинг ҳарорати паст даражада бўлиши картошканинг ўсиб кетишидан саклайди, бунда омборнинг ҳарорати 2-4°C бўлса, мақсадга мувофиқ бўлади. Картошка қоронги жойда яхши сакланади, шунинг учун саклаш жараёнида омборхона, музлатгич камераларида камроқ ёруғликдан фойдаланиш тавсия этилади<sup>32</sup>.

Сабзавотлар ичиде пиёз ҳам истеъмол даражаси бўйича алоҳида ўрин эгаллайди. Чунки пиёзнинг таркибида инсон организми учун зарур бўлган углеводлар, минерал тузлар, С витамини ҳамда турли хил эфир моддалари мавжуд.

Одатда баҳорда ва кеч кузда экилган пиёзлар сентябрда, августда экилганлари эса, келгуси йил июль ойларида йигиб-териб олинади.

Ўзбекистон шароитида йигиширилган пиёз далада бир неча кун ёйиб қўйиб қутилилади. Қутиш учун пиёзлар тозаланган жойга 30-40 см қалинликда жойланади. Қутиш 15-20 кун давом этади. Бунда ҳар 2-3 кунда улар оҳиста ағдарилади. Ағдариш вақтида пиёз пўстини тўқмасликка ҳаракат қилиш лозим. Пиёзнинг яна бир хусусияти, у ҳаво ҳароратининг паст бўлишига жуда бардошли маҳсулот ҳисобланади. Пиёзни ҳаво ҳарорати -3° градус бўлганда ҳам саклаш мумкин.

Пиёзнинг яна бир хусусияти шундан иборатки, у яхлаб қолганда ҳам товарлик ва унувчанлик хусусиятларини йўқотмайди. Пиёз ўта фойдали маҳсулот сифатида маҳсус хоналарда стеллажларда, 20-40 см қалинликда ёйилган ҳолда ёки сиғими 10-15 кг яшикларга, ёки контейнерларга солинган ҳолда сакланади.

<sup>32</sup> Орипов Р., Судойманов И.ва Умурзоков Э. Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини саклаш ва кайта ишлаш технологиси. Дарслик. – Т.: “Мехнат”, 1991, 159-б.

Одатда пиёз солинган яшиклар 10-12 қатор қилиб терилади, улар орасида 5-10 см, тахлар орасида эса ярим метрча масофа қолдирилади. Сунъий совитиладиган омборларда пиёз сиғими 200-300 кг ли контейнерларда сақланади. Катта яшикларда ва қопларда пиёз яхши сақланмайди, уларни вақти-вақти билан саралаш хам кийинлашади.

Совитилмайдиган сабзавот омборларида пиёзни сақлаш бир мунча ортиқча камайишга олиб келади. Бундай омборларда сақлаш даври октябрдан-апрелгача давом этади. Шу оралиқда унинг вазни камайиши рўй беради. Олимлар тадқиқотларининг кўрсатишича, вазни 7-10% гача чириши ва ўсиб, кўкариб кетиши эвазига 3-4% дан 20% гача нобуд бўлади<sup>33</sup>.

Сақлашнинг энг самарали усулларидаи бири, пиёзни сунъий усулда совитиладиган омборларда сақлашадир. Бундай ҳолда уларнинг чириши ва ўсиб кетиши ҳоллари бўлмайди, табиий йўқолиши ва моддаларнинг парчаланиши кескин камаяди. Пиёзни ўсиб кетишига қарши омборларда олтингугурт дудлаш тавсия этилади ва шу сингари дорилаш усууллари сақланган маҳсулотнинг кийматига нисбатан анча кам. Шу туфайли, сабзавотларнинг бошка турлари сингари пиёзни хам сунъий усулда совитиладиган омборларда сақлаш тавсия килинади.

Куйидаги жадвалда пиёзни камайиш меъёрлари ва ҳақиқий ҳолатининг қиёсий тахлили келтирилмоқда (2.3-жадвал).

### 2.3-жадвал

#### Пиёзни камайиш меъёрлари<sup>34</sup> ва ҳақиқий камайишининг қиёсий тахлили<sup>35</sup> (натурал ҳажмига нисбатан %да)

ОЙЛАР	Пиёз		ОЙЛАР	Пиёз	
	Меъёрда	Ҳақиқатда		Меъёрда	Ҳақиқатда
Январь	0,7	1,30	Июль	-	-
Февраль	0,7	1,32	Август	3,0	-
Март	1,5	2,02	Сентябрь	2,0	-
Апрель	1,9	-	Октябрь	1,5	3,52
Май	2,4	-	Ноябрь	1,3	2,28
Июнь	-	-	Декабрь	0,7	1,78
Йил мобайнида, жами				15,7	12,2

<sup>33</sup> Ушбу жойда. – 171-бет.

<sup>34</sup> Маълумотлар юқорида номи келтирилган дарсликдан олинди. Қаранг: Орипов Р., Сулойманов И. ва Умурзаков Э. Қишлоқ ҳужалик маҳсулотларини сақлаш ва кайта ишлаш технологияси. Дарслик. – Т.: “Мехнат”, 1991, 172-б.

<sup>35</sup> Бешта омбор («Bahrain Golden Apple», “Ултурсавдоинвест” тархидаги Ноҳид МЧЖ, “Насимов Комил Қодиржонович” номли XК ва б.к) маълумотлари асосида муаллифнинг ҳисоб-китоби.

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, пиёз айни сақлашга киритилган ва нисбатан иссиқ ойларда (май, август, сентябрь) табиий камайиш даражаси баланд, яъни меъёр бўйича 2,4-3,0 %ни ташкил қиласи. Энг паст камайиш январь, февраль ва декабрь ойларига тўғри келади. Шу даврда ўртача камайиш меъёр бўйича 0,7 %ни ташкил қиласи. Бу пайтда пиёз табиий совук шароитда ўз намлигини ва сифатини сақлаб туради. Шу туфайли бу ойлар сақлаш учун жуда қулай пайт эканлигини кўрамиз.

Бошқа қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари сингари пиёзни сақлашда ҳам “боғдан дастурхонгача” ва “совук занжир” усулларидан фойдаланилса, табиий камайиш даражаси кескин қисқаради. Бу ўз навбатида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш, ташиш ва сақлаш жараёнларининг барча босқичларида самарадорликни ошишига олиб келади. Муҳими, етиштирилган маҳсулотларнинг сақланиб қолишини таъминлади.

Маълумки, мамлакатимизда фаолият юритаётган совитгич корхоналарида ва омборларда сақланадиган маҳсулотлар таркибида олманинг ҳиссаси катта. Чунки бу меванинг мамлакатимизнинг географик ҳудудига мос ва ҳар бир ҳудуд иклимига кўнига оладиган синалган навлари экиласи. Ҳозирги пайтда ҳам яратилаётган интенсив боғларнинг аксарият қисми олма дарахтига тўғри келмоқда. Олмада турли витаминлар, углеводлар, микроэлементлар каби инсон организми учун керакли моддалар кўп. Олманинг сақлашга чидамлилиги уни сақлаш жараённида пишиб етилиш хусусияти билан аникланади. Олма табиий ҳолда сақланилса, айрим навлари ноябрь-декабрь ойларида тўлиқ пишиб етиласи ва вақт ўтиши билан унинг сифати пасайиб боради. Агар улар совитгичларда сақланилса, айнан шу нави март-апрель ойларига қадар сифати ва вазнини йўқотмаган ҳолда сақланиши мумкинлиги тадқиқотларимиз натижасида ўз исботини топди.

Ўзимизда етиштирилаётган олмаларнинг эртапишар навлари киска муддатга, кечки навлари эса 7-8 ойгача сақланиши мумкин. Олмани сақлаш учун яшикларга жойлаштирилади. Бунда олма қофозларга ўралса, яхши сақланади. Аммо жуда йирик ҳажмда етиштирилган олманинг ҳаммасини қофозга қўлда ўраб чиқиш қийин. Олма ўрайдиган курилма ҳозирча ихтиро килинган эмас ва амалиётда ҳамон қўлланилмасдан келинмоқда. Олмани яшикларга жойлаштиришда уларнинг орасига қофоз ёки қиринди солинса ҳам бўлади. Олманинг совукка чидамли навлари (-1°) – (-2°) градус

хароратда сақланади. Бундай шароитда олманинг табиий камайиши жуда паст бўлади.

Таъкидлаш жоизки, олма дарахтининг пастки шоҳларидан йигилган мевалар ширинлик даражасида бироз пастроқ бўлса-да, яхши сақланади. Шу сабабли уларни алоҳида териб олиш ва сақлашга ҳам алоҳида жойлаштириш лозим бўлади.

Олманинг саклаш технологияси ҳам ўзига хос. Уни узилгандан сўнг 4-8 соат давомида кечиктирмасдан мева омборига олиб келиниши керак. Уларни сақлашда қайси нави сақланаётганлигига алоҳида аҳамият берилади. Ҳамма навига бир хил шароит билан бир хил натижага эришиб бўлмайди. Керакли ҳароратни танлашда, айнан олманинг навига қаралади. Бизнинг ҳудуд учун асосан 3-5° градус ҳарорат ўртача меъёр ҳисобланади. Олий ва биринчи навли олмалар узок муддатга (6-8 ойга), иккинчи ва учинчи навли олмалар 2-3 ой муддатга сақлашга кўйилади. Олма музлатгичларда капрон ящикларда ёки 250-300 килограммлик ёғоч контейнерларда сақланиши мақсадга мувофиқ.

Тадқиқот натижаларидан кўриниб турибдики, маҳсулотларни сақлашда, аҳоли дастурхонини ноз-неъматлар билан йил давомида узлуксиз таъминлашда, замонавий совитгичлардан фойдаланиш объектив заруриятга айланди. Зоро, йилнинг барча фаслларида аҳолини ушбу неъматлар билан таъминлаш учун, маҳсулотларни сақлашга бир хил шароит яратиб, уларни барра ҳолда истеъмол қилишга эришиш имкони яратилади.

Маълумки, совитгичларни куриш анчагина харажат ва материалларни талаб қиласи, лекин ушбу харажатлар тезда қопланади. Ушбу соҳанинг истиқболи ва республикамиз иқтисодий-ижтимоий ҳаётида тутган ўрни катталигини инобатга олиб, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси 2011 йил 7 апрелда “2011-2015 йиллар даврида мева-сабзавот маҳсулотларини сақлашнинг моддий-техника базасини ривожлантириш ва мустаҳкамлаш чоратадбирлари тўғрисида”ги 105-сонли қарори билан “Мева-сабзавот маҳсулотларини сақлаш учун янги совитгич камераларини куриш ва мавжудларини реконструкция қилиш бўйича 2011-2015 йилларга мўлжалланган прогноз кўрсаткичлари”ни (ВМ қарорига 1-илова) тасдиқланди. Шу йилдан бошлаб, мамлакатимизнинг барча ҳудудларида замонавий совитгичларни куришга киришилди. 2015 йилда унинг умумий ҳажми 120,8 минг тонналик қувватга эга бўлишилиги кўрсатилган эди. Бугунги кунда совитгичлар мамла-

катимиз миқёсида кўплаб қурилиб, деярли сақланиши лозим бўлган маҳсулотларнинг асосий қисмини сақлаш имкониятига эга бўлинди. Бунда Туркия, Жанубий Корея, Хитой ва бошқа давлат тадбиркорлари билан кўшма корхоналар ташкил қилинганлиги ҳам мазкур жараённинг тезлашиш имконини берди.

Маҳсулотларни сақлаш билан шугулланадиган корхоналарга давлат томонидан етарли даражада эътибор қаратилмоқда. Янгиларини қуришга, эскиларини реконструкция қилишга хорижий инвестицияларни жалб қилиш билан бирга, тегишли тарзда имтиёзли кредитлар ажратилмоқда. Максад – аҳолини узлуксиз мева ва сабзавот маҳсулотлари билан таъминлаш ҳамда маҳаллий маҳсулотларни хорижга экспорт қилишга қаратилгандир.

Одатда маҳсулотларни етишириш жараёни кўпи билан уч ойдан олти ойгача бўлган муддатни ўз ичига олади. Уларнинг сифатини бузмасдан сақлаш, ҳалқ дастурхонига етказиш учун тўккиз ойдан зиёд вақт кетади. Маҳсулотларни етишириш машакқатли меҳнат эвазига эришилади. Сақлаш жараёни эса унга нисбаттан кўпроқ меҳнат, сарф-харажат ва вақтни талаб қиласди. Бу соҳага етарли даражада эътибор берилишининг боиси ҳам шунда.

Бугунги кун заруратидан келиб чиқиб, мазкур ҳолатда фермер (дехқон) хўжаликларида 2010-2015 йиллар давомида олмани сақлаш бўйича турли усуллардан<sup>36</sup> фойдаланган ҳолда тажриба олиб борилди. Мазкур тажрибанинг натижаси аниқ маълумотлар асосида тўлиқ ҳисоб-китоб қилинди. Беш йиллик тажриба натижасида, етиширилган олма маҳсулотини совитгичларда сақлаб сотиш, йигиштирилган пайтда сақламасдан сотишга ва анъанавий усулларда сақлаб сотишга нисбатан анча самарали эканлиги исботланди. Уларни баҳолаш йўллари илк бор кўрсатиб берилди.

Маҳсулотларни сақлаб сотини самарадорлигини аниқлаш бўйича умумий кабул қилинган методологик ёндашувга таянилади. Аммо сақлаб сотиш хизматларининг ўзига хос хусусиятлари ҳали амалиётда қўлланилмаганлигини ва адабиётларда қараб чиқилмаганлигини инобатга олиб, мазкур ишда уларнинг хусусиятлари тўлиқ очиб берилди.

<sup>36</sup>Ҳозирги пайтда маҳсулотларни сақлаб сотишнинг жуда кўп усуслари маъкуд. Биз улардан жуда кўп кўлланиплаётган усувларни тадқиқ қилишимиз максадга мувоффик, деб топдик. Булар жумласига, биринчидан, етиширилган маҳсулотни сақлаб ўтирасдан бирданнага йигиштирилган пайтда сотиш, иккинчидан, анъанавий қадимдан қўлланалиб келипаётган оддий омборларда сақлаб сотиш ва учинчидан, маҳсус совитгичларда сотиш.

Самарадорликни ифодаловчи ҳамма кўрсаткичлар суръатида тайёрланган маҳсулот ҳажми (умумий тушум) келтирилади. Махражида эса, қайси категория ёки кўрсаткичининг самарадорлигини аниқлаш керак бўлса, ўша кўрсаткичининг микдори (суммаси ёки натурал ҳолдаги сони) келтирилади. Агарда уларнинг рентабеллигини аниқлаш лозим бўлса, бунда ҳам самарадорликни аниқлангани сингари бир хил ёндашувга амал қилинади. Барча ҳолларда суръатида соф фойда келтирилади ва махражида қайси кўрсаткичининг рентабеллигини аниқлаш лозим бўлса, шу кўрсаткичининг микдори олинади.

Юқоридаги объектив зарурат ва методологик асос маҳсулотларни сақлаш хизматлари самарадорлигини аниқлашни ҳам тақозо килади. Зеро, етиштирилган маҳсулотларнинг учдан бир кисми хозирги кунда бевосита турли усууллар кўлланган ҳолда сақланмоқда. Бунда сақлаш жараёнида фойдаланилаётган иншоотларнинг ва сақлаш усуулларининг турлари, сақлаш муддати каби омилларни ҳам инобатга олиш лозим бўлади. Чунки ушбу жараёнларга кетган харажатлар маҳсулотнинг таннархига қўшилади. Шу туфайли, хозирги шароитда маҳсулотларни сақлаш самарадорлигини хисоблаш усулини такомиллаштириш мақсадга мувофиқдир.

### **2.3. Мева-сабзавот маҳсулотларининг табиий йўқотиш меъёрлари ва уларни аниқлаш бўйича ўтказилган тажриба натижалари**

Маҳсулотларни истеъмолчиларга етказишнинг тўлақонли тизими шароитида мева-сабзавот маҳсулотларини сифатли сақлаш, сақлаш жараёнини рационал ташкил қилиш ва сарф-харажатларни оптималлаштириш кабиларни эътиборга олган ҳолда маҳсулотларни мавсумий сақлашда табиий йўқотиш нормативлари асосланди.

Мева-сабзавот, картошка ва полиз маҳсулотларини сифатли сақлаш, сақлаш жараёнини рационал ташкил қилиш ва сарф-харажатларни оптималлаштириш кабиларни эътиборга олган ҳолда маҳсулотлар, хусусан, олма, картошка ва пиёзни мавсумий сақлашда табиий йўқотиш нормативларини такомиллаштириш юзасидан мақсадли тадқиқотлар амалга оширилди.

Маҳсулотлар бўйича табиий йўқотиш нормативларини кўриб чиқишига комплекс ёндашилиб, бунда маҳсулотни қисқа ва узок муддат саклаш, саклаш обьектларининг табақалашуви (совитиладиган ва сунъий совитилмайдиган) омборларнинг ўзига хос хусусиятлари, маҳсулотни идиш ва идишсиз саклаш ҳолати, табиий йўқотиш нормативларига киритилмайдиган ҳолатлар (транзит амалиёти; далолатнома асосида ҳисобдан чиқариладиган маҳсулотлар), маҳсулотни саклаш муддати давомида табиий йўқотишни босқичма-босқич зътиборга олишни таъминлаш каби ҳолатларнинг фаолият самарадорлигига ижобий таъсири амалий жихатдан асосланди. Таъкидлаш керакки, табиий йўқотиш нормативларини кўриб чиқища рақобатбардошликка таъсир кўрсатувчи бир канча омилларга, жумладан, совитгичларнинг техник ҳолати ва уларнинг технологик даражаси, ресурс тежамкорлик омиллари атрофлича таҳлил қилинди. Шулар билан бир қаторда, тадқиқотда саклаш жараёнини рационал ташкил қилиш масаласи марказий масалалардан бири сифатида қаралди.

Мева-сабзавот, картошка, полиз маҳсулотлари ва узумни саклаш, харид қилиш, транспортировка ва сотиш жараённида табиий йўқотиш нормативлари юзасидан 2007-2015 йилларда ўтказилган тадқиқотлар натижасида табиий йўқотиш нормативлари олма бўйича 2,71%, картошка бўйича 5,0% ва пиёз бўйича 12,2% даражасида белгилаш асослаб берилди (2.5-жадвал).

Олма, картошка ва пиёз маҳсулотлари бўйича амалдаги йўқотиш меъёрларига нисбатан тадқиқотларимиз натижасида олинган маълумотларнинг фарқ қилиниши бевосита маҳсулотларни саклаш технологиясининг такомиллаштирилганлиги, олдинги асосан аммиакли совитгичлар ўрнига бугунги кунда аzonли ва фрионли совитгичлардан фойдаланилаётганлиги, янги навли олмалар учун катта сифимили ёғоч контейнерлар ўрнига пластмасса ва картон қоғозли кичик сифимили тараплар ишлатилаётганлиги, барча маҳсулотлар навларга сараланган ҳолда сакланнаётганлиги, олдинги анъанавий навларни янги навларга алмаштирилганлиги, репродуктив жараённи пиёз бўйича 10-14 мартадан 4-5 мартаға камайтирилганлиги, ёйма шаклида саклаш ўрнига тўр халталарда саклаш жорий қилинганлиги, очик омборларда саклашни табиий вентиляцияси мавжуд ёпиқ иншоотларда саклашнинг амалга оширилаётганлиги билан боғлиқлиги асосланди. Картошка бўйича йўқотиш меъёрларини кўирок белгилаш лозимлиги аниқланди.

Бунга картошка навларининг ўзгарганлиги, кўпгина навлар хориждан

2.4-жадвал

**Олма, картошка ва пиёзни мавсумий сақлашда табиий йўқотиш нормативлари тўғрисида маълумот<sup>37</sup>**

№	Махсулотни совитгичда сақлаш	Табиий йўқотиш нормативи (%)		Асословчи асосий ҳолатлар
		Так лиф	Амалда бўлган <sup>38</sup>	
1	Олма	2,71	5,21	Махсулотларни сақлаш технологияси такомиллаштирилди, хусусан, олдинги асосан аммиакли совитгичлар ўрнига буғунги кунда аzonли ва фрионли совитгичлардан фойдаланилмоқда; янги навли олмалар сараланган ҳолда сақланмоқда; катта сигимли ёғоч контейнерлар ўрнига пластмасса ва картон қоғозли кичик сигимли тараалар ишлатилиши тавсия қилинган.
2	Картошка	5,0	4,3	Сақланадиган навлар ўзгарди, кўпгина навлар хориждан тадбиркорлар томонидан олиб келинганилиги туфайли, 1 ва 2 репродукция бизнинг икlimга мослашгунга кадар уларда табиий йўқотишилар кўплиги, картошка навлининг иссиқ ҳароратга мослашиш билан боғлиқ эканлиги аниқланди.
3	Пиёз	12,2	15,7	Сақланадиган навлар такомиллаштирилди, хусусан, олдинги анъанавий навлар янги навларга алмаштирилди, репродуктив жараён 10-14 мартадан 4-

<sup>37</sup>Жадвал тадқиқотлар натижасида муаллиф томонидан тузилган.

<sup>38</sup>Триков Р., Судойматов И.ва Умурзоков Э. Қишлоқ хўжалик махсулотларини сақлаш ва қайта ишлат технологияси. Дарелик. – Т.: “Мехнат”, 1991, 160-б.

				5 марта камайтирилди, ёйма шаклида сақлаш ўрнига түр халталарда сақлаш жорий қилинди, очиқ омборларда сақлашни табиий вентиляцияси мавжуд ёпиқ иншооттарда сақлаш тавсия этилди.
--	--	--	--	--

олиб келинганилиги туфайли, 1 ва 2 репродукция бизнинг икlimга мослашгунга кадар уларда табиий йўқотишлар кўплиги, картошка навининг иссиқ ҳароратга ва қуруқ икlimга мослашгунча даврда табиий йўқотишларнинг юқори эканлиги аниқланди.

Тадқиқот жараёнида олма, картошка ва пиёзни сақлашда табиий йўқотишлар бўйича олинган илмий натижалар Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги хамда “Ўзбекозиқовқатхолдинг” холдинг компанияси акциядорлик жамияти фаолиятига меъёрий хужжатда фойдаланиш даражасида жорий қилинди.

Шунингдек, тадқиқотда маҳсулотларни совитгичда сақлаш билан бир қаторда, уларни аңъанавий усулда омборда сақлаш ва бевосита сақламасдан сотишдаги табиий йўқотишлар юзасидан ишлаб чиқилган таклифлар илмий ва амалий жиҳатдан асосланди (2.5-жадвал).

#### 2.5-жадвал

#### Маҳсулотларни сақлаш жараёнида аниқланган табиий йўқотишлар нормативи<sup>39</sup>

Т/ р	Сақлаш усуллари	Табиий йўқотиш микдори %		
		Олма	Кар- тошка	Пиёз
1.	Маҳсулотларни совитгичда сақлаш	2,71	5,00	12,2
2.	Маҳсулотларни омборда сақлаш	19,78	17,82	18,5
3.	Маҳсулотларни бевосита сақламасдан сотиш	1,22	0,53	0,24
4.	Маҳсулотларни совитгичда сақлаш натижасида сақланиб қолган ҳосил микдори, % (2к – 1к)	17,07	12,82	6,3

<sup>39</sup>Жадвал тадқиқотлар натижасида муаллиф томонидан тузилган.

Тадқиқот натижаларига кўра, табиий йўқотиш олмани анъанавий усулда омборда сақлашда 19,78% ва бевосита сакламасдан сотишида 1,22%ни ташкил этади. Мазкур кўрсаткич мос равишида картошка бўйича 17,82% ва 0,53%, пиёз бўйича 18,5% ва 0,24%ни ташкил этади. Мазкур маълумотлар тегишли тарзда табиий йўқотиш нормаларини такомиллаштиришда асос бўлиши мумкин. Маҳсулотларни истеъмолчиларга етказишида сақлаш ва сотиши билан боғлик хизматларнинг энг самаралиси фермер (дехкон)нинг етиштирган маҳсулотларини маҳсус совитгичларда саклаб сотиши усули эканлиги ва ушбу усулнинг иқтисодий-ижтимоий самардорлиги оддий усулларга нисбатан 1,6 дан 2,3 марта гача юқори эканлиги аниқланди.

Мева-сабзавот маҳсулотларини маҳсус совитгичларда мавсумий сақлашда ўртача табиий йўқотиш нормативларини такомиллаштириш бўйича таклифлар “Ўзбекозиқовқатхолдинг” холдинг компанияси тизимиға жорий қилинганлиги натижасида, олмани маҳсус совитгичда сақлаш жараёнида ҳар бир тонна маҳсулотдан анъанавий усулда саклаб сотишига нисбатан 17,07% (19,78 – 2,71) ҳосил сақланиб қолиш имконини беради. Бу картошка бўйича – 12,82%, пиёз бўйича – 6,3% эканлиги аниқланди. Мазкур холат фермернинг фойдасини 2,4 марта га, совитгич корхонаси фойдасини 1,3 марта га ва маҳсулот эгасининг фойдасини 1,5 марта га ошириш имконини яратади. Бу кўрсаткич картошка бўйича, мос равишида 2,3 марта, 1,7 марта, 1,9 марта ва пиёз бўйича 2,4 марта, 1,5 марта, 1,2 марта ташкил қиласди.

Тадқиқот натижасида маҳсулотларни маҳсус совитгичларда мавсумий сақлаш самарали эканлиги, ушбу ҳолатда улардаги чириш жараёнининг камайиши, намликтининг маълум меъёрда сакланиб турилиши эвазига омборда сақлашга нисбатан анча самарали эканлиги, етиштирилган ҳосилнинг анча қисмини саклаб қолиш, нархларни барқарор ушлаб туриш мумкин эканлиги асосланди. Бу сақлашга кўйиладиган маҳсулотларни фақат совитгичларда сақлаш самарали эканлигини кўрсатмоқда.

## **З-боб. МАҲСУЛОТЛАРНИ САҚЛАШ ВА СОТИШ ХИЗМАТЛАРИ САМАРАДОРЛИГИ, УЛАРНИНГ МАЗМУНИ, КЎРСАТКИЧЛАРИ, ТАСНИФИ, АНИҚЛАШ ЙЎЛЛАРИ ВА ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ**

### **3.1. Маҳсулотларни сақлаш ва сотиш хизматлари самарадорлигининг назарий масалалари**

Самарадорлик иқтисодий ўсишни таъминловчи ва ифодаловчи муҳим иқтисодий категориядир. Ҳар қандай жамиятнинг ривожланиши ёки жараённинг такомиллашуви самарадорликни ошириш эвазига эришилади.

Маҳсулотларни сақлаш ва сотиш хизматлари самарадорлигининг ўзига хос хусусиятларини назарий жиҳатдан тадқик қилиш учун, ушбу тушунчанинг умумий жиҳатларини қараб чикишини мақсадга мувофиқ, деб топдик. Чунки умумий тушунчаларни ва бошқа соҳалар самарадорлигини таҳлил килмасдан туриб, ушбу соҳа самарадорлигининг ўзига хос хусусиятларини очиб бериш бироз мураккаб ва тушунарсиз бўлади.

Самарадорликни назарий жиҳатдан таҳлил қилганда, унинг таърифига катта аҳамият берилади. Ҳозирги пайтда нашр қилинган кўпгина иқтисодий адабиётларда самарадорлик сўзи ва унинг амалий таҳлиллари кўп ишлатилади. Аммо бозор муносабатларига хос бўлган, унинг иқтисодий табиатини очиб берадиган таърифи етарли даражада ишлаб чиқилган эмас. Шу туфайли ушбу масалага алоҳида аҳамият бериш мақсадга мувофиқдир.

Ушбу сўзнинг маъносини қараб чиқиш учун унинг лугавий маъносини таҳлил қилиш лозимдир. Ўзбек тилининг 5 жилдлик изоҳли лугатида самара сўзига қуйидагича изоҳ берилган: ушбу сўз араб тилидан олинган бўлиб, “натижа, хосил, фойда”<sup>40</sup> тушунчаларини англатиши кўрсатиб ўтилган. Шу сўзга ўхшаш “самарадор” сўзи ҳам келтирилган. Ушбу сўзнинг маъноси “самарали, фойдали”<sup>41</sup> сўзлардан иборат бўлиб, “катта самара, фойда келтирадиган,

<sup>40</sup> Ўзбек тилининг изоҳли лугати: 80000 ортиқ сўз ва сўз биракмаси. Ж. Ц. /Таҳир хайъати: Т.Мирзасов (раҳбар) ва бошк.; ЎзР ФА Тил ва адабиёт ин-ти. – Т.: “Ўзбекистон миллӣй энциклопедияси” Даъват илмий национарӣ, 2006. 434 б.

<sup>41</sup> Ўша жойда. 434 б.

сермаҳсул; яхши натижа берадиган”<sup>42</sup>, деб изоҳ берилган. Худди шундай изоҳ “самарадорлик” сўзига ҳам келтирилган. Мазкур лугатда эътироф этилишича, ушбу сўзинг маъноси “самарали, фойдали бўлишлик; фойдалилик”<sup>43</sup> тушунчаларидан иборат. Булардан ҳам кўриниб турибдики, самарадорлик тушунчаси асосан нафлилик, фойдалилик ва натижавийлик каби тушунчаларни ифода этади. Ушбу сўзларнинг мазмунидан келиб чиқиб, унинг назарий жиҳатига эътиборни қаратамиз.

Хозирги пайтда хизмат кўрсатиш самарадорлигининг назарий ва амалий жиҳатлари билан мамлакатимизнинг бир гуруҳ олимлари шуғулланмоқдалар. Улар жумласига Б.А.Абдукаримов<sup>44</sup>, М.Қ.Пардаев, И.С.Очилов<sup>45</sup>, Қ.Ж.Мирзаев<sup>46</sup>, Ж.Р.Ураков<sup>47</sup>, Х.М.Маматкулов<sup>48</sup>, Ю.П.Уринбаева<sup>49</sup>, Э.С.Файзиев<sup>50</sup>, Д.Худайберганов, И.Р.Бердикулова<sup>51</sup> каби олимларни киритиш мумкин. Профессор К.Б.Уразов раҳбарлигидаги бир гуруҳ олимлар хизмат кўрсатиш соҳаси корхоналарида бухгалтерия хисоби ва аудитнинг долзарб муаммолари бўйича монографияни<sup>52</sup> зълон қилишди. Аммо мазкур олимлар асарларининг аксарият қисмида самарадорлик масалалари қараб чиқилиш баробарида, унинг таърифига кам аҳамият берилган.

Маълумки, ҳар қандай иктиносидий категориянинг, шу жумладан, самарадорлик тушунчасининг ҳам назарий масалалари қаралган пайтда, унинг таърифи ишлаб чиқилиши лозим. Сама-

<sup>42</sup> Ўша жойда. 434 б.

<sup>43</sup> Ўша жойда. 434 б.

<sup>44</sup> Абдукаримов Б.А. ва бошжалар. Корхона иктиносидёти. Дарслик. –Т.: “Fan va texnologiya”, 2007, 288 б., Абдукаримов Б.А. Ичиг савдо иктиносидёти. Дарслик 2-нашр.- Т.: “Иктисол-молия”, 2010, 384 б.

<sup>45</sup> Пардаев М.Қ., Очилов И.С. Хизмат кўрсатиш соҳаси корхоналарида самарадорникни ошириш ўйлари. Монография. – Т.: “Иктисол-молия” нашриёти, 2011, 10-18 б., Пардаев М.Қ., Мирзаев Қ.Ж., Пардаев О.М.. Хизматлар соҳаси иктиносидёти. Ўкув қўлланма. – Т.: “Иктисол-молия”, 2014, 384 б., Пардаев М.Қ. ва бошжалар. Хизмат кўрсатиш тармоклари иктиносидётининг айниқса муаммолари. Монография. – Т.: “Наврӯз” нашриёти, 2014, 264 б.

<sup>46</sup> Мирзаев Қ.Ж. Агросервис хизматлари самарадорлигини оширишнинг методологик масалалари. Монография. – Т.: “Иктисол-молия” нашриёти, 2010, 164 б. – 10,25 б.т., Мирзаев Қ.Ж. Агросервис иктиносидёти. Монография. – Т.: “Иктисол-молия” нашриёти, 2013, 212 б.; Пардаев М.Қ., Мирзаев Қ.Ж., Пардаев О.М.. Хизматлар соҳаси иктиносидёти. Ўкув қўлланма. – Т.: “Иктисол-молия”, 2014, 384 б.

<sup>47</sup> Ураков Ж.Р. Хизмат кўрсатиш корхоналари фаолияти самарадорлигини ошириш. Монография. – Т.: “Иктиносидёт” нашриёти, 2013, 127 б.

<sup>48</sup> Маматкулов Х.М. Хизмат кўрсатиш соҳасига оид атамалар ва иборалар изоҳли лугати. – Т.: “Иктисол-молия”, 2010, 398 б.

<sup>49</sup> Уринбаева Ю.П. Хизмат кўрсатиш соҳаси ва ахоли турмуш даражаси: ўзаро боғликлиги ва ривожланиши ишликларни. Менюграфия. – Т.: “Фан” нашриёти, 2013.

<sup>50</sup> Файзиев Э.С. Сервис тизими фасоноти асослари. Ўкув қўлланма. – Самарканд, 2010, 172 б.

<sup>51</sup> Худайберганов Д., Бердикулова И. Товарлар ва хизматлар бозори самарадорлигини ошириш масалалари. – Самарканд: СамИСИ, 2011, 116 б.

<sup>52</sup> Уразов К.Б., Худайбердиев Н.У. ва бошжалар. Хизмат кўрсатиш соҳаси корхоналарида бухгалтерия хисоби ва аудитнинг долзарб муаммолари. Монография. – Т.: “Иктиносидёт” нашриёти, 2012, 260 б.

радорлик тушунчасининг таърифини ишлаб чиқишида шуни иnobатга олиш жоизки, ушбу тушунча иқтисодиётнинг барча бўғинларига ва тармокларига даҳлдор бўлсин. Чунки бошқа тармок ва соҳалар ҳам шуни назарий асос қилиб олиши лозимдир. Буларни инобатга олиб, самараадорлик тушунчаси бўйича турли олимларнинг қарашларига тўхталиб ўтирмасдан, ўзимизнинг куйидагича таҳрирдаги таърифни беришни тавсия қиласиз.

Самараадорлик деганда, мулк шаклидан қатъий назар, барча мавжуд ресурсларнинг самарали фойдаланиш ва харажатларнинг текамкорлигини таъминлаш эвазига натижавийлигини ошириб, жамият, давлат, мулкдор, корхона, иш кучи соҳиби каби субъектларнинг манфаатлари муштараклигини таъминлашга қаратилган улар ўртасидаги иқтисодий муносабатлар мажмуюи тушунилади. Ушбу таърифнинг мазмунини куйидагича изоҳлаш ва назарий жиҳатдан асослаш мумкин:

Биринчидан, самараадорликдан хўжалик юритувчи субъектларнинг, мулк шаклидан қатъий назар, ишлатаётган ресурси ёки харажати энг аввало мулкдорнинг (инвесторнинг) манфаатини таъминлаши лозим бўлади. У кўйган инвестицияси учун маълум даражада фойда олишини тақозо қиласи. Шу билан унинг манфаати таъминланади. Демак, энг аввало мулкдорнинг, инвесторнинг манфаатига хизмат қилиши лозим экан.

Иккинчидан, самараадорликдан шу инвестор ташкил қилган корхона ва унинг меҳнат жамоаси ҳам манфаатдор бўлиши керак. Корхона ўзи ишлаб топган фойдаси эвазига ўзини ушлаб туриши ва ривожланиши учун имконияти етарли бўлиши лозим. Шундагина корхонанинг фойда олиб самарали ишлаши, унинг манфаатига ҳам мос бўлади.

Учинчидан, ҳар бир иш кучи соҳиби, яъни ходим самараадорликнинг ошишидан манфаатдор бўлиши керак. Чунки у текинга ишламайди. Қилинган меҳнати учун у маълум даражада меҳнат ҳақи ва бошқа рағбатлантириш маблағларини олиб, ўзининг ва оиласининг яшашини таъминлаши лозим. Қанча кўп ишласа, шунча кўп манфаатдорлик таъминланса, яъни кўп иш ҳақи олса, у ўз иш услугини такомиллаштириб бораверади. Шу йўл билан унинг ҳам манфаати қондирилади, корхонанинг ривожланиши таъминланади.

Тўртинчидан, ушбу фаолият натижасининг самараадорлигида жамият ҳам манфаатдордир. Масалан, шу фаолият кўрсатиб турган

корхона бозорга тегишли маҳсулотларини (иш ёки хизматларини) чиқариш эвазига бозорнинг тўкинлигини таъминлаш ва аҳолининг бир қисмини иш билан банд қилиш орқали жамиятнинг манфаатига ҳам хизмат килади. Шу туфайли жамият ҳар бир фаолият кўрсатиб турган хўжалик юритувчи субъектлардан ва уларнинг самарави фаолият кўрсатишидан манфаатдор. Корхона ўз фаолияти давомида ушбу манфаатдорликни ҳам қондирив бориши лозим.

Бешинчидан, ҳар бир хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятидан, мулк шаклидан қатъий назар, давлат ҳам манфаатдор. Чунки ҳар бир хўжалик юритувчи субъект ўзининг фаолияти натижасидан давлатга солик ва бошқа мажбурий тўловларни амалга оширади. Шу орқали давлатнинг ҳам манфаатдорлиги таъминланади. Шуларни ҳаммасининг манфаатдорлигини таъминлаш учун эса, ҳар бир фаолият кўрсатиб турган хўжалик юритувчи субъект юкори самарадорликка эришиши лозим бўлади.

Олтинчидан, барча манфаатдор субъектлар ўз манфаатлари учун интилиш жараёнида улар ўргасида иқтисодий муносабатлар вужудга келади. Бу муносабатлар бир канча қонуилар ва қонуни ости ҳужжатлари билан тартибга солинади. Шу туфайли иқтисодий муносабатлар мажмуи самарадорлик тушунчасининг табиатини очишга хизмат килади.

Ниҳоят, еттинчидан, ушбу таъриф иқтисодиётнинг барча бўғинларига ва тармоқларига даҳлдордир. Чунки барча ҳолатда хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятидан юкоридаги барча субъектларнинг манфаатдорлиги таъминланади. Шу туфайли ушбу таъриф бошқа тармоқ ва соҳалар учун ҳам назарий асос бўлиб хизмат килади.

Шу ўринда самарадорлик мезони ҳақида ҳам айрим фикрларни айтиш жоиз. Чунки ҳар қандай категория ва тушунчани маълум кўрсаткичлар билан ифодаламасдан туриб, унинг ҳолатига таҳлилий баҳо бериб бўлмайди. Бунинг учун эса, унинг таърифини ва мезонини ишлаб чиқишиңи тақозо қиласи. Аммо иқтисодий адабиётларда самарадорлик мезони ҳақида фикрлар кам ёритилган.

Мазкур тушунчани тўлиқ ва тўғри англаш учун мезон сўзининг маъносига аниқлик киритишдан бошлаймиз. Юкорида таъкидланган Ўзбек тилининг изохли луғатида “мезон” сўзига кўйидагича изоҳ берилган: ушбу сўз ҳам араб тилидан олинган

бўлиб “ўлчов, тарози; мувозанат, одиллик”<sup>53</sup> маъноларини англатади. Бунга б та изоҳ бериляган. Улардан иккитаси иқтисодиётга оид бўлиб, улар қуидагилардан иборат: 1. Тарози, ўлчов. 2. Таккослаш ёки баҳолаш учун ўлчов, андоза<sup>54</sup>. Энди юқоридаги икки сўздан иборат бўлган “самарадорлик мезони” сўз биримасига изоҳ бериш мумкин. “Самарадорлик мезони” дейилганда, фойдалилик ўлчови, натижавийлик ўлчови каби ўлчов билан боғлик маънолар келиб чиқади. Ушбу мазмундан келиб чиқиб, “самарадорлик мезони” категориясининг таърифини қуидагича бериш мумкин.

Самарадорлик мезони деганда, эришилган натижанинг, унга эришиш учун фойдаланилган ресурслар ёки қилинган харажатларга нисбати билан ўлчанадиган кўрсаткич тушунилади. Мезон ўлчов экан, демак у маълум ва аниқ кўрсаткичлар билан ифодаланади. Шу ўринда самарадорлик кўрсаткичлари тушунчасини самарадорлик мезонидан фарқламоқ лозим.

Мезонга ўлчанадиган нарсанинг мақсадидан келиб чиқиб ёндашилади, бу унинг йўналишини аниқлаб беради. Кўрсаткич аниқ миқдорини кўрсатиш орқали уни англаш учун хизмат қилади. Масалан, корхонада банд ходимлар меҳнатининг самарадорлиги мезони меҳнатнинг натижавийлигини ифодалашга қаратилган бўлса, у бир қанча кўрсаткичлар билан аникланиши мумкин. Ушбу категорянинг кўрсаткичларидан бири меҳнат унумдорлигининг аниқ миқдори билан ифодаланади. Мезонни тўлиқ қамраб олиш учун меҳнат самарадорлигини баҳолашда битта кўрсаткич камлик қилиши ҳам мумкин. Чунки ушбу кўрсаткичда меҳнат харажатларининг самарадорлиги ўз ифодасини топмаган. Буни ифодалаш учун меҳнатга тўланган харажатларнинг натижавийлигини ҳисоблашни тақозо қилади. Демак, улар бир-бирини тўлдириб борадиган тушунчалар сифатида бир-бири билан узвий боғлик бўлса-да, бир-биридан мазмун жихатидан маълум даражада фарқ қиласди. Бу қуидаги жадвалда ўз аксини топган (3.1-жадвал).

<sup>53</sup> Ўзбек тилининг изоҳли лугати: 80000 ортиқ сўз ва сўз биримаси. Ж. П. Гахрир ҳайъати: Т. Мирзаев (роязбар) ва бошк.: ЎзФА Тил ва адабиёт ин-ти. – Т. “Ўзбекистон миллӣ энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2006. 578 б.

<sup>54</sup> Ўша жойда, 578 б.

**Самарадорлик мезони ва самарадорлик кўрсаткичларининг  
ўзига хос жиҳатлари ва мос равишда улар ўртасидаги  
фарклар<sup>55</sup>**

Самарадорлик мезони	Самарадорлик кўрсаткичи
Иқтисодий категория.	Иқтисодий кўрсаткич.
Назарий ифода.	Аниқ амалий ифода.
Йўналишни ифодалайди.	Нисбий микдорда ўлчанади.
Иқтисодиётнинг барча соҳасига тегишли.	Иқтисодиётнинг айрим соҳаси ва жараёнларига тегишли бўлиб, аниқ холатни ифодалайди.
Ҳаммасига даҳлдор битта йўналишни ифодалайди.	Индивидуал ёки тизимли холатни ифодалайди.
Пировард мақсадни ифодалайди.	Мақсад натижаси ва омилларни ифодалайди.

Энди кўрсаткичлар, шу жумладан, самарадорлик кўрсаткичларининг мазмунини қараб чиқамиз. Шуни эътироф этиш керакки, иқтисодий кўрсаткичлар, унинг таркибий қисми бўлган самарадорликни ифодаловчи кўрсаткичлардан иқтисодий адабиётларда ва амалиётда кенг фойдаланилаётганлигига қарамасдан, уларнинг тушунчаси ва таърифи ҳакидаги назарий масалалар иқтисодий адабиёларда етарли даражада ёритилмаган. Шу билан бирга, уларнинг вазифалари ва функциялари ҳам назарий жиҳатдан кам ўрганилган. Бу эса иқтисодий адабиётларда, хусусан, хизмат кўрсатиш тармоқлари иқтисодиётига оид адабиётларда ҳам кўрсаткичлардан кўр-кўrona фойдаланишга, уларни илмий жиҳатдан асосланмаган ҳолда кўllaшга олиб келмоқда. Натижада айрим иқтисодий жараёнлар тегишли кўрсаткичларда ўз ифодасини етарли даражада тўлиқ топмасдан қолмоқда.

Буларни инобатга олиб, иқтисодий кўрсаткичлар тўғрисидаги тадқиқотни кўрсаткичнинг тушунчасини ва таърифини аниқлашдан бошлаш лозим, деб топдик. Бу борада олимлар ўртасидаги мунозаралар ҳам мавжуд. Уларга тўлик тўхталиб ўтиrmасдан, узоқ йиллар давомида қилинган кузатувлар ва тажрибаларга таянган ҳолда, М.Қ.Пардаев томонидан ишлаб чиқилган қуйидаги таърифни келтириш мақсадга мувофиқdir. “Иқтисодий кўрсаткичлар

<sup>55</sup> Материал жадвал муаллиф гемонидан тадқиқотлар асосида тузилди.

деганда, иқтисодий жараёнлар, ҳодисалар ва уларнинг натижасини миқдор ва сифат жиҳатидан ифодалайдиган номи ва ўлчамларига эга бўлган бирликлар тушунилади”<sup>56</sup> дейилган. Ушбу таърифни такомиллаштирган ҳолда, иқтисодий кўрсаткичга бугунги кун нуқтаи назаридан келиб чиқиб, қўйидаги таърифни беришни лозим топдик. **Иқтисодий кўрсаткич деганда, жамиятда ва үнинг ҳар бир бўғинида (хўжалик юритувчи субъектида) содир бўлган, бўлаётган ва бўладиган ижтимоий-иктисодий жараёнларни рақамларда ифода этувчи маълум категориянинг номи билан аталувчи тушунчага айтилади.**

Иктиносидий кўрсаткичлар, ҳозирги иқтисодиётни эркинлашириш, модернизациялаш ва диверсификациялаш шароитида бир қаинча функцияларни бажаради. Булар қўйидагилардан иборат: билдириш, бошқариш, назорат қилиш, рағбатлантириш, тарбиялаш. Ушбу масалалар алоҳида тадқиқотни талаб қилганилиги туфайли, бу ерда факат уларни эслаш кифоя, деган хуносага келинди.


Энди юқоридаги назарий хуносаларга таянган ҳолда, самарадорлик кўрсаткичларига ҳам таъриф бериш мумкин. Бу масала ҳам иқтисодий адабиётларда кам ёритилган. Буларни инобатга олиб, самарадорлик кўрсаткичига қўйидагича таъриф бериш мумкин. **Самарадорлик кўрсаткичи деганда, жамиятда ва үнинг ҳар бир бўғинида (хўжалик юритувчи субъектида) содир бўлган, бўлаётган ва бўладиган ижтимоий-иктисодий жараёнларда иштирок этадиган ресурслар ёки харажатларнинг самарадорлигини (натижавийлигини, фойдалилигини) рақамларда ифода этувчи маълум категориянинг номи билан аталувчи тушунчага айтилади.**

Кўриниб турибдики, “самарадорлик”, “самарадорлик мезони”, “самарадорлик кўрсаткичлари” каби тушунчалар бир-бири билан узвий боғлиқ ҳолда иқтисодий категория сифатида намоён бўлар экан. Биз уларнинг назарий талқинига тўхталиб, ҳар бирининг таърифларини ишлаб чиқишга ва бу борада ўз қарашларимизни ифодалашга муваффак бўлдик.

Энди самарадорликни ифодаловчи кўрсаткичларнинг назарий масалаларига тўхталамиз. Самарадорлик кўрсаткичлари иқтисодиётнинг бўғинларида кўлланилиши бўйича З гурухга бўлинади. Буни қўйидаги З.1-расмда кўриш мумкин.

<sup>56</sup>Пардаев М.Қ. Иктиносидий таҳлил назарияси. Дарслик. – Самарканд: “Зарафшон” наприёти, 2001, 67 б.


Мазкур расмдан кўриниб турибдики, самарадорликни ифодаловчи кўрсаткичлар тизимини ишлаб чиқишида иқтисодиётнинг ҳар бир бўғинини инобатга олиш лозим бўлади. Чунки, макро даражада аниқланадиган самарадорлик кўрсаткичини микро даражадаги иқтисодиётга ва уни мос равишда, мезо даражадаги иқтисодиётга айнан кўллаб бўлмайди. Шу туфайли, ҳар бирининг ўзига хос хусусиятларини инобатга олиш учун, иқтисодиётнинг бўғинларини инобатга олган ҳолда самарадорлик кўрсаткичларини ҳам аниқлашга тўғри келади.



*3.1-расм. Хизмат кўрсатиши соҳасида самарадорлик кўрсаткичларининг иқтисодиётнинг бўғинлари бўйича ифодаланиши.*

Самарадорлик кўрсаткичлари иқтисодиётнинг тармоқлари бўйича ҳам таснифланади. Бунда шуни инобатга олиш лозимки, ҳар бир тармоқнинг ўзига хос хусусияти мавжудлиги туфайли, уларнинг самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичлари ҳам ўзига хосдир. Шу туфайли бу масалага ҳам алоҳида аҳамият бериб, куйидаги чизмани келтиришни лозим деб топдик (3.2-расм).

Кўриниб турибдики, самарадорлик категориясининг назарий масалаларида ҳали ўз ечимини кутаётган анча муаммолар мавжуд экан. Олимлар ва мутахассислар олдида турган ва ўз ечимини кутаётган асосий муаммолардан бири, иқтисодиётнинг ҳар бир бўғинида ва ҳар бир тармоғида самарадорликни ифодаловчи



### *3.2-расм. Самарадорлик кўрсаткичларининг иқтисодиётининг тармоқлари бўйича таснифланиши.*

кўрсаткичларни, бугунги бозор муносабатлари талабларидан келиб чиққан ҳолда ишлаб чиқишидан ва уларни амалиётга қўллашни ташкил қилишдан иборатdir. Зеро, самарадорликни тўлиқ ва тўғри баҳоламасдан, уни ошириш йўлларини ишлаб чиқиш, уларнинг назоратини ташкил қилимасдан, кескин рақобат шароитида корхоналарнинг яшовчанлигини сақлаб қолиш қийин кечади. Жумладан, хизмат кўрсатиш соҳасини олайлик. Ушбу соҳа ҳам бир қанча тармоқлардан иборат. Уларнинг ҳаммаси бир-биридан фарқ қилади. Масалан, туристик хизматлар самарадорлигини маданий ёки майший хизматлар самарадорлиги билан бир хил кўрсаткичларда ифодалаб бўлмайди. Худди шундай ҳолатни хизмат кўрсатишининг бошқа тармоқлари бўйича ҳам айтиш мумкин.

### **3.2. Маҳсулотларни сақлаш ва сотиш хизматларининг ўзига хос хусусиятлари**

Юқоридаги назарий қараашларга асосланган ҳолда, тадқиқот обьекти бўлган маҳсулотларни сақлаш ва сотиш хизматларига алоҳида аҳамият бериш мақсадга мувофиқдир. Мазкур хизматлар ҳам хизматлар тизимида муҳим ҳисобланади. Чунки сотиш хизматида етиширилган маҳсулотни масофа нуқтаи назаридан истеъмолчига яқинлаштиурса, сақлаш орқали вақт нуқтаи назаридан истеъмолчиларга етказиб берилади. Аммо шуни эътироф этиши керакки, икки ҳолатда ҳам яратилган маҳсулот миқдорига ҳеч қандай қўшимча маҳсулот қўшилмайди. Аммо уларни макон ва замон нуқтаи назаридан ташилганлиги туфайли қиймати кўпаяди.

Буларнинг ҳаммаси мазкур хизматларнинг ўзига хос хусусиятлари мавжудлигидан далолат бериб турибди.

Адабиётларда сақлаш ва сотиш хизматларининг ўзига хос хусусиятлари тўлиқ очиб берилмаганилиги туфайли, ушбу масалага алоҳида диққатни қаратамиз.

**Маҳсулотларни сақлаш хизматининг ўзига хос хусусиятлари куйидагилардан иборат:**

- моддий неъмат яратилмайди, аммо унинг нобуд бўлишининг олди олинади;
- маҳсулотнинг миқдори билан бирга сифатининг сақланиб қолиши ҳам таъминланади;
- ахолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан йил давомида таъминлаш имконияти яратилади;
- вақт омилининг таъсири эвазига унинг қиймати ошади;
- озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашга хизмат қиласди;
- сақлаш харажатлари ҳам сақланаётган маҳсулотнинг қийматини оширади.

**Маҳсулотларни сотиш хизматининг ўзига хос хусусиятларининг ҳам эътиборга лойик жиҳатлари мавжуд.** Буларга куйидагиларни киритиш мумкин:

- маҳсулотларни сақлашга кўйилган пайтга нисбатан уларни сотиш пайтида, аксарият холда, нархининг қимматлашув жараёни рўй беради;
- маҳсулотнинг эгаси ва сақлаш иншоотининг эгаси турли шахслар бўлган пайтда, уни сотиш ҳуқуқи саклаган кишида эмас (агар шартномада келишилган бўлмаса), балки сақлашга кўйган кишида бўлади;
- бевосита маҳсулотлар сақланган жойдан улгуржи ва чакана сотиш амалга оширилади ҳамда бу жараёнда маҳсулотни сотишдан келадиган тушум, агар маҳсулотнинг эгаси бошка киши бўлса, уни сақлаган идорага эмас, балки маҳсулот эгасининг ҳисобига ўтказилади;
- маҳсулотни сотиш маълум муддат давомида албатта тугатилиши лозим бўлади;
- маҳсулот сақланаётган жойдан бевосита истеъмолчига ва қайта сотишига сотилиши мумкин.

Ушбу хусусиятларнинг ҳаммасига қисқача тўхталиш мақсадга мувофиқдир. Маҳсулотларни сақлашнинг биринчи хусусияти – моддий неъмат яратилмайди, аммо унинг нобуд бўлишининг олди

олинишини таъминлайди. Бу ҳам ишлаб чиқаришга тенглаширилади. Тадқикотларимиз кўрсатиши ва жамоатчиликнинг эътироф этишича, маҳсулотни оддий усул билан сакланадиган бўлса, йўқотиш, яъни унинг набуд бўлиши маҳсулотнинг умумий ҳажмига нисбатан 20,0% дан ошикроқни ташкил қиласди. Агар у совитгичларда сакланса, унинг нобудгарчилиги ўрта ҳисобда 5,0%ни ташкил қиласди<sup>57</sup>. Демак, умумий сакланётган маҳсулотнинг 15,0%и (20,0–5,0) нобудгарчиликдан сакланиб қолинади. Бундай тежамкорликни, юқорида таъкидланганидек, ишлаб чиқариш билан қиёслаш ҳам мумкин. Агарда саклашга тегишли шароит яратилиб берилмаганда эди, этиштирилган маҳсулотнинг 15,0% микдори нобуд бўлар эди. Жамиятнинг эҳтиёжини кондириш учун буни қўшимча равища этиштириш лозим бўларди. Акс холда, жамият истеъмолига шунчак маҳсулот кам етказиб берилар эди. Булардан кўриниб турибдики, маҳсулотларни маҳсус сақлайдиган иншоотларда (совитгичларда) сакланиши маълум дараҷада ўзига хос иктисадий самарадорликка эга. Бу самарадорлик маҳсулотни саклашга кетган харажатлар ( $X_{mc}$ ) билан, уни йўқотиш натижасида юз берган нобудгарчилик ( $X_n$ ) ўртасидаги фарқда ўз ифодасини топади. Агарда  $X_n > X_{mc}$  бўлса, саклашнинг самарадорлиги юқорилигидан, борди-ю унинг тескариси бўлса, яъни  $X_n < X_{mc}$  саклашнинг мулкдор учун самараасизлигидан далолат беради. Аммо бу ҳолат жамият учун манфаатлидир, чунки нобуд бўлиши мумкин бўлган маҳсулот аҳолининг истеъмоли учун сакланиб қолинган бўлади.

Маҳсулотларни саклаш жараёнида унинг микдори билан бирга сифатининг ҳам сакланиб қолиши таъминланади. Маҳсулотни оддий сақлагандан, 20,0% йўқотилиши билан бирга, қолган 80,0% маҳсулотнинг ҳам сифати пасаяди. Сифати пасайган маҳсулотнинг бозордаги нархи, табиийки, тадбиркор хоҳлаганидек юқори бўлмайди. Агар тадбиркор ўз маҳсулотини оддий шароитда сакласа, унинг йўқотилиши икки йўналишда содир бўлади. Биринчидан, маҳсулотнинг кўп қисми нобуд бўлиши эвазига юзага келса, иккинчидан, қолган маҳсулотнинг ҳам сифатини пасайиб кетиши эвазига нархи арzonлашиб кетади. Шу туфайли, маҳсулотни маҳсус совитгичларда саклаш нафакат мулкдор ёки тадбиркор учун, балки жамият учун ҳам жуда фойдали.

<sup>57</sup> Маҳсулотларни саклашга мўлжалланган Самарқанд вилояти Самарқанд туманида ва Жиззах вилояти Балмал туманиларида жойлашган совитгичларнинг маълумотлари ўрта ҳисобда 5 %ни тасдиқламоқда.

Маҳсулотларни сақлашнинг ўзига хос хусусиятларидан бири вақт омилиниң таъсири эвазига унинг қиймати ошишида намоён бўлади. Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари мавсумий етиштирилади, аммо доимий равишда истеъмолда бўлиб туриши лозим. Маҳсулот етиштирилган пайтда кўпчиликда сақлаш имкониятининг йўқлиги, маълум даражада шу пайтда маблагнинг кераклиги, уларни бозорга кўплад чиқарилишига сабаб бўлади. Табиийки, бундай шароитда маҳсулотнинг нархи арzonлашади. Вакт ўтиши билан мавсум ўтиб боради ва маҳсулотлар камайиб, кунлар ўтиши билан улар кимматлашади. Шу туфайли тадбиркор маҳсулотини қанча кўп ушлаб туриш имкони бўлса, мос равишда унинг нархи шунча кимматлашиб боради. Бу эса фақат вакт омили эвазига шундай самараға эришин мумкинligини кўrsатади.

Маҳсулотларни сақлаш жараёнида сақлаш харажатлари ҳам сақланадётган маҳсулотнинг қийматини оширади. Маҳсулотларни сақлашда энергия харажатлари, унинг хавфсизлиги ва қўриқланиши билан боғлиқ харажатлар юзага келади. Бу харажатлар маҳсулотнинг таннархини оширади. Маҳсулотнинг нархи сақлаш харажатлари билан 5,0%га ошган бўлса, маҳсулотнинг бозордаги нархи 50,0% кўтарилса, тадбиркор шу маҳсулотини сақлаш эвазига бошлиғич нархига нисбатан 45,0% (50,0–5,0) фойда қиласди. Бу ҳам тадбиркорга катта самара беради.

Шу ўринда маҳсулотларни сотиш хизматининг ўзига хос хусусиятларини очиб беришни ҳам мақсадга мувофиқ деб топдик. Чунки қишлоқ хўжалиги соҳасида етиштирилиб, сақланган маҳсулотни сотиш оддий савдога нисбатан бир мунча фарқ қиласди. Ушбу масаланинг назарий жиҳатларини тадқиқ қилиш, шу соҳанинг ривожланишида тегишли хулосаларни чиқариш учун унга тўғри ёндашиш имкониятини туғдиради.

Шундай қилиб, унинг биринчи хусусияти маҳсулотларни сақлашга кўйилган пайтга нисбатан уларни сотиш пайтида нархининг кимматлашув жараёнининг рўй беришида намоён бўлади. Чунки бу ҳолатга жуда кўп омиллар таъсир қиласди. Хусусан, бу сурʼа вакт омили муҳим роль ўйнайди. Маҳсулотларни етиштирилган пайтга нисбатан бир мунча вақтнинг ўтиши, унинг камайиб боришига олиб келади, аммо талаб ва эҳтиёж бу маҳсулотга камаймайди. Бундан ташқари, сақлашга кетган ҳарикасиар ҳам маҳсулот киймагини оширади. Ҳамма омиллар таъсиринда маҳсулотнинг сақлашга кўйилган пайтга нисбатан

уларни сотиш пайтида нархининг қимматлашув жараёни рўй беради.

Мазкур жараённинг яна бир хусусияти, маҳсулотнинг эгаси ва сақлаш иншоотининг эгаси турли шахслар бўлган пайтларда, уни сотиш ҳуқуқи сақлаган кишида эмас, юқорида таъкидланганидек, агар шартномада келишилган бўлмаса, сақлашга кўйган кишида бўлиши мумкинлигида намоён бўлади. Чунки маҳсулотни сотиш ҳуқуқига фақат унинг эгаси ҳакли. Агар у тегишли ваколатни бошқа кишига келишилган ҳолда берган бўлса, бошқа киши ҳам сотиши мумкин. Бундай ҳуқуқни сақловчиларга ҳам бериш мумкин, аммо улар фақат мулк эгасига шартнома асосида хизмат кўрсатади, холос. Демак, мулк эгасидан бошқа сотувчилар унга савдо хизматини кўрсатувчилар сифатида намоён бўлади. Агарда маҳсулотни етиштирувчи ҳам, сақлайдиган ҳам ва сотадиган ҳам бир шахс бўлса, бу жараённинг самарадорлиги юқори бўлади. Оралиқда қилинадиган харажатлар камаяди. Натижада, маҳсулотни сақлаш билан bogлиқ харажатларнинг камайиш эвазига унинг таннархи кам бўлади. Мулк эгасида уни бозордаги бошқа турдош маҳсулотлар билан бир хил нарҳда сотган тақдирда ҳам, шунинг эвазига кўпроқ фойда олиш имконияти туғилади. Агарда мазкур маҳсулот бўйича таклиф талабга нисбатан ошиб кетадиган бўлса, мазкур тадбиркор маҳсулотнинг нархини бир мунча камайтириб ҳам, таннархининг пастлиги эвазига, тегишли фойдага эришиши мумкин.

Маҳсулотларни сотишнинг навбатдаги хусусияти бевосита маҳсулотлар сақланган жойдан улгуржи ва чакана сотишнинг амалга оширилиши ва бу жараёнда маҳсулотни сотишдан келадиган тушум, агар маҳсулотнинг эгаси бошқа киши бўлса, уни сақлаган корхонага эмас, балки маҳсулот эгасининг хисобига ўтказилишидадир. Сақлаган корхона сақлангац маҳсулот учун унинг эгасидан фақат шартномада кўрсатилган ижара ҳакини олади. Сақланаётган маҳсулот кўпинча ички бозорга ва экспортга тадбиркорлар орқали чиқарилади. Бунда олди-сотди жараённида нақд пул ишлатилади. Шу пулни тижорат банкларига жалб қилиш учун қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сотишдан тушган пул маблагини сақлашни рағбатлантирувчи механизмларни жорий қилиш мақсадга мувофиқдир. Бундай механизмлардан бири, бизнинг фикримизча, имтиёзли пластик карточкаларни жорий қилишдир. Бунинг мазмуни, нақд пул тушумини ҳар ойга маълум

фоиз тұлаш шарти билан (амалдаги фоизга нисбатан юкорирок) пластик карточкага олиш ва биринчи талабдан унга шу банкнинг ўзидан керакли миқдорда нақд пул бериш тартибини жорий қилиш лозимлигидир.

Қишлоқ хұжалиги маҳсулотларининг нозик жихати, агар у қайта ишланмаса, бир йилда албатта сотилиб, истеъмол қилиниши шартлигидадир. Мевалар, сабзавотлар ва полиз экинлари ҳам куз мавсумида етиштирилиб, сақлашга күйилгач, улар күни билан март-май ойларига қадар, яъни олти-саккиз ой давомида сотилиши ва истеъмол қилиниши лозим. Акс ҳолда, улар ўзининг сифатини йўқотиши мумкин. Шу туфайли, маҳсулотни сақлашнинг чегараланганилиги ва сотилиши маълум вактгача албатта тутатилиши лозимлиги унинг мухим хусусиятларидан биридир. Бу ҳолат тадбиркорни ўз вактида иш кўришни, вактдан ҳам, нархидан ҳам ютказмаслик чораларини назорат қилишини тақозо қиласи.

Маҳсулотларни сотишнинг ўзига хос хусусиятларидан яна бири, маҳсулот сақланаётган жойидан бевосита истеъмолга ва қайта сотишга сотилиши мумкинлиги билан ифодаланади. Сақланадиган омбордан қайта сотишга сотилгани маъкул, чунки бу катта миқдорда харид қилишини тақозо қиласи. Агарда истеъмолга сотиладиган бўлса, албатта бу катта миқдорда амалга оширайди. Лекин, факат катта миқдорда сотишни мўлжаллаб, кичик миқдорда сотишни чегараламаслик лозим. Аксинча, бундай савдони амалга ошириш учун маҳсус жой ва курилмалар ўрнатиб, тегишли шароитни яратиш мақсадга мувофиқ. Шу туфайли сотиша ҳам турли воситалардан, хусусан, рекламалардан, воситачилар, дистрибуторлар хизмати кабилардан кенг фойдаланиш лозимдир.

Маҳсулотларни сотиш ва сақлаш хизматларини такомиллаштириш иқтисодиётнинг барқарор ривожланишида, аҳоли фаровонлигини таъминлашда, уларнинг даромадларини ошириш эвазига ҳаёт даражасини яхшилаш ва яшаш сифатини оширишда катта аҳамиятга эга. Бу қуйидагиларда намоён бўлади:

Биринчидан, қишлоқ хұжалиги маҳсулотларини етиштириш мавсумий характерга эга бўлишига қарамасдан, уларни сотиш ва сақлаш хизматларини амалга ошириш орқали аҳолининг йил давомида ушбу маҳсулотлар билан узлуксиз истеъмолини таъминлаш имконини беради. Бу аҳолининг йил давомида витаминларга бой маҳсулотлардан баҳраманд бўлиб яшашини таъминлайди.

Иккинчидан, етиштирилган маҳсулотларнинг нобудгарчилигига йўл қўйилмаслигини таъминлаш орқали маҳсулотлар ва харажатларнинг тежамкорлигига эришилади. Бунда нобуд бўлиши мумкин бўлган маҳсулот сақланниб қолиб, ахолининг дастурхонига етказилиб берилади ва шу маҳсулотларни етиштиргунча бўлган харажатлар ҳам тежалади. Масалан, 100 тоинна маҳсулот етиштирилди, деб фараз киламиз. Унинг ҳар бир тоинаси учун шартли равишда 500 минг сўмдан харажат қилинди, дейиш мумкин. Агар оддий анъанавий йўл билан сақланганда, унинг 20,0%ни нобуд бўлган бўлар эди. Бу умумий маҳсулотнинг 20 тоинаси демакдир. Шу маҳсулот нобуд бўлиши билан бирга яна 10 миллион сўм (20,0 \* 0,5) олдинги қилинган харажатлар ҳам “куйиб” кетган бўлар эди.

Учинчидан, маҳсулотларни сақлаш хизматларини кенгайтириш ва уни ривожлантириш қўшимча иш ўринларини яратиш имконини туғдиради ва шу орқали бандлик муаммосини ҳал қиласи. Бу эса банд бўлган ахолининг фаровонлигини таъминлайди.

Тўртинчидан, сақлаш хизматини яхши ташкил қилиш орқали маҳсулотни етиштирувчиларнинг молиявий ахволини яхшилади. Чунки маҳсулот етиштирилган пишиқчилик даврида у анча арzonга сотилиши мумкин. Бу кўп ҳолларда унинг таниархидан ҳам арzonга сотилади. Бу эса, дехқонларнинг ишлаб чиқаришни кенгайтириш имкониятини қисқартириб юборади. Шу туфайли, маҳсулотни сақлаб тегишли нарҳда сотиб, етарли микдорда фойда олишга эришиш мумкин бўлади.

Бешинчидан, маҳсулотларни сақлайдиган совуқхоналар фаолияти натижасида олинган фойдасидан давлат бюджетига солиқлар ва турли мажбурий тўловларнинг тушуми ҳам таъминланади.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, маҳсулот етиштириладиган кўпгина худудларда совуқхоналар курилган эмас. Бунинг натижасида етиштирилган маҳсулотларнинг кўп микдори нобуд бўлмоқда. Бизнинг фикримизча, мамлакатимизнинг турли худудларида турлича ихтисослашган совуқхоналар куриш мақсадга мувофик. Масалан, Самарқанд вилоятининг Булунгур, Пайарик, Жомбой, Тайлоқ, Самарқанд, Жиззах вилоятининг Бахмал, Галлаорол, Жиззах, Пахтакор туманларида кўплаб картошка, пиёз ва бошқа сабзавотлар етиштирилади. Самарқанд вилоятининг Самарқанд, Булунгур, Жиззах вилоятининг Бахмал, Галлаорол, Фориш туманларида олма, олхўри, узум каби мевалар етиштирилади.

Бундай туманларда шуларга мос бўлган ва меваларга ихти-  
сослашган совуқхоналарни барпо этиш мақсадга мувофиқдир.  
Бизнинг ушбу тавсияларимиз совиттич корхоналарини ривожлан-  
тириш худудий дастурига киритилди.

Биз тавсия килган тадбирлар амалга ошириладиган бўлса,  
халқнинг фаровонлиги ошиши билан бирга, уларнинг яшаш  
даражаси ва сифати ҳам кўтарилиши баробарида совиттич корхо-  
наларининг самарадорлиги ҳам таъминланади. Эндиғи вазифа  
маҳсулотларни саклаш ва сотиш хизматлари самарадорлигини  
баҳолаш, уларнинг ривожланишини таъминлаш учун ушбу  
жараённи ифодаловчи кўрсаткичлар тизимини ишлаб чиқиш ва  
уларни аниқлаш йўлларини кўрсатиб беришдан иборатdir.

### **3.3. Маҳсулотларни саклаш ва сотиш хизматлари самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичлар тизими, уларнинг таснифи ва аниқланиш йўллари**

Маҳсулотларни сотиш ва саклаш хизматлари самарадор-  
лигини ошириш объектив зарурият, чунки ҳар бир соҳанинг, шу  
жумладан, мазкур соҳанинг ҳам самарадорлиги таъминланмаса,  
унда фаолият кўрсатувчи корхоналарнинг яшовчалиги ҳам  
таъминланмайди. Оқибатда корхоналар банкротликка учраб,  
жамият катта иқтисодий ва ижтимоий зарар кўриши мумкин.  
Субъектлар ҳолатини баҳолаш учун, улар фаолиятини ифодаловчи  
кўрсаткичлар тизимини ишлаб чиқишни тақозо қиласди. Аммо  
иқтисодий адабиётларда ушбу масала кам ёритилган.

Иқтисодиётни модернизация ва диверсификацияни ҳамда  
унга инновацияларни жорий қилиш шароитида самарадорликни  
ифодаловчи кўрсаткичлар тизимини аниқлаш ва уларни баҳолаш  
йўлларини ишлаб чиқиш тегишли ахборотлар ва меъёрий-хукукий  
таъминотнинг мавжудлигини тақозо қиласди. Чунки ахборотлар ва  
улар асосида шаклланадиган кўрсаткичлар расмий мақомга эга  
бўлиши лозим. Ушбу масалани ҳал қилиш учун биринчи галда,  
кўрсаткичларнинг ҳисботларда ўз ифодасини топишини, уларнинг  
меъёрий-хукукий жиҳатларини таъминланишини, янгиликларни  
ўзида ифода этадиган ҳисботларга тегишли ўзгартириш ва  
кўшимчалар киритилишни талаб қиласди.


Махсулотларни сақловчы корхоналар самарадорлигини ат-рофлича ифодалаш учун, унинг барча томонларини қамраб оладиган жуда кўплаб кўрсаткичлардан фойдаланишини тақозо қиласди. Кўрсаткичлар кўплаб кўлланилиши, уларнинг тизимини эмас, балки тўпламини ифодалайди. Қачонки уларни маълум белгилари бўйича таснифлаб, бир тизимга келтирсагина, ушбу кўрсаткичлар тизимга айланади. Шу туфайли хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини баҳолашда улардан тўғри фойдаланиш учун уларни тизимлаштириш лозим бўлади. Ушбу жараён ҳам ўзига хос хусусиятга эга. Бу айрим назарий масалаларни ҳал килишни тақозо қилганлиги туфайли, ушбу тушунчанинг таърифини ишлаб чиқиши максадгага мувофиқ, деб топдик ва унга куйидагича таъриф беришни тавсия қилмоқдамиз.

**Кўрсаткичларни тизимлаштириш** деганда, уларни маълум белгилари бўйича таснифлаш жараёни тушунилади. Шундан кейингина кўрсаткичлар тўплами кўрсаткичлар тизимига эга бўлади. Кўрсаткичлар тизимида эса, қўйидагича таъриф беришни лозим, деб топдик. **Кўрсаткичлар тизими** деганда, маълум белгилари билан гурухланган ва ҳар бир гурухда ўзининг ўрнига эга бўлган кўрсаткичларнинг аниқ ифодаланиши тушунилади. Юқоридаги назарий масалаларга таянган ҳолда маҳсулотларни сақлаш ва сотиш хизматлари самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичларни иктисодий мазмуни бўйича қўйидаги 9 та гурухга бўлиш тавсия қилинди:

- корхоналарда инновацион фаолият самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичлар;
- корхоналарда модернизацияланганлик даражаси ва улар самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичлар;
- корхоналарда диверсификацияланганлик даражаси ва улар самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичлар;
- корхоналар иктисодий салоҳият самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичлар;
- корхоналар молиявий салоҳият самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичлар;
- корхоналарда активлар самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичлар;
- корхоналарда меҳнат ресурслари самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичлар;

- корхоналарда ўз маблаглари самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичлар;
- корхоналарда мажбуриятлар самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичлар.


Мазкур интеграл кўрсаткичларнинг бир-бири билан ўзаро боғлиқлиги куйидаги расмда келтирилган (3.3-расм).



**3.3-расм. Маҳсулотларни саклаш ва сотиш хизматлари самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичларнинг иқтисодий мазмуни бўйича таснифи<sup>58</sup>.**

Ушбу гурух кўрсаткичлар жамланиси нуқтаи назаридан учта босқичга бўлинишини тавсия килдик (3.4-расм).

<sup>58</sup>Кўрсаткичларнинг ушбу таснифи муаллиф томонидан илк бор ўшилаб чиқилган.



### *3.4-расм. Маҳсулотларни сақлаш ва сотиш хизматлари самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичларнинг босқичлари<sup>59</sup>.*

Маҳсулотларни сақлаш ва сотиш хизматларини кўрсатувчи корхоналар самарадорлигини ифодаловчи индивидуал кўрсаткичлар хар бир интеграл кўрсаткичлар бўйича ишлаб чиқилди. Унда корхоналар самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичларнинг номлари, уларнинг тизими, аниқланиш йўллари ва мазмуни келтирилди (3.2-жадвал).

#### *3.2-жадвал*

**Корхоналарда маҳсулотларни сақлаш ва сотиш хизматлари самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичлар тизими ва уларни аниқлаш йўллари<sup>60</sup>**

Комплекс кўрсаткич (Кеч)	Интеграл кўрсаткичлар	Алоҳида индивидуал кўрсаткичлар	Кўрсаткичларни аниқлаш йўллари
	1	2	3
Корхоналарда инновацион фаолият самарадорлиги кўрсаткичлари	Ишлаб чиқариш кувватларидан фойдаланиш коэффициенти	Кқф = Мўм / Кум ; Мўм – совитгичга кўйилган маҳсулотлар ҳажмининг ўртача миқдори; Кум – совитгич корхонастининг умумий куввати.	
	Энергосамадорлик (энергияга кетган	Кэт = Эн *100 / Тв ; Эн – барча ишлатилган энергия қиймати; Тв – совитши эжараёнининг	

<sup>59</sup> Кўрсаткичларнинг ушбу погоналари илк бор муаллаф томонидан ишлаб чиқилган.

<sup>60</sup> Ушбу жадвалда келтирилган кўрсаткичлар тадқикотлар натижасида муаллаф томонидан ишлаб чиқилди. Бунда бошкі соҳаларда кўлланнилаётган кўрсаткичлар ушбу соҳага мослаштирилган холда такомиллантирилди.

		харажатларнинг умумий харажатлардаги улуши), %	умумий таннархи.
		Инновацияга кетган харажатларнинг умумий харажатлардаги улуши, %	$\text{Кхин} = \text{Ифх} * 100 / \text{Тн};$ <i>Ифх – корхонанинг инновацион фаолиятга сарфланган харажатлар суммаси; Тн –умумий харажатлар суммаси, яъни таннарх миқдори.</i>
		Сотилган маҳсулотда инновацион маҳсулотнинг улуши, %	$\text{Кмин} = \text{Мин} / Mx;$ <i>Мин – корхонада инновацион маҳсулот ҳажми; Mx – совитгич корхонасининг умумий маҳсулоти (хизмати) ҳажми;</i>
		Корхонада модернизациялашдаражаси ( $M_d$ )	$M_d = \frac{\text{Ичм} + \text{Tm} + \text{Бм} + \text{Хмм}}{\text{Барча жараёнлар}}$ <i>Бунда: Ичм – ишлаб чиқарши жараёнларини модернизациялаш; Тм – технологик жараёнларни модернизациялаш; Бм – бошқарув жараёнларини модернизациялаш; Хмм – ходимлар малакасини модернизациялаш.</i>
Модернизация жараёнлари самарадорлиги кўрсаткичлари		Ишлаб чиқариш воситаларини модернизация килиш	$\text{Мқич} = \frac{\text{Ичм}}{\text{ИЧ жараёнлари}}$ <i>Мқич – модернизация қилинган ишлаб чиқарши</i>

		даражаси (Ичм)	жараёнлари.
		Технологик жараёнларни модернизация килиш даражаси (Тм)	$T_m = \frac{M_{ктж}}{B_{тж}}$ <i>M<sub>ктж</sub> – модернизация қылған технологик жараёнлар; B<sub>тж</sub> – барча технологик жараёнлар.</i>
		Иқтисодиётни бошқариш усулларини модернизация килиш даражаси (Бм)	$B_m = \frac{M_{кбу}}{B_{бу}}$ <i>M<sub>кбу</sub> – модернизация қылған бошқариши усуллари; B<sub>бу</sub> – барча бошқариши усуллари.</i>
		Ходимлар малакасини модернизациялаш даражаси (Хмм)	$X_{мм} = \frac{M_{х}}{B_{х}}$ <i>M<sub>х</sub> – малакасини оширган ходимлар сони; B<sub>х</sub> – барча ходимлар сони.</i>
		Ишлаб чыкариш ва хизмат күрсатиш жараёнида ички диверсификация қилингандык даражаси	$I_d = \frac{T_{умт}}{B_{см}}$ <i>T<sub>умт</sub> – технологияни ўзгартирмасдан яңидан ишлаб чыкарган маҳсулот ұажми. B<sub>см</sub> – барча сотилган маҳсулот.</i>
	Диверсификация жараёнлари самарадорлиги күрсаткышлари	Вертикал диверсификация қилингандык даражаси	$V_d = \frac{Яшсм + Ябсм}{B_{см}}$ <i>Яшсм – янги очилған шүйбаларда сотилған маҳсулот; Ябсм – янги бозорларда сотилған маҳсулот; B<sub>см</sub> – барча</i>

		<i>сотилган маҳсулот.</i>
	Горизонтал диверсификация қилиш даражаси	$ГД = \frac{ЯТим}{Бсм}$ <p><i>ЯТим – янги технология билан ишлаб чиқарилган маҳсулот; Бсм – барча сотилган маҳсулот.</i></p>
	Корхонада умумий диверсификация қилинганик даражаси	$Уд = \frac{Ид + Вд + Гд}{n}$ <p><i>n – диверсификацияни ифодаловчи күрсаткисчилар сони (n=3).</i></p>
Иқтисодий салоҳият самара-дорлиги кўрсат-кичлари	Иқтисодий салоҳият натижавийлиги	$Исс = \frac{Q}{Ис} ;$ <p><i>Q –сақланиб сотилган маҳсулотнинг умумий ҳажми; Ис – иқтисодий салоҳият ўртача қиймати.</i></p>
	Иқтисодий салоҳият рентабеллиги	$Иср = \frac{Сф}{Ис} ;$ <p><i>Сф –сақланиб сотилган маҳсулот соғ фойдаси; Ис – иқтисодий салоҳият ўртача қиймати.</i></p>
Молиявий салоҳият самараадор-лиги кўрсат-кичлари	Молиявий салоҳият натижавий-лиги (Мсс)	$Мсс = \frac{Q}{Мс} ;$ <p><i>Q –сақлаб сотилган маҳсулот умумий ҳажми; Мс – молиявий салоҳият ўртача қиймати.</i></p>
	Молиявий салоҳият рентабеллиги	$Мср = \frac{Сф}{Мс} ;$ <p><i>Сф –сақлаб сотилган</i></p>

		(Мср)	<i>маҳсулот соф фойдаси; Mc – молиявий салоҳият ўртача қиймати.</i>
Активлар самарадорлиги иғодаловчи кўрсаткичлар	Активлар самарадорлиги (Акс)	$\text{Акс} = \frac{Q}{\text{Ак}}$ <i>Q - тайёрланган маҳсулот ҳажми (умумий тушум); Ак – активларнинг ўртача қиймати.</i>	
	Активлар рентабеллиги (Акр)	$\text{Акр} = \frac{\text{Сф} * 100}{\text{Ак}}$ <i>Сф – сақланиб сотилган маҳсулотдан соф фойда суммаси; Ак – корхона активларининг ўртача қиймати.</i>	
	Асосий воситалар самарадорлиги	$\text{АВС} = \frac{Q}{\text{Ав}}$ <i>Q – сотилган маҳсулот ҳажми (умумий тушум); Ав – асосий воситаларнинг ўртача қиймати.</i>	
	Асосий воситалар рентабеллиги	$\text{АВР} = \frac{\text{Сф} * 100}{\text{Ав}}$ <i>Сф – сотилган маҳсулотдан соф фойда суммаси; Ав – асосий воситаларнинг ўртача қиймати.</i>	
	Жорий активлар самарадорлиги	$\text{Жас} = \frac{Q}{\text{Жа}}$ <i>Q – сотилган маҳсулот ҳажми (умумий тушум); Жа – жорий активларнинг ўртача қиймати.</i>	

		Жар = $\frac{Сф * 100}{Жа}$ Сф – сотилган маҳсулотдан соф фойда суммаси; Жа – жорий активларнинг ўртача қиймати.
	Номоддий активлар самарадорлиги	Нас = $\frac{Q}{На}$ Q – сотилган маҳсулот ҳажми (умумий тушум); На – номоддий активларнинг ўртача қиймати.
	Номоддий активлар рентабеллиги	Нар = $\frac{Сф * 100}{На}$ Сф – сотилган маҳсулот соф фойдаси; На – номоддий активларнинг ўртача қиймати.
Мехнат ресурслари самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичлар	Мехнат унумдорлиги	Му = $\frac{Q * 100}{Хс}$ Q – сотилган маҳсулот ҳажми; Хс – ходимлар сони.
	Мехнат харажатлари рентабеллиги	Мхр = $\frac{Сф * 100}{Мх}$ Сф – сотилган маҳсулотдан соф фойда суммаси; Мх – меҳнат харажатлари (иши ҳаки).
	Сотилган маҳсулотнинг меҳнатлилиги	Qм = $\frac{Хс}{Q}$ Q – сотилган маҳсулот ҳажми; Хс – ходимлар сони.

		Мехнатнинг куроллан- ганлиги	$M\zeta = \frac{\text{Авақ}}{Хс}$ Авақ – асосий воситалар актив қисми; Хс – ходимлар сони.
Ўз маблағлари самарадор- лигини ифодаловчи кўрсаткичлар	Ўз маблағла- рининг натижави- йлиги	$\bar{Y}_{MC} = \frac{Q}{\bar{Y}_M}$ $Q$ – сотилган маҳсулот ҳажми (умумий тушум); $\bar{Y}_M$ – ўз маблағларининг ўртача қиймати.	
	Ўз маблағлари рентабеллиги	$\bar{Y}_{MP} = \frac{C\phi * 100}{\bar{Y}_M}$ $C\phi$ – сотилган маҳсулотдан соф фойда суммаси; $\bar{Y}_M$ – ўз маблағларининг ўртача қиймати.	
	Ўз маблағ- ларининг умумий маблағлардаги хиссаси	$\bar{Y}_{M\chi} = \frac{\bar{Y}_M}{B\chi}$ $B\chi$ – баланс суммаси; $\bar{Y}_M$ – ўз маблағларининг ўртача қиймати.	
Мажбу- риятлар самарадор- лигини ифодаловчи кўрсаткичлар	Мажбурият- ларнинг натижави- йлиги	$Mac = \frac{Q}{Ma}$ $Q$ – сотилган маҳсулот ҳажми; $Ma$ – мажбуриятларнинг ўртача қиймати.	
	Мажбурият- ларнинг рентабеллиги	$Mac = \frac{C\phi * 100}{Ma}$ $C\phi$ – соф фойда суммаси; $Ma$ – мажбуриятларнинг ўртача қиймати.	
	Мажбурият- ларнинг	$Mac = \frac{Ma}{B\chi}$	

		умумий маблағлардаги хиссаси	<i>Бес-баланс суммаси;</i> <i>Ма – мажбuriятлар-</i> <i>нинг ўртача қиймати.</i>
--	--	------------------------------------	--

### 3.4. Махсулотларни саклаш ва сотиш билан бөглиқ инновацион фаолият самарадорлигини ифодаловчи индивидуал, интеграл ва комплекс кўрсаткичларни аниқлаш йўллари

Махсулотларни саклаш ва сотиш билан бөглиқ 9 та гурух интеграл кўрсаткичлар ўз ичига 35 та индивидуал кўрсаткичларни камраб олади. Масалан, корхоналарда инновацион фаолият самарадорлигини ифодаловчи интеграл кўрсаткичларга: ишлаб чиқариш кувватларидан фойдаланиш коэффициенти; энергосамарадорлик (энергияга кетган харажатларнинг умумий харажатлардаги улуши); инновацияга кетган харажатларнинг умумий харажатлардаги улуши; сотилган маҳсулотда инновацион маҳсулотнинг улуши киради. Ушбу кўрсаткичларнинг аниқланиш йўллари совитгич корхоналарига мос ҳолда ишлаб чиқилди ва қуйидаги формула тавсия қилинди:

$$Ифс = \frac{1}{n} \sum_{i=1}^n Ифci ;$$

Бунда: *Ифс* – корхоналарда инновацион фаолият самарадорлигини ифодаловчи интеграл кўрсаткич;

*Ифci* – инновацион фаолият самарадорлигини ифодаловчи интеграл кўрсаткич таркибига кирадиган *i*-кўрсаткичининг номи;

*i* – инновацион фаолият самарадорлигини ифодаловчи алоҳида кўрсаткичларнинг тартиб раҳами;

*n* – инновацион фаолият самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичлар сони.

Мазкур формула корхоналарда инновацион фаолият самарадорлигини ифодаловчи интеграл кўрсаткич ҳақида яхлит хулоса чиқариш имконини беради. Худди шундай интеграл кўрсаткич бошқа гурух кўрсаткичлар бўйича ҳам аниқланади.

Тадқиқотларимиз натижасида саклаш ва сотиш хизматлари самарадорлигини ифодаловчи комплекс кўрсаткични аниқлаш йўллари ишлаб чиқилди. Бунинг учун кўрсаткичлар тизимини бир хил йўналиш ва ўлчамга келтириб олинади. Барча кўрсаткичларни

бир хил ўлчамга келтириб олиш учун ҳар бир кўрсаткичнинг биринчи босқичда нисбий миқдори аниқланади. Чунки битта кўрсаткич фоизда ифодаланса, иккинчиси сўмда, яна бирин коэффициентда ифодаланиши мумкин. Бундай турли ўлчамдаги кўрсаткичларни бир-бирига кўшиб бўлмайди. Агар кўрсаткичлар миқдорининг кўпайиши фаолият самарадорлигини ошишини ифодаласа, кўрсаткичнинг ҳақиқий миқдори ( $K_{Mx_i}$ ) унинг ўртачасига ( $K_{My_i}$ ) бўлинади:

$$Cx_i = K_{Mx_i} / K_{My_i}$$

Агар тескариси бўлса, кўрсаткич ўртачасининг миқдори унинг ҳақиқий миқдорига бўлинади:

$$Cx_i = K_{My_i} / K_{Mx_i}$$

$Cx_i$  – корхоналар самарадорлигини ифодаловчи кўпайиши ижобий натижани характерловчи  $i$ -кўрсаткичнинг миқдорини бир хил ўлчамга келтириб олинган даражаси;

$Cx_{pi}$  – корхоналар самарадорлигини ифодаловчи камайиши ижобий натижани характерловчи  $i$ -кўрсаткичнинг миқдорини бир хил ўлчамга келтириб олинган даражаси.

Комплекс кўрсаткичини аниқлашнинг иккинчи босқичида турли йўналишга эга бўлган кўрсаткичларни бир хил йўналишга келтириб олиш лозим бўлади. Бунинг учун юзни ҳар бир кўрсаткичнинг миқдорига бўлиш керак. Буни қўйидаги формула ёрдамида аниқлаш тавсия қилинди:

$$Cx_{pi} = 100/Cx_i;$$

Бунда:  $Cx_{pi}$  – маҳсулотларни саклаш ва сотиш хизматларини кўрсатувчи корхоналар самарадорлигини ифодаловчи алоҳида камайиши ижобий натижани характерловчи  $i$ -кўрсаткичнинг йўналишини бир хил ҳолатга келтириб олинган миқдори;

$Cx_{pi}$  – корхоналар самарадорлигини ифодаловчи алоҳида камайиши ижобий натижани характерловчи кўрсаткичнинг миқдори.

Ушбу хисоб-китоблардан сўнг, турли ўлчов бирлиги ва йўналишдаги кўрсаткичлар бир хил ўлчов бирлигига ва бир хил йўналишга эга бўлади. Энди уларни қўшиш мумкин бўлади. Жумладан, рентабеллик кўрсаткичиниң ўсиши корхона фаолияти самарадорлигининг ошганлигини ифодаласа, таннарх даражасининг кўпайиши самарадорликнинг пасайғанлигидан далолат

беради. Буларни бир хил ўлчам ва йўналишга келтирилгандан сўнг, ишқамасининг ҳам ўсиши самарадорликнинг ошищани ифодалайди.

Маҳсулотларни саклаш ва сотиш билан боғлиқ юқорида комлари келтирилган 9 та гурӯҳ интеграл кўрсаткичлардан ташкил топган кўрсаткичлар тизимидан комплекс кўрсаткични (Ксск) аниқлаш учун куйидаги формуладан фойдаланиш тавсия килинди:

$$Ксск = \frac{1}{n} \left[ \sum_{i=1}^n Сх\bar{i} + \sum_{i=1}^n \frac{100}{Схп\bar{i}} \right];$$

Бунда: Ксск – маҳсулотларни саклаш ва сотиш хизматларини кўрсатувчи корхоналар самарадорлигини ифодаловчи комплекс кўрсаткич;

Сх $\bar{i}$  –маҳсулотларни саклаш ва сотиш хизматларини кўрсатувчи корхоналар самарадорлигини ифодаловчи алоҳида қўйайши ижобий натижсанни характерловчи  $i$ -кўрсаткичнинг миқдори;

Схп $\bar{i}$  –маҳсулотларни саклаш ва сотиш хизматларини кўрсатувчи корхоналар самарадорлигини ифодаловчи алоҳида камайши ижобий натижсанни характерловчи  $i$ -кўрсаткичнинг миқдори.

Мазкур интеграл кўрсаткичларнинг ҳар бири ўз ичига алоҳида индивидуал кўрсаткичларни ҳам қамраб олади. Олиб борилган шцларда барча кўрсаткичлар тизими, уларни аниқлаш йўллари кўрсатиб берилди. Буни биргина корхоналарда инновацион фаолият самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичлар мисолида караб чиқамиз (3.3-жадвал).

Ушбу кўрсаткичнинг миқдори бошқа рақобатдош корхоналар кўрсаткичлари билан қиёсланиб, унинг ҳақиқий ҳолатига баҳо бериш, ички имкониятларни топиш йўлларини ишлаб чиқиш, кўрсаткичлар динамикасини аниқлаш орқали самарадорликнинг ўсиш тенденциясига баҳо бериш каби оптимал бошқарув қарорларини қабул қилиш имконини беради. Мазкур тавсияларимиз Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 28 июлдаги 207-сонли қарори билан тасдиқланган “Давлат улуши бўлган акциядорлик жамиятлари ва бошқа хўжалик юритувчи субъектлар фаолияти самарадорлигини баҳолаш мезонлари тўғрисидаги Низом”да ўз аксини топган. Тавсияларимиздан ушбу Низомнинг “Самарадорликни ифодаловчи асосий муҳим кўрсаткичлар рўйхати” 2а-иловасида, “Самарадорликни ифодаловчи қўшимча муҳим кўрсаткичлар рўйхати” 2б-иловада, “Самарадорликни ифодаловчи муҳим асосий кўрсаткичларни хисоблаш қоидалари”

За-иловада, “Самарадорликни ифодаловчи муҳим қўшимча кўрсаткичларни ҳисоблаш қоидалари” Зб-иоловаларда фойдаланилган. Ушбу ҳолатлар Ўзбекистон Республикаси Молия

### 3.3-жадвал

#### **Маҳсулотларни сақлаш ва сотиш хизматларини кўрсатувчи корхоналар инновацион фаолияти самарадорлигини ифодаловчи интеграл ва индивидуал кўрсаткичлар тизими**

	Интеграл кўрсаткичлар	Алоҳида индивидуал кўрсаткичлар
<b>Маҳсулотларни сақлаш ва сотиш билан боғлиқ хизматларни ифодаловчи комплекс кўрсаткич (Кссх)</b>	Корхоналарда инновацион фаолият самарадорлиги кўрсаткичлари	<p>Ишлаб чиқариш кувватларидан фойдаланиш коэффициенти</p> <p>Энергосамарадорлик (энергияга кетган харажатларнинг умумий харажатлардаги улуси), %</p> <p>Инновацияга кетган харажатларнинг умумий харажатлардаги улуси, %</p> <p>Сотилган маҳсулотда инновацион маҳсулотнинг улуси, %</p>

вазирлигининг 2016 йил 25 августида берилган ММ 17-61-35/430-сонли маълумотномасида ўз тасдиғини топган. Шунингдек, ушбу тавсияларимиз Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ва “Ўзбеко-зиковқатхолдинг” холдинг компанияси тизимига кирувчи корхоналар амалиётига ҳам жорий қилинган.

Маҳсулотларни сақлаш ва сотиш хизматлари самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичларни аниқлаш, тахлил қилиш ва уларни яхшилаш йўлларини ишлаб чиқиш бугунги кунда муҳим

аҳамиятга эга. Чунки мамлакатимизнинг ҳар бир худудида маҳсулотларни сақлаш зарурати кучайганлиги учун, кўплаб совитгичлар қурилиб, ишга туширилмоқда. Шу туфайли, мазкур соҳада ҳам самарадорлик кўрсаткичларини аниқлаш ва уларни баҳолаш йўлларини караб чиқиш бугунги кунда ўта долзарб масалалардан бирига айланди.

Маҳсулотларни сақлаш ва сотиш хизматларини ифодаловчи кўрсаткичлар макон ва замон категориясини ҳам ўзида мужас-самлаштиради. Масалан, сақлаш ва сотиш жараёни битта субъектда, яъни маконда содир бўлади. Аммо унинг ўзгариш тенденциясини баҳолаш учун бир неча йиллар олинади. Бу ўрганилаётган ҳолатнинг макон ва замон бирлигига ифода этишлигини билдиради. Ушбу ҳолатни совитгич корхоналарида инновацион фаолият самарадорлигини ифодаловчи интеграл кўрсаткичларда ҳам кўриш мумкин (3.4-жадвал).

#### 3.4-жадвал

#### **Корхоналарда инновацион фаолият самарадорлигини ифодаловчи интеграл кўрсаткичларнинг 2010-2015 йиллардаги динамикасининг ҳақиқий миқдори**

Йил-лар	Ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш коэффициенти	Энергосамарадорлик (энергияга кетган харажатларнинг умумий харажатлардаги улуси), %	Инновацияга кетган харажатларнинг умумий харажатлардаги улуси, %	Сотилган маҳсулотнинг улуси, %
2010	0,832	4,15	7,07	8,56
2011	0,873	5,81	8,14	7,91
2012	0,795	5,97	6,03	10,17
2013	0,818	5,50	9,19	9,01
2014	0,841	5,40	10,08	8,56
2015	0,875	5,90	10,12	10,98
Ўртacha	<b>0,839</b>	<b>5,45</b>	<b>8,43</b>	<b>9,19</b>

Мазкур жадвалда сақлаш ва сотиш корхоналарида инновацион фаолият самарадорлигини ифодаловчи интеграл кўрсаткичга кирувчи барча кўрсаткичларнинг хақиқий миқдори келтирилди. Улардан бири коэффициентда ифодаланса, қолганлари фоизда кўрсатилмоқда. Табиийки, уларни кўшиб бўлмаганлиги туфайли, уларнинг бир хил ўлчамдаги миқдори аниқлаб олинди. Бунинг учун юқоридаги формуладан фойдаланиб, барча кўрсаткичларнинг нисбий миқдори хисобланди (3.5-жадвал).

### 3.5-жадвал

#### **Корхоналарда инноваций фаолият самарадорлигини ифодаловчи интеграл кўрсаткичларнинг 2010-2015 йиллардаги динамикасининг бир хил ўлчамга келтирилган нисбий миқдори**

Йиллар	Ишлаб чиқариш кувватларидан фойдаланиш коэффициенти	Энергосамарадорлик (энергияга кетган харажатларнинг умумий харажатлардаги улуси), %	Инновацияга кетган харажатларнинг умумий харажатлардаги улуси, %	Сотилган маҳсулотда инновацион маҳсулотнинг улуси, %
2010	0,99	0,76	0,83	0,93
2011	1,04	1,06	0,96	0,86
2012	0,94	1,09	0,71	1,10
2013	0,97	1,00	1,09	0,98
2014	1,00	0,99	1,19	0,93
2015	1,04	1,08	1,20	1,19
Ўртacha	1,00	1,00	1,00	1,00

Ушбу жадвалда барча кўрсаткичлар бир хил ўлчамга келтирилди. Уларни жамлаш мумкин. Аммо уларнинг йўналиши турли бўлганлиги туфайли кўйиб бўлмайди. Бунинг учун энергосамарадорлик, яъни энергияга кетган харажатларнинг умумий харажатлардаги улусининг йўналишини ўзгартиришга тўғри келади, чунки ушбу кўрсаткичининг кўпайиши,

самарадорликнинг пасайишидан далолат беради. Қолган кўрсаткичларнинг ўсиши, самарадорликнинг ошганлигидан далолат беради. Бунинг учун куйидаги жадвални тузишни тавсия қиласиз (3.6-жадвал).

### 3.6-жадвал

**Корхоналарда инновацион фаолият самарадорлигини ифодаловчи интеграл кўрсаткичларнинг 2010-2015 йиллардаги динамикасининг бир хил ўлчамга ва йўналишга келтирилган нисбий миқдори**

Йиллар	Ишлаб чиқариш кувватларидан фойдаланиш коэффициенти	Энергосамарадорлик (энергияга кетган харажатларнинг умумий харажатлардаги улуси, %)	Инновацияга кетган харажатларнинг умумий харажатлардаги улуси, %	Сотилган маҳсулотда инновацион маҳсулотнинг улуси, %	Жами интеграл кўрсаткич
2010	0,99	1,32	0,83	0,93	1,02
2011	1,04	0,94	0,96	0,86	0,95
2012	0,94	0,91	0,71	1,10	0,91
2013	0,97	1,00	1,09	0,98	1,01
2014	1,00	1,01	1,19	0,93	1,03
2015	1,04	0,92	1,20	1,19	1,09
Ўртаси	<b>1,00</b>	<b>1,00</b>	<b>1,00</b>	<b>1,00</b>	<b>1,0</b>

Самарадорлик кўрсаткичларининг табиати уларнинг функцияларida намоён бўлади. Чунки кўрсаткич қандайдир жараён натижасини ифода этибина қолмасдан, ушбу жараённинг ҳолатини, бошқаришни қайси йўналишда олиб бориши, натижани рағбатлантириш (ёки жазолаш) лозимлиги тўғрисида ҳам тегишли хуласалар килиш учун асос бўлади. Шу туфайли маҳсулотларни сақлаш ва сотиш жараёнларини ифодалашда қўлланиладиган кўрсаткичларнинг функцияларини қараб чикишни максадга муво-

фик, деб топдик. Чунки маҳсулотларни сақлаш ва сотиш хизматлари билан боғлиқ бўлган кўрсаткичларнинг функциялари иқтисодий адабиётларда кам ёритилган. Шу туфайли ушбу масаланинг назарий қисмига қисқагина тўхталиб ўтамиз, бу хозирги шароитда ушбу хизматларнинг аҳамиятини, уларни ифодаловчи кўрсаткичларнинг моҳиятини тушунишга ёрдам беради. Зеро, ҳар қандай иқтисодий жараён ёки ҳодисани назарий ва амалий жиҳатдан тадқиқ қиласидиган бўлсак, албатта уларни ифодаловчи кўрсаткичларни аниқлашдан ва табиатини ўрганишдан бошлаш лозимдир.

Иқтисодий адабиётларда бу борада бир қанча фикрлар айтилган. Уларни умумлаштириб, сақлаш ва сотиш хизматларини баҳолашга мос қуйидаги функцияларни (баҳолаш, рағбатлантириш, назорат қилиш, бошқариш, сиёсий, тақкослаш) олишни лозим деб топдик. Ушбу функцияларнинг қисқача изоҳи қуйидаги жадвалда келтирилган (3.7-жадвал).

### 3.7-жадвал

#### Маҳсулотларни сақлаш ва сотиш хизматларини ифодаловчи кўрсаткичларнинг функциялари ва уларнинг қисқача изоҳи

Т/р	Кўрсаткичларнинг функциялари	Кўрсаткичлар функцияларининг қисқача изоҳи
1.	Баҳолаш	Маҳсулотларни сақлаш ва сотиш хизматларининг ўзгариш тенденциялари, муваффакиятли ёки мағлубиятли ҳолатини, унинг даражасини қиёслаш имконияти кабиларни кўрсаткичларнинг баҳолаш функцияси орқали амалга оширилади.
2.	Рағбатлантириш	Рағбатлантириш иқтисодий ўсишнинг, маҳсулотларни сақлаш ва сотиш хизматлари самарадорлигининг оширилишида мухим омиллардан бўлганлиги туфайли, унинг одилона амал қилишлигини таъминлаш максадида кўрсаткичлар микдори орқали холоса қилинади.

3.	Назорат қилиш	Кўрсаткичлар ёрдамида белгиланган прогноз кўрсаткичларга мувофиқлигини, режанинг, дастурларнинг бажарилишини, месъёрга амал қилиниши каби ҳолатларни назорат қилиш имконини беради.
4.	Бошқариш	Барча жараёнлар, жумладан, сақлаш ва сотиш хизматларини ҳам самарали амалга ошириш учун, қаерда, қандай, қанча иш бажарилишига кўргазмалар бериш, ушбу жараённи бошқариш орқали амалга оширилади.
5.	Сиёсий	Мамлакатимизнинг озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлигини, ушбу кўрсаткичлар даражасининг ошиши мустақилликнинг афзалликларини, танлаган йўлимизнинг тўғрилиги кабиларни ифодалайди.
6.	Таққослаш	Маҳсулотларни сақлаш ва сотиш хизматларининг даражаси ўтган даврлар билан, бошқа субъектлар натижалари билан, месъёрий кўрсаткичлар билан, ўртача кўрсаткичлар каби миқдорлар билан таққослаш имконини беради.

Кўриниб турибдики, маҳсулотларни сақлаш ва сотиш хизматларини ифодаловчи кўрсаткичлар объектив вокеликни ифодаловчи ўлчов бирликлари сифатида фойдаланилади. Чунки улар асосида корхона фаолияти ёки жараённинг содир бўлиши ва натижалари назорат қилинади, уларнинг миқдорини таққослаган ҳолда яхши ёки ёмон деган баҳо берилади, мос равищда ушбу кўрсаткичлар ходимларни рағбатлантириш ва жазолаш учун далил хисобланади. Шунингдек, кўрсаткичларнинг функциялари уларнинг табиатини тўлиқ очиб беради. Жумладан, кўрсаткичлар барча жараён ёки ходисаларнинг миқдорини ва сифатини ифода этади ва шу категорияга мос келади. Чунки миқдор ўзгариши ҳамиша сифат ўзгаришига олиб келади ва бир вактнинг ўзида миқдорий ўлчовлар билан сифат кўрсаткичларини ҳам ифодалаш мумкин. Масалан, ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг навлари. Булар миқдор билан ўлчанади, аммо сифатни ифода этади. Буни сақлаш жараёнига

татбиқ қиладиган бўлсак, 1-навли олмани б ой муддатда сақлаб, 80 %ини 1-нав ҳолатида, 20 %ини 2-нав ҳолатида олиш билан, унинг рақамларда маҳсулотнинг сифатици ифодалаганинг гувоҳи бўламиз. Шу тариқа кўрсаткичларнинг табиатига ойдинлик киритилиб борилади.

Яна шуни инобатга олиш лозимки, ҳар қандай кўрсаткичлар сингари маҳсулотларни сақлаш ва сотиш хизматларини ифодаловчи кўрсаткичлар ҳам бир канча субъектларнинг манфаатларини ўзида ифода этади. Чунки ҳар бир кўрсаткичининг микдори манфаатлар (мулкдор, ҳодим, меҳнат жамоаси, давлат, жамият кабилар) муштараклигини ифода этиши лозим. Кимнингдир манфаатига зид бўлган ҳаракатнинг келажаги, бардавомлиги бўлмайди. Шунинг учун ҳар бир кўрсаткичга манфаатлар муштараклигининг таъминланганлиги нуқтаи назаридан қараш лозим бўлади. Агар ушбу талабларга жавоб бермайдиган бўлса, бундай кўрсаткичлардан умрини ўтаб бўлган кўрсаткич сифатида амалиётда фойдаланилмайди.

## **4-боб. МАҲСУЛОТЛАРНИ САҚЛАШ ВА ИСТЕЙМОЛЧИЛАРГА ЕТКАЗИШ БИЛАН БОҒЛИК ХИЗМАТЛАР САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШНИНГ ТАШКИЛИЙ-ИҚТИСОДИЙ МЕХАНИЗМЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎЛЛАРИ**

### **4.1. Ташкилий-иқтисодий механизмларининг мазмуни ва уларнинг назарий масалалари**

Қишлоқ хўжалигида маҳсулотларни етиштиришнинг мавсумийлигига қарамасдан, истеъмол қилинишининг йил давомида амалга оширилиши билан боғлик жараёнлар кўплаб тадбирларни, жумладан, сақлаб сотиш хизматларини ҳам ташкил қилишни тақозо қиласди. Мамлакатимиз учун ушбу масала давлат аҳамиятига молик бўлиб, ижтимоий-иқтисодий сиёсатнинг асосий негизи бўлган, аҳолининг ҳаёт даражаси ва сифатини оширишга қаратилган. Мамлакатимизнинг Биринчи Президенти И.А.Каримов барча нутқ ва маърузаларида, асарларида мазкур масалага алоҳида аҳамият берип, “Аҳоли ҳаёт даражаси ва сифатини янада изчил ошириб бориш масаласи бизнинг доимий эътиборимиз марказида бўлиб келмоқда”<sup>61</sup>, деб таъкидлаган эди.

Бундай муҳим вазифани бажариш учун кенг кўламли тадбирлар амалга оширилмоқда. Мамлакатимизда мустақиллик йилларида қишлоқ хўжалиги соҳасида таркибий ўзгаришлар чуқурлаштирилиб, озиқ-овқат маҳсулотлари экинлари экиладиган майдонлар босқичма-босқич кенгайтиримоқда. Соҳага илгор агротехнологиялар жалб этилиб, интенсив боғлар барпо килингати. Бунда мамлакатимиз Биринчи Президентининг 2016 йил 12 апрелдаги “Мева-сабзавот, картошка ва полиз маҳсулотларини харид қилиш ва улардан фойдаланиш тизимини такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида”<sup>62</sup> ги Қарори катта аҳамият касб этди. Ушбу қарорга биноан нафакат мева-сабзавот маҳсулотларини етиштириш ҳажмини кўпайтириш, балки сотиб олиш, сифатли сақлаш, саноат корхоналарини хомашё билан узлуксиз таъминлаш, экспорт

<sup>61</sup> Каримов И.А. “Она юртимиз бахту икболи ва буюк келважаги йўлида хизмат қилиш – энг олий саодатидир”. – Т.: “Ўзбекистон” НМИУ, 2015, 63 б.

ҳажмини ошириш каби масалалар бўйича ўзига хос тизим яратилди.

Улардан бири мавсум давомида етиштирилган қишлоқ хўжалик маҳсулотларини миқдорини камайтирмасдан, сифатини сақлаган ҳолда, йил давомида ахоли дастурхонига етказиб беришдан иборат. Бунинг учун маҳсулотларни маҳсус ихтисослашган совитгичларда сақлашни талаб қиласди. Авваллари маҳсулотни асосан табиий ҳолда сақлаш натижасида унинг бир қисми табиий камайиш эвазига нобуд бўлар эди. Бугунги кунда техника ва технологияларнинг ҳамма соҳаларда ривожланиши, маҳсулотларни сақлаш соҳасига инновацион технологияларнинг кириб келиши, мазкур соҳа имкониятларини кенгайтирди.

Биргина Жиззах вилоятида 2015 йилда 24 минг тонна қишлоқ хўжалиги маҳсулоти сақланди. Унинг 7,0 минг тоннадан зиёдроғи картошка, 4,5 минг тоннаси пиёз, 3,5 минг тоннаси сабзини ташкил қиласди. Ҳозирги пайтда вилоятда 335 та маҳсулотларни сақлайдиган омбор ва совитгичлар мавжуд<sup>62</sup>. Уларнинг бир қисми вилоят марказида, асосий қисми бевосита қишлоқ жойларда, маҳсулотлар етиштирилган фермер хўжаликларида қурилган.

Етиштирилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сифатли сақлаш масаласи нафакат иктиносидий, балки муҳим ижтимоий аҳамиятга эгалиги қуйидагиларда намоён бўлади:

- ахоли йил давомида маҳсулотларни истеъмол қилиш имконияти туғилади;
- маҳсулотларнинг ҳажми камаймаган ва сифати бузилмаган ҳолда сақланиши таъминланади;
- тегишли витаминли мева ва сабзавотларни истеъмол қилиш эвазига одамлар саломатлигини сақлаш имкони яратилади. Булар пировардида мамлакатнинг озиқ-овкат хавфсизлигини таъминлашнинг муҳим омилларидан бири сифатида ахоли ҳаёт даражаси ва сифатини оширишга хизмат қиласди. Буларнинг ўзаро боғлиқлиги қуйидаги расмда келтирилган (4.1-расм).

Расмдан кўриниб турибдики, ахолининг ҳаёт даражаси ва сифати бевосита маҳсулотларни сақлаш билан ҳам боғлиқ экан. Биринчидан, маҳсулотлар миқдорини йўқотмаган ҳолда, унинг иктиносидий самарадорлигини таъминласа, иккинчидан, уларнинг

<sup>62</sup> Муаллифинг сўровига Жиззах вилояти хокимлиги иктиносидёт бошкармаси томонидан берилган маълумотлар. Мазкур ракамлар “Народное слово” газетасида ҳам нашр кишинди. (Л. Адильшаев. “И зимой овощи свежие, как с грядки”. Газета «Народное слово», 9 октября 2015 года).

сифатини асрарш эвазига ахолининг саломатлигини ҳам асрайди. Ушбу омиллар ахолининг ҳаёт дарражаси ва сифатини таъминлаш имкониятини тудиради.



**4.1-расм. Махсулотларни сақлашнинг ахоли ҳаёт дарражаси ва сифатини таъминлаш занжиридаги ўрни.**

Хизматлар тизимида мева ва сабзавотларни сақлаш билан боғлиқ хизматлар муҳим ақамиятта эгалигидан, етиширилган маҳсулотларни йил давомида истеъмол қилинишини таъминлаш учун сақлаш объектив зарурият эканлигидан келиб чиқиб, мамлакатимиз ва хорижлик олимлардан Е.П.Широков, В.И.Полигаев, Т.Л.Турсунхўжаев, Р.Орипов, И.Сулайманов ва Э.Умурзоков, Т.Э.Останақулов, В.И.Зуев ва О.Қ.Қодирхўжаев, Б.О.Ҳасанов, Р.О.Очилов, Р.А.Гулмуродов, Ҳ.Бўриев, Р.Жўраев, О.Алимов, В.Л.Перегудов, М.Х.Сандов, Р.Р.Файзиев, Т.Ф.Сокол, Ж.А.Теровакимян, Ф.Р.Исматуллаев, О.С.Обидов<sup>63</sup> кабилар маҳсулотларни турли усусларда сақлаш технологияси ва уни такомиллаштиришга оид тадқикотлар олиб боришган. Аммо ушбу масаланинг соғ иқтисодий жиҳатлари, унинг самарадорлигини оширишнинг ташкилий-иқтисодий механизмларини такомиллаштириш масалалари чукур тадқиқ қилинмаган.

<sup>63</sup> Широков Е.П., Полигаев В.И. Хранение и переработка продукции растениеводства на основании стандартизации и сертификации. – М.: “Колос”, 2000, 253с., Турсунхўжаев Т.Л. Киплок ҳўжалиги маҳсулотларни сақлаш ва қайта ишлаш технологияси. – Т.: Ўзбекистон ғзвучилар уюшмаси Адабиёт жамгармаси, 2004, 111 б., Орипов Р., Сулайманов И.ва Умурзоков Э. Киплок ҳўжалик маҳсулотларини сақлаш ва қайта ишлаш технологияси. Дарслик. – Т.: “Мехнат”, 1991, 296 б., Останақулов Т.Э., Зуев В.И., Қодирхўжаев О.Қ. Сабзавотчилик. Дарслик. – Т.: 2009, 460 б., Турсунхўжаев Т.Л. Киплок ҳўжалик маҳсулотларини сақлаш ва қайта ишлаш технологияси. Ўқув кўлланма. – Т.: Ўзбекистон ғзвучилар уюшмаси Адабиёт жамгармаси нацириёти, 2004, 112 б., Хранение и переобработка картофеля, овощей, плодов и винограда. Под редакцией академ. ВАСНИЛТ. Ф. Сокол, Ж.А.Теровакимян. – М.: «Колос», 1979, 335 с., Б.О.Ҳасанов, Р.О.Очилов, Р.А.Гулмуродов Сабзавот, картошка ҳамда полиз экскаваторининг касаллисиги ва уларни кураш. – Т.: “Ворис-нашриёти”, 2009, 244 б., Бўриев Ҳ., Р.Жўраев, Алимов О. Мева-сабзавотларни сақлаш ва уларни дастлабки ишлар бериш. – Т.: “Мехнат” нацириёти, 2002, 184 б., Перегудов В.Л., Сандов М.Х., Р.Р.Файзиев, Ф.Р.Исматуллаев, О.С.Обидов. Управление качеством и конкурентоспособностью продукции. – Т.: «Молия», 2001, 203 б.

Ахолининг ҳаёт даражаси ва сифатини ошириш бевосита иқтисодиётнинг ривожланиши ва самарадорлигининг кўтарилишига, ушбу мураккаб жараённи амалга оширишда ташкилий-иқтисодий механизмлардан тўғри фойдаланишга ҳам боғлик. Ушбу механизмлар жамиятнинг ривожланиши, иқтисодиётнинг юксалиши, ҳаёт талабининг ўзгариши билан такомиллашиб бораверади. Шутуфайли, мазкур масаланинг ечимини назарий жиҳатдан ҳал қилиш ҳам бугунги кунда иқтисодиёт фанидаги устувор вазифалардан бири бўлиб хисобланади. Щу жиҳатдан унинг мазмунини очиб бериш тадқиқотнинг мақсади қилиб белгиланди.

Ташкилий-иқтисодий механизм тушунчасининг мазмунини тўлиқ очиб бериш учун энг аввало унинг луғавий маъносига эътиборни қаратиш лозим, деб тондик. Ўзбек тилининг 5 томлик изоҳли луғатида ушбу тушунчалар тўғрисида тегишли маълумотлар берилган. “Ташкилий” сўзи юқоридаги луғатнинг 4-жилдида қўйидагича изоҳланган: [ташкил этишига, уюштиришига, ташкилотчиликка оид; тузилиши билан боғлиқ бўлган]”<sup>64</sup>. Булардан кўриниб турибдики, ташкиллаштириш бевосита бирор мақсадга эришиш учун унга таъсир қилувчи омилларни уюштириш, сафарбар қилиш масалаларидан иборатdir.

“Иқтисодий” сўзига изоҳли луғатнинг 2-жилдида қўйидагича изоҳ берилган: “Иқтисодга, иқтисодиётга оид; иқтисодиёт (иқтисод)га боғлиқ бўлган”<sup>65</sup> нисбатлар. Бундан табиий равишда иқтисодиёт сўзининг ҳам изоҳини қарашга тўғри келади. “Иқтисодиёт” араб тилидан келиб чиқсан бўлиб, ҳўжалик масалалари; ҳўжалик”<sup>66</sup> маъносини англатиши кўрсатилган. Сўнгра унга учта изоҳ берилган: “1. Ижтимоий тузумнинг базиси. 2. Ҳалқ ҳўжалиги ишлаб чиқариш кучларининг ҳолатига мувофиқ келувчи ишлаб чиқариш муносабатлари. 3. Ҳўжалик тармоқларининг моддий ва молиявий томонларини ўрганадиган фан”<sup>67</sup>. Иқтисодиётнинг мазмуни бевосита ишлаб чиқариш кучларининг ҳолатига мувофиқ келувчи ишлаб чиқариш муносабатларидан иборат. Уибу жараён жуда кўп жиҳатларни ўз ичига олади. Ишлаб чиқариш кучлари

<sup>64</sup>Ўзбек тилининг изоҳли луғати: 80000 дан ортиқ сўз ва сўз бирикмаси. Ж. Й. Тахрир хайъати: Т. Мирзаев (рахбар) ва бошк.; ЎзР ФА Тил ва адабиёт ин-ти. – Т.: “Ўзбекистон Миллӣ энциклопедияси” ДИН, 2008, 22 б.

<sup>65</sup> Ўша жойда. – 264 бет.

Ўзбек тилининг изоҳли луғати: 80000 дан ортиқ сўз ва сўз бирикмаси. Ж. ІІ. Тахрир хайъати: Т. Мирзаев (рахбар) ва бошк.; ЎзР ФА Тил ва адабиёт ин-ти. – Т.: “Ўзбекистон миллӣ энциклопедияси” ДИН, 2006, 264 б.

<sup>66</sup> Ўша жойда. – 264 бет.

<sup>67</sup> Ўша жойда. – 264 бет.

такомиллашган сари уни ҳаракатга келтирувчи ходимлар малакаси ҳам такомиллашиб боради. Мөс равища улар ўртасидаги ишлаб чиқарыш муносабатлари ҳам, ўша жараёнга хос равища такомиллашади.

“Механизм” сўзининг ҳам мазмуни луғатда берилган. Ушбу сўз юонон тилидан олинган бўлиб, [mechanе – қурол, машина ёки mechanіke машина яратиш] сўзларини англатиши қайд этилган ва унга куйидагича 2 та изоҳ берилган: “*1. Машина, асбоб, аппарат ва ш.к.нинг ички, шига солувчи қисмлари, ички тузилиши*”<sup>68</sup>. Кўриниб турибдики, механизм ҳам ниманидир ҳаракатга келтиришга мўлжалланган ускуна, восита бўлиб хисобланади. Агар буларнинг ҳаммасини иқтисодиётга мөс равища қарайдиган бўлсак, уни ривожлантириш, самарадорлигини оширишга қаратилган ҳаракатта келтирувчи кучлар, омиллар мажмуи мазкур жараённинг ташкилий-иктисодий механизмларини ташкил қиласди. Булардан келиб чиқиб, ташкилий-иктисодий механизм тушунчасининг таърифи ишлаб чиқилди.

Ташкилий-иктисодий механизм деганда, иқтисодиётни ривожлантириш ва самарадорлигини оширишга йўналтирилган дастакларни ташкил этиш, уюштириш, ишлаб чиқариш кучлари ва уларнинг ҳолатига мувофиқ келувчи ишлаб чиқариш муносабатларини ҳамда ҳуқуқий асосларини такомилластиришга қаратилган чора-тадбирлар мажмуи тушунилади.

Мазкур таърифдан кўриниб турибдики, ташкилий-иктисодий механизмнинг асосий максади иқтисодиётни ривожлантириш ва унинг самарадорлигини кўтаришга қаратилганлиги бир қанча чора-тадбирларни амалга оширишни тақозо қиласди. Бундай чора-тадбирларга, ташкилий тадбирлар билан бирга, иқтисодий ва ҳуқуқий тадбирларни ҳам киритиш лозимлиги кўриниб турибди. Чунки ҳар қандай иқтисодий тадбирлар маълум тизим асосида амалга оширилиши ва бу белгиланган қонунлар асосида тартибга солиниши кераклигини инобатга олиш лозим бўлади.

Шуни эътироф этиш керакки, ташкилий-иктисодий механизmlар назарий жиҳатдан яхлит тушунча бўлгани билан, иқтисодиётнинг турли соҳалари, тармоқлари ва бўғинларида турлича йўналишга ва мөс равища, уларнинг ҳар бири ўзига хос хусусиятларга ҳам эга.

<sup>68</sup> Унда жойида. 584 бет.

Ҳар бир соҳани ривожлантириш ва унинг самарадорлигини ошириш бўйича эришган натижаларни баҳолаш учун уни ифодаловчи кўрсаткичларни аниқлашни тақозо қиласди. Бу кўрсаткичлар орқали самарадорлик даражаси, ривожланганлик ҳолатига баҳо берилади. Буларнинг яхшиланиши бевосита амалга ошириладиган чора-тадбирларга боғлиқ. Ушбу чора-тадбирлар мазмун-моҳияти жиҳатидан икки гурухга бўлинади: ташкилий механизм билан боғлиқ чора-тадбирлар ва иқтисодий механизм билан боғлиқ чора-тадбирлар. Буларнинг шакли ва мазмуни куйидаги жадвалда ўз аксини топган (4.1-жадвал).

Кўриниб турибдики, ташкилий-иқтисодий механизмларнинг таснифи ва гурухлари бўйича турлари, унинг умумий элементлари ифода этмоқда. Аммо ушбу умумий йўналишга асосланиб, ҳар бир жараённинг ўзига хос хусусиятларини ҳар бир соҳага мос ҳолда шакллантириш ҳам мумкин. Бундан келиб чиқадиган бўлсак, ҳар бир соҳага мос равишда янги ташкилий-иқтисодий механизмларни шакллантиришининг ҳам имкони бор.

#### 4.1-жадвал

#### Ташкилий-иқтисодий механизмларнинг таснифи ва гурухлари бўйича турлари

Ташкилий механизм	Мулкий муносабатлар	Хусусий мулк
		Жамоавий мулк
		Давлат мулки
		Шахсий мулк
		Аралаш мулк ва ҳ.к.
	Иш жараённи ташкил қилиш	Ихтисослаштириш
		Кооперациялаштириш
		Меҳнат таҳсимотини жорий қилиш
		Кўп соҳали ишларни ташкил қилиш
	Таркибий тузилмалар	Мустакил корхоналар
		Бирлашмалар
		Акциядорлик жамиятлари
		Масъулияти чекланган жамиятлар каби
	Меъёрий-хукукий асослар	Қонунлар
		Низомлар

		Меъёрлар, қоидалар каби қонуности ҳужжатлари
Иқтисодий механизм	Бошқариш ва унинг функциялари	Бухгалтерия хисоби
		Назорат
		Молиявий-хўжалик фаолияти таҳлили
		Режалаштириш
	Молиялаштириш	Мулқдорнинг ўз маблағлари хисобидан
		Ички ва хорижий инвесторлар хисобидан
		Кредитлар хисобидан ва ҳ.к.
	Рағбатлантириш	Моддий рағбатлантириш (мукофотлаш)
		Турли жазо чораларини кўриш
		Маънавий рағбатлантириш
	Режалаштириш	Узок муддатли дастурларни кабул қилиш
		Жорий даврга режалаштириш
		Корхона бўйича умумий режа
		Ҳар бир филиал ва бўлинмалар бўйича режа кабилар
	Меъёrlаштириш	Харажатлар меъёри
		Вақт меъёри
		Табиий йўқотишлар меъёри кабилар

Юқорида келтирилган ташкилий-иқтисодий механизмларнинг элементлари иқтисодиётнинг умумий ҳолатига бағишиланган. Бунга асосан, ҳар бир соҳанинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқсан ҳолда, ташкилий-иқтисодий механизмларнинг элементларини шакллантириш мумкин. Бунда ушбу умумий элементлар билан бирга ўзига хос элементлар ҳам бўлиши мумкин. Чунки ҳар бир жараённинг ўзига хос хусусияти, шунга мос равишда янги ташкилий-иқтисодий механизмларнинг шаклланишини ҳам тақозо қиласди.

#### **4.2. Маҳсулотларни сақлаш сотиши хизматлари самарадорлигини оширишнинг ташкилий-иктисодий механизmlарини такомиллаштириш йўллари**

Маҳсулотларни сақлаш ва сотиши хизматлари самарадорлигини оширишга қаратилган, бизлар тавсия қилган ташкилий-иктисодий механизmlарга қуидагиларни киритиш мумкин:

1. “Боғдан дастурхонгача” схемасида келтирилган механизmlар: саралаш; ташиб; сақлаш жараёни; сотиши; қадоқлаш кабилар бўйича тежамкорлик режимига амал қилган ҳолда харажатларни минимал даражагача камайтириш орқали самарадорликни ошириш.

2. Ходимлар шахсий масъулиятини ошириш (ХШМО): яхши ва самарали ишлиарни рағбатлантириш; интизомсизлик ва самараасиз натижаларни тегиши тарзда жазолаш кабилар.

3. Хўжалик фаолияти натижаларини индивидуал, интеграл ва комплекс кўрсаткичлар орқали баҳолаш йўлларини такомиллаштириш: ички имкониятларни ишга солиш; иқтисодий асосланган бошқарув қарорларини қабул қилиш кабилар.

4. Маҳсулотларни сақлаш ва сотиши хизматлари самарадорлигига таъсир этувчи омилларни аниқлаш, уларни таснифлаш ва ҳар бирининг таъсирини ҳисоблаш йўлларини такомиллаштириш кабилар.

5. Маҳсулотларни сақлаш муддатларини узайтириш ва табиий йўқолиш даражасини камайтириш тадбирлари.

6. Мева-сабзавот маҳсулотлари билан сотиши хизматларини ташкил этишининг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш.

7. Аҳоли ва мева-сабзавот маҳсулотлари билан шуғулланадиган дўконлар учун кичик ҳажмдаги совитгичлар ўрнатиш ва куриш.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, маҳсулотларни сақлаш ва сотиши хизматларини ривожлантириш ва самарадорлигини оширишга қаратилган ташкилий-иктисодий механизmlарга қуидагиларни киритиш мумкин (4.2-жадвал).

Маҳсулотларни сақлаш ва сотиши хизматлари билан боғлик масалалар доимо долзарб бўлиб, авваллари маҳсулотларни сақлашнинг жуда оддий усусларидан, хусусан, айрим маҳсулотларни қуритиш ва қисман кайта ишланган ҳолатда, бир қисм маҳсулотлар бевосита далада ерга кўмилган ва ергтўлаларда очик уюмларда сақланган бўлса, бугунги кунга келиб, барча жараёнлар сингари сақлаш билан боғлиқ хизматлар ҳам такомиллаштирилди.

#### 4.2-жадвал

### **Маҳсулотларни саклаш ва сотиш хизматлари самарадорлигини оширишга қаратилган ташкилий-иктисодий механизмлар ва уларнинг мазмуни**

Т/р	<b>Ташкилий- иктисодий механизмлар номи</b>	<b>Ташкилий-иктисодий механизмларнинг мазмуни</b>
1.	“Боғдан дастурхонгача” схемаси асосида маҳсулотларни сақлаб сотиш	Етиштирилган маҳсулотларни саралаш, ташиш, саклаш жараёни, қадоқлаш, со- тиш кабилар бўйича тежамкорлик режи- мига амал қилган ҳолда, харажатларни минимал даражагача камайтириш орқали самарадорликни ошириш тадбирларини камраб олади.
2.	Ходимлар шахсий масъулиятини oshiриш	Ҳар бир ходимнинг яхши ва самарали ишлиарини рагбатлантириш, интизом- сизлик ва самарасиз патижаларни тегиши- ли тарзда жазолаш, иктиносий чоралар кўриш йўли билан тежамкорлик режи- мига риоя қилган ҳолда самарадорликни oshiришга эришилади.
3.	Корхоналар фаoliyatiini kўrsatkiçlар tizimi ёrdamida baҳolash	Корхона фаoliyatiiga ҳаққоний баҳо бериш билан бирга ундаги ҳолат тўлиқ ўрганилади, ички имкониятларни ишга солиш йўллари ишлаб чиқилади, иктиносий жиҳатдан асосланган бошқарув қарорларини қабул қилиш орқали самарадорликни ошириш имконияти яратилади.
4.	Омилли таҳлилни амалга ошириш ва такомиллаштириш	Маҳсулотларни саклаш ва сотиш хиз- матлари самарадорлигига таъсир этувчи омилларни аниқлаш, уларни таснифлаш ва ҳар бирининг таъсирини хисоблаш орқали самарадорликка эришишнинг ички имкониятлари топилади ва асосли бошқарув қарорлари қабул қилинади.

5.	Маҳсулотларни сақлаш муддатларини узайтириш ва табий йўқолиш даражасини камайтириш тадбирлари	Маҳсулотларни чакана савдо корхоналарида сақлаш муддатларини узайтириш чоралари кўрилади, сақлаш жараёнларини модернизациялаш (совитгичлар ўрнатиш) натижасида маҳсулотларни йўқотиш даражаси камайтирилди ва самарадорлик оширилди.
6.	Мева-сабзавот маҳсулотларини сақлаш ва қайта ишлаш моддий-техника базасини яратиш бўйича имтиёзли кредитлар бериш тартибини такомиллаштириш	Мева-сабзавот маҳсулотларини сақлаш ва қайта ишлаш жараённада моддий-техника базасини яратиш муҳим аҳамият касб этишига сабаб, улар учун имтиёзли кредитлар бериш талаб этилади, чунки мазкур маҳсулотлар озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш учун ўта муҳим аҳамиятга эга. Бироқ боғдорчилик билан шуғулланадиган фермер хўжаликлари ҳосилни олиб даромад қилгунча анча вақт давомида кутишига тўғри келади. Шу жиҳатдан, имтиёзли кредитларни бериш тартибини такомиллаштириш мақсадида, уларнинг микдори катта бўлганига мос равишида муддатини ҳам узайтиришни тақозо қиласди.
7.	Мева-сабзавот маҳсулотларини сотиш хизматларини ташкил этишининг хукуқий асосларини такомиллаштириш	Мева-сабзавот маҳсулотларини улгуржи ва чакана савдоси билан шуғулланувчи корхоналарга рухсат бериш тартибларини соддалаштириш, яъни улгуржи савдога лицензия олишни талаб этмаслик, чакана савдо қилувчи корхоналар учун сақлаб сотиш асбоб-ускуналари меъёрларини белгилаш эвазига маҳсулотларни сақлаш билан боғлиқ харажатларни камайтириш.
8.	Аҳоли ва мева-сабзавот маҳсулотлари билан шуғулланадиган	Аҳолининг қиши ва баҳор ойларида истеъмоли учун маҳсулотларни сақлайдиган кичик ҳажмдаги, яъни 1-2 тонналик совитгичларни ишлаб чиқариш ва термос усулидаги кичик омборхона-

	дўконлар учун кичик ҳажмдаги совитгичлар ўрнатиш ва қуриш	ларни қуришни ташкил қилиш орқали маҳсулотларнинг табиий ва биологик йўқолишининг камайиши эвазига сақлаш самарадорлиги ошади.
--	--	---

#### **4.3. Мева-сабзавот маҳсулотларини сақлаш ва қайта ишлаш моддий-техника базасини яратиш бўйича имтиёзли кредитлар бериш тартибини такомиллаштириш**

Мева-сабзавот маҳсулотларини сақлаш ва қайта ишлашга ихтисослашган субъектларга моддий-техника базасини яратиш бўйича тижорат банклари томонидан имтиёзли кредитлар бериш ва лизинг хизматлари кўрсатиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 20 августдаги “Мева-сабзавот ва чорвачилик маҳсулотларини қайта ишлаш бўйича мини-технологиялар ва ихчам асбоб-ускуналар сотиб олиш учун фермер хўжаликларига ва кичик бизнеснинг бошқа субъектларига имтиёзли кредитлар бериш ва лизинг хизматлари кўрсатиш тартиби тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳакида”ги 178-сон Қарори билан тасдиқланган “Мева-сабзавот ва чорвачилик маҳсулотларини қайта ишлаш бўйича мини-технологиялар ва ихчам асбоб-ускуналар сотиб олиш учун фермер хўжаликларига ва кичик бизнеснинг бошқа субъектларига имтиёзли кредитлар бериш ва лизинг хизматлари кўрсатиш тартиби тўғрисида Низом”да белгиланган.

Мева-сабзавот маҳсулотларини сақлаш ва қайта ишлаш бўйича технологиялар ва ихчам асбоб-ускуналар сотиб олиш учун фермер хўжаликларига ва кичик бизнеснинг бошқа субъектларига имтиёзли кредитлар уларнинг талаб қилиб олинадиган асосий депозит хисоб рақамлари очилган тижорат банклари томонидан берилиши кўзда тутилган. Одатда имтиёзли кредитлар куйидаги принципларга асосланган ҳолда берилади:

- қайтариш шартлилиги;
- кредитнинг пул билан қайтишлиги;
- кредит микдорининг таъминланганлиги;
- кредитдан мақсадли фойдаланиши лозимлиги;
- маълум муддатга берилиши кабилар.

Мева-сабзавот маҳсулотларини сақлаш ва қайта ишлаш бўйича технологияларни сотиб олиш учун фермер хўжаликларига ва кичик бизнеснинг бошқа субъектларига имтиёзли кредитлар 5 йилдан кам бўлмаган муддатга берилиши белгиланган. Бунга камида 18 ойни ташкил этадиган имтиёзли давр ҳам киради<sup>69</sup>. Тадқиқотларимиз натижасига кўра, хозирги шароитда ушбу инновацион технологияларнинг асосий қисми хориждан келтирилаётганлиги, уларнинг айланмаси (обороти) ва пул оқимлари катта бўлмаганлиги сабаб, ушбу жиҳозларнинг қийматини қисқа даврда қоплаш фермер хўжаликлариغا ва кичик бизнеснинг бошқа субъектларига бироз мураккаблик туғдиради.

Мазкур ҳолат инновацион технологиялар учун бериладиган кредитнинг қопланиши бўйича аниқ микдори ва муддатини белгилашни талаб қиласди. Агар фермер хўжаликлари ва кичик бизнеснинг бошқа субъектлари факат боғдорчиликка ихтисослашган бўлса, кредитлар учун имтиёзли даврни 2,5-3 йилгача узайтиришни тақозо қиласди, чунки шу даврда улар ҳали ҳосилга кириб улгурмаган бўлади. Бу механизмининг субъектлар учун анча қуляйлиги шундаки, улар имтиёзли давр тамом бўлгандан кейинги ойдан бошлаб имтиёзли кредитлар бўйича асосий қарзни қайта-риши бошлайди.

Хозирда фермер хўжаликлари ва кичик бизнеснинг бошқа субъектларига мева-сабзавот маҳсулотларини сақлаш ва қайта ишлаш бўйича технологияларни сотиб олиш учун лизинг хизматлари кўрсатиш муддати 7 йилдан иборат қилиб белгиланган<sup>70</sup>. Ушбу муддат ҳозирги шароитда йирик ва ўрта даромадли ҳар йили нул тунцумига эга бўлган субъектлар учун макбул. Аммо ҳали даромади кам, боғдорчиликка ихтисослашган субъектларда, улар ҳосилга киргунча маълум вақт ўтиши, ушбу тартибини ҳам такомиллаштиришни тақозо қилмоқда. Буни такомиллаштириш учун биз тавсия қилаётган мезонларга асосланиш мақсадга мувофиқ:

<sup>69</sup> Узбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2007 йил 20 августдаги "Мева-сабзавот ва ҷорвачилик маҳсулотларини қайта ишлаш бўйича мини-технологиялар ва ихчам асбоб-ускуналар сотиб олиш учун фермер хўжаликларига ва кичик бизнеснинг бошқа субъектларига имтиёзли кредитлар бериш ва лизинг хизматлари кўрсатиш тартиби тўғрисидаги Низомни тасдиқлаши хакида"ги 178-сон Қарори билан тасдиқланган "Мева-сабзавот ва ҷорвачилик маҳсулотларини қайта ишлаш бўйича мини-технологиялар ва ихчам асбоб-ускуналар сотиб олиш учун фермер хўжаликлари ва кичик бизнеснинг бошқа субъектларига имтиёзли кредитлар бериш ва лизинг хизматлари кўрсатиш тартиби тўғрисида Низом"нинг 6-бадзи.

<sup>70</sup> Уша жойда, – 4-банди.

- даромади 50,0 млн. сўмгача – 7 йил;
- 50,1 – 75,0 млн. сўмгача – 8 йил;
- 75,1 – 100,0 млн. сўмгача – 10 йил;
- 100,1 – 125,0 млн. сўмгача – 12 йил;
- 125,1 – 150,0 млн. сўмгача – 13 йил;
- 150,1 – 200,0 млн. сўмгача – 15 йил;
- 200,1 млн. сўмдан юкорисига – 17 йил.

Имтиёзли кредитлар бўйича фоиз ставкалари куйидаги микдорларда белгиланади:

- Вазирлар Маҳкамасининг "Тижорат банкларининг кичик тадбиркорликни ривожлантиришда қатналишини рагбатлантиришга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида" 2000 йил 19 майдаги 195-сон Қарорига мувофиқ ташкил этилган банкларнинг имтиёзли кредит бериш маҳсус жамғармалари маблаглари хисобига бериладиган имтиёзли кредитлар бўйича – Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг кредит бериш кунидаги қайта молиялаштириш ставкасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаган микдорда;

- банкнинг бошқа ўз маблаглари ва жалб этилган маблаглари хисобига бериладиган имтиёзли кредитлар бўйича – банк билан фермер хўжалиги ёки кичик бизнеснинг бошқа субъекти ўртасидаги ўзаро келишувга кўра, бироқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг амалдаги қайта молиялаштириш ставкасидан ортиқ бўлмаган микдорда”<sup>71</sup> бериш кўзда тутилган.

Хозирги лайтда фермер хўжалиги ва кичик бизнеснинг бошқа субъектлари лизинг хизматларидан кенг фойдаланмоқда. Амалдаги тартибга мувофиқ, лизингнинг фоиз ставкаси субъектларнинг банк билан ўзаро келишувига кўра, Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг амалдаги қайта молиялаштириш ставкасидан ортиқ бўлмаган микдорда белгиланади.

Мамлакатимиз иқтисодиётига халқаро молия институтлари томонидан ҳам имтиёзли кредитлар жалб қилинмоқда. Бундай имтиёзли кредитларни бериш халқаро молия институтларининг ишончии тўлиқ қозониш мақсадида Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари билан халқаро молия институтлари ўртасида тузилган кредит битимлари шартларига мувофиқ амалга оширилади.

<sup>71</sup> Уша жойди. – 6-банди.

Имтиёзли кредитлар бериш ва лизинг хизматлари кўрсатиш бўйича белгиланган тартиб ўрнатилган. Амалдаги тартибга биноан, фермер хўжалиги ёки кичик бизнеснинг бошқа субъекти имтиёзли кредитлар олиш учун кредит буюртманомаси билан биргаликда тижорат банкига қуидаги ҳужжатларни тақдим этади:

– “имтиёзли кредитнинг бутун муддати учун пул оқимлари прогнози мажбурий тартибда кўрсатилган бизнес-режа;

– потенциал қарз олувчи рўйхатга олинган жойдаги давлат солиқ инспекциясининг баланс қабул қилинганлиги тўғрисидаги ёзув мавжуд бўлган охирги хисобот даври учун бухгалтерия баланси, дебиторлик ва кредиторлик қарзлар тўғрисидаги маълумотнома, шунингдек, 90 кундан ортиқ муддатдаги қарздорлик бўйича тақослаш далолатномалари;

– кредит қайтарилишининг бир ёки бир неча турдаги таъминлашишини тақдим этиш тўғрисидаги ҳужжат”<sup>72</sup>. Худди шундай ҳужжатларни лизинг хизматлари бўйича хам унинг хусусиятларини инобатта олган холда тақдим этади.

Ҳозирги пайтда Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 19 майдаги 195-сон қарори билан тасдиқланган «Тижорат банклари томонидан кичик тадбиркорлик субъектларига, дехқон ва фермер хўжаликларига Имтиёзли кредит бериш максус жамғармаси хисобидан кредит бериш тартиби тўғрисидаги Низом»га мувофиқ тижорат банкларининг имтиёзли кредит бериш максус жамғармалари маблағлари хисобидан бериладиган имтиёзли кредитлар бўйича уларни олиш учун қуидаги тартиб белгиланган:

– буюртманомаларни кўриб чиқиш ва уларни расмийлаштириш;

– буюртмаларни хисобга олиш;

– буюртмаларни қайтариш ва улардан максадли фойдаланиш мониторингини олиб борилишини таъминланиши Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг норматив ҳужжатларига мувофиқ, ушбу Низом нормаларини хисобга олган холда амалга оширилади. Худди шундай, банкинг ўз маблағлари ва жалб этилган маблағлари хисобидан бериладиган имтиёзли кредитлар бўйича уларни олиш учун буюртманомаларни кўриб чиқиш, расмийлаштириш, хисобга олиш, уларни қайтариш ва улардан

<sup>72</sup> Ўша жойда. ~ 11-банди.

мақсадли фойдаланиш мониторингини олиб бориш ҳам харакатдаги тартиби асосан амалга оширилади.

Кредит буюртманомасини кўриб чиқиш ва банк хулосасини бериш муддати ҳужжатлар банкка тушган кундан бошлаб 10 иш кунидан ошиши мумкин эмас, деб белгиланган эди. Ҳозирги пайтда ҳужжатларни рисмийлаштириш масаласида турли бюрократик түсиклар камайтирилди ва ушбу муддатни 3 иш кунига қисқартирилди.

Шуни эътироф этиш жоизки, зарап кўриб ишлаётган ва ноликвид балансга эга бўлган фермер хўжаликларига ёки кичик бизнеснинг бошқа субъектларига имтиёзли кредитлар берилмайди ва лизинг хизматлари кўрсатилмайди, илгари берилган имтиёзли кредитлар ва кўрсатилган лизинг хизматлари эса шартномада белгиланган тартибда муддатидан олдин ундириб олиниши лозим бўлади. Ушбу шартнинг мажбурий тартибда амалга оширилиши кредит шартномасида қайд этилган бўлиши зарур<sup>73</sup>.

Барча кредитлар сингари имтиёзли кредитларни ҳам ўз вактида белгиланган микдорда қайталишини таъминлаш масаласи жуда муҳим. Бунинг учун тижорат банклари томонидан имтиёзли кредитлар қайталишини таъминлаш сифатида кредит шартномаси бўйича сотиб олинадиган мини-технологиялар ва ихчам асбобускуналар қийматининг 80 фоизи микдорида гаров қабул килинади. Имтиёзли кредитнинг копланмаган қисми учун қарз олувчи, амалдаги тартиб бўйича, таъминлашнинг куйидаги турларидан бир ёки бир нечтасини тақдим этади:

- бошқа мол-мулкни ва мулкий хуқуқларни, шу жумладан, ер участкасини ижарага олиш хуқукини гаровга кўйиш;
- банк кафолатномаси;
- учинчи шахсларнинг кафиллиги;
- тадбиркорлик таваккалчиликларининг сугурта полиси.

Агар фермер хўжаликлари ва бошқа кичик бизнес субъектлари тижорат банклари билан доимий алоқада бўладиган, уларнинг хисоб ракамида мунтазам пул оқими мавжуд бўлган ва кредитни қайтаришда ишончни йўқотмаган бўлса, юқоридаги таъминлаш тартибларисиз кредитлар олишга ҳақлидир.

Гаровга кўйиладиган хар кандай мол-мулк "Гаров тўғрисида" ги. Ўзбекистон Республикаси Қонунида кўзда тутилган буюмлар ва мулклар, агар улар муомаладан чиқарилган бўлмаса, гаров

<sup>73</sup> Уни жойда. – 9 банди.

предмети бўлиши мумкин. Гаровга кўйиладиган мулклар йўқолиши ва яроксизланиши ҳолатлари юзасидан сугурта шартномаси тузилади. Ушбу ҳолат фермер хўжаликлари ва бошқа кичик бизнес субъектларига ҳам, шунингдек, тижорат банкларига ҳам манфаатлиdir.

Бизнинг тавсияларимиз амалда қўлланилса, ўйлаймизки, маҳсулотларни етиштирувчи фермер хўжаликлари, уларни сақлаб сотиш билан шуғулланувчи кичик бизнес субъектлари ва тижорат банкларининг манфаати таъминланади.

#### **4.4. Мева-сабзавотларни сақлаб сотиш хизматлари самарадорлигини оширишнинг лицензиялаш билан боғлиқ механизмларини такомиллаштириш**

Ўзбекистон Республикасининг “Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида”ти Қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 2001 йил 12 майдаги 222-П-сон Қарори билан тасдиқланган лицензияланадиган фаолият турлари руйхатига мувофик, улгуржи фаолият лицензияланадиган савдо фаолияти хисобланади. Лицензиялаш билан боғлиқ муносабатларни ташкил этиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 5 ноябрдаги 242-сонли Қарори билан “Улгуржи савдо фаолиятини лицензиялаш тўғрисидаги Низом” тасдиқланган.

Юқоридаги ва бошқа бир қанча меъерий хужжатларга мувофик, улгуржи савдо фаолияти лицензияланадиган фаолиятни хисобланади. Ўзбекистон Республикаси халқ хўжалиги тармоқларининг умумдавлат таснифлагичига мувофик, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари улгуржи савдоси – “Пахта ва дондан ташқари қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сотиб олувчи ва сотувчи улгуржи савдо бозорлари” (классификатор коди 71122)<sup>74</sup> фаолияти улгуржи савдо хисобланади.

Харakterли жиҳати, улгуржи фаолиятни лицензиялашда энг кам иш ҳақининг 3500 баробари миқдоридаги маблагни, шундан 1200 баробарини пул шаклида ҳисоб рақамига киритиш белгилаб кўйилган. Ушбу коидани мева-сабзавот ва полиз маҳсулотларини маҳсус совитгичларда сақлаш ва улгуржи сотиш корхоналари учун ҳам қўлланилади. Лекин мазкур фаолият мавсумий характерга эга бўлиб, факат маҳсулотларни сотиш билан эмас, балки уларни

<sup>74</sup>Ўзбекистон Республикаси халқ хўжалиги тармоқларининг умумдавлат таснифлагичи.

маълум давр мобайнида маҳсус омборларда сақлаш зарурлиги каби ўзига хос хусусиятларга эгалиги, ушбу ёндашувга аниқлик киритишни тақозо қиласди. Чунки мева-сабзавот ва полиз маҳсулотларини маҳсус совитгичларда сақлаш ва сотиш улгуржи савдо фаолияти эмас, балки мазмун жиҳатидан қайта ишлаш жараёнига мос келади. Мазкур ҳолатда мева ва сабзавотлар етиширилган вактда эмас, балки маълум вакт сақлангандан кейин сотилади, бу эса, мос равища қўшимча харажатларни талаб қиласди.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлаш ва сотиш билан шуғулланувчи хўжалик юритувчи субъектлар маҳсулотни етиширувчилардан харид қилиб, уни маълум муддатда музлатгичларда сақлаб, бир қисмини қайта ишлаш ёки ахолига сотиш учун чакана савдо корхоналарига етказиб беради. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2005 йил 5 ноябрдаги 242-сонли Қарори билан “Улгуржи савдо фаолиятини лицензиялаш тўғрисидаги Низом”нинг 2-бандида улгуржи савдо фаолияти “Тижорат мақсадларида фойдаланиш ёки ўз ишлаб чиқариш–хўжалик эҳтиёjlари учун хисоб-китобларнинг нақд пулсиз шаклида харид килинадиган товарларни сотиш – улгуржи савдо фаолияти, деб эътироф этилади” мазмунидаги таъриф берилган.

Демак, ушбу таъриф мазмунидан келиб чиқадиган бўлсак, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлаш ва сотиш хизматлари ҳам улгуржи фаолият ҳисобланиши ва лицензияланиши зарур бўлади. Бундай тартибни маҳсулотларни сақлаш ва сотиш хизматлари учун қўллаш, юқорида таъкидланганидек, хисоб рақамига анча микдорда қўшимча маблағ киритишни талаб этади.

Бундан ташкари, маҳсулотларни сақлаш ва сотиш хизматлари субъектлари томонидан маҳсулотларни сақлаш билан боғлиқ харажатлар ҳам мавжуд. Шунингдек, маҳсулотларни сақлаш ва сотиш хизматлари субъектларидан улгуржи савдо фаолиятини лицензиялаш билан боғлиқ бошқа мажбуриятларни ҳам бажаришлари талаб этилади.

Кўриниб турибдики, мева ва сабзавот маҳсулотларини сақлаш хизматларини амалга ошириш жараёни мазмун жиҳатидан қайта ишлаш эканлигидан келиб чиқиб, ушбу маҳсулотлар билан улгуржи савдо қилувчи корхоналар фаолиятини лицензиялаш ўзим эмас, деган хulosага келинди. Чунки, юқорида таъкидланганидек, улгуржи савдо фаолиятини лицензиялашда ҳар бир корхона ўзи кам иш ҳақининг 3500 баробари микдоридаги маблағни, шу

жумладан, 1200 баробарини пул шаклида ҳисоб рақамига киритиш белгилаб қўйилган. Агар бунга амал қилинса, соҳа корхоналарининг молиявий имкониятларининг анча камайишига ва мос равишида самарадорликнинг пасайишига ҳам олиб келади. Буни кўйидагича ҳисоб-китоб орқали яққол кўриш мумкин (4.3-жадвал).

#### 4.3-жадвал

**Мева-сабзавот ва полиз маҳсулотларини ултуржи савдо қилиш учун лицензия олишга сарфланадиган маблағлар микдорининг ҳисоб-китоби<sup>75</sup>**

T/p	Кўреатгичлар	Белгиланган микдорда, минимал иш ҳақи сони	Лицензия учун ажратиладиган маблағлар микдори, минг сўм
1.	Лицензия олиш учун устав фондининг шакллантирилайдиган маблағ микдори	3500	524212,5
2.	2016 йил 1 октябрдан энг кам иш ҳақи	1	149775
3.	Пул шаклида корхонанинг ҳисоб рақамида бўлиши мўлжалланган маблағнинг микдори	1200	179730,0

Кўриниб турибдики, бугунги кунда мева-сабзавот маҳсулотлари билан савдо қилувчи корхоналар лицензия олиб фаолият кўрсатадиган бўлса, 524,2 млн. сўм маблағ лозим бўлади. Бундай маблағни ажратиш мавсумий характерга эга бўлган корхоналар учун бироз қийинчиликларни келтириб чиқаради. Агарда мазкур корхона тижорат банкларидан кредит оладиган бўлса, даромадлари мавсумий бўлган мазкур соҳада хўжалик юритувчи субъектлар йил давомида кредит тўлаб беришига тўғри келади ва бу мос равишида, унинг молиявий-иктисодий фаолиятида бир қанча қийинчилик ва

<sup>75</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Иш ҳаки, пенсиялар, стипендиялар ва нафакалар микдорини ошириш тўғрисида”ги 2016 йил 22 августда имзолangan Фармони.

мураккабликларга олиб келади. Агар мазкур маблағлар устав фондига айлантирилмасдан, айланма маблағлар таркибида бўлса, бугунги кунда ушбу маблағлар анча самарадорликка эришиш имконини беради.

Хозирги пайтда айланма маблағлар рентабеллиги ушбу соҳада ўрта ҳисобда 12,0 %ни ташкил қиласди. Агар у бир йилда 2 марта айланган тақдирда ҳам битта корхона учун 125,8 млн. сўм [(524,2\*12,0\*100)\*2] фойда келтиради. Аммо айрим корхоналар борки, уларда айланма маблағларнинг айланиш тезлиги бир йилда 3-4 марта ташкил қиласди. Айланиш тезлиги қанча катта бўлса, мос равишда уларнинг келтирадиган фойдаси ҳам шунча кўп бўлади. Жумладан, айланма маблағлар 3 марта айланса, фойда суммаси 188,7 млн. сўмни [(524,2\*12,0\*100)\*3], 4 марта айланса, 251,6 млн. сўмни [(524,2\*12,0\*100)\*4] ташкил қиласди. Ҳисобкитоблардан кўриниб турибдики, лицензия учун ажратиладиган маблағлар тўлиқ корхонанинг айланма маблағлари таркибида бўлса, уларнинг фаолият самарадорлиги ошиши билан бирга, ўзларини ривожлантириш ва фаолиятини кенгайтириш учун иқтисодий имкониятлари ҳам кўпаяди.

Кўриниб турибдики, мева-сабзавот маҳсулотлари билан савдо қилувчи корхоналар бир қанча ўзига хос хусусиятларга эга экан. Буларга куйидагиларни киритиш мумкин:

- мева-сабзавот маҳсулотларини саклаб сотиши хизматларини кўрсатувчи корхоналар фаолияти мавсумий характерга эга;
- маҳсулотларни саклаб сотиши хизматларини кўрсатиш жараёнида бевосита ушбу жараён учун маълум миқдорда саклаш билан боғлиқ харажатларга ҳам йўл қўйилади;
- ушбу корхоналар фаолияти маҳсулотларни фақат сотиши билан эмас, балки уларни маълум давр мобайнинда маҳсус ихтиносослашган ўзига хос технологик жараёнга эга бўлган омборларда саклашни ҳам ўз ичига олади.

Юқоридаги хусусиятлар мева-сабзавот ва полиз маҳсулотларини маҳсус совитгичларда саклаш ва улгуржи сотиши корхоналарига тенглаштиришни ташкилий-иктисодий жихатдан асосланмаганлигидан далолат беради. Шу туфайли, ушбу соҳага саноат, қурилиш, маданий каби товарларни улгуржи сотиши учун белгиланган қоидаларни кўллаш, кўшимча харажат ва мажбуриятларнинг келиб чиқиши эвазига соҳа фаолияти самарадорлигига ҳам салбий таъсир этиши амалиётда рўй бермоқда.

Шу мақсадда, мамлакатимизда мева-сабзавот маҳсулотларини етиштириш ва сотиш амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотларнинг муҳим бир қисми бўлиб қолганини инобатга олиб, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 5 ноябрдаги 242-сонли Қарори билан тасдиқланган “Улгуржи савдо фаолиятини лицензиялаш тўғрисидаги Низом”нинг 1-банди 2-хатбошинини “Қонун хужжатларига мувофиқ, бошқа лицензиялар асосида товарларнинг айрим турлари билан улгуржи савдо киувчи, ишлаб чиқарувчилар ва мева-сабзавот маҳсулотларини маҳсус совиттичларда сақлаб, улгуржи сотиш билан шуғулланувчи юридик шахслар учун мазкур Низом талаблари татбиқ этилмайди” таҳририда баён этиш тавсия этилади.

Мазкур тавсия этилган ташкилий тадбирнинг яна бир жиҳати шундаки, маҳсулотларни сақлаш натижасида уларни йўқотиш меъёрининг камайиши рўй беради ва шулар ҳисобидан сақлаш даврида йўқотиладиган маҳсулотни ҳисобдан чиқариш харажатларини тежаш имконини беради. Бу эса, ўз навбатида, маҳсулотларни сақлаб сотиш хизматлари самарадорлигининг ошишида асосий омиллардан бирига айланади.

Агар ушбу тавсиямиз амалга оширилса, мева-сабзавот ва полиз маҳсулотларини улгуржи сотиш учун лицензия олинмаслиги таъминланади, айланма маблаглар таркибида маблагларнинг кўплиги эвазига соҳа корхоналари самарадорлиги муттасил ошиб беради.

Тадқиқот натижасида ишлаб чиқилган “Мева-сабзавот маҳсулотлари билан улгуржи савдо қилиш учун лицензия талаб қилинмаслик тартиби”ни жорий қилиш бўйича тавсия Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 9 ноябрдаги “Сурхондарё вилояти дехқон хўжаликларининг имкониятларидан самарали фойдаланишга доир чора-тадбирлар тўғрисида”ги 382-сонли Қарорида ўз аксини топган. Бу ҳақда Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалик вазирилиги 2016 йил 25 ноябрь 03/15-503-сонли маълумотномаси ва “Ўзбекозиковқатхолдинг” холдинг компаниясининг 2016 йил 30 августдаги 85-сонли буйрганинг 3,22-бандида ифода этилган ва уни “Ўзбекозиковқатхолдинг” ХК АЖ 2016 йил 25 ноябрда имзоланган ОР/11 – 25.30-сонли хатлари билан тасдиқланган.

#### **4.5. Махсулотларни етиштириш ва сақлаб сотиш хизматлари самарадорлигини оширишининг илғор инновацион усуллари**

Мамлакатимиз аҳолисининг фаровонлигини юксалтириш амалга оширилаётган ислоҳотларнинг пировард мақсадидир. Ўзбекистонда пухта ўйланган ислоҳотлар барча соҳаларда изчил амалга оширилаётгани боис, қишлоқ хўжалиги соҳасида ҳам барқарор ривожланишга эришиш имконини бермоқда. Ҳозирги кунда мамлакатимиз қишлоқ хўжалиги модернизация қилинган, диверсификацияланган кўп тармоқли интенсив равишда ривожланаётган соҳага айланди. Яқиндагина пахта яккаҳокимлиги ҳукм суриб турган соҳа бугунги кунда юртдошларимизнинг кундалик истеъмол махсулотларига бўлган эҳтиёжини қондирадиган ва хорижий мамлакатларга экспорт қиласидаги мева-сабзавотчилик, полизчилик, узумчилик ва картошкачилик тармокларига эга бўлди.

Юртимиз қишлоқ хўжалигида пахта яккаҳокимлигига барҳам берган ҳолда, уни кескин ривожлантириш чора-тадбирлари мустақилликнинг биринчи йилларидан давлатимиз раҳбарининг дикқат марказида бўлиб келди. Чунки қишлоқ хўжалиги оқсоқ ҳолда, кам хосилли энг колоқ соҳалардан бири эди. Бундай ҳолатларга барҳам бериш учун мамлакатимиз раҳбари Биринчи Президентимиз 2006 йил 11 январдаги “Мева-сабзавотчилик ва узумчилик соҳасини ислоҳ қилиш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарорига имзо чеккан эди. Унга мувофиқ, 219 та ширкат хўжалиги негизида мева-сабзавотчиликка ихтисослаштирилган 40 мингдан ортик фермер хўжалиги ташкил этилди. Ислоҳотларнинг кейинги босқичида, яъни 2008-2010 йилларда ушбу фермер хўжаликлари нинг ер майдонлари мақбуллаштирилиб, боғдорчилик ва узумчилик соҳасида 16,9 мингта, сабзавот ва полизчиликда қарийб 4 мингта фермер хўжалиги сараланди<sup>76</sup>. Ушбу тадбирлар самараси тезда кўзга ташланди. Натижада мева-чева мўл бўлиб, юртимиз аҳолиси ҳамда саноат корхоналарининг бундай кимматли махсулотлар ва хомашёларга бўлган эҳтиёжи ортиғи билан таъминлана бошлади.

Айникса, 2009 йилда “Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили” муносабати билан ишлаб чиқилган Давлат дастурида ушбу масалага алоҳида аҳамият берилиб, мазкур соҳани ҳар томонлама

<sup>76</sup>Рахмона С. Богдорчилик: фаровонлик маини // «Халқечуни» газетаси, 2013 йил 12 ноябрь, 3-бет.

ривожлантириш масаласи кўйилди. Бу тадбирлар узлуксиз давом этиб келмоқда. Хуллас, ушбу масала “Обод турмуш йили” Давлат дастурида ҳам ўз ифодасини топди. Ушбу дастурда қишлоқ аҳолисини боғдорчилик фаолиятига кенгроқ жалб қилиб, янги боғлар барпо этиш, хусусан, маҳаллалар ҳудудларида манзарали гул ва буталардан ташқари, 29,5 миллион туп мевали дараҳт ниҳоли экиш кўзда тутилган эди. Соҳада олиб борилаётган бу каби тизимли ислоҳотлар кутилган самарани берадиган кувонарлидир. Чунки ушбу жараёнга инновациялар жорий қилиниб, изчил модернизация қилиш оқибатида соҳанинг ҳамма йўналишларида ўсиш кузатилмоқда.

Шуни эътироф этиш керакки, ниҳол экиб, боғ яратиш, ундан мўл ҳосил кўтариш, кишидан маşaқатли меҳнат билан бирга, изчил эътиборни, юқори билим ва тажрибани ҳам тараб килади. Соҳага муносабат сусайган, ишга ноокилона ёндашувлар бўялган даврлар ҳам бўлди. Буларнинг оқибатида боғ ва токзорлар майдони қисқариб, ҳосилдорлиги кескин тушиб кетган эди. Президентимиз ташаббуси билан боғлар асл соҳибкорлар қўлига берилгач, улар файзу барака маконига айланди. Натижада мамлакатимизда мўл ҳосил олиш имкониятлари яратилди.

Биргина 2012 йилда эришилган натижаларни олайлик. Шу йилда 7 миллион 766 минг тонна сабзавот, 2 миллион 56 минг тонна картошка, 1 миллион 418 минг тонна полиз маҳсулотлари, 2 миллион 52 минг тонна мева ҳамда 1 миллион 205 минг тонна узум етиширилиб, аввалги йилдагига нисбатан юқори ўсиш суръатларига эришилди. Аҳоли жон бошига белгиланган меъёрга нисбатан сабзавот 147,8 килограмм, картошка 19,2 килограмм, полиз маҳсулотлари 28,7 килограмм, мева 13 килограмм, узум 15,2 килограмм кўп етиширилди<sup>77</sup>. Булардан ҳам кўриниб турибдики, мамлакатимиз аҳолисининг асосий қишлоқ хўжалик маҳсулотларига бўялган эҳтиёжи тўлиқ қондирилиб, бир кисми хорижий давлатларга экспорт қилингти.

Булар ҳали бизнинг имкониятларимизнинг чегараси эмас. Мамлакатимизда бундан-да юқори кўрсаткичларни қўлга киритиш учун имкониятлар етарли. Биринчи Президентимиз И.А.Каримов таъкидлаганидек, “Мамлакатимизда, хорижий давлатлар тажрибасини чукур ўргангандан ҳолда, қишлоқ хўжалигини иқтисодий ислоҳ

<sup>77</sup>Рахмонов С. Богдорчилик фаронвонлик манбаси. // «Хаякозум» газетаси, 2013 йил 12 ноябрь, 3-бет.

этиш бўйича ўта муҳим чора-тадбирларнинг амалга оширилаётгани ... юксак натижаларни қўлга киритишида хал қилувчи омил бўлмоқда”<sup>78</sup>. 2013 йилда республикамиз дехкон ва фермерлари 8 миллион 365 минг тонна сабзавот, 2 миллион 233 минг тонна картошка, 1 миллион 495 минг тонна полиз маҳсулотлари, 2 миллион 259,5 минг тонна мева ва 1 миллион 275,6 минг тонна узум этиштирилдилар<sup>79</sup>.

Шуни эътироф этиш керакки, кишлоқ хўжалик маҳсулотларини этиштириш мавсумий. Аммо уни истеъмол килиш йил мобайнида давом этиши керак. Шу туфайли, республикамизда этиштирилган дала ва боғ неъматлари этишиб лишган пайтда истеъмол килинса, бир қисми саноат корхоналарида қайта ишланади, қолгани маҳсус омборхоналарда имкон қадар сони ва сифатини йўқотмаган холда сақланади. Бу уларни аҳолига йил давомида арzon нархларда етказиб бериш, бозорлардаги нархнавони барқарор ушлаб туриш имконини беради. Бу эса, пировардида аҳолининг фаровонлигини таъминлашга хизмат қилиш деганидир.

Мамлакатимизнинг бозорларида йилнинг қайси фасли бўлмасин, шохидан эндиғина узилгандек, нархи ҳам унчалик ҳиммат бўлмаган сарҳил меваларни топиш мумкин. Бу кейинги йилларда курилган ва фойдаланишга топширилган замонавий совитгичлар шарофатидир. Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 7 апрелдаги “2011-2015 йиллар даврида мева-сабзавот маҳсулотларини сақлашнинг моддий-техника базасини ривожлантириш ва мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарорига биноан, бундай иншоотлар барно этиш мамлакатимизнинг барча худудларида маҳсус дастур асосида амалга оширилмоқда. Чунки ушбу хужжатда 120 минг тонна мева-сабзавот ва узум маҳсулотлари сақлашга мўлжалланган замонавий музлатгич-омборхоналар куриш белгилаб берилиган эди. Шундан келиб чиқиб, 2011 йилда ҳажми 46,7 минг тонналик, 2012 йилда 43,9 минг тонналик 130 дан ортиқ омборхоналар фойдаланишга топширилди. Бундан ташқари, ушбу давр ичida 34,3 минг тонналик омборхоналар модернизация қилинди<sup>80</sup>. Буларнинг барчаси ахоли

<sup>78</sup>Каримов И.А. Мамлакатимизни юнада обод этиш ва модернизация қилишини қатъяят билан давом этигирш йўлида. Т.21. – Т.: “Ўзбекистон” нашриёти, 2013, 177-бет.

<sup>79</sup>Рахмонов С. Боеғорчилик: фаровонлик манбаси. // «Халқ сўзи» газетаси, 2013 йил 12 ноябрь, 3-бет.

<sup>80</sup>Рахмонов С. Боеғорчилик: фаровонлик манбаси. // «Халқ сўзи» газетаси, 2013 йил 12 ноябрь, 3-бет.

дастурхонига қишида ҳам ёздагидек мева-чева тортиқ қилиш имконини бермоқда.

Мамлакатимизда қишлоқ хўжалик маҳсулотларини, айниқса, мева, картошка ва сабзавотларни сақлаш кўлами кенгтаймоқда. Чунки юқоридаги қарор билан ва хукуматимизнинг бошқа кўрсатмалари асосида боғдорчилик масаласига катта аҳамият берилмоқда. Натижада ҳозирги пайтга келиб, мамлакатимиз бўйича барча тоифадаги хўжаликларда 250 минг гектар мевали боғ ва 127 минг гектар токзорлар барпо этилди. Уларнинг аксарият қисми охириг 5 йилда қайта реконструкция қилинди. Бунда “OSK” компаниясининг<sup>81</sup> хизматлари катта бўлмоқда.

Энг муҳими, янгидан барпо қилинаётган боғлар ва токзорлар интенсив боғлардан иборат бўлмоқда. Булар илгор технологияларга асослангандир. Боғдорчиликда жаҳоннинг илгор тажрибалари, замонавий технологиялар татбиқ этилаётгани туфайли ҳосилдорлик ҳам, даромад ҳам муттасил ўсиб бормоқда.

Интенсив технология асосида боғ яратишга катта аҳамият берилаётганлиги туфайли, 2013 йилнинг ўтган даврида 4,9 минг гектар майдонда янги боғлар, 3,3 минг гектар ерда интенсив боғлар ва 4,8 минг гектар ерда токзорлар барпо этилди. Шу билан бирга, 5,7 минг гектар боғлар ва 3,8 минг гектарлик токзорлар реконструкциядан чиқарилди<sup>82</sup>.

Шуни эътироф этиш керакки, аслида интенсив технология юртимиз боғбонлари учун янгилик эмас экан. Оммавий ахборот воситалари берган маълумотларга қараганда, мазкур усул дастлаб ўтган асрнинг бошларида, сўнгра 50-60-йилларида академик Маҳмуд Мирзаев номидаги Ўзбекистон боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий тадқиқот институтида синовдан ўtkазилган. Бу ҳакда мазкур институтнинг музейида сақланаётган экспонатлар далолат бериб турибди. Чунки мазкур музейда пакана дараҳтлардан таркиб топган боғлар суратлари сақланиб келинмоқда.

Ҳозирги пайтда интенсив технология асосида ташкил қилинаётган боғлар мамлакатимизнинг барча ҳудудларида барпо қилинмоқда. Чунки пакана ва ярим пакана дараҳтлар иккинчи йилдан бошлаб ҳосилга киради. Энг муҳими, баъзилари ўша йилиёқ ҳосилга киради. Иккинчи йилда гектарига 2-5 тоннагача, учинчи

<sup>81</sup> Мазкур компания интенсив мевали боғларни барпо қилиш, иссиқоналарни ва саноат асосидаги совитичларни курниш борасида Ўзбекистонда иш олиб бораётган компаниялардан бири.

<sup>82</sup> Рахмонов С. Боғдорчилик: фаровонлик манбаи. // «Халқ сўзи» газетаси, 2013 йил 12 ноябрь, 3-бет.

йили 5-10 тоннагача, 4-5-йили эса 40-50 тоннадан зиёд мева беради. Бу кўрсаткич маҳаллий боғлардагига нисбатан 2-3 баробар кўп демакдир<sup>83</sup>. Шу туфайли, ҳозирги пайтда интенсив боғларга қизиқиши ортиб бораётгани бежиз эмас.

Ҳозирги кунда Жиззах вилоятининг Бахмал тумани Ойқор қишлоқ фуқаролар йиғини худудида 10 гектар интенсив боғ ташкил қилинган<sup>84</sup>. Буни барпо этишдан тортиб иккинчи йил ҳосилини йиғишигача бўлган ва уни маҳсус совитгичларда сақлашга кўйилиши, сақлаш ва ундан сотиш жараёнларини бевосита кузатган киши сифатида унинг бир қанча афзалликларига ва ўзига хос хусусиятларига гувоҳ бўлдик. Булар куйидагилардан иборат:

- интенсив боғ биринчи йилда ёқ гуллаб ҳосилга кирди, аммо мутахассислар гулини тўкиб ташлашди, чунки биринчи йилда уни тўлиқ етказиши қийинлигини таъкидлашди;
- иккинчи йилдан бошлаб ҳар гектаридан ўрта хисобда 4,7 тоннадан ҳосил йиғишириб олинди;
- интенсив олмалар пакана бўлиши билан бирга, томири ҳам ер юзасидан узокқа кетмас экан, натижада дарахтларнинг ҳосили кўплигидан шохлари мевасини кўтара олмай колади;
- уларни синдиримасдан сақлаш мақсадида новдаларини албатта симбоғлагичларга тортилиб кўйилади;
- бунинг учун гектарига ўртacha 440 та темир-бетон тиргак, 500-600 килограмм рухланган сим талаб этилади;
- 10 гектарлик боғнинг устини ёпиш учун ҳам маҳсус маслама мато қилинган ва улар эрта кўкламдан кишигача ёпик ҳолда туради;
- боғнинг устини тўлиқ ёпиш иссиқдан, совукдан, дўл, жала каби табиий оғатлар ва иқлимининг кескин ўзгаришларидан сақлашга мўлжалланган;
- томчилатиб сугориш амалга оширилганлиги туфайли, анча сув ресурси тежалади;
- ўғитлар ва турли касалликларга қарши дорилар сув билан бирга кўшиб берилади;
- барча жараёнлар компьютерда дастурлаштирилган ва ҳам-масини битта оператор бажаради;
- кўл меҳнати мисли кўрилмаган даражада тежалади;

<sup>83</sup>Рахмонов С. Богдорчилик: фаровонлик манбаи. // «Халқ сўзи» газетаси, 2013 йил 12 ноябрь, 3-бет.

<sup>84</sup>“OSK” компанияси томонидан юкорида поми кайд этилган худудда 10 гектардан иборат интенсив мевали боғ барпо қилинган.

- териш жараёни ҳам унчалик қийин эмас, чунки пакана дарахтларга ўртача бўйга эга бўлган одамнинг бўйи етганлиги туфайли, ортиқча нарвон ёки бошка мосламаларга ҳожат бўлмайди;
- терилган ҳосил шу куннинг ўзида олдинги килинган шартномалар асосида даладан сотилади, бир қисми совуқхонага олиб борилади ва шу жойда сараланиб, сақлашга қўйилади;
- ҳосилни йигишдан тортиб, ташиш ва сақлаш жараёнларида биз тавсия қилган “Совуқ занжир” усулидан фойдаланилди.

Шуни эътироф этиш керакки, мамлакатимизда ҳам бундай интенсив технологияга ўхшаш усууллар мавжуд бўлган ва бу ишланималар бугун ҳам амалда. Масалан, Академик Маҳмуд Мирзаев номидаги Ўзбекистон боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий тадқиқот институтида яратилган усул ҳам бир қанча афзалликларга эга. Бу қўйидагиларда намоён бўлади:

- институтда интенсив боғларни симбоғлагичларсиз парваришилаш технологияси ишлаб чиқилган;
- пакана дарахтларнинг уч туп ниҳоли бир-бирига ўзаро тиргак килиб экилганлиги туфайли, улар бир-бирини ушлаб туради;
- жуда кўп темир-бетон тиргак ва рухланган симларнинг тежалиши натижасида жуда кўп маблағлар тежамкорлигига эришилади;
- бундай ҳолда пакана дарахтларнинг шамолдан яхши ҳимояланиши, унинг шохларига куч беришига эришилади;
- оддий маҳаллий олмаларнинг оралиғи 5-6 метр масофада экиладиган бўлса, интенсив боғларники эса атиғи 1-1,5 метр оралиқда экилади.

Кўриниб турибдики, боғдорчиликда ҳам турли илғор усууллар мавжуд. Мақсад – улардан энг самаралисини танлаб олишда. Бизнинг фикримизча, барча усууллардан ўзимизнинг иқлиминизга мос тарзда фойдаланиб, такомиллаштирилган технологияларни барпо этиш ҳам мухимдир. Масалан, юқоридаги хориждан кириб келган ва бугунги кунда ўзимизда қўлланилаётган усулда боғнинг усти ёпилади. Аммо Ўзбекистон боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий тадқиқот институти технологияси бўйича усти ёпилмайди. Лекин ушбу усулни устини ёпишни қўшган ҳолда такомиллаштириш кўпроқ самара берса керак, деб ўйлаймиз.

Ҳозирги пайтда бундай афзалликлар билан митти дарахтларга асосланган боғларни кўпайтириш лозимдир. Чунки қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш, унинг тармоқларига илғор ва тежамкор технологияларни жорий этиш, соҳанинг жадал

ривожланишини, унинг экспорт салохиятини юксалтириш, саноат корхоналарини хомашё билан узлуксиз таъминлабгина қолмасдан, катта тежамкорликка эришиш оркали аҳоли фаровонлигини ва қишлоқда яшаш сифатини муттасил ошириб боради.

#### **4.6. Тадбиркор инвестициясининг қопланиш миқдори ва муддатини аниқлаш усууллари**

Хозирги пайтда, дехқоннинг маҳсулотларни етиштириш, сақлаш ва сотиш жараёнларини қамраб оладиган боғдорчиликка қўйган инвестицияси ҳам бошка тадбиркорлик фаолияти сингари маълум даврда қопланиб, тегишли фойда беришни таъминлаши лозим. Буни таъминлаш учун дехқончилик билан шуғулланадиган тадбиркорнинг ушбу жараёнга қўйган инвестицияси ва олинган даромадларининг ҳаётийлик ҳалқасини ишлаб чиқишини тақозо қиласди.

Дехқоннинг боғдорчиликка қўйган инвестицияси ва олинган даромадларининг ҳаётийлик ҳалқасини ташкил қилиш масаласи илмий жиҳатдан асосланмаган. Натижада бугунги инвестор ушбу соҳага қўйган инвестицияси қачон ва қанча миқдорда қайтиб бошланиши ва тўлиқ қайтишини аниқлаши бироз кийин бўлмоқда. Бу эса бошқа муаммоларни ҳам келтириб чиқаради.

Бугунги кунда мамлакатимиз раҳбарияти томонидан мева ва сабзавотчиликка катта зътибор қаратилим оқибати. Аммо, шу билан бирга, мазкур соҳада ҳали ўз ечимини кутаётган муаммолар ҳам йўқ эмас. Булар жумласига, маҳаллий шароитга ва иқлимга мос бўлган янги серҳосил кўчатлар етиштириш бўйича ишланмалар талаб даражасида эмаслиги, оқибатда интенсив боғларга кўчатларни хориждан олиб келишга мажбур бўлаётганлигимиз, уларнинг бироз қимматлиги, ушбу масалага илмий ёндашувларнинг ҳам тизимли равища ривожланмаётганлиги, фермер хўжаликларида замонавий боғдорчилик билан шуғулланадиган кадрларнинг танқислиги, уларнинг анъанавий боғдорчиликни ривожлантиришнинг нозик сирларини билмаслиги, фермерларда илғор ҳалқаро тажрибаларнинг йўқлиги кабиларни киритиш мумкин. Ушбу камчиликлар бир томондан маҳсулотлар етиштиришни ривожланишига бироз тўсиқлик қиласа, иккинчидан, етиштирилган маҳсулотларнинг истеъмолчиларга сифатли ва бежирим товар кўринишида, йил

тавомида етказиб бериш учун бир мунча кийинчиликларни түғдирмоқда.

Мазкур холат, барча тадбиркорлар сингари, дехқончилик билан шуғулланадиган тадбиркорларнинг ҳам кўпроқ ва тезроқ фойда олишини илмий жиҳатдан таъминлаш масалаларини ҳал қилишни тақозо қиласди. Буларнинг ҳаммаси маълум даражада дехқонлардан эътиборни, инвестиция, тажриба ва билимни талаб қиласди. Пировардида дехқончилик билан шуғулланадиган тадбиркорларнинг ҳам кўйилган инвестициялардан самарали фойдаланиш имконияти яратилади.

Ҳозирги кунда тадбиркорнинг инвестициясидан олинадиган даромадлари соҳага қараб вақт жиҳатидан турли эканлиги ҳеч кимга сир эмас. Жумладан, савдо соҳасига қўйилган инвестиция товарни харид қилиб сотганча бўлган вақт жуда қисқа ва унинг инвестицияси ҳам шунга мос равишда тез кунда қайтади. Умумий овқатланиш тизимида бундан ҳам қисқа. Аммо ишлаб чиқариш соҳасида бир мунча кўпроқ. Қишлоқ хўжалик соҳасида эса янада кўпроқ вақтни талаб қиласди. Унга қўйилган инвестиция фақат тадбиркорнинг сайдараларигагина боғлиқ бўлмасдан, худуднинг табиий-икълим шароитига, тупрок унумдорлиги каби бир канча ташки омилларга ҳам боғлиқ.

Шу туфайли, қишлоқ хўжалигига қўйилган инвестицияларнинг қайтиши, ундан фойда олиш муддати бир мунча кўпроқ вақтни талаб қиласди. Натижада тадбиркорлар мазкур соҳага инвестиция қўйишга бир мунча чўчийдилар. Мазкур холат ушбу жараёнларнинг аниқ вақтини белгилашни тақозо қиласди. Бунинг учун дехқоннинг инвестицияси ва олинган даромадларининг хаётийлик ҳалқасини ишлаб чиқиши мақсадга мувофик, деган хуносага келдик.

Мазкур ҳалқанинг аҳамияти шундаки, у бир марта айланганда, қўйилган инвестициянинг қанча қисмини қоплаши аниқ кўрсатиб берилади. Тадбиркорнинг бугунги қўйилган инвестицияларини қоплаш учун эса, неча марта айланиш лозимлигини ва тўлиқ фойда олишга эришиш муддатини ҳам кўрсатиб беради. Масалан, тадбиркорнинг боғдорчиликка қўйган инвестициясининг бир хаётийлик ҳалқасида (бу қишлоқ хўжалигига бир йилга тенг) 20,0 % қопланса, тўлиқ инвестицияни қоплаб, фойдага эришиш учун 5 йил (100 : 20) керак бўлади. Бу эса дехқончилик билан шуғулланадиган тадбиркорнинг ўз фаолиятини кенгайтириш ва

ривожлантиришида маълум даражада мўлжални олиши учун асос бўлади ва фаолиятини узоқ муддат давомида режалаштириш, прогнозлаш имконини ҳам беради. Тадбиркор 5 йилдан кейин фойда олиб бошласа, уни 2-3 йил жамлаб, кейин яна қандай ишларни амалга ошириши мумкинлигини ҳам режалаштириб олиш имконияти яратилади. Шу жиҳатдан қараладиган бўлса, таъкидлаш жоизки, мазкур ҳаётийлик ҳалқаси қишлоқ хўжалигидан бошка соҳаларга ҳам кўлланилиши ва ундан битта соҳанинг турли тармоқларида фойдаланиш мумкин.

Боғдорчилик билан шуғулланадиган тадбиркорнинг мазкур соҳага қўйилган инвестицияси ва даромадларининг ҳаётийлик ҳалқасини қиёсий таҳлил қилиш учун, куйидаги жараёнларни инобатта олиш лозимлиги асосланди:

- 1) деҳқоннинг боғдорчиликни барпо этишга қўйган инвестицияси (ерни тайёрлашдан, кўчат этиштириш ёки харид қилиш, боғни барпо қилишгача бўлган жараённи ўз ичига олади);
- 2) маҳсулотларни ҳосилга киргунча этиштиришга кетадиган ҳар йилги харажатлар;
- 3) этиштирилган маҳсулотларни йигиштиришга кетган харажатлар;
- 4) саралаш жараёнлари ва уларга кетган харажатлар;
- 5) ташишга кетган харажатлар (боғдан совитгичгача, совитгичдан истеъмолчиларга, яъни бозоргача етказиб бергунча);
- 6) маҳсулотларни саклашга кетган харажатлар;
- 7) маҳсулотларни сотишга кетган харажатлар;
- 8) маҳсулотларни сотишдан тушган тушум.

Маҳсулотларни саклаб сотиш билан боғлиқ жараёнларнинг ҳаммаси деҳқоннинг боғдорчиликка қўйган инвестицияси ва олинган даромадларининг ҳаётийлик ҳалқасида ўз аксини топади (4.2-расм).

Кўриниб турибдик, мазкур ҳалқада 9 та жараён мавжуд. Ҳар бирида маълум даражада харажатларнинг сарф қилиниши талаб қилинади ва ниҳоят, тўққизинчи босқичда даромад қилишга муваффақ бўлади. Айнан шу босқичда барча харажатлар қопланиб, тегишли даромадга (фойдага) эришиш мумкин бўлади. Ана шу фойданинг миқдори қўйилган инвестицияларни неча йилда коплаши мумкинлиги тўғрисидаги маълумот ҳам аниқ бўлиши керак. Акс ҳолда инвестицияни қўйишга шубҳа уйғонади ва мос равиша тадбиркорлар ушбу соҳага эътибор қилмаслиги мумкин.



**4.2-расм. Деҳқоннинг боғдорчилликка кўйган инвестицияси ва олинган даромадларининг ҳаётийлик ҳалқаси.**

Буларга барҳам бериш учун деҳқончилик билан шугулланадиган тадбиркорнинг боғдорчилликка кўйган инвестицияси ва олинган даромадларининг ҳаётийлик ҳалқасида инвестицияларни қоплаш ва маълум даражада фойда олишга эришиш муддатини аниқлаш лозим бўлади. Ушбу заруратдан келиб чиқиб, ушбу кўрсаткични аниқлаш йўлларини ишлаб чиқдик. Бунинг учун умумий инвестиция микдори ва ҳосилга киргунча қилинадиган жорий харажатлар ҳажмини аниқлаш усули тавсия қилинмоқда. Буни аниқлаш учун куйидаги формуладан фойдаланишни таклиф қиласиз:

$$Q = U + \sum_{i=1}^n si;$$

Бунда:  $Q$  – деҳқончилик билан шугулланаётган тадбиркорнинг боғни ташкил қилишига кўйган умумий инвестицияси ва унинг ҳосилга киргунча бўлган жорий харажатлари суммаси;

$U$  – деҳқончилик билан шугулланаётган тадбиркорнинг боғни ташкил қилишига кўйган умумий инвестициясининг суммаси;

$\Sigma$  – боз ҳосилга киргунча барча жорий харажатларни жамлаш белгиси;

$si$  – тадбиркорнинг бози ҳосилга киргунча бўлган жорий харажатларининг  $i$ -йилга қўйилган инвестицияси суммаси;

$n$  – боғнинг ҳосилга киргунча бўлган вақти (йиллар);

$i$  – йилларнинг тартиб рақами.

Деҳқончилик билан шуғуланаётган тадбиркорнинг боғни ташкил қилишга қўйган умумий инвестицияси ва унинг ҳосилга киргунча бўлган жорий харажатлари жами суммасининг тўлиқ қопланиши деҳқоннинг боғдорчиликка қўйган инвестицияси ва олинган даромадларининг ҳаётийлик ҳалқасига боғлиқ. Буни аниқлаш учун тадбиркорнинг жами инвестицияси ва харажатлари ҳажмининг қопланиш даражасини хисоблашни тақозо қиласи. Бунинг учун қўйидаги формула тавсия қилинади:

$$Q\dot{d} = Q - (T - si);$$

Бунда:  $Q\dot{d}$  – деҳқончилик билан шуғуланаётган тадбиркорнинг боғни ташкил қилишга қўйган умумий инвестицияси ва унинг ҳосилга киргунча бўлган жорий харажатларининг қопланиши суммаси;

$T$  – боғнинг ҳосилга киргандан кейинги маҳсулотни сотишдан тушиган тушум;

$Si$  – жорий йилда қилинган харажатлар суммаси.

Юқорида тавсия қилинган усулларнинг ҳаётийлигини тъминлаш учун, уни амалий мисолларни қўллаган ҳолда караб чиқамиз. Умумий қўйилган инвестициялар, харажатлар ва даромадларининг ҳаётийлик ҳалқаси маҳсулотни етишириш, сақлаш ва сотиш билан боғлиқ бўлганлиги туфайли, муддатини бир йилга тенглаштириб олиш лозим. Биз тадқиқ килган деҳқон 1 гектар маҳаллий боғдорчиликни ташкил қилиш учун 70,0 млн. сўм инвестиция қўйган. Боғ ҳосилга киргунча 5 йил давомида ҳар йили 10,0 млн. сўмдан харажат қилинган. Жами жорий харажатлар суммаси 50,0 млн. сўмни ( $10,0 * 5$ ) ташкил қиласи. Барча харажатлари 120,0 млн. сўмни ( $70,0 + 50,0$ ) ташкил қиласи. Ҳосилга киргандан сўнг, ҳар гектар олмадан ўрта хисобда 40,0 млн. сўмдан даромад қиласи. Бир йиллик харажат ўрта хисобда 10,0 млн. сўм бўлган пайтда, шу йилдаги фойдаси 30,0 млн. сўмни ( $40,0 - 10,0$ ) ташкил қиласи. Шу тариқа фойда қиласидаган бўлса, барча харажатларни деҳқон боғ ҳосилга киргандан кейин 4 йил давомида

түлиқ коплайди. Аммо бөгни барпо қылғандан кейин ҳосилга киргунча 5 йил вакт керак бўлган. Шундай қилиб, бөгнинг яратилган йили ва ҳосилга киргунча вактни ҳисобладиган бўлсак, боғдорчиликка қўйилган инвестиция 9 йил (4+5) мобайнида тўлик қопланади. Дехқоннинг боғдорчиликка қўйган инвестицияси ва олинган даромадларининг ҳаётийлик ҳалқаси инвестицияни тўлик коплаб, фойда олиш боскичига киргунча 9 йил давомида айланиши керак экан. Худди шу тариқа инвестицияни интенсив боғларга қўйилса, унинг ҳаётийлик ҳалқаси фойдалилик даражасига етгунча бўлган вакт 7 йилни ташкил қиласи. Буларнинг натижалари куидаги жадвалда келтирилган (4.4-жадвал).

#### 4.4-жадвал

**Боғдорчилик билан шугулланадиган тадбиркорнинг маҳаллий ва интенсив боғни шакллантиришга қўйилган инвестицияси ва даромадларининг ҳаётийлик ҳалқаси ва унинг қиёсий таҳлили**

Дехқон қилган инвестиция ва харажатлари турлари	Маҳаллий боғдорчилик	Интенсив боғдорчилик	Ўзгириш суръати, % ва фарки
1. 1 гектар майдонга қўйилган инвестиция, млн. сўм	70,0	150,0	214,3%
2. Ҳосилга киргунча ўтган муддат, йил	5	3	2 (60%)
3. 1 гектар майдонга дехқон томонидан бир йиллик харажатлари, млн. сўм	10,0	15,0	150,0%
4. Ҳосилга киргунча бўлган жами харажатлар, млн. сўм	50,0 (5*10,0)	45,0 (3*15,0)	90,0%
5. Жами инвестиция ва харажатлар, млн. сўм	120,0 (70,0+50,0)	195,0 (150,0+45,0)	162,5%
6. Бир йиллик даромад, млн. сўм	40,0	68,0	170,0%
7. Бир йилда инвестициянинг қопланиши, млн. сўм	30,0 (40,0-10,0)	53,0 (68,0-15,0)	176,7%

8. Барча инвестиция ва харажатларни ҳосилга киргандан кейинги қоплаш муддати, йил (5к/7к)	4	3,7	92,5
9. Барча инвестиция ва харажатларни ҳаётийлик ҳалқаси (экилгандан қоллан- гунча бўлган умумий муддат), йил (2к+8к)	9	7	77,8%
10. Ўртача ҳосилдорлик, тонна	18	42	233,3%
11. Бир йиллик даромадининг қиёсий тахлили, коэффициентда (6к)	1,0 (40/40)	1,7 (68/40)	170,0%
12. Харажатлар самарадорлиги, сўм (6к/3к)	4000	4533	133,3%

Жадвалдан кўриниб турибдики, фермер интенсив боғни яратиш учун маҳаллий боғга нисбатан 2,1 марта кўп инвестиция қўйган. Бироқ маҳаллий боғнинг ҳосилга кириш муддати 5 йил, интенсив боғнинг ҳосилга кириш муддати эса 3 йил, яъни 2 йилга кам. Маҳаллий боғдагига нисбатан интенсив боғда ҳосилдорлик 2,3 мартаға (233,3%) зиёд. Ушбу боғдан олинадиган бир йиллик даромад маҳаллий боғникига нисбатан 1,7 мартаға (170,0%) кўплиги аниқланди. Бунинг эвазига маҳаллий боғдорчиликда етиштирилган олмага нисбатан интенсив боғнинг самарадорлиги 22,2 %ни  $\{100 - (7*100/9)\}$  ташкил қиласди. Демак, интенсив боғни яратиш учун қўйилган инвестициянинг копланиш муддати 1,3 баробардан (9/7) кам эканлигини кўрамиз. Агар унинг бир йиллик самарадорлигини қиёслайдиган бўлсақ, интенсив боғни ташкил қилишга қўйилган харажатлар самарадорлиги 1,3 мартағи (133,3 %ни) ташкил қиласди. Ҳозирги пайтда интенсив боғда етиштирилган меваларнинг 80%ни саклашга қўйилмоқда. Фермер интенсив боғда етиштирилган олманинг ҳар гектаридан тўртиничи ва бешинчи йилларда ўрта ҳисобда 42 тоннадан, олтинчи ва ундан

кейинги йилларда 60-70 тоннадан ҳосил олади. Унинг 80 % и сақлашга топширилган тақдирда, 33,6 тонна ( $42*80/100$ ) маҳсулот совитгичга топширилади. Мазкур корхонанинг бир тонна маҳсулотдан бир йиллик даромади 400,0 минг сўмни ( $1000*400$ ) ташкил қиласи. Совитгичнинг куввати 100 тонналиқ бўлса, бир йилда 40,0 млн. сўм даромадга эришади.

Худди шу тариқа инвестицияни интенсив боғларга кўйилса, унинг ҳаётийлик ҳалқаси фойдалилик даражасига етгунча бўлган вақт 4-5 йилни ташкил қиласи. Демак, интенсив боғга кўйилган инвестициянинг қопланиш муддати деярли икки баробардан кам эканлигини кўрамиз. Шу туфайли, ҳозирги кунда мазкур соҳага катта эътибор қаратилмоқда. Бунинг мамлакатимиз иқтисодий ва ижтимоий ҳаёти учун бир қанча аҳамиятли жиҳатлари мавжуд.

Биринчидан, мамлакатимизда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашга доир Президентимиз ва ҳукуматимиз томонидан чиқарилаётган қарорлар ижросини жойларда таъминлаш бўйича маҳаллий ҳокимият томонидан ишлаб чиқиладиган узоқ муддатга мўлжалланган дастурларни илмий жиҳатдан асослашга ёрдам беради.

Иккинчидан, турли фермер хўжаликлари ва тадбиркорлар томонидан амалга оширилаётган боғдорчилик билан шугуулана-диган тадбиркорлик фаолиятининг самарадорлигини замон ва макон (аниқ хўжаликда қанча вақтда) нуқтаи назаридан аниқлаш имконини беради.

Учинчидан, дехқонларнинг маҳаллий олмани етишириш ва интенсив боғларни барчасини амалга ошириш борасидаги аниқ фарқларни аниқлаш ва уларнинг самарадорлигини қиёслаш учун илмий асосланган хуносаларни чиқариш ва тегишли бошқарув қарорларини қабул қилиш имконини беради.

Булардан кўриниб турибдики, мазкур ҳаётийлик ҳалқаси нафакат боғдорчиликка, балки бошқа турли йўналишдаги тадбиркорликка ҳам кўлланилиши мумкин экан.

Бунинг исботи сифатида, мазкур масалани, сотиш жойларидаги музлатгичларга кўйилган инвестицияларнинг қопланиш муддатини аниқлашда ҳам кўриш мумкин. Маҳсулотларни сотиш жараёнидаги сақлаш муддатини оптималлаштириш ҳамда йўқотишиларни камайтириш эвазига самарадорликни оширишининг ташкилий-иқтисодий механизми сифатида савдо корхоналарига савдо ҳажмига мутаносиб равишда музлатгичларни ўрнатиш тавсия этилди. Ушбу мақсад учун йўналтирилган инвестициялар

қопланиш муддати совитгичнинг қиймати, энергия сарфи, маҳсулотларни сақлаш муддатини узайтириш эвазига саклаб қолинган маҳсулот миқдори ва сотиш ҳажмига боғлиқ. Буларни аниқлаш учун қуйидаги формуладан фойдаланиш тавсия қилинди:

$$Ин = (Сқ + Ээ) / (Тү1 - Тү2) * p) * Ос ;$$

Бунда: Ин –инвестициянинг қопланиш даври;

Сқ – совитгич қиймати;

Ээ – совитгични эксплуатация қилиши жараёнида электр энергия сарфи суммаси;

Тү1 – табиий йўқотиши миқдори музлатгич ўрнатилмаганда (бир кунлик ўртacha сотилимасдан қолган маҳсулот миқдорини кунлар сонига кўпайтириши билан аниқланади);

Тү2 – табиий йўқотиши миқдори музлатгич ўрнатилганда (бунда ҳар бир ўртacha сотилимасдан қолган маҳсулот миқдорини кунлар сонига кўпайтириши билан аниқланади);

р – маҳсулотнинг сотиши баҳоси;

Ос – бир йилдаги ойлар сони.

Мазкур формула асосида, амалий маълумотларни қўллаб, ҳисоб-китоб қилинганда, бир тонналик совитгич ўрнатилганда табиий йўқолишининг тежалиши эвазига совитгичга кўйилган инвестиция ва энергия сарфи харажатлари 1,8 йилда қопланиши аниқланди.

Буни тадқиқ қилинган объект мисолида қараб чиқадиган бўлсак, дўйонларга ўрнатиладиган 1 тонналик совитгичнинг нархи 21,0 млн. сўмни ташкил қилинган, совитгич бир суткада 24 кВ., яъни 4670 сўмлик электр энергияси сарфлашини инобатга олиб, маҳсулот сотишининг бир ойлик ҳажми 30 тонна, баҳоси 3600 сўм, табиий йўқотиши меъёрлари мос равишда 1,8 % ва 0,8 %ни ташкил этганда, табиий камайиш эвазига инвестиция ҳамда энергия харажатларининг қопланиши қуйидаги тартибда ҳисоб-китоб қилинади:

$$Ин = (21,0+4,67)/\{(30,0*1,8-30,0*0,8)*3,6\}*12 = 1,8 \text{ йил.}$$

Ҳисоб-китоблар совитгич ўрнатилган тақдирда, маҳсулотларни фақат табиий йўқотилишининг камайинши эвазига олина-

диган даромади бир ойда 12 млн. 960 минг сўмни $(30,0*1,8-30,0*0,8)*3,6\}^12$  ташкил этиши ва тадбиркор инвестицияси факат ушбу даромад эвазига 1,8 йилда қопланишини кўрсатмоқда.

Агар бизнинг юкоридаги тавсияларимиз амалиётга татбик этилса, ўйлаймизки, боғдорчиликка ихтисослашган шахсий тадбиркорнинг маҳсулотларини сақлаб сотиш эвазига юкори фойда олиш имконияти туғилади ва мос равишда уларнинг иктисадий қудрати яхшиланади. Энг муҳими, мамлакатимизда озик-овқат хавфсизлигини таъминлаш эвазига аҳолининг яшаш даражаси ва сифатининг ошишига эришилади.

## **5-боб. МАҲСУЛОТЛАРНИ САҚЛАШ ВА СОТИШ ХИЗМАТЛАРИ КЛАСТЕРИ ВА УНДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ ТАШКИЛИЙ-ИҚТИСОДИЙ МЕХАНИЗМЛАРИ**

### **5.1. Маҳсулотларни сақлаб сотиш билан боғлиқ хизматларни ривожлантиришда рақобат ва ҳамкорлик тамойилларидан фойдаланиш имкониятлари**

Маълумки, бозор муносабатлари шароитида турли мулк шаклига эга бўлган иқтисодиёт субъектлари шаклланади. Буларнинг ривожланишида асосан рақобатга таянилади. Рақобат инсоният тараккиётида узоқ йиллар давомида шаклланган ва ўзининг маълум даражада ижобий ва салбий томонлари билан кўзга ташланиб келинаётган иқтисодий жараёнлардан биридир. Аммо ҳозирги шиддат билан ўзгариб турган ва тараккий этаётган замонда эски қолиплар ва андозалар билан ҳам ривожланиб бўлмайди. Ривожланишнинг турли ўйлари ва дастакларини танлаб олиш ҳар бир давлатнинг ва ҳар бир иқтисодиёт субъектининг ўз ихтиёрида. Бундан ўзининг мустакил тараккиёт йўлини танлаб олган ва ушбу йўлда событқадамлик билан ривожланиб бораётган Ўзбекистон ҳам мустасно эмас.

Шундай экан, мамлакатимиз ҳам ривожланишнинг турли механизмларини танлаб олишга ҳақли, деб ўйлаймиз. Улардан бири, рақобат ўрнига ҳамкорлик йўлидир. Бу йўл бизнинг менталитетимизга ҳам тўғри келади. Чунки рақобат маълум даражада зиддиятларни келтириб чикаради. Зоро, индивидуализм ривожланган жойда ҳар ким ўзи билан ўзи бўлиб юрадиган шароитда рақобат тараккиёт учун жуда кулагай. Ҳар бир хўжалик юритувчи субъект ўзича, ўзининг услуби ва воситалари билан ривожланаверади. Аммо бизда жамоавийлик ривожланган. Ҳар бир рақобатчи субъектнинг атрофида ва орқасида катта жамоалар мавжуд. Бундай шароитда рақобатдан кўра жамоавийлик, унинг қулагай услубларидан бири бўлган ҳамкорлик масаласи устуворликни ташкил қиласди.

Буларнинг ўзига хос хусусиятларини куйидаги жадвалдан ҳам кўриш мумкин (5.1-жадвал).

5.1-жадвал

### Рақобат ва жамоавийликнинг ўзига хос хусусиятлари

<b>Рақобатнинг ўзига хос хусусиятлари</b>	<b>Ҳамкорликнинг ўзига хос хусусиятлари</b>
Ҳар бир муваффакиятга элтувчи усуллар тижорат сири сифатида ошкор қилинмайди.	Ҳар бир муваффакиятга элтувчи усуллар тижорат сири сифатида сир сакланмайди, жамоада ошкора амалга оширилади.
Сир сакланган тараққиёт механизми асосан битта ёки бир қанча ушбу усулни қўллаётган иқтисодиёт субъектларигагина хизмат қилади.	Кулай тараққиёт механизми сир сакланмаса, бутун жамоага ва ушбу жамоадаги барча иқтисодиёт субъектларига хизмат қиласди.
Илғор гоялардан бир гурӯҳ иқтисодиёт субъектлари манфаатдор.	Илғор гоялардан гурӯхга кирувчи жамоадаги барча иқтисодиёт субъектлари манфаатдор.
Рақобат натижасида фаолият кўрсатиб турган иқтисодиёт субъектлари синиб, банкотга учраб, ўз фаолиятларини тўхтатишга мажбур бўлади.	Жамоавий фаолиятда ҳамкорлик эвазига фаолият кўрсатаётган иқтисодиёт субъектлари асосан ривожланиб боради.
Тўхтаб қолган иқтисодиёт субъектларида фаолият кўрсатаётган ходимлар ишсизлар армиясига кўшилиб, бандлик масаласини мураккаблаштириб туради.	Узлуксиз фаолият кўрсатаётган иқтисодиёт субъектларида ходимлар доимий иш билан таъминланган ва уларнинг кенгайиши эвазига янги иш ўринларининг очилиши рўй беради.

Хозирги пайтда иқтисодиётда янги йўналиш-кластер усулидан фойдаланиш оркали юқори самарадорликка эришилмоқда. Унинг таркибий қисми бўлган хизмат кўрсатиш соҳасида ушбу йўналиш янада муҳим роль ўйнайди. Чунки хизмат кўрсатиш ишлаб

чиқаришга таъсир қилса, унинг ўсиш даражаси хизмат кўрсатишни такомиллаштиради. Бундай ўзаро боғлиқлик иқтисодиётнинг барча соҳа ва бўгинларида содир бўлиши табий.

Хизмат кўрсатиш соҳасининг таркибий кисми бўлган саклаш ва сотиш хизматларини ривожлантиришда ҳам бир қанча замонавий усууллардан фойдаланишни тақозо қиласди. Юкорида биз синергетик самара усулини ва у билан боғлиқ тушунча ҳамда жараёнларнинг хизмат кўрсатиш соҳасида кўлланилиш имкониятларини қараб чиққан эдик. Энди ўнга ўхшаш усууллардан бири – кластер усулини ҳам қараб чиқишини мақсадга мувофик, деб топдик.

## 5.2. Кластер тушунчаси ва унинг назарий масалалари

Хозирги пайтда иқтисодиётда юқори самарадорликка эришиш борасидаги янги йўналишлардан бири – кластер усулидир. Улардан фойдаланиш орқали иқтисодиётнинг турли соҳаларида юқори самарадорликка эришилмоқда. Шу туфайли, хозирги пайтда жаҳон миқёсида кластерлар сони ўсиб бормоқда. Жумладан, АҚШда 380 та, Буюк Британияда 168 та, Хиндистонда 106 та, Германияда 32 та кластерлар мавжуд. Ушбу масалага Ўзбекистонда ҳам аҳамият берилиб келинмоқда.

Хизмат кўрсатиш соҳасида кластердан фойдаланиш янада муҳим роль ўйнайди. Чунки хизмат кўрсатиш ишлаб чиқаришга таъсир қилса, унинг ўсиш даражаси хизмат кўрсатишни такомиллаштиради. Иккаласи биргаликда ахолининг ҳаёт даражаси ва сифатини муттасил ошириб боради. Бу ўзаро боғлиқлик иқтисодий-ижтимоий ҳаётнинг барча соҳа ва бўгинларида содир бўлиши табий. Шу туфайли, охирги пайтларда кластернинг турли соҳаларда кўлланиши мумкинлиги борасида тавсиялар берилмоқда.

Хозирги пайтда кластер стратегияси ва унинг имкониятлари хусусида хорижлик олимлардан Альферд Маршалл, М.Партер, М.Энрайт, С.Резенфольд, П.Маскелл, М.Лоренцен, П.Беккетин, М.Сторпер, МДҲ давлатлари олимларидан Ю.С.Артоманова, Б.Б.Хрусталев, мамлакатимиз олимларидан С.Каримов, Д.Ҳ.Асланова, М.Т.Алимова кабиларнинг асарларида ўз ифодасини топганинги эътироф этиш мумкин.

Шу жихатдан, XXI асрнинг ўзига хос хусусиятларидан бири, иқтисодиёт фанига жуда кўплаб тушунчалар, тамойиллар, усууллар

ва инновацияларнинг кириб келиши билан характерлидир. Улардан бири, таъкидлаганимиздек, ҳозирги кунда кенг қўлланилаётган кластер усулидир. Кластердан АҚШда ахборот технологиялари, кинно индустрияси, автомобиль, аэрокосмик соҳаларда, Сингапурда микроэлектроника, нефть-химия соҳаларида, Японияда электротехника, автомобилсозликда, Финляндияда ўрмон, ахборотлаштириш, телекоммуникация, металлургия, машинасозлик соҳаларида, Францияда косметика, тўқимачилик, озиқ-овқат, виночиликда, Германияда химия, полиграфия, машинасозлик, мебель каби соҳаларда фойдаланилмоқда. Ўзбекистонда мазкур масала асосан назарий жиҳатдан ўрганилиб, умумлаштирилмоқда ва турли тавсиялар берилмоқда.

Мазкур усульнинг маҳсулотларни сақлаш ва сотиш хизматларида қўлланилиши ҳам мумкинлигини амалиётда кўрдик. Аммо унинг назарий масалалари ҳамон етарли даражада ўрганилган эмас. Шу туфайли, мазкур усульнинг мазмунини назарий жиҳатдан караб чиқишини мақсаддага мувофик, деб топдик.

Маълумки, охирги пайтларда кластер сўзи ва у билан боғлиқ тушунчалар халқаро амалиётда ва бир қанча фанларда, шу жумладан, иктисодиётга оид фанларда ҳам кенг қўлланилиб келинмоқда. Аммо ушбу сўзининг изоҳи ва ўзбек тилидаги лугавий маъноси тегишли адабиётларда деярли ёритилган эмас. Жумладан, 1983 йилда нашр қилинган 2 жилдлик “Русча-ўзбекча лугат”<sup>85</sup> ушбу сўзининг изоҳи берилмаган эди. 2006 йилда нашрдан чиқкан 5 жилдлик “Ўзбек тилининг изоҳли лугати”<sup>86</sup> ҳам ушбу сўз ва у билан боғлиқ тушунчалар келтирилмаган. Бу эса мазкур халқаро атаманинг ўзбек тилида қўлланилишини бироз мураккаблаштиради.

Худди шундай ҳолат рус тилида нашр қилинган адабиётларда ҳам кузатилади. Масалан, 1999 йилда Москва шахридаги “Институт новой экономики” нашриётида чоп қилинган “Большой экономический словарь”<sup>87</sup> ҳам кластер сўзининг изоҳи берилмаган. Рус тили бўйича лугат илмининг эгаларидан бири С.И.Ожеговнинг “Словарь русского языка”<sup>88</sup> номли лугатида ҳам ушбу сўзининг изоҳи йўқ. Одатда, математика фанида кластер таҳлили қўлланилиб келинганлигига гувоҳмиз. Аммо 1988 йилда напр қилинган

<sup>85</sup> Русча-ўзбекча лугат. – Т.: “Ўзбек совет энциклопедияси” бош редакцияси, 1983. 1-жилд – 680 бет, 2-жилд – 672 бет.

<sup>86</sup> Ўзбек тилининг изоҳли лугати. 2 жилдлик. – Т.: “Ўзбекистон миллый энциклопедиаси”, 2006. 1-жилд – 680 бет, 2-жилд – 672 бет, 3-жилд – 688 бет, 4-жилд – 608 бет, 5-жилд – 592 бет.

<sup>87</sup> Большой экономический словарь. – М.: “Институт новой экономики” 1999. 1246 с.

<sup>88</sup> Ожегов С.И. Словарь русского языка. – М.: “Русский язык”, 1982. 816 б.

“Математический энциклопедический словарь” да<sup>89</sup> ҳам ушбу сўзга изоҳ топа олмадик. Булардан ҳам кўриниб турибдики, иқтисодий ўсишнинг муҳим омилларидан бири бўлган кластер усули олдин ҳам, ҳозир ҳам МДҲ мамлакатлари иқтисодий адабиётларида ва тил луғатларида ўз ифодасини топмаган. Москва шаҳрида 2007 йилда нашр килинганд “Большая экономическая энциклопедия” да<sup>90</sup> ҳам кластер сўзига изоҳ берилмаган.

Тадқиқотларимиз натижасида кластер атамасининг фанга кириб келишида илк таклифлар америкалик олим Майкл Портер томонидан берилгани аникланади. Унинг кластер назариясининг шаклланишида хизматлари катта. У кластерга куйидагича таъриф беради. “Кластер – битта географик худудда ўзаро боғлиқ корхона ва ташкилотларни алоҳида бир тармок доирасида бирлаштириш”<sup>91</sup>, (таржима бизники – О.П.) деб таъкидлайди. Шу жиҳатдан бўлса керак, айрим социалистик тизимни бошидан кечирмаган мамлакатларда ушбу кластер усулидан кенг фойдаланиб келинмоқда.

Таъкидлаш жоизки, кластер сўзи ва у билан боғлиқ тушунчалар халқаро амалиётда, шу жумладан, иқтисодиётга оид фанларда ҳам кенг қўлланилмоқда. Масалан, Финландияда ўрмон хўжалиги кластери, Норвегияда денгиз технологиялари кластери, Буюк Британияда биотехнологик кластер, Италияда оёқ кийимини ишлаб чиқарувчи кластер, Германия ва Бельгияда кимёвий кластер каби-ларни мисол келтириш мумкин. Булардан келиб чиқиб, таъкидлаш мумкинки, Ўзбекистон иқтисодиётида ҳам кластер усулидан фойдаланиш мумкин. Чунки мамлакатимизда бозор муносабатлари шаклланиб, мулк тизимида хусусий мулкнинг устуворлиги етарли даражада таъминланди. Бундай шароитда турли мулк эгаларининг бошини қовуширадиган бирорта иқтисодий механизм керак бўлади. Бундай механизм сифатида кластерни олиш мумкин.

Шу туфайли, мамлакатимизнинг ижтимоий-иктисодий ҳаётини ўнглашга инновацион усулларни, хусусан, кластер усулини ҳам қўллаш мумкинлигини тақозо қиласди. Бу борада мазкур масаланинг назарий ва амалий жиҳатлари ҳам шакллантирилмоқда. Буни охиригина пайтларда мамлакатимизда фаолият курсатаётган бир канча тадқиқотчиларнинг кластер усулидан фойдаланаётганлигида

<sup>89</sup> Математический энциклопедический словарь. Советская энциклопедия”, 1988, 847 б.

<sup>90</sup> Большая экономическая энциклопедия. – М.: ЭКСМО, 2007, 816 б.

<sup>91</sup> Асланова Д.Х., Ситтарова З.И. Кластерный механизм развития Миранкульского района. //Туризмни ривожлантиришда халқаро илгор таҳқиба ва уни Ўзбекистон шароитида қўллаш мувоисасида ИАК материалы. – Самарканд, 2011, 162 б.

ҳам кўриш мумкин. Булар жумласига М.Т.Алимова<sup>92</sup>, Д.М.Курбанова<sup>93</sup>, С.Мирзаев<sup>94</sup>, А.Қ.Ғаппаров ва Б.Р.Пардаев<sup>95</sup>, Д.Х.Асланова, З.И.Саттарова<sup>96</sup>, Б.Х.Тураев, Е.А.Ким<sup>97</sup> кабиларнинг тавсияларини киритиш мумкин. Мазкур тадқиқотчилар асаларида кластернинг бозор муносабатлари шароитида объектив зарурлиги ва уларнинг амалиётда кўлланилиши қараб чиқилган. Шунингдек, кластернинг бошқаришдаги ўрни, таркибий тузилиши хусусида эътиборга молик тавсиялар ҳам келтирилган. Бироқ, ушбу адабиётларда кластер тушунчасининг мазмуни ва унинг таърифи билан боғлик масалалар назарий жиҳатдан тўлиқ очиб берилмаган. Буларни инобатга олиб, кластер тушунчасининг лугавий мазмунини ва таърифини назарий жиҳатдан қараб чиқиш лозим, деган хуносага келдик.

Охирги пайтларда кластер атамаси иқтисодиётга оид айrim лугатларда келтирилмоқда. Жумладан, Ўзбекистонда нашр қилинган “Маркетинг терминлари изоҳи луғати: асосий тушунчалар ва истилоҳлар” номли луғатда<sup>98</sup> “Кластерли таҳлил” атамасига изоҳ берилган. Унда эътироф этилишича, “Кластерли таҳлил (ингл. Cluster analysis) – ўзаро умумий жиҳатлар максимал микдорига ва истеъмолчиларнинг бошқа гурухларига иисбатан минимал ўхшашликларга эга бўлган истеъмолчилар гурухларини аниқлаш методи”. Бунда кластер атамасига эмас, ундан фойдаланган ҳолдаги кластер таҳлилига изоҳ берилган.

Олимлардан Д.Х.Асланова ва З.И.Саттаровалар кластернинг амалиётда кўлланилишини тавсия қилган ва “Миранқул

<sup>92</sup> Алимова М.Т. Туристик кластер ҳудудий ракобатбардошлигини оштиришнинг самарали ташкилий-иктисодий механизми сифатида. // “Мамлакатни модернизациялаш шароитида иқтисодиётни ривожлантиришнинг долзарб муаммолари” мавзусидаги Республика ИАК материаллари. (2012 йил 17 февраль). – Самарканд: СамИСИ, 2012, 178-182 бетлар, Алимова М.Т. Ҳудуд ракобатбардошлигини оштириша кластерлар ёндошув. // “Сервис” журнали, 2-сон, 2013 йил, 49-54 бетлар.

<sup>93</sup> Курбанова Д.М. Вопросы формирования туристического кластера в Узбекистане //Хизматлар бозори: муаммо, очимлар ва истиқబоллар. Халқаро ИАК материаллари. 2012 йил, 29-30 июнь. –Самарканд, 2012, 111-113 бетлар.

<sup>94</sup> Мирзаев С.Кластер усули – туризми ривожлантириш омили. – “Сервис” журнали, 2013, 3-сон, 76-80 бетлар.

<sup>95</sup> Ғаппаров А.Қ., Пардаев Б.Р. Жиззах вилоятида экологик туризмни ривожлантириш ҳалястернин тузни зарурлити. // “Сервис” журнали, 2-сон, 2013 йил, 94-98 бетлар.

<sup>96</sup> Асланова Д.Х., Саттарова З.И. Кластерный механизм развития Миранкульского района. //Туризма ривожлантиришида ҳалкаро илгор тажриба ва унга Ўзбекистон шароитида кўллапш муаммолари мавзусида ИАК материаллари. –Самарканд, 2011, 161-163 бетлар.

<sup>97</sup> Тураев Б.Х., Ким Е.А. Применение кластерного подхода для развития малого бизнеса в сфере туризма. //Хизмат кўреатиши соҳасининг ривожланиши муаммолари. ИАК материаллари (2013 йил 25-30 апрель). – Самарканд, 2013, 81-83 бетлар.

<sup>98</sup> “Маркетинг терминлари изоҳи луғати: асосий тушунчалар ва истилоҳлар”/ Масъул мухаррир: Баходир Эргашев; - Т.: “Шарқ” наприяти, 2012, 205 б.

агроэкотуристик кластер”ни ишлаб чиқкан<sup>99</sup>. Ушбу кластер Самарқанд вилоятининг сўлим тоғ бағрида жойлашганлиги туфайли туризмнинг мазкур шакли учун жуда қулайдир. Тадқиқотчилардан М.Т.Алимованинг таъкидлашича, “Кластер” сўзи инглиз тилидан олинган бўлиб, “бирга ўсмок” маъносини англатади<sup>100</sup>. Бизнинг фикримизча, “бирга ўсмок” тушунчаси бирорта муаммони ҳал килишда биргалашиб ҳаракат қилмоқ маъносини билдиради. Демак, бирорта муаммони ҳал килишда кластер ёндашувидан фойдаладиган бўлсак, албатта ушбу жараённинг ёки бирорта фаолиятнинг самарадорлигини ошириш учун шунга дахлдор бўлган кучларни бирлаштириш ҳақида гап бормоги лозим. Ушбу назарий қарашлар унинг таърифини ишлаб чикиш учун асос бўлиши мумкин.

Буларни инобатга олиб, кластер тушунчасига куйидагича таъриф беришни мақсадга мувофиқ, деб топдик. Кластер деганда, бирорта мақсадга эришиш ёки бирорта жараённи самарали амалга ошириш учун, ўзаро боғлиқ бир қанча хўжалик юритувчи субъектларнинг алоҳида бир тармок доирасида бирлашишини тушунилади.

Буни назарий жиҳатдан исботлаш учун қуйидагиларни таъкидлашни мақсадга мувофиқ, деб топдик. Биринчидан, кластер деганда, мазкур таърифда бирорта мақсадга эришиш ёки бирорта жараённи самарали амалга ошириш масаласи кўйилган. Чунки кучларни бирлаштириб, бирорта ишга сафарбар қилинса, албатта у тарқоқ ва якка ҳолда бажарилганлигига нисбатан самарали бўлади. Иккинчидан, иқтисодиётда бирорта масалани амалга ошириш учун ўзаро боғлиқ бир қанча хўжалик юритувчи субъектларнинг сафарбар қилиниши ҳам таърифда ўз ифодасини топган. Учинчидан, бу сафарбарлик алоҳида бир тармок доирасида бирлашишни тақозо қилиши ҳам қайд этилган. Шу йўл билан барча кучлар бир мақсадга йўналтирилишига эришилади. Мазкур таърифдан хизмат кўрсатиш соҳасининг таркибий қисми бўлган сақлаш ва сотиш хизматларини ривожлантиришда ҳам фойдаланиш мумкин. Бундай замонавий усуллардан фойдаланиш ҳозирги пайтда объектив заруратга айланмоқда. Юқорида синергетик самара усулини ва у билан

<sup>99</sup> Асланова Д.Х., Саттарова З.И. Кластерный механизм развития Миранкульского района. //Туризмни ривожлантиришда халқаро илгор тажриба ва уни Ўзбекистон шаронизида кўяллаш музассида ИАК материаллари. – Самарқанд, 2011. 161-163 бетлар.

<sup>100</sup> Алимова М.Т. Худуд ракобатбардоштигини оширишида кластерли ёндошув. // “Сервис” журнали, 2-сон, 2013 йил, 49-54 бетлар.

боғлиқ тушунча ҳамда жараёнларнинг хизмат кўрсатиш соҳасида қўлланилиш имкониятларини қараб чиккан эдик. Энди шунга ўхшашиб усуллардан бири кластер усулини ҳам қараб чиқишини мақсадга мувофиқ, деб топдик.

Мева-сабзавот маҳсулотларини ишлаб чиқариш, сақлаш ва сотиш хизматларини мувофиқлаштириш, ушбу соҳа самарадорлигини ошириш учун барча жараёнларда инновациялардан фойдаланишни тақозо қиласди, чунки ҳозирги пайтда хўжалик юритувчи субъектлар ўртасидаги ички ракобат билаи бирга мамлакатлар ўртасидаги трансмиллий рақобат ҳам кучайиб бораётгандиги мамлакатимиз миқёсида ва унинг ҳар бир ҳудудида кластерни ташкил қилиш заруратини келтириб чиқаради. Тадқиқотлар натижасида маҳсулотларни сақлаш ва сотиш хизматларининг ўзимизга хос кластерининг концептуал йўналишларини ва кластерни ташкил қилувчи субъектлар групкалари схемасини ишлаб чиқдик (5.1-расм).




**Барча субъектларни мувофиқлаштирувчи ва бошқарувчи ташкилот**

**5.1-расм. Маҳсулотларни сақлаш ва сотиш хизматлари кластерининг концептуал йўналишлари ва уларни ташкил қилувчи субъектлар групкаларининг схемаси.**

Кластернинг концептуал йўналишлари ушбу жараёнга мансуб барча босқичларни қамраб олишини инобатга олиб, унинг энг бошланишига маҳсулотларни етишириувчи субъектлар ва навбатдаги босқичда маҳсулотларни саклаш ва сотиш хизматлари жойлаштирилди. Бу жараён ўз ичига тўртта йирик гурӯхни қамраб олганлиги учун, ҳаммасининг фаолиятини мувофиқлаштирадиган бошқарув ташкилотини келтирдик.

Мазкур концептуал йўналиш барча соҳаларда кластерни тузиш учун методик асос бўлиб ҳизмат қилишини инобатга олиб, маҳсулотларни саклаш сотиш хизматлари кластерининг моделинин ишлаб чиқишга муваффақ бўлинди (5.2-расм).





5.2-расм. Мева-сабзавот махсулотларини сақзаб сотиш бүйінча тавсия қылнаётган кластер модели<sup>101</sup>.

<sup>101</sup> Талқылған нәтижесінде мұаллиф томонидан ишлаб чынталған.

Мазкур модель соҳага оид барча макро ва микродаражадаги субъектларни ўз ичига олади. Бунга асосланиб, ҳар бир ҳудудлар бўйича, ҳудудларда соҳалар бўйича кластерларни тузиш мумкин.

Юқоридаги концептуал йўналишларга таянган ҳолда Самарканд ва Жиззах вилоятларида маҳсулотларни сақлаш ва сотиш хизматлари кластерини ташкил қилиш учун, унга кирадиган субъектларнинг бир-бири билан боғлиқлигини келтириш мумкин (5.3-расм).



*5.3-расм. Самарқанд вилоятида маҳсулотларни сақлаш ва сотиш хизматлари кластери<sup>102</sup>.*

Ушбу расмдан кўриниб турибдики, маҳсулотларни сақлаш ва сотиш билан боғлиқ жуда кўп субъектлар бир-бири билан узвий равишда боғлиқ экан. Уларниг бошини ковуштириш ва барча кучларни бир мақсад сари йўналтиришга каратилган тадбирларни амалга ошириш учун, вилоятда айнан шу масалани ҳал қилишга мўлжалланган ҳудудий дастурни ишлаб чиқишини тақозо қиласи. Бунга фақат маҳсулотларни сақлаш ва сотиш билан шуғулланадиган субъектлар эмас, балки шунга манбаатдор барча корхона, ташкилот ва идоралар кучларини жамлашга тўғри келади. Хулоса қилиб айтганда, вилоятда маҳсулотларни сақлаш ва сотиш хизматлари кластерини яратиш лозим бўлади.

<sup>102</sup> Таддикотлар натижасида муъаллиф томонидан ишлаб чиқилган.


Вилоятдаги вазиятни ўрганиб, маҳсулотларни сақлаш ва сотиш хизматлари кластерини ишлаб чиқишига муваффақ бўлдик. Бундан кўриниб турибдики, ушбу соҳани ривожлантириш учун фақат маҳсулотларни сақловчи корхоналарнинг ёки ҳокимиятнинг кучи етмайди. Маҳсулотларни сақловчи корхоналар тегишли инфратузилмани ташкил қилиши учун маблаг етишмаслиги мумкин. Ундан булар бевосита манфаатдор ҳам эмас. Ҳокимиятнинг маҳаллий бюджети ҳам маҳсулотларни сақлашни юкори даражага кўтариши учун зарур бўлган харажатларни кўтара олмайди. Шу туфайли, ушбу тадбирни амалга ошириш учун бир қанча кучларни бирлаштириш лозим бўлмоқда. Бунга эришишнинг замонавий йўлларидан бири, унинг кластерини тузишдан иборатdir.

Кластер усулининг моҳияти шундаки, расмда келтирилган барча субъектлар маҳсулотларни сақлаш ва сотиш хизматларини ривожлантиришнинг ягона дастурини ишлаб чиқади ва унда ҳар бирининг вазифаси аниқ белгилаб олинади. Масалан, маҳсулотларни сақлаш ва сотиш хизматларини кўрсатувчи субъектлар нима билан шуғулланади, шу маҳсулотларни кимлар етиширади, ташиб билан ким шуғулланади, йўлни ким таъмирлади, янги йўлларни ким қуради, ички ва ташки инвесторларнинг вазифалари нималардан иборат бўлади каби масалаларнинг барчаси келишилиб олинади. Шундагина вилоятда маҳсулотларни сақлаш ва сотиш хизматларини ривожлантириш бўйича ягона дастур шаклланиб, уни ривожлантиришга эришилади. Буни мувофиқлаштирувчи ташкилот вилоятда вилоят ҳокимлиги, туман ва шаҳарларда, мос равища, туман ва шаҳар ҳокимликлари бўлади.

Одатда, кластер нодавлат ташкилот сифатида жамоатчилик асосида ташкил қилиниши лозим. Аммо бизнинг ўзимизга хос ҳусусиятларимиз шуни тақозо қиласиди, давлат бош ислоҳотчи сифатида иқтисодий тараққиётнинг ҳозирги босқичида етакчилик ролини ўйнаши лозим. Келгусида ушбу масала ҳам йўлга кўйилгач, мустақил тарзда нодавлат шаклида фаолият кўрсатиши мумкин.


Юкорида кластерга кирган ҳар бир субъект яна ўзининг бўлинмаларини ишга солиши лозим бўлади. Масалан, вилоят ҳокимлиги ўзига қарашли бир қанча бошқармаларни жалб қилиши мумкин. Буларга Иқтисодиёт бошқармаси, Қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси, Савдо-саноат палатаси кабиларни киритиш мумкин.

Агар буни юқоридаги чизмага киритсак, ушбу чизмага яна бир қанча субъектлар боғланади (5.4-расм).



*5.4-расм. Махсулотларни саклаш ва сотиш хизматлари кластерига вилоят ҳокимлигининг жалб қилиши мумкин бўлган бўлинмалари.*

Самарқанд вилоятида маҳсулотларни саклаш ва сотиш хизматлари кластерига кирувчи ҳамма субъектлар, юқорида таъкидланганидек, ўзларига бир қанча субъектларни бирлаштириши мумкин. Буларга мисол қилиб коммунал хизматларни кўрсатувчи субъектларни олиб қараймиз. Мазкур кластерда булар ҳам мос равишда бир қанча йўналишларни (электр энергияси билан таъминловчи корхоналар, газ билан таъминловчи субъектлар, сув билан таъминловчи шахобчалар, уларга хизмат қилувчи инфратузилмалар каби) ўзида мужассамлаштирган. Буни куйидаги расмда кўриш мумкин (5.5-расм).



*5.5-расм. Махсулотларни саклаш ва сотиш хизматлари кластерига кирувчи коммунал хизмат кўрсатувчи субъектларнинг жалб қилиши мумкин бўлган йўналишлари.*

Худди шундай ҳолатда кластерга кирувчи барча субъектлар бўйича қандай йўналишлар кириши мумкинлигини давом эттириш мумкин. Услубий асос учун ушбу ёндашувлар етарли, деб ўйлаймиз.

Бизнинг фикримизча, Самарқанд вилоятининг Жомбой, Булуңгур, Тайлөқ ва Самарқанд каби мева ва сабзавотларга чхтисослашган туманларида маҳсулотларни саклаш ва сотиш хизматларини мувофиқлаштирувчи Кенгаш тузиш мақсадга мувофиқ. Ушбу ташкилотнинг номини “Маҳсулотларни саклаш ва сотиш хизматларини ривожлантиришни мувофиқлаштирувчи Кенгаш”, деб аташ мумкин. Айнан шу Кенгаш таркибига кирувчи субъектлар асосида шу йўналиш бўйича кластерни ташкил қилса бўлади. Унинг таркибий кисмлари сифатида маҳсулотларни саклаш ва сотиш хизматлари билан шуғулланувчи йирик корхоналар, ундан манфаатдор ва у билан боғлик бўлган корхона раҳбарларини киритиши мумкин. Улар бошланишда жамоатчилик асосида, кейинчалик пуллик хизматларни йўлга кўйиб, тижорат асосида фаолият кўрсатишлари мумкин.

Фикримизча, ушбу Кенгаш раиси вазифасига вилоят, туманларда – туман ҳокимлари ёки унинг иктисадий ва ижтимоний ишлари бўйича ўринбосарлари тайинланишлари мумкин. Унинг аъзолари таркибига ушбу хизматларни ривожлантиришдан манфаатдор бўлган бошқа ташкилотлар хамда олимларни ҳам киритиши лозим бўлади. Чунки бу борадаги ишланмалар, илмий тавсиялар учун ушбу кластер тажриба майдони бўлиб хисобланади.

Таъкидланганидек, ушбу Кенгаш аъзолари биринчи боскичда жамоатчилик асосида фаолият кўрсатишлари лозим. Кейинчалик маҳсулотларни саклаш ва сотиш хизматлари билан шуғулланувчи субъектлар ва уларга дахлдор ташкилотларнинг ривожланиши оқибатида, ушбу Кенгашининг фаолиятини таъминлаш учун, маълум миқдордаги пул ажратмалари хисобидан унинг маблагини шакллантириш мумкин. Бундан ташқари, ушбу идора назорат қилувчи ташкилот эмас, балки кўмаклашувчи ташкилот бўлиб хисобланади. Улар мамлакатимизнинг ва бошқа хорижий мамлакатларнинг турли худудларидан ҳар хил эҳтиёт кисмлар, технологияларни олиб келиш ва уларни таъмирлаш хизматларини амалга ошириши мумкин. Бунинг эвазига улар маълум даражада маблаг ишлаб топади.

Шуни таъкидлаш жоизки, Кенгашга йўналтирилган маблағлар маҳсулотларни сақлаш ва сотиш хизматлари билан шуғулланувчи субъектлар ва унга дахлдор бўлган ташкилотларга бир неча баробар кўпроқ фойда келтириши лозим бўлади. Кенгаш тузилишидан мақсад ҳам маҳсулотларни сақлаш ва сотиш хизматлари кластерини ташкил қилиш натижасида юқори синергетик самараדורликка эришишдан иборат бўлади.

Биз тавсия қилаётган ушбу маҳсулотларни сақлаш ва сотиш хизматлари кластери нафақат вилоятда (туманларда), балки мамлакат иқтисодиётининг бошқа соҳаларини ривожлантириш учун ҳам бемалол кўлланилиши мумкин. Шуни қайд этиш керакки, мазкур масалани ташкил қилиш бўйича тегишли меъёрий ҳужжатлар ишлаб чиқилиши ва бу вазифани биринчи босқичда вилоят ҳокимлиги ўз кўлига олиши лозим. Биз тажриба олиб борган ташкилотлар ушбу усулни кўллаш бўйича тавсияларимизни маъқулладилар. Ишонамизки, келажакда ушбу усуллардан фойдаланиш объектив заруратга айланади. Чунки кучларни бирлаштириш ва ундан оқилона фойдаланиш масаласи кун тартибида бўладиган ва катта самара берадиган усуллардандир.

### **5.3. Мева-сабзавот маҳсулотларини сақлаб сотиш бўйича амалдаги турли бирлашмалар ва холдингларга нисбатан кластернинг ўзига хос хусусиятлари**

Ҳозирги пайтда мамлакатимизда турли мулк шаклига эга бўлган кластерга мазмунан мувофиқ келадиган уюшмалар (холдинглар, Савдо-саноат палатаси ва турли бирлашмалар) мавжуд. Аммо улар кластердан ташкилий-иктисодий ва маъмурий бошқарув жихатлари бўйича фарқ қиласди (5.2-жадвал).

Кўриниб турибдики, иккала ҳолатда ҳам жуда кўп қулайликлар мавжудлигига қарамасдан, кластерда манфаатдорлик устуворликни ташкил қылганлиги эвазига фаолият самараדורлиги ва сифатини оширишга қаратилган интилиш анча юқори экан.

Тадқикотлар натижасида кластерни амалга ошириш бўйича қўйидаги ташкилий-иктисодий механизmlарни тавсия қиласиз:

1) кластерни амалга оширувчи “Маҳсулотларни сақлаш ва сотиш хизматларини ривожлантиришни мувофиқлаштирувчи Кенгаш – Кластер”ни тузиш;

**5.2-жадвал**

**Мева-сабзавот маҳсулотларини саклаб сотиш бўйича амалдаги турли бирлашмалар ва холдингларга нисбатан кластернинг ўзига хос хусусиятлари**

Т/р	Бирлашмаларнинг ўзига хос хусусиятлари	Кластернинг ўзига хос хусусиятлари
1.	Маъмурий тобелик мавжуд.	Иштирокчилар мустакил фаолият олиб боради.
2.	Корпоратив ва маъмурий бошқарув.	Асосан корпоратив бошқарув.
3.	Инвестицияни қўядиган инвестор марказлашган ва уни ўзи бошқаради.	Инвесторлар мустакил, ҳар бири ўз заруратидан келиб чиқиб инвестиция қўяди.
4.	Маълум соҳада монополистик хусусиятга эга.	Кучларни бирлаштирганлиги эвазига юқори даражадаги рақобатбардошликка эга.
5.	Инновацияни жорий қилишда маъмурий аралашувнинг мавжудлити.	Инновацияларни жорий қилишда мустакил ҳал қилиш имкониятларининг мавжудлиги.
6.	Бошқарувда маъмурий принциплар иштирок этади.	Бошқарувнинг мувофиқлаштирувчи Кенгаш томонидан амалга оширилиши.
7.	Миқдор билан сифат бирлигига миқдорга катта аҳамият берилиши.	Миқдор билан сифат бирлигига миқдор билан сифатга бир хилда караши.
8.	Ишлаб чиқариш, меҳнат ва технологик интизомни амалга оширишда маъмурий принципларга асосланади.	Барча интизомларни назорат қилишда ва уларни амалга оширишда манфаатдорлик устуворликни ташкил қиласди.
9.	Давлат дастурларининг бажарилишида иштирок этади.	Давлат дастурларининг бажарилишида иштирок этади.

2) кластерни амалга ошириш дастурини ишлаб чиқиш ва унда ҳар бир иштирокчининг вазифасини аниқ белгилаш;

3) “Кластерни амалга ошириш Низоми”ни ишлаб чиқиш;

4) кластерни бошқарувчи субъектнинг иқтисодий асосини шакллантириш тартиби кабиларни ишлаб чиқиши ва уларнинг барчасини тегишли тартибда қонуний кучга эга бўлишини таъминлаш лозим, деб хисоблаймиз.

Мазкур илмий-назарий ва амалий тавсияларимизни амалиёт ҳамда ўкув жараённида қўллаш, маҳсулотларни сақлаб сотиш хизматларини такомиллаштириш, уларнинг синергетик самарадорлигини таъминлаш ҳамда ўкув дастурларини такомиллаштириш ва талабаларда корхонани бошқаришда замонавий усууллардан фойдаланиш кўникмасини шакллантириш учун хизмат қиласди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 9 ноябрда имзоланган 328-сонли «Сурхондарё вилоятида деҳқон хўжаликларининг имкониятларидан самарали фойдаланишга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарорида янгидан ташкил этиладиган агрофирмаларнинг асосий вазифалари ва фаолияти йўналишлари этиб бир қанча вазифалар белгиланган. Улардан бири сифатида бир қанча фаолиятларни бирлаштириш, яъни кластер моделидан фойдаланиш, хусусан, «мева-сабзавот маҳсулотларини тайёрлаш, сақлаш, қайта ишлаш, саралаш, калибрлаш, ўрабжойлаш, шунингдек, экспортдан олдин тайёрлаш»<sup>103</sup> масаласига қаратилган. Шунингдек, янги ташкил этиладиган агрофирмалар “деҳқон хўжаликлири билан биргаликда иссикхоналар ва совитиш камералари ҳамда кишлоп хўжалик маҳсулотларини қайта ишловчи қувватларни ташкил этиш” масаласи ҳам уларнинг асосий вазифалари ва фаолият йўналишлари сифатида белгиланган. Бу ҳам бевосита кластер модулига, яъни кучларни бирлаштириш принципига тўғри келади.

Хозирги шайтгача маҳсулотларни етиштиришдан тортиб, уларни истеъмолчиларга етказгунча бўлган жараёнлар билан турли корхоналар шугуулланган бўлса, эндиликда янгидан ташкил этиладиган кластер принципига асосланган агрофирмаларнинг факт битта ўзлари шугуулланишади. Бу ерда кучлар бирлаштирилиши натижасида харажатлар камаяди, жараёнлар тизимлаштирилади ва шулар эвазига мева-сабзавот маҳсулотларини сақлаб сотиш хизматлари самарадорлигини оширишга эришилади.

<sup>103</sup>Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Сурхондарё вилоятида деҳқон хўжаликларининг имкониятларидан самарали фойдаланишга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 2016 йил 9 ноябрдаги 328-сонли Қарори (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳуҷжатлари тўплами, 2016 й., 45-сон, 524-модда).

Сақлаб сотиш хизматлари кластерини тузишдан асосий мақсад:

- ракобат ўрнига ҳамкорликни ўрнатиш эвазига самара-жөннөрдикка эришиш;
- битта мақсадга эришиш мақсадида турли йўналишдаги фасолиятларни бирлаштириш;
- технологик жараёнларни бир-бирига мувофиқлаштириш;
- маҳсулотларни “богдан дастурхонгача” схемаси бўйича етказиш вақтини қисқартириш ва маблағларни тежаш;
- сақлаб сотиш хизматлари самарадорлигини оширишга эришиш;
- соҳага инновацияларни киритишда яхлитликни таъминлаш кабилар.

Кластернинг ўзига хос хусусиятларидан бири, ҳар бир хўжалик юритувчи субъектларнинг кластер сиёсатини қандай ташкил қилганлиги билан боғлиқдир. Бу қуйидагиларда намоён бўлади:

- мустаҳкам ҳамкорлик бўлганлиги туфайли, ташки ҳамкорларни жалб қилишда рақобатнинг барҳам топганлиги;
- соҳага инвестицияларнинг кириб келишини бир маромда тақсимланишига эришилиши;
- соҳага инновацияларнинг жорий қилинишида маромийликнинг сақланиб қолиши;
- аста-секиилик билан соҳада кластер ташаббускорларининг кўпайиши;
- турли соҳа ва хўжалик юритувчи субъектларда банд бўлган ходимларнинг ҳамжиҳатлиги кабилар.

## **6-боб. СИНЕРГЕТИК САМАРА ВА СИНЕРГЕТИК САМАРАДОРЛИК ТУШУНЧАЛАРИНИНГ НАЗАРИЙ МАСАЛАЛАРИ ВА УЛАРНИ ИФОДАЛОВЧИ КҮРСАТКИЧЛАРНИ АНИҚЛАШ ЙЎЛЛАРИ**

### **6.1. Синергетик самара ва синергетик самарадорлик тушунчаларининг назарий масалалари**

Хизмат кўрсатиш соҳасини, хусусан, маҳсулотларни сақлаш ва сотиш билан боғлиқ хизматларни такомиллаштиришнинг бир қанча йўллари ва йўналишлари мавжуд. Улардан бири синергетик самара усулидир. Олиб борилган тадқиқотларимиз ушбу усулдан фойдаланиш имкониятлари катта эканини кўрсатди. Биринчидан, унчалик кўп маблағ сарф қилмасдан, юқори самарадорликка эришиш, иккинчидан, мавжуд кучларни бирлаштириш бўйича фақат ташкилий тадбирларнигина амалга ошириш мумкин. Мавжуд кучлардангина фойдаланиш туфайли бу катта маблағ талаб қилмайди.

Бироқ таъкидлаш жоизки, иқтисодий адабиётларда “синергетика”, “синергетик самара” ва “синергетик самарадорлик” тушунчалари бўйича аниқ тўхтамга келингган эмас. Бу табиий ҳол. Чунки ушбу атама иқтисодиётта яқиндагина кириб келди. Шу туфайли, ушбу атаманинг мазмунини очиш учун илмий ва фундаментал адабиётларга, турли лугат ва энциклопедияларга мурожаат қилдик.

Синергетика масаласи 1999 йилда А.Н.Азрилиян таҳрири остида муаллифлар жамоаси томонидан нашр қилинганд “Большой экономический словарь”да<sup>104</sup> келтирилган. Ушбу нашрда “синергетика” сўзининг айнан ўзига изоҳ берилмаган. Аммо “синергия” сўзининг ўзига изоҳ берилган. Ушбу сўз грек тилидаги “sinergeia” сўзидан келиб чиқкан бўлиб, “компаниянинг бирлашиши натижасида олдинги тарқоқ ҳолатига нисбатан юқори самарадорликка эришиши натижаси” тушунилади, дейилган. 2007 йилда нашр қилинганд “Большая экономическая энциклопедия”да «синергия»

<sup>104</sup>Большой экономический словарь. – М.: Институт новой экономики, 1999, 906 с.

сўзига эмас, балки “Синергетический эффект”<sup>105</sup> сўзига изоҳ берилган. Унда қавс ичиди “синергия” сўзини келтиради ва унга қуйидагича изоҳ беради: “алоҳида қисмларни умумий тизимга интеграциялаштирган ҳолда тизимли самара таъсирида иш самарадорлигини оширишдир. Бунда биргаликда харакатнинг самарадорлиги алоҳида ҳаракат қилинганига нисбатан юқори”<sup>106</sup> (таржима бизники-О.П.), деб таъкидланади.

Энди “синергия” сўзининг маъносига бевосита луғатларда қандай изоҳ берилганлигига ҳам тўхталишни мақсадга мувофиқ, деб топдик. Чунки айнан “синергетика” сўзи бошқа луғатларда ҳам учрамайди ва уларда ҳам “синергия” атамаси ишлатилган. Ушбу сўзга изоҳни 1988 йилда нашр қилинган “Словарь иностранных слов” китобида кўриш мумкин. Унда эътироф этилишича, “Синергизм, синергия” сўzlари юонон тилидан олинган бўлиб, унинг ўзаги “synergeia”ни ташкил қиласиди ва унинг маъноси “бирлашиш, ҳамкорлик”<sup>107</sup> деган маъноларни англатади. Ушбу луғатда “синергист” сўзига ҳам изоҳ берилган. Ушбу сўз ҳам юонон тилидан олинган бўлиб, “synergos” сўзидан келиб чикқанлиги эътироф этилган. Ушбу сўзининг ҳам маъноси “биргаликда ҳаракат қилувчи”<sup>108</sup> деган маънони беради. Аммо кейинги изоҳларда бу атаманинг одам организмида содир бўладиган ўзгаришлар ҳамда биологияга оид фанларда кўлланилиши эътироф этилган.

Лекин “синергия” сўзи барча луғатларда асосан бирлашиш, ҳамкорлик маъноларини англалиши кўрсатилган.

Ушбу қарашларни луғавий маъноларини тадқиқ килиб, «синергия» атамасининг таърифини ишлаб чиқиши мумкин. Тадқиқотларимиз натижасида ушбу атамага қуйидагича таъриф беришни мақсадга мувофиқ, деб топдик. Синергия деганда, олдинги таркօқ ҳолатига нисбатан юқори самарадорликка эришиш мақсадида хўжалик юритувчи субъектларнинг бирлапниши натижасида ташкил бўлган бир қанча кучларни бирлаштирган уюшма тушунилади.

Ҳозирги пайтда иқтисодиётда кўлланилаётган, унинг самарадорлигини оширишга каратилган синергия билан боғлиқ усуулардан бири “Синергетик самара” деб эътироф этилмокда. Бу

<sup>105</sup>Большая экономическая энциклопедия. – М.: ЭКСМО, 2007, 581с.

<sup>106</sup>Ўш жойда. – 581 б.

<sup>107</sup>Словарь иностранных слов. 16-е изд., испр. – М.: Рус. яз., 1988, 467 с.

<sup>108</sup>Ўш жойда. – 467 б.

борада айрим тадқиқотларда ҳам айнан шу атама қўлланилмоқда<sup>109</sup>. Ушбу атамадан М.Б.Хамидулининг тадқиқот ишида<sup>110</sup> иқтисодиётнинг молиявий секторида, хусусан, қимматли қоғозлар бозорида фойдаланиш бўйича тегишли тавсиялар ишлаб чиқилган. Шу сингари Х.Р.Туробованинг ишида<sup>111</sup> бу атамани қишлоқ ҳўжалиги соҳасида кооперация муносабатларини такомиллаштиришда қўллаш мумкинлиги кўрсатиб берилган. Аммо юқорида номлари зикр этилган олимларнинг ишларида ушбу тушунчаларнинг таърифи келтирилмаган. Шундай бўлса-да, ушбу тушунчалардан фойдаланишга муваффак бўлинган. Бизнинг фикримизча, ҳар қандай атама ёки категориядан фойдаланишдан олдин унинг таърифига аниқлик киритиш лозим, деб ўйлаймиз. Чунки, булардан кўриниб турибдики, фандаги ҳар қандай янгиликни бир қанча фанларга ҳам қўллаш мумкин. Ушбу атама ва усуслар биринчи марта аниқ табиий фанларда, тиббиётда ва физикага оид фанларда қўлланилган бўлса, XXI асрга келиб иқтисодиётда ҳам қўлланилмоқда. Биз эса, иқтисодиётнинг бир тармоғи бўлган маҳсулотларни сақлаш ва сотиш жараёнларида қўллаш мумкинлиги хусусида айрим фикрларни айтмоқчимиз.

Юқорида эътироф этилганидек, ҳар қандай атамалардан, хусусан, синергетика, синергетик самара ва синергетик самарадорлик тушунчаларидан тўғри фойдаланиш учун уларнинг таърифларига таяниш лозим бўлади. Аммо мавжуд иқтисодий адабиётларда уларнинг таърифлари ҳамон етарли даражада ёритилмаган. Булардан келиб чиқиб, ушбу тушунчаларнинг назарий масалаларига алоҳида аҳамият бериш ва таърифларини ишлаб чиқиши максадига мувофиқ, деб топдик.

Тадқиқот натижасида синергетика тушунчасига куйидагича таъриф берилади. **Синергетика деганда, маълум бир фаолиятда юкори ижобий натижага эришиш максадида манфаатдор**

<sup>109</sup>Хамидулин М.Б. Развитие финансового механизма корпоративного управления. Автореферат докторской диссертации на соискание ученой степени доктора экономических наук. –Т.: Банковско-финансовая Академия РУз., 2008, 38 с., Туробова Х.Р. Фермерские установки ривожлантирища кооперация муносабатларини такомиллаштириш. Иқтисод фанлари номзоди илмий даражасини олини учун тақдим этилган диссертацияси автореферати. –Т.: УзР Банк-молия Академияси, 2012, 27 б.

<sup>110</sup>Хамидулин М.Б. Развитие финансового механизма корпоративного управления. Автореферат докторской диссертации на соискание ученой степени доктора экономических наук. –Т.: Банковско-финансовая Академия РУз., 2008, 27 с.

<sup>111</sup>Туробова Х.Р. Фермерские установки ривожлантирища кооперация муносабатларини такомиллаштириш. Иқтисод фанлари номзоди илмий даражасини олини учун тақдим этилган диссертацияси автореферати. –Т.: УзР Банк-молия Академияси, 2012, 19 б.

**субъектларнинг куч ва имкониятларини бирлаштирган ҳолда ўзаро ҳамкорликдаги аниқ тизимли харакати тушунилади.**

Мазкур таърифни иқтисодий жиҳатдан асослайдиган бўлсак, шуни эътироф этиш керакки, унда: биринчидан, бирорта аник соҳани ривожлантириш ёки самарадорлигини оширишга қаратилган мақсад бўлиши керак; иккинчидан, уни амалга ошириш учун алоҳида-алоҳида фаолият кўрсатадиган субъектлар кучларини бир жойга жамлаш лозим бўлади; учинчидан, биргаликда харакатга келтирилган куч орқали алоҳида харакат қилиб эришилган натижага нисбатан кўпроқ натижага эришилганлигига гувоҳ бўламиз; тўртинчидан, битта куч билан таъсири қилиб самарадорликка эришиш мақсади кўйилса, унда ушбу битга куч билан узлуксиз ҳолда тизимли равишда таъсири қилиш лозим бўлади.

Шуни эътироф этиш лозимки, ушбу ҳолатга эришиш иқтисодиётнинг бозор муносабатлари шароитида бироз мураккаб. Чунки турли соҳаларда турли мулк эгалиги ҳукм сурмоқда, ҳатто бир соҳада ҳам турли мулк эгаларига асосланган бир-бири билан ракобатда бўлган хўжалик юритувчи субъектлар фаолият кўрсатади. Бугунги кунда юқори самарадорликка эришиш учун кучларни бирлаштириш ва бир-бири билан ҳамкорлик қилиш объектив заруратга айланмоқда. Чунки кучлар бирлашсагина юқори самарадорликка эришиш мумкин.

Мазкур атаманинг ушбу жиҳатларидан кўриниб турибдики, синергетика тушунчаси иқтисодиётнинг барча соҳаларида кўлланилиши мумкин экан. Уни бевосита хизмат кўрсатиш соҳасига, унинг таркибий қисми бўлган маҳсулотларни саклаш ва сотиш жараёнига кўллайдиган бўлсак, шуни эътироф этиш керакки, соҳани ривожлантириш ва самарадорлигини ошириш учун синергетикадан фойдаланиш йўлларини икки босқичда амалга ошириш лозим, деган хуносага келдик.

Биринчидан, бир соҳадаги бир қанча бир-бирига ўхшаш хўжалик юритувчи субъектлар кучларини бирлаштириш лозим бўлади. Масалан, бирорта географик худудда маҳсулотларни етиштирувчи ва сакловчи корхоналарни бирлаштириш мумкин. Чунки улар айрим масалаларни биргаликда ҳал килса, юқори самарадорликка эришади. Жумладан, барча маҳсулет етиштирувчилар хар бири биттадан трактор сотиб олмасдан, ўртада кераклигича техника харид қилиб фойдаланиш мумкин. Ёки

хаммаси ўзига биттадан совитгич курмасдан, бирлашиб, битта етарли қувватга эга бўлган совитгич курса, барчаси фойдаланиши мумкин.

Иккинчидан, ушбу соҳага дахлдор турли соҳада хўжалик юритувчи субъектлар кучларини бирлаштириш мумкин. Бу ҳолда уларнинг бир-бири билан ҳамкорликда фаолият кўрсатишини таъминлаш лозим бўлади. Масалан, маҳсулотни стиштирувчи фермер хўжалиги билан уни ташишда иштирок этадиган транспорт корхонасини, уни сугоришда иштирок этадиган сувдан фойдаланувчилар уюшмасини, маҳсулотларини саклаб берадиган совитгичларни, уни сотиш билан шуғулланадиган дўкон ва бозорларни бирлаштириш имкони мавжуд. Кўриниб турибдик, у ҳолда ҳам, бу ҳолда ҳам, синергетика билан боғлик жараёнларда тарқоқ кучларни бирлаштириш тўғрисида гаф кетмокда.

Ушбу назарий масалаларни асослаш учун айрим фактларни бевосита маҳсулотларни сақлаш ва сотиш билан боғлик жараёнлар мисолида караб чиқиш лозим. Бунда қуйидагиларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ бўлади.

Биринчидан, бирорта аниқ соҳани, мазкур ҳолатда маҳсулотларни сақлаш ва сотиш жараёнини такомиллаштириш орқали уларнинг самарадорлигини оширишга эришиш асосий мақсад қилиб олинади.

Иккинчидан, ушбу мақсадга эришиш учун, алоҳида-алоҳида фаолият кўрсатадиган субъектлар (омбор, уларга хизмат қилувчи коммунал хўжалик субъектлари, транспорт ташкилотлари кабилалар)нинг кучлари бир жойга жамланади. Уларнинг ҳамжиҳатлика фаолият кўрсатиши таъминланади. Бу ерда рақобатдан кўра ҳамкорлик устуворликни эгаллайди.

Учинчидан, биргаликда ҳаракатга келтирилган ҳолатдаги самара, яъни ҳар бир хўжалик юритувчи субъектлар томонидан эришилган фойданинг жамланганига нисбатан, кучни бирлаштириш орқали эришилган фойда кўп бўлади. Бу эса, турли тармок ва соҳаларни бирлаштиришда улар манфаатдорлигининг мувофиқлигини таъминлаш имконини ҳам вужудга келтиради. Ҳар бир корхонанинг ҳамиша алоҳида ҳаракат қилиб, эришилган натижасига (фойдасига) нисбатан, бирлашиб қилинган ҳаракат пайтида олган фойдаси кўпроқ эканлигига гувоҳ бўламиз.

Тўртингидан, таъкидланганидек, битта куч билан таъсир қилиб, самарадорликка эришиш мақсади кўйилса, унда ушбу битта

куч билан узлуксиз ҳолда тизимли равища таъсир қилиш лозим бўлади. Бунга табиатдан битта мисол келтирамиз. Сув юмшок, аммо уни узлуксиз равища бир хил томчилатиб қўйилса, қаттиқ тошини ҳам тешиб юбориши мумкин. Иқтисодий соҳадан мисол қилиб, омбордан юкни транспортга ортишни келтириш мумкин. Одам бир идишда 50 килограмм юкни кўтариб ортиши мумкин. Агар уни тизимли равища давом эттире, жуда кўп тонналаб юкни ортиб қўяди. Аммо уни бирданига ортиш қийин. Бунинг учун бир қанча кучларни бирлаштиришга тўғри келади.

Бевосита маҳсулотларни саклаш жараёнинг келадиган бўлсак, уни саклайдиган омбор (совитгич идораси) электр тармоқлари, газ билан таъминлайдиган идоралар каби ташкилотлар билан ҳамкорликда ишлашлари лозим. Совитгичга узлуксиз электр таъминоти керак бўлади. Агар унда узилиш бўлса, маҳсулот сифатининг пасайиши рўй беради. Электр энергиясининг узилиши туфайли, ушбу идора истеъмолчига бир вакт бирлигида кам энергия етказиб бериш орқали сотган куввати кам бўлади. Омборнинг зарари – маҳсулотнинг бир қисми нобуд бўлиши натижасида содир бўлади. Бунда маҳсулотнинг ҳам, омборнинг ҳам эгаси зарар кўради ва ҳ.к. Кўриниб турибдик, битта электр кувватининг узилиши бир қанча субъектлар манфаатига зид бўлиб келмоқда. Шу туфайли, совитгич корхонаси билан электр таъминоти ва шунга ўхшаш корхоналар ҳамкорлиги таъминланса, ушбу йўқотишлар бўлмаслиги тайин. Булардан келиб чиқиб, таъкидлаш жоизки, ушбу тармоқлар бир-бирларини қўллаб-куватлаб ишлашлари ва бир-бирининг самарадорлигини таъминлашлари лозим бўлади. Бундай самарадорлик айнан синергетик самарадорликни ташкил қиласди.

**Синергетик самара деганда, маълум бир фаолиятда юқори ижобий натижага эришиш учун ўзаро манфаатдор субъектлар куч ва имкониятларини бирлаштирган ҳолда тизимли равища аниқ мақсадга йўналтириш эвазига қўлга киритилган самара тушунилади.**

Ушбу таърифнинг математик ифодасини келтириш мумкин. Бунда натижа кўрсаткичи (синергетик самара) асосан кучларнинг жамланишида ўз ифодасини топади. Ушбу жараённинг математик моделини ифодалаш учун куйидаги формуладан фойдаланишини тавсия қиласми:

$$Cc = \sum_{i=1}^n Ki$$

Бунда:  $Cc$  – синергетик самара;

$i$  – кучларнинг тартиб рақами;

$n$  – бирлашиши лозим бўлган алоҳида кучларнинг сони;

$Ki$  –  $i$ -кучининг (субъектнинг) номи.

Ушбу таъриф ва математик моделни шу билан асослаш мумкинки, бирорта соҳада ёки бирорта жараёнда юқори самарани, масалан, кўпроқ фойдани қўлга киритиш учун, битта соҳадаги субъектлар ёки бир соҳага дахлдор бўлган турли субъектлар (корхоналар)нинг ҳамкорликда ҳаракат қилишлари лозим бўлади. Бу эса, турли кучларнинг диалектик бирлигини таъминлаган ҳолда тарқок кучларни бирлаштиришни йўлга қўйишини тақозо қиласди. Уларнинг тарқок ҳолда эришган натижасига нисбатан, биргаликда қилган ҳаракати кўпроқ натижага эришиш имконини беради. Уларнинг мана шу биргаликда эришган муваффақияти, юқорида таъкидланганидек, айнан синергетик самарани ташкил қиласди.

Бунга битта мисол келтирамиз. Маҳсулотларни сақлашга мўлжалланган корхона бир йилда алоҳида фаолият кўрсатиб, 80,0 млн. сўм фойда олди<sup>112</sup>. Унга хизмат қиласидан электр энергияси таъминоти билан шуғулланадиган ташкилот 15,0 млн. сўм фойда олди. Ушбу сақловчи корхонага газ етказиб берувчи ташкилот эса, 18,0 млн. сўм фойда олди, деб фараз қиласми. Барчасининг фойдаси 113,0 млн. сўмни ( $80,0 + 15,0 + 18,0$ ) ташкил қилмоқда. Аммо улар ҳамкорликда фаолият кўрсатиши натижасида, мос равища, куйидаги натижаларга эришди: 90,0 млн. сўм, 18,0 млн сўм ва 22,0 млн. сўм. Уларнинг умумий фойдаси 130,0 млн. сўмни ( $90,0 + 18,0 + 22,0$ ) ташкил қилди. Синергетик самаранинг фарқи 17,0 млн. сўмни ( $130,0 - 113,0$ ) ташкил қиласди.

## 6.2. Синергетик самара ва синергетик самарадорликнинг асосий йўналишлари

Синергетик самара ва синергетик самарадорликка эришиш учун синергетиканинг таърифидан келиб чиқиб, унинг турли йўналишлари мавжудлигини инобатга олиш лозим. Шу нуқтаи назардан

<sup>112</sup> Ушбу холатда методологик асосни кўрсатиш максадида маълумотлар тақрибан олинди.

унинг йўналишлари ишлаб чиқилди. Бу йўналишлар: ҳамкорликда таъсир, тизимли таъсир ва келажакнинг бугунга таъсиридан иборатлиги асосланди. Бу тизимни қуидаги расмда келтирдик (6.1-расм).

### Синергетик самаранинг асосий йўналишлари

Ҳамкорликда таъсир

Тизимли таъсир

Келажакнинг бугунга  
таъсири

#### *6.1-расм. Синергетик самаранинг асосий йўналишлари<sup>113</sup>.*

Ушбу йўналишларнинг ҳар бири иқтисодий самарадорликни муттасил ошириб бориш имконини беради. Буларни қуидагича изоҳлаш мумкин: биринчидан, натижанинг ўзгаришида синергетик самаранинг ҳамкорликда таъсир тамойили вужудга келади. Ҳамкорликда қилинган ҳар қандай ишда кучлар бирлаштирилади ва табиий равишда юқори самараға эришиши мумкин бўлади. Бу борада юқорида ҳам етарли далиллар келтирилди. Бундан кўриниб турибдики, бир соҳани ривожлантириш учун уларда мавжуд бўлган ва уларга бевосита дахлдор таркоқ кучларни бирлаштиришга тўғри келар экан. Бу жараёнда, албатта, мураккабликлар мавжуд. Чунки ҳозирги шароитда турли мулк шаклида фаолият кўрсатаётган турли соҳада хўжалик юритадиган субъектларни бирлаштириш бироз мураккаб. Шу туфайли, уларнинг манфаатдорлиги таъминланган бўлиши лозим. Бу анча ташкилий тадбирларни амалга оширишни тақозо қиласи. Шу туфайли, ушбу ишнинг бошида, биринчи босқичда, маҳаллий ҳокимиятларнинг туриши максадга мувофиқ. Зоро, мамлакатимиз тараққиётининг ўзига хос хусусиятларидан бири ҳам давлатнинг бош ислоотчи эканлигидадир.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, ҳамкорликда таъсир тамойилига таъриф бериш мумкин. Ҳамкорликда таъсир дейилганда, бирорта соҳа самарадорлигини ошириш ва уни ривожлантириш учун мавжуд бўлган ва уларга бевосита дахлдор таркоқ кучларни ҳар бирининг манфаатдорлигини таъминлаган ҳолда бирлаштириш тушунилади.

Синергетик самараға эришишнинг яна бир йўналиши тизимли таъсиридир. Тадқиқотимиз давомида ушбу йўналишни ҳам амалга

<sup>113</sup>Муаллиф томонидан тадқиқотлар натижасида илж бор ишлаб чиқилди.

ошириш лозимлиги асосланди. Чунки тизимли таъсир натижасида қаттиқни юмшоқ билан енгис мумкин. Масалан, яна бир бор сувни тошнинг устига тизимли равишда томиздириб турилса, пайти келиб, тошни тешиш мумкинлигини эсга олайлик. Тизимли таъсир асосида ёндашувнинг кучига асаларининг асал тўплаш жараёнини ҳам мисол қилиб келтириш мумкин. Улар минглаб гулларга кўниб, улардаги заррачалардан иборат бўлган асални тизимли равишда бир жойга тўплайдилар ва тонналаб асал йигиш имконига эга бўладилар.

Буларни иктисадиётга хос тарзда изохлайдиган бўлсак, шунни таъкидлаш жоизки, агар бинони курмоқчи бўлсак, хар куни унга бир мингтадан ғишт кўйиб борилса, маълум кунда ушбу бино битади. Пахта хирмонини ҳам тизимли таъсирга мисол тарикасида келтириш мумкин. Пахта чаноқда пишиб етилади. Унинг бир чаноқдаги оғирлиги 5-10 граммни ташкил қиласди. Уни териш жараёнида тизимли равишда аста-секинлик билан граммлаб териш натижасида миллион тонналаб хирмон ҳосил бўлади. Худди шундай ҳолатга қадимий мақолларимиздан бири “Тома-тома кўл бўлур, томмай қолса чўл бўлур”, деган мисолни ҳам келтиришимиз мумкин.

Кўриниб турибдики, тизимли таъсир натижасида кичик натижаларнинг жамланиши билан катта муваффақиятга эришиш мумкин экан. Буни бевосита маҳсулотларни сақлаш ва сотиш жараёнига ҳам қўллаш мумкин. Масалан, юкорида тавсия килинган “боғдан дастурхонгача” усулини оладиган бўлсак, маҳсулотни тайёрлашдан сақлаш ва сотишга қадар босқичларнинг ҳаммасида совитгич бўлиши лозим. Бунда ташиш жараёнида автомобиллар ва бошқа транспорт воситалари ҳам совитгичлар билан жиҳозланиши керак бўлади. У ҳолда маҳсулотнинг нобуд бўлиши минимал даражага тушади ва мазкур жараён катта синергетик самара беради.

Юкоридагилардан келиб чиқиб, тизимли таъсир тамойилининг таърифини ишлаб чиқиши мумкин. Тизимли таъсир дейилгандা, бирорта обьект фаолияти бўйича белгиланган самарага эришиш ва унинг самарадорлигини ошириш учун тизимли равишда таъсир қилиш жараёни тушунилади.

Синергетик самаранинг яна бир йўналиши **келажакнинг бугунга таъсири** тамойили хисобланади. Буни оила ҳаётига киёс қиласиган бўлсак, ота-она боласининг келажакда саводли ва билимдон бўлиб улғайишини орзу киласди. Бунга эришиш учун,

унинг ўқишига тегишли шароитларни яратишга ҳаракат қиласди, ўргатувчи (репетитор-ўргатувчи) ёллади. Бизнинг мамлакати мизда асосий таълим бепул. Аммо ўз фарзандининг келажагини ўйлаган ота-она, пул тўлаб, унинг кўшимча дарсларга иштирок этишини таъминлашга ҳаракат қиласди. Кўриниб турибдик, келажак бугунга таъсир қилмоқда. Агар буни бевосита икти-содиётга қўллайдиган бўлсак, тадбиркорнинг мақсади, ўз фаолияти натижасида, ҳаражатлар қилиш эвазига келажакда катта фойда олиш, сифатли хизмат кўрсатиш, бозорда ўз мавкеини мустахкамлаш орқали баланд обрўга эришишга қаратилган бўлади.

Буни маҳсулотларни сақлаш ва сотишга татбиқ қиласдиган бўлсак, тадбиркор келажакда ушбу соҳада юкори фойда олиш учун маҳсулотни сақлайдиган омборни ва совитгичларни олдиндан мавсумга шай қилиб қўяди. Барча биноларни, ускуна ва жиҳозларни олдиндан таъмирлаб, уларни тайёр ҳолатга келтиради. Кўриниб турибдик, келажак бугунги фаолиятга таъсир қилмоқда. Ушбу мисоллардан фойдаланиб, келажакнинг бугунга таъсири тамойилига қўйидагиша таъриф бериш мумкин.

**Келажакнинг бугунга таъсири дейилганда, объектиниг келгуси ривожланиш истиқболини ва юкори самарадорликка эришишини ўйлаб, бугун қилинадиган ҳаракатлар мажмуи тушунилади.**

Юкоридаги келтирилган тавсиялардан маълумки, синергетик самарага эришиш учун, хўжалик юритувчи субъектларнинг бозор муносабатлари шароитидаги индивидуализм тамойилига асосланган ҳаракати ва ҳар бирининг якка тартибда рақобат майдонида намоён бўлишига барҳам бериш лозимлигини тақозо қиласди. Бу ҳолат бозор муносабатлари тамойилларига бошқачароқ, ўзимизга хос тарзда ёндашиб заруратини туғдиради. Бу борада тегишли ташкилий-хукукий механизmlарни ишлаб чикиш ва улардан амалиётда кенг фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Бундай ишни мувофиқлаштириш масаласини хозирги пайтда тажриба тариқасида маҳаллий ҳокимиятлар амалга ошириши лозим. Агар у ҳақиқий синергетик самара берса, уни мамлакат миқёсида жорий қилишга тўғри келади, деб хисоблаймиз.

Барча соҳаларда ҳамкорлик катта муваффакиятларга эришиш омили эканлиги бизнинг миллатимиз учун асл қадрият. Масалан, бизда бирорта ишни тез ва соз битириш учун кадимдан “хашар” деган тадбир қўлланиб келинган. Бу айнан бирор бир мақсадга

эришиш, бирорта ишни ўз вақтида тезлик билан бажариш учун турли кучларни бирлаштириш ва ҳамкорлик қилиш намунасиdir. Демак, бизнинг ҳашаримизни англатадиган замонавий халқаро ибора синергетик усул, яъни ҳамкорлик, бирлаштириш усули эканлигига гувоҳ бўламиз.

Ҳозирда иқтисодиётимиз жаҳон ҳамжамиятига интеграция-лашган ҳолда ривожланмоқда ва бундай ҳолат келажакда янада кучайиши ва чукурлашиши тайин. Бу ҳолат маълум даражада иқтисодиётимизда рақобат мухитининг шаклланишини ва ракобатчилар ўртасида рақобатчиликнинг мавжудлигини тақозо қилади. Бу эса, ҳар бир хўжалик юритувчи субъектларнинг ракобатбардошлигини таъминлаш заруратини вужудга келтиради. Аммо бизнинг иқтисодиётимизда кескин рақобатнинг сақланиб қолиши билан биргаликда, ҳамкорлик ҳам муттасил ривожланиб боравериши лозим. Зоро, бу жараён ҳозирги замон тили билан айтганда, “синергетик самара”га, сўнгра юкори “синергетик самарадорлик”ка эришишнинг асосий йўлларидан бирига айланади.

Булардан шундай хулоса чиқариш мумкинки, “синергетика” сўзини ўзимизга мос равишда, унга мазмуни жиҳатидан қарайдиган бўлсақ, “ҳамкорлик” ёки “бирлаштириш” деб аташ мумкин. Ҳамкорлик ёки бирлаштиришнинг хусусиятлари турли уюшмалар, кооперациялар, бирлашмалар, ассоциациялар каби шаклларда намоён бўлмоқда. Бирорта самарага эришишда, уни тез ва соз бажаришда кучларни бирлаштиришнинг бир марталик жараёни, бизда қадимдан, юкорида таъкидланганидек, ҳашар шаклида кўлланилиб келинган. Бу ҳозир ҳам сакланиб қолган ва бундай ишлар қадриятларимизнинг тикланишида ҳам катта аҳамиятга эга бўлмоқда.

Кўриниб турибдики, синергетика ижтимоий-иқтисодий ҳаётимизнинг ажралмас қисми сифатида аввал ҳам, ҳозир ҳам биз билан бирга. Келажак истиқболимизда ҳам ҳамкорлик синергетик самарага эришишнинг асосий йўли бўлиб қолади. Чунки барча қадриятларимиз бугун босқичма-босқич тикланмоқда, сақланиб колганлари такомиллашмоқда, улар келажакда ҳам ҳаётимизнинг таркибий қисми сифатида авлодларимизнинг ҳаётий тарзидан кенг ўрин олиши табиий.

Мамлакатимиз аҳолисини йил бўйи сифатли маҳсулотлар билан таъминлаш, озиқ-овқат ҳавфсизлигига эришиш маҳсадида маҳсулотларни саклаш ва сотиш хизматларидан кенг фойда-

ланишни тақозо қиласи. Бунинг илғор усууларидан бири “бөгдан дастурхонгача” усулининг самарадорлигини ошириш учун синергетик самарадан фойдаланиш мухим аҳамиятга эга. Аммо ушбу масала иқтисодий адабиётларда деярли ишлаб чиқилмаганлиги туфайли, мазкур ишда маҳсулотларни етишириш, сақлаш ва сотиш жараёнини ўзида мужассам этган “бөгдан дастурхонгача” усулининг самарадорлигини баҳолаш йўллари синергетик самара орқали кўрсатиб беришга ҳаракат килинди. Шунингдек, маҳсулотларни сақлаш ва сотиш жараёнидаги синергетик самара ва синергетик самарадорлик усууларидан фойдаланиш масалалари ҳам мухимлигидан келиб чиқиб, бу борада тегишли тажрибалар ўтказилди.

Тадқиқотлар жараёнидаги интенсив бөгда ва маҳаллий бөгда етиширилган ва сараланган олма маҳсулотининг совитгичда сақлашга қўйилганлиги ва у тегишли муддатда сақлангандан кейин сотишгача бўлган жараённинг самарадорлигини аниқлаш усулини қараб чиқиш ва асослаш учун “бөгдан дастурхонгача” бўлган жараён қамраб олинди. Мазкур тизим ҳам ўзига хос ва самарали эканлиги исботланди.

Тадқиқотлар натижасида “бөгдан дастурхонгача” тизими маҳсулотларнинг нобудгарчилиги кескин камайиши билан ўзига хос ва самарали эканлиги исботланди. Ушбу тизимнинг кетма-кетлиги қўйидаги расмда келтирилган (6.2-расм).



*6.2-расм. “Богдан дастурхонгача” тизимининг кетма-кетлиги<sup>114</sup>.*

Ушбу тизимга киравчи субъектлар кучларини бирлаштириш эвазига юқори самарадорликка эришиш учун, синергетик самарадорлик масалаларини атрофлича қараб чиқиши тақозо қиласи.

<sup>114</sup> Тадқиқотлар натижасида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

### **6.3. Синергетик самарадорликнинг назарий масалалари ва уларни баҳолаш йўллари**

Синергетик самарадорлик тушунчаси амалиёт учун муҳим аҳамиятга эгалигини инобатга олиб, унинг мазмунини аниқ ёритиб берадиган такомиллашган таъриф ишлаб чиқилди. **Синергетик самарадорлик** деганда, бирорта соҳа ёки фаолиятда юқори натижани кўлга киритиш учун хамкорликда, барча дахлдор куч ва имкониятларни бирлаштирган ҳолда қилинган ҳаракатлар ҳаражатларининг алоҳида ҳолатда қилинган ҳаражатларга нисбатан ижобийлиги тушунилади.

Шунингдек, ишда синергетик фаолият самарадорлигини аниқлаш учун қуидаги математик моделдан фойдаланиш асосланиб, унинг қуидаги формуласи тавсия этилди:

$$C_{sa} = \frac{1}{T} \sum_{i=1}^n K_i ;$$

Бунда:  $C_{sa}$  – синергетик самарадорлик;

$T$  – синергетик натижса учун қилинган ҳаражатлар (фойдаланилган ресурслар);

$i$  – кучларнинг (субъектнинг) тартиб рақами;

$n$  – бирлашиш лозим бўлган алоҳида кучлар (субъектлар)нинг умумий сони;

$K_i$  –  $i$ -кучнинг (субъектнинг) индивидуал миқдори.

Юқорида тадқиқ қилинган синергетика, синергетик самара ва синергетик самарадорлик тушунчаларининг таърифлари билан бирга, уларнинг математик моделларини ҳам ишлаб чиқиш лозим. Бунинг учун, юқорида келтирилган маълумотларга асосланадиган бўлсақ, ўша тадқиқ қилинган З та хўжалик юритувчи субъектлар алоҳида ҳаракат қилиб, ўрта ҳисобда уларнинг умумий ҳаражати 400,0 млн. сўмни ташкил қилди. Улар кучларини бирлашириб, биргаликда ҳаракат қилганда, ушбу кўрсаткичининг миқдори 420,0 млн. сўмни ташкил қилди, деб фараз қиласиз. Кўриниб турибдики, иккинчи ҳолатда хўжалик юритувчи субъектлар биринчи ҳолатга нисбатан кўпроқ ҳаражат қилган. Шунга қарамасдан, синергетик самарадорлик кучлар бирлаширилган пайтда тарқоқ ҳолатга нисбатан юқори.

Биринчи ҳолатда ҳаражатлар рентабеллиги 28,25 %га (113,0 : 400\*100) тенг. Аммо иккинчи ҳолатда эса, ушбу кўрсаткичининг

даражаси 30,95 %га (130,0:420,0\*100) тенг, яъни синергетик самарадорлик 2,70 бандга (30,95 – 28,25) юқори. Синергетик самарадорлик ҳар бир минг сүм қилинган харажаттага нисбатан қанча соғ фойда олинганини, яъни харажатлар рентабеллигини кўрсатади. Бунинг битта субъектда аниқланиши бўйича математик шаклини кўйидагича ифодалаш мумкин:

$$Ccxp = \frac{C\phi}{Rxa} * 100;$$

Бунда: *Ccxp* – битта корхонадаги самарадорлик, яъни харажатлар рентабеллиги;

*Cφ* – битта субъектда эришилган самаранинг миқдори, яъни олинган фойда суммаси;

*Rxa* – мазкур субъектда қилинган харажатлар.

Ушбу формула битта субъект бўйича самарадорликни ифодалаб турибди. Аммо кучлар бирлаштирилганда унинг кенгайтирилган шакли, яъни синергетик самарадорликни аниқлаш учун кўйидаги формуладан фойдаланишини тавсия қиласиз:

$$Ccxp = \left( \sum_{i=1}^n C\phi_i : \sum_{i=1}^n Rx_i * 100 \right)$$

Тахлил жараёнида навбатдаги босқичда синергетик самарадорликнинг фарқи аникланди. Бунинг учун кўйидаги формула тавсия қилинади:

$$\Delta Ccxp = \left( \sum_{i=1}^n C\phi_{ix} : \sum_{i=1}^n Rx_{ix} * 100 \right) - \left( \sum_{i=0}^n C\phi_{ip} : \sum_{i=1}^n Rx_{ip} * 100 \right);$$

Бунда:  $\Delta Ccxp$  – синергетик самарадорликнинг фарқи;

$C\phi_{ix}$  – кучларни бирлаштирган пайтдаги синергетик самаранинг ҳақиқий миқдори;

$Rx_{ix}$  – кучларни бирлаштирган пайтдаги қилинган харажатларнинг ҳақиқий миқдори;

$C\phi_{ip}$  – кучлар бирлаштирилмаган ҳолатдаги синергетик самаранинг ҳақиқий миқдори;

R<sub>pop</sub> – күчлар бирлаштирилмаган ҳолатдаги қилингандык харалыктарынинг ҳақызы мөндері;

( $\sum_{i=1}^n C_{\text{phi}} : \sum_{i=1}^n Rx_i * 100$ ) – күчлар бирлашкан пайтдаги синергетик самарадорлык дәражасы;

( $\sum_{i=0}^n C_{\text{phi}} : \sum_{i=1}^n Rx_i * 100$ ) – алохидан күчлар бирлаштирилмаган пайтдаги синергетик самарадорлык дәражасы.

Тадқиқотларимизнинг күрсатишича, маҳсулотларни сақлаш ва сотиш хизматлари самарадорлигини оширишда синергетика, синергетик самара ва синергетик самарадорлик тушунчаларидан фойдаланиш мүмкін экан.

Маҳсулотларни сақлаш ва сотиш жараёнида синергетик самарадорлык мөндерини харажатлар рентабеллігі билан бирга уларнинг натижавийлигини ҳам аниклаш мүмкін. Бунда ҳар бир субъекттинг самарадорлигини аниклашни тавсия қиласымыз. Бунинг учун қуидаги формуладан фойдаланиш мүмкін:

$$C_{\text{sa}} = \frac{Q}{S_{\text{xa}}};$$

Бунда:  $C_{\text{sa}}$  – биттә субъекттә харажаттар самарадорлиги;

$Q$  – күчлар бирлаштирилмаган пайтдаги алохидан субъекттинг ҳисобот шартындағы барча түшүми;

$S_{\text{xa}}$  – күчларни бирлаштирилмаган пайтда алохидан субъекттинг харажаттары.

Ушбу формуладан күриниб турибдик, синергетик самарадорлыкни фойдаланинг харажаттарга нисбати билан ҳам, харажаттарнинг натижавийлиги билан ҳам баһолаш мүмкін экан. Ушбу формуладан фойдаланиб, синергетик самарадорликни аниклаш учун, күчларни бирлаштирган ҳолатдаги қуидаги формулани тавсия қиласымыз:

$$C_{\text{sa}} = \left( \sum_{i=1}^n Q : \sum_{i=1}^n S_{\text{xa}} \right)$$

Күчларни бирлаштирган ҳолатда синергетик самарадорликни ифодалаш ва уларни таҳлил килиш учун қуидаги жадвалдан фойдаланишини тавсия қиласымыз (6.1-жадвал).

6.1-жадвал

“Bahmal Golden Apple” кўшма корхонасида 2014 йилда  
эришилган синергетик самарадорликнинг ҳисоб-китоби<sup>115</sup>

Т/р	Фаолиятда иштирок этадиган субъектлар	Эришилган синергетик натижа, минг сўм (1 тонна маҳсулотга олинган даромадлар суммаси)			
		Алоҳида бўлганда	Бирлаштирилганда	Фарқи (+,-)	Ўзгариш суръати, %
1.	Маҳсулотни (картошкани) етиширувчилар харажати	875,6	875,6	-	100,0
2.	Тайёрловчилар харажати	97,8	X	+97,8	X
3.	Ташувчилар харажати	62,3	X	+62,3	X
4.	Сакловчилар харажати	124,7	X	+124,7	X
5.	Сотувчилар харажати	451,8	X	+458,8	X
6.	Кучлар бирлашганда қилинган ташиб ва сақлаш билан боғлиқ харажатлар, минг сўм (2+3+4+5)	736,6	745,9	+9,3	101,3
7.	Жами харажатлар, минг сўм	1612,2	1621,5	+9,3	100,6
8.	Кучларни бирлаштириб сотилган маҳсулот ҳажми, минг сўм	5739,4	6534,6	+795,2	113,9
9.	Синергетик самарадорлик, сўм (8к / 7к)	3,56	4,03	+1,37	110,4

Жадвалдан кўриниб турибдики, маҳсулотларни етиширувчи фермер хўжалиги 875,6 минг сўм харажат қилган. Уни ишлаб чиқаришдан то сотишгача бўлган жараёнда тўртта мустакил хўжалик юритувчи субъектлар иштирок этган. Буларнинг ҳар бири

<sup>115</sup> “Bahmal Golden Apple” кўшма корхонаси ва бошқа хамкор субъектлар мазлумотлари асосида муаллифнинг ҳисоб-китоби.

ушбу маҳсулотни етиширилган жойидан сотилгунча бўлган жараёнда иштирок этиб, тегишли тарзда ҳаражатлар килишган. Улар алоҳида бўлган пайтда килинган ҳаражатларнинг умумий суммаси 736,6 минг сўмни ташкил қилган. Биргаликда ҳаракат қилганда ҳаражатлар жами 745,9 минг сўмни ташкил қилган. Бу ҳолатда ҳам ҳаражатлар ўсган. Аммо унинг ўсиш суръати атиги 101,3 %ни ташкил қилган. Мазкур ҳолатда 1 тонна картошкани сотиш учун қилинган жами ҳаражатлар, кучлар бирлаштирилмагандан 1612,2 минг сўмни ташкил қилган. Кучлар бирлаштирилганда унинг микдори 1621,5 минг сўмга тенг ёки 9,3 минг сўмга кўп бўлган. Ушбу кўрсаткичнинг ўзгариш суръати 100,6 %ни ташкил қиласди. Кўриниб турибдики, кучлар бирлаштирилганда ҳам маҳсулотнинг ҳар тоннаси учун қилинган ҳаражатлар, шунингдек, сотилган маҳсулотнинг ҳажми ҳам анча ошган. Унинг ўзгариш суръати 113,9 %ни ташкил қиласди. Мос равиша, синергетик самараадорлик ҳар тонна картошкадан 1,37 минг сўмни, ушбу кўрсаткичнинг ўсиш суръати эса 110,4 %ни ташкил қилган.

Энди савол тугилади, нима учун кучлар бирлаштирилганда, ҳаражатлар кўп бўлиши билан бирга, маҳсулот ҳам кўп сотилган. Албатта, мазкур ҳолатда ҳаражатлар кучлар бирлаштирилганда ҳам бироз кўп бўлган. Аммо унинг ўсиш суръати, сотилган маҳсулотга нисбатан анча паст, бироқ кучлар бирлаштирилгандаги сотилган маҳсулот кўп бўлган. Бунга сабаблар куйидагилар. Биринчидан, совитгичда сакланган маҳсулотнинг нобудгарчилиги жуда кам бўлган. Иккинчидан, ушбу маҳсулотнинг сифати барра ҳолида сакланиб қолинган. Учинчидан, яхши сакланган маҳсулотлар одатдагиларга нисбатан бироз қимматроққа сотилган.

Биз тадқиқот давомида етиширилган маҳсулотларни саклаш ва сотиш хизматлари билан шуғулланадиган соҳани ўргандик. Ўрганиш обьекти сифатида Тошкент шахрида жойлашган “OSC TARIM GIDA SOGUTMA” Туркия Ваколатхонаси қошидаги кўшма корхонанинг совитгичи ва “KONGRESS BARAKA AGRO” масъулияти чекланган жамиятга қарашли совитгич корхонасини танладик. Ушбу корхоналарда олма маҳсулотини саклаш бўйича илмий тадқиқот ишларини олиб бордик.

Мазкур корхоналарда маҳсулотларни етишириш, ташиб, саклаш ва сотиш тизимини амалга оширишда “боғдан дастурхонгача” усулини жорий қилиш учун 2013-2014 йилнинг хосилини йиғиши ва

сақлаш бўйича 2013-2014 йиллар давомида тажриба ўтказилди. Унинг истижасини 2014 йилнинг март ойида текшириб кўрилди ва самарадорлиги аниқланди.

2013 йил 10 октябрдан 2014 йил 10 марта гача Бахмал туманида жойлашган интенсив боғда етиштирилган 5,0 (беш) тонна олма сақлаш учун “OSC TARIM GIDA SOGUTMA” корхонасининг совитгичига кўйилди. Мазкур омборда ушбу интенсив боғда етиштирилган олма 5 ой муддат давомида сақланди. Шу муддатдан кейин унинг вазни ўлчанди ва самарадорлиги аниқланди. Шу давр давомида интенсив боғда етиштирилган олма ўз вазнини (айрим чиригандари билан бирга) ўрта хисобда 1,27 % йўқотганлиги аниқланди.

Мазкур ҳолатни таққослаш учун оддий анъанавий усулда сақланган олма маҳсулоти ҳам олинди. Ҳосил етиштирилган жойда, яъни Бахмал туманида ҳам 5 тонна маҳаллий олма сақлашга кўйилди. 5 ойдан кейин уларнинг ҳажми ўлчангандага 18,56 % (чиригандари билан бирга) вазнининг йўқотилганлиги аниқланди. Шу даврда интенсив боғда етиштирилган олмада нобудгарчиликнинг камайиши бўйича мазкур совитгичда самарадорлик унинг умумий вазнига нисбатан 17,29 %ни (18,56 – 1,27) ташкил қилди. Бундан ташқари, сақлашга кўйилган давр билан сақлангандан кейинги даврда олманинг улгуржи нархи 5000 сўмдан 9500 сўмгacha ошиди. Бу ўрта хисобда 1,9 марта га (9500 : 5000) ошганлигидан далолат бериб турибди.

Шуни эътиборга олиш жоизки, шу даврда олманинг сақланганлиги учун совитгичга ҳар бир кг га 420 минг сўмни ташкил қиласди.

Шу даврда 1 тонна олманинг самарадорлиги, натураг мидорда 172,9 кг ни (185,6 – 12,7) ташкил қилди. Ушбу кўрсаткич суммада 4379,35 минг сўмга  $\{(1000 - 12,7 * 9500) - (1000 * 5000)\}$  тенг бўлди. Соф самарадорлик 1 тонна олмадан 3959,35 минг сўмга  $(4379,35 - 420,0)$  тенглигини кўрамиз. Олмани совитгичда сақлаганлиги учун ҳар бир килограммига 3,96 минг сўм  $(3959,35 : 1000)$  фойда қилинганлигига гувоҳ бўлдик.

Худди шундай тажрибани “KONGRESS BARAKA AGRO” масъулияти чекланган жамиятига қарашли совитгич корхонасида ҳам амалга оширилди. Бунда ҳам юқорида қайд қилинганидек, олма маҳсулотини етиштириш, ташиб, сақлаш ва сотиш тизимини амалга оширишда “боғдан дастурхонгача” усулини жорий қилиш

масаласи синаб кўрилди. Мазкур корхонада 2013-2014 йиллар давомида тажриба олиб борилди. Тажрибага 2013 йил 20 сентябрдан 2014 йил 15 мартача сақлаш учун 1,0 (бир) тонна маҳаллий бўғда етиштирилган сараланган олма кўйилди ва 5 ой 25 кун муддат давомида сақланди. Шу даврда унинг вазни ўлчаниб, сақлаш бўйича соф самарадорлиги аниқланди.

Ушбу даврда маҳаллий олма ўз вазнини 3,4 % йўқотганилиги (бунинг аксарият қисми чириц ҳисобига) аниқланди. Оддий анъанавий усулда ҳосил етиштирилган жойда маҳаллий олма сақланганда, 18,56 % йўқотилганилиги юкорида қайд қилинган эди. Шу даврда нобудгарчиликнинг камайиши бўйича мазкур совитгичда самарадорлик олманинг умумий вазнига нисбатан 15,16 %ни (18,56 – 3,4) ташкил қилди. Бундан ташқари, сақлашга қўйилган давр билан сақлангандан кейинги даврда олманинг улгуржи нархи ўрта ҳисобда 2,2 марта (2,2 минг сўмдан 4,8 минг сўмга) ошган.

Шу даврда 1 тонна олманинг самарадорлиги натурал микдорда 151,6 кг ни (185,6 – 34,0) ташкил қилади. Мазкур кўрсаткич суммада 2436,8 минг сўмга  $\{(1000 - 34 * 4800) \sim (1000 * 2200)\}$  тенг бўлди. Ҳар бир кг учун сақлаш харажати 350 минг сўм микдорда белгиланган. Умумий сақлаш харажати 1 тонна олма учун 350,0 минг сўмни ( $1000 * 350$ ) ташкил қилади. Соф самарадорлик 2086,8 минг сўмга (2436,8 – 350,0) тенг. Оддий анъанавий усулда етиштирилган маҳаллий олманинг 1 кг нинг совитгичда сақлаши самарадорлиги 2,1 минг сўмга (2086,8 : 1000) тенг экан.

Мазкур тизимнинг моҳияти шундаки, етиштирилган олма маҳсулоти бўғда терилган пайтида сараланиб, бирданига транспорт орқали ташилиб, совитгичга қўйилади. Совитгичда тегишли муддатда сақлангач, сотишга чиқариш учун ҳам транспортда ташилади ва сотиш манзилига етказилади. Бунда олмалар 5-8 ой давомида сақланishi мумкин. Айрим ҳолларда интенсив бўғда етиштирилган олма 10 ойгacha ҳам сақланади. Бизнинг олиб борган тадқиқотимиз ушбу хуросаларга келиш учун асос бўлди.

**7-боб. МАҲСУЛОТЛАРНИ САҚЛАВ СОТИШ БИЛАН  
БОҒЛИҚ ХИЗМАТЛАРГА КЕТАДИГАН  
ХАРАЖАТЛАРНИНГ КАМАЙИШИГА ТАЪСИР ЭТУВЧИ  
ОМИЛЛАР ВА УЛАРНИ ҲИСОБЛАШ ЙЎЛЛАРИ**

**7.1. Маҳсулотларни сақлаш харажатлари самарадорлиги ва  
унинг ўзгаришига таъсир этувчи омиллар**

Маҳсулотларни сақлаш ва сотиш билан боғлиқ хизматлар самарадорлигига баҳо беришда, уларга кетадиган харажатларнинг камайишига таъсир этувчи омилларни ҳисоблашда иқтисодий ва статистик таҳлил усулларидан фойдаланиш, назарий масалаларни амалий маълумотлар билан асослаш имконини беради.

Мева-сабзавот маҳсулотларини истеъмолчиларга етказишининг тўлақонли тизими яратилган шароитда, уларнинг сифатини сақлаш, сақлаш жараёнини рационал ташкил қилиш ва сарф-харажатларни оптималлаштириш кабиларни эътиборга олган ҳолда маҳсулотларни мавсумий сақлашда табиий йўқотиш нормативлари асосланди. Эндиgi вазифа, мазкур жараённинг самарадорлигига ва харажатларнинг даражасига баҳо бериш ҳамда уларнинг ўзгаришига таъсир этувчи омилларни аниқлашдан иборат.

Маҳсулотларни сақлаш ва сотиш билан боғлиқ хизматларга кетадиган харажатларни камайтириш ва самарадорлигини ошириш мақсадида улар ўзгаришига таъсир этувчи омиллар, уларни баҳолаш ва таъсирини аниқлаш йўлларини ишлаб чиқиш, харажатларни камайтириш имконини беради.

Биринчи талда **сақлаш учун кетган харажатлар самарадорлиги аниқланади**. Буни аниқлаш учун қуйидаги аньянавий формуладан фойдаланилади:

$$Xc = Q : Xj ;$$

Бунда:  $Xc$  – харажатлар самарадорлиги;

$Q$  – сотилган маҳсулотнинг умумий қиймати;

$Xj$  – сақлаш, ташиб ва бошқа сақлаш билан боғлиқ харажатларнинг жами суммаси.

Ушбу кўрсаткич бир сўм харажатга қанча сотилган маҳсулот (иш, хизмат) хажми тўғри келишини кўрсатади. Мазкур формулага

аниқлик киритиш ва сақлаш хизматларининг ўзига хос хусусиятларини очиб бериш учун, энг аввало, сотилган маҳсулотнинг умумий қиммати ( $Q$ ) нималардан иборат эканлиги аниқланади. Бунинг учун қуйидаги формуладан фойдаланишни тавсия қиласиз:

$$Q = (R - U) * p_1 ;$$

Бунда:  $R$  – сақлашга қўйилган олманинг умумий миқдори;

$U$  – сақлаш даври ва жараёнида нобуд бўлган маҳсулотнинг миқдори;

$p_1$  – олмани сақлааб сотилиши пайтидаги ўртacha нархи.

Биринчи навбатда сақлаш учун кетган барча харажатлар суммаси ( $X_j$ ) аниқланади. Бунинг учун ҳар бир килограмм олмани сақлаш, ташиб ва бошқа хизматлар учун кетган ўртача харажатларни аниқлаш лозим бўлади. Шу тариқа умумий харажатлар суммаси аниқланади. Бунинг учун қуйидаги формуладан фойдаланиш мумкин:

$$X_j = C_{Bj} * (Cx + Tx + Bx) ;$$

Бунда:  $X_j$  – сақлаш, ташиб ва бошқа сақлаш билан боғлиқ харажатларнинг жами суммаси;

$C_{Bj}$  – сақлашга қўйилган олманинг умумий миқдори;

$Cx$  – бир килограмм маҳсулотни сақлаш учун кетган харажатлар;

$Tx$  – бир килограмм маҳсулотни ташиб учун кетган харажатлар;

$Bx$  – бир килограмм маҳсулотни сақлаш жараёнидаги бошқа (қадоқлаш, навлаш, юклаш каби) харажатлар.

Энди сақлаш харажатлари самарадорлигининг умумий формуласини аниқлаш мумкин. Бунинг учун, юкоридаги формулаларга асосланган ҳолда, қуйидаги формуладан фойдаланишни тавсия қиласиз:

$(R - U) * p_1$
$X_c = \frac{(R - U) * p_1}{C_{Bj} * (Cx + Tx + Bx)} ;$

Мазкур формуладан кўриниб турибдики, харажатлар самарадорлиги ўзгаришига еттига омил таъсир қиласиди. Ушбу омилларни иқтисодий таҳлилнинг анъанавий усуllibаридан занжирли алмаштириш усулини қўллаб, аниқлаш мумкин. Буни қуйидаги кетма-кетлиқда аниқлашни тавсия қиласиз:

1. Сақлаш харажатлари самарадорлигининг ( $\Delta X_c$ ) ўзгаришига биринчи омил – сақлашга кўйилган олманинг умумий миқдори ўзгаришининг таъсирини аниклаш учун ( $\Delta X_{c_R}$ ) ушбу кўрсаткичнинг ҳақиқий миқдори олинади ва қолган омилларнинг режадаги миқдори билан қайта ҳисобланади, сўнгра чиқсан натижадан унинг режадаги миқдори айрилади. Бунинг учун кўйидаги формуладан фойдаланишни тавсия қиласиз:

$$\Delta X_{c_R} = \left( \frac{(R_x - U_y) * p_{1y}}{C_{bx_y} * (C_{xy} + T_{xy} + B_{xy})} \right) - \left( \frac{(R_y - U_y) * p_{1y}}{C_{bx_y} * (C_{xy} + T_{xy} + B_{xy})} \right);$$

2. Таҳлил қилинаётган сақлаш харажатлари самарадорлигининг ( $\Delta X_c$ ) ўзгаришига иккинчи омил – сақлаш даври ва жараёнида нобуд бўлган маҳсулотнинг миқдори ўзгаришининг таъсирини аниклаш учун ( $\Delta X_{c_U}$ ) биринчи ва ушбу омилнинг ҳақиқий миқдори олинади ва қолган омилларнинг режадаги миқдори билан қайта ҳисобланади ва чиқсан натижадан унинг биринчи омил билан қайта ҳисобланган миқдори айрилади. Бунинг учун кўйидаги формуладан фойдаланишни тавсия қиласиз:

$$\Delta X_{c_U} = \left( \frac{(R_x - U_x) * p_{1y}}{C_{bx_y} * (C_{xy} + T_{xy} + B_{xy})} \right) - \left( \frac{(R_x - U_y) * p_{1y}}{C_{bx_y} * (C_{xy} + T_{xy} + B_{xy})} \right);$$

3. Ўрганилаётган сақлаш харажатлари самарадорлигининг ( $\Delta X_c$ ) ўзгаришига учинчи омил – олмани сақлаб сотиш пайтидаги ўртача нархи ўзгаришининг таъсирини аниклаш учун ( $\Delta X_{c_p}$ ) биринчи, иккинчи ва ушбу омилнинг ҳақиқий миқдори олинади, сўнгра биринчи ва иккинчи омилларнинг ҳақиқий миқдори ҳамда қолган омилларнинг режадаги миқдори билан қайта ҳисобланади ва чиқсан натижадан унинг биринчи ва иккинчи омил билан қайта ҳисобланган миқдори айрилади. Бунинг учун кўйидаги формуладан фойдаланиш тавсия этилади:

$$\Delta X_{c_p} = \left( \frac{(R_x - U_x) * p_{1x}}{C_{bx_y} * (C_{xy} + T_{xy} + B_{xy})} \right) - \left( \frac{(R_x - U_x) * p_{1y}}{C_{bx_y} * (C_{xy} + T_{xy} + B_{xy})} \right);$$

4. Тадқиқ қилинаётган сақлаш харажатлари самарадорлигигининг ( $\Delta X_c$ ) ўзгаришига тўртинчи омил – сақлашга қўйилган олманинг умумий миқдори ўзгаришининг таъсирини аниқлаш учун ( $\Delta X_{c_{\text{сбх}}}$ ) биринчи, иккинчи, учинчи ва тўртинчи омилларнинг хақиқий миқдори ҳамда қолган омилларнинг режадаги миқдори билан қайта ҳисобланади ва чиққан натижадан унинг биринчи, иккинчи ва учинчи омил билан қайта ҳисобланган миқдори айрилади. Буни аниқлаш учун куйидаги формуладан фойдаланиш тавсия этилади:

$$\Delta X_{c_{\text{сбх}}} = \left( \frac{(R_x - U_x) * p_{1x}}{C_{\text{бх}}_x * (C_{\text{x}}_{\bar{y}} + T_{\text{x}}_{\bar{y}} + B_{\text{x}}_{\bar{y}})} \right) - \left( \frac{(R_x - U_x) * p_{1x}}{C_{\text{бх}}_{\bar{y}} * (C_{\text{x}}_{\bar{y}} + T_{\text{x}}_{\bar{y}} + B_{\text{x}}_{\bar{y}})} \right);$$

5. Таҳлил қилинаётган натижа кўрсаткичи, яъни сақлаш харажатлари самарадорлигининг ( $\Delta X_c$ ) ўзгаришига бешинчи омил – бир килограмм маҳсулотни сақлаш учун кетган харажатлар ўзгаришининг таъсирини аниқлаш учун ( $\Delta X_{c_{\text{сх}}}$ ) биринчи, иккинчи, учинчи, тўртинчи ва ушбу омилнинг ҳақиқий миқдори олинади ҳамда қолган омилларнинг режадаги миқдори билан қайта ҳисобланади ва чиққан натижадан унинг биринчи, иккинчи, учинчи ва тўртинчи омил билан қайта ҳисобланган миқдори айрилади. Буни аниқлаш учун куйидаги формуладан фойдаланиш тавсия этилади:

$$\Delta X_{c_{\text{сх}}} = \left( \frac{(R_x - U_x) * p_{1x}}{C_{\text{бх}}_x * (C_{\text{x}}_x + T_{\text{x}}_{\bar{y}} + B_{\text{x}}_{\bar{y}})} \right) - \left( \frac{(R_x - U_x) * p_{1x}}{C_{\text{бх}}_{\bar{y}} * (C_{\text{x}}_{\bar{y}} + T_{\text{x}}_{\bar{y}} + B_{\text{x}}_{\bar{y}})} \right);$$

6. Кузатилаётган натижа кўрсаткичи, яъни сақлаш харажатлари самарадорлигининг ( $\Delta X_c$ ) ўзгаришига олтинчи омил – бир килограмм маҳсулотни ташиш учун кетган харажатлар ўзгаришининг таъсирини аниқлаш учун ( $\Delta X_{c_{\text{тх}}}$ ) биринчи, иккинчи, учинчи, тўртинчи, бешинчи ва олтинчи омилнинг ҳақиқий миқдори олинади ва қолган битта омилнинг режадаги миқдори билан қайта ҳисобланади ва чиққан натижадан унинг биринчи, иккинчи, учинчи, тўртинчи ва бешинчи омил билан қайта ҳисобланган

миқдори айрилади. Буни аниқлаш учун қуйидаги формуладан фойдаланиш тавсия этилади:

$$\Delta X_{c_{tx}} = \left( \frac{(R_x - U_x) * p_{1x}}{C_{bx} * (C_{x_x} + T_{x_x} + B_{x_y})} \right) - \left( \frac{(R_x - U_x) * p_{1x}}{C_{bx} * (C_{x_x} + T_{x_y} + B_{x_y})} \right);$$

7. Таҳлил қилинаётган натижә кўрсаткичи, яъни сақлаш харажатлари самарадорлигининг ( $\Delta X_c$ ) ўзгаришига еттинчи омил – бир килограмм маҳсулотни сақлаш жараёнидаги бошқа (қадоқлаш, мавлаш, юклаш каби) харажатлар ўзгаришининг таъсирини аниқлаш учун ( $\Delta X_{c_{bx}}$ ) биринчи, иккинчи, учинчи, тўртинчи, бешинчи ва олтинчи омилларнинг ҳақиқий миқдори олинади ва қолган битта омилнинг режадаги миқдори билан қайта хисобланади ва чиқсан натижадан унинг биринчи, иккинчи, учинчи, тўртинчи, бешинчи ва олтинчи омил билан қайта хисобланган миқдори айрилади. Буни аниқлаш учун қуйидаги формуладан фойдаланиш тавсия этилади:

$$\Delta X_{c_{bx}} = \left( \frac{(R_x - U_x) * p_{1x}}{C_{bx} * (C_{x_x} + T_{x_x} + B_{x_x})} \right) - \left( \frac{(R_x - U_x) * p_{1x}}{C_{bx} * (C_{x_x} + T_{x_y} + B_{x_y})} \right);$$

Барча омиллар таъсири натижанинг умумий фарқига teng бўлади. Бунинг учун қуйидаги формуладан фойдаланишни тавсия қиласиз:

$$\Delta X_c = \Delta X_{c_R} \pm \Delta X_{c_U} \pm \Delta X_{c_p} \pm \Delta X_{c_{bx}} \pm \Delta X_{c_{ex}} \pm \Delta X_{c_{tx}} \pm \Delta X_{c_{6x}};$$

Ушбу формула натижаларига асосан таҳлил қилинаётган харажатлар суммасига таъсир қилган еттига омил бўйича ички имкониятлар аниқланади ва тегишли бошқарув қарорлари қабул қилинади.

Биз ушбу омилларни сақлаш, ташиш ва бошқа сақлаш билан боғлиқ харажатларнинг ўзгаришига таъсири нуқтаи назаридан караб чиқдик. Ушбу усуслини бошқа соҳа ва кўрсаткичларга ҳам бемалол қўллаш мумкин.

## **7.2. Махсулотларни сақлаш харажатларининг турлари ва улар ўзгаришига таъсир этувчи омилларни хисоблаш йўллари**

Сақлаш билан боғлиқ харажатлар турлари ва уларни хисоблаш йўллари мазкур ҳолатда ўзига хос хусусиятларга эга. Булар таркибига қуйидагилар киради: маҳсулотларни йигиштириш, саралаш, ташиш, юклаш, тушириш, сақлаш харажатлари ва маҳсулотларни сақлаш жараёнидаги нобудгарчиликлар билан боғлиқ харажатлар.

Мазкур харажатларнинг (Хар) қиёсланишини таъминлаш мақсадида уларни бир кг маҳсулотга нисбатан аниқлаш мақсадга мувофиқ, деб топилди ва буларни аниқлаш учун иқтисодий таҳлилда қўлланиладиган аддитив моделдан фойдаланилди:

$$X_{ap} = X_1 + X_2 + X_3 + \dots + X_n = \sum_{i=1}^n X_i;$$

Бунда:  $X_i$  –  $i$  – харажатларнинг турлари;

$n$  – барча харажатлар сони;

$i$  – харажатларнинг тартиб рақами;

$\Sigma X_i$  – барча харажатларнинг жамланган суммаси.

Ушбу ҳолатни Жиззах вилоятида жойлашган боғдорчиликка ихтисослашган бир қанча фермер хўжаликларида етиширилган 1 кг олмани совитгичда сақлаш жараёнида қилинган харажатларни турлари бўйича ўртacha микдори аниқланди. 2010-2015 йиллар давомида олиб борилган сақлаш билан боғлиқ тажрибалар мазкур кўрсаткичларни харажатларнинг ҳар бир тури бўйича тўлиқ аниқлаш имконини беради. Чунки тадқиқотлар харажатларнинг ҳар бир йўналиши, яъни териш, саралаш, сақлаш, ташиш, ортиш, тушуриш харажатлари ҳамда сақлаш жараёнидаги нобудгарчиликлар бўйича олиб борилди. Бунда боғдорчиликка ихтисослашган фермер хўжаликларида етиширилган 1 кг олмани турли усулларда сақлаш билан боғлиқ жараёнларда қилинган харажатларнинг ўртачаси олинди. Бу маълумотлар қуйидаги жадвалда ифодаланган (7.1-жадвал).

Мазкур жадвал маълумотларида сақлаш билан боғлиқ бешта харажат турлари олинган бўлиб, уларнинг тўрттаси бевосита сақлаш хизматлари билан боғлиқ бўлса, биттаси сақлаш жараёнида маҳсулотнинг нобудгарчилиги билан боғлиқ харажатлардир.

7.1-жадвал

**Жиззах вилоятида жойлашган боғдорчиликка ихтисослашган  
фермер хўжаликларида етиштирилган 1 кг олмани турли  
усулларда сақлаш жараёнида қилинган харажатларнинг  
2010-2015 йиллар давомида ўсиш суръати<sup>116</sup>**

Йиллар	Териш харажатлари, сўм	Саралаш харажатлари, сўм	Сақлаш харажатлари, сўм	Ташиш, ортиш, тушириш харажатлари, сўм	Жами харажатлар, сўм	Сақлаш жараёнидаги нобудгарчиликлар, сўм	Ҳамма харажатлар, сўм
2010	33,3	6,7	300,0	47,3	<b>287,3</b>	21,5	<b>308,8</b>
2011	42,8	8,2	350,0	53,2	<b>345,2</b>	28,4	<b>373,6</b>
2012	51,3	10,4	350,0	83,5	<b>443,9</b>	34,0	<b>477,9</b>
2013	75,0	14,7	450,0	99,6	<b>589,3</b>	50,6	<b>639,9</b>
2014	81,2	15,9	430,0	102,5	<b>629,6</b>	52,3	<b>681,9</b>
2015	87,0	16,8	420,0	105,7	<b>659,5</b>	55,1	<b>714,6</b>

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, маҳсулотларни сақлаш билан боғлиқ харажатларнинг барча турлари ошиб борган. Аммо уларнинг ўзгариш тенденцияси турлича. Булар бўйича аник хулоса қилиш учун уларнинг ўзгариш суръатлари 7.2-жадвалда келтирилди.

Таҳлилларнинг кўрсатишича, барча харажатлар таркибида териш харажатлари бошқаларига нисбатан анча юқори суръат билан ошган ва 2015 йилда 2010 йилга нисбатан 261,3 %га ўсган. Ушбу кўрсаткичнинг ўртача ўсиш суръати жами харажатлар ўсиш суръатига нисбатан анча юқори. Унинг жадаллик коэффициенти 1,129 ни (261,3 / 231,4) ташкил қиласди. Навбатдаги иккинчи ўринда сақлаш жараёнидаги нобудгарчилик билан боғлиқ харажатлардир. Уларнинг шу даврдаги ўсиш суръати 256,3 %ни ушбу харажат турининг жадаллик коэффициенти 1,108 ни (256,3 / 231,4)

<sup>116</sup> Жиззах вилоятида жойлашган боғдорчиликка ихтисослашган “Абдураҳим Каршибоев”, “Субонкул Каттавер”номли фермер хўжаликларида ва шахсий таббиркор Ж.Норматовнинг боғида етиштирилган 1 кг махаллий олмани анъанавий усулда омборда сақлаб сотиш жараёнида қилинган харажатларнинг 2010-2015 йиллар динамикаси асосида қилинган хисоб-китоби.

7.2-жадвал

**Жиззах вилоятида жойлашган боғдорчиликка ихтисослашган фермер хўжаликларида ётиштирилган 1 кг олмани турли усулларда сақлаш жараёнида қилинган харажатларнинг 2010-2015 йиллар давомида ўсиш суръати<sup>117</sup>**

T/р	Харажатларнинг турлари	2015 йилда 2010 йилга нисбатан ўсиш суръати, %
1.	Териш харажатлари	261,3
2.	Саралаш харажатлари	250,7
3.	Сақлаш харажатлари	140,0
4.	Ташиш, ортиш, тушириш харажатлари	233,5
5.	Сақлаш жараёнидаги нобудгарчиликлар (чириш, табиий камайиш кабилар)	256,3
<b>Жами харажатлар</b>		<b>231,4</b>

ташкил қиласди. Ўсиш суръати бўйича учинчи ўринда саралаш билан боғлиқ харажатлардир. Уларнинг таҳлил давридаги ўсиш суръати 250,7 %ни ташкил қиласди. Ушбу харажат турининг жадаллик коэффициенти ҳам юқори ва 1,083 ни (250,7 / 231,4) ташкил қиласди. Навбатдаги ўринда ташиш, ортиш, тушириш жараёnlари билан боғлиқ харажатлар туради. Уларнинг шу даврдаги ўсиш суръати 233,5 %ни, ушбу харажат турининг жадаллик коэффициенти 1,009 ни (233,5 / 231,4) ташкил қиласди. Ўсиш суръати бўйича энг охирги ўринда сақлаш билан боғлиқ харажатлар туради ва уларнинг шу даврдаги ўсиш суръати 140,0 %ни ташкил қиласди. Ушбу харажат турининг жадаллик коэффициенти ўртачадан анча паст ва 0,605 ни (140,0 / 231,4) ташкил қиласди.

Махсулотларни сақлаш ва сотиш билан боғлиқ хизматлар самарадорлиги ва уларга кетадиган харажатларнинг камайишга таъсир этувчи омилларни хисоблашни амалга оширишда асосий зътиборни сақлаш жараёнида эришиладиган фойда суммасига қаратилиши лозим бўлади. Махсулотларни совитгичда сақлаш жараёнида олинган ўртача фойданни аниқлаш учун, унинг сотиш баҳосидан барча харажатлар чегириб ташланади. Бунда олмани

<sup>117</sup> Юкоридаги 7.1-жадвал маълумотлари яосида мувалиф томонидан хисоб-китоб қилинган.

етиштирган фермер ёки боғбон оладиган фойдаси, фермердан сотиб олиб, саклаб сотган тадбиркор фойдасининг қиёсийлигини таъминлаш мақсадида, уларни 1 кг микдорига тенглаштириб олинди. Буни аниқлаш учун қўйидаги формуладан фойдаланиш тавсия қилинади:

$$\Phi_{CC\phi} = CC_b - \sum_{i=1}^n X_i;$$

Бунда:  $\Phi_{CC\phi}$  – 1 кг олмани совитгичда саклаш жараёнида фермер томонидан олинган ўртacha фойда;

$CC_b$  – маҳсулотни саклаб сотилгандаги охирги баҳоси;

$X_i$  –  $i$ -харажатларнинг турлари;

$n$  – барча харажатларнинг сони;

$i$  – харажатларнинг тартиб рақами.

Худду шу тарзда олмани сотиб олиб саклаш натижасида тадбиркор олган фойдасини ҳам аниқлаш лозим бўлади. Бунинг учун қўйидаги формула тавсия қилинади:

$$\Phi_{CC_m} = CC_b - (Cbn + \sum_{i=1}^n X_i);$$

Бунда:  $\Phi_{CC_m}$  – 1 кг олмани совитгичда саклаш жараёнида тадбиркор томонидан олинган ўртacha фойда;

$Cbn$  – маҳсулотни сакламасдан, йигиштирган паллада тадбиркорнинг сотиб олган баҳоси.

Ушбу формулаларнинг амалиётда кўлланилишини таъминлаш мақсадида, тадқиқот жараёнида ўрганилаётган Жиззах вилоятида жойлашган боғдорчиликка ихтисослашган фермер хўжаликларида етиштирилган 1 кг олмани совитгичда саклаш жараёнида олинган ўртacha фойданинг 2010-2015 йиллардаги динамикаси ўрганилди ва тадқиқот натижаси қўйидаги жадвалда келтирилди (7.3-жадвал).

Мазкур жадвал мъалумотларидан кўриниб турибдики, 1 кг олмани саклаб сотишдан олинган тадбиркорнинг фойдаси (харажатларга сотиш баҳосини қўшганда олинган фойда) шу даврда 130,9 %га (2475,4 \* 100 : 1891,2) ўсган. Бошлангич баҳосини инобатга олмаган холда, яъни олмани етиштирган фермернинг саклашдан олинган фойданинг ўсиш суръати 166,7 %ни (4485,4 \* 100 : 2691,2) ташкил килади. Кўриниб турибдики, мазкур холатда олмани саклашда тадбиркор ҳам, фермер ҳам бевосита фойда қилмоқда.

### 7.3-жадвал

**Жиззах вилоятида жойлашган боғдорчиликка ихтисослашган фермер хўжаликларида етиштирилган 1 кг олмани турли усулларда сақлаш жараёнида қилинган харажатлар ва фойдасининг 2010-2015 йиллар динамикаси<sup>118</sup>**

Йиллар	Сақланган маҳсулотнинг сотиши баҳоси, сўм	Бошлангич баҳоси, сўм	Сақлаш харажатлари, сўм	Бошлангич баҳоси ва харажатлар жами, сўм	1 кг олмани сақлашдан олинган сақловчи нинг фойдаси, сўм (сотиши баҳосини кўшганда)	1 кг олмани сақлашдан олинган фермернинг фойдаси, сўм
1	2	3	4	5(3+4)	6 (2-5)	7 (2-4)
2010	3000	800	308,8	1108,8	1891,2	2691,2
2011	3740	1100	373,6	1473,6	2266,4	3366,4
2012	4250	1250	477,9	1727,9	2522,1	3772,1
2013	4845	1800	639,9	2439,9	2405,1	4205,1
2014	4956	1924	684,5	2608,5	2347,5	4271,5
2015	5200	2010	714,6	2724,6	2475,4	4485,4

Тадқиқот жараёнида фермер (боғбон)нинг маҳсулотни ийғишириб олинган пайтда, уни сақламасдан сотган ҳолатда қанча фойда қилиши мумкинлиги ҳам қараб чиқилди. Ушбу ҳолатда фермер ёки боғбоннинг қилган фойдаси куйидаги жадвалда келтирилган (7.4-жадвал).

Мазкур жадвал маълумотларидан қўриниб турибдики, таҳлил даврида баҳо 251,2 %га ( $2010 / 800 * 100$ ) ўсган. 1 кг олмани сақлаб сотиши учун жами харажатлар 256,6 %га ( $113,4 / 44,2 * 100$ ) ўсган. Мос равишда, 1 кг олмани сақлаб сотишидан олинган фойда шу даврда 250,9 % га ошганлигига гувоҳ бўламиз. Кўриниб турибдики, баҳо, харажатлар ва фойданинг ўзгариш тенденцияси деярли бир хил

<sup>118</sup> Жиззах вилоятида жойлашган боғдорчиликка ихтисослашган “Абдураҳим Каршибос”, “Субонкул Каттаев” номли фермер хўжаликларида ва шахсий таъбиркор Ж.Норматованнинг боғида етиштирилган 1 кг маҳаллий олмани ишланавий усулда омборда сақлаб сотили жараёнида қилинган харажатларнинг 2010-2015 йиллар динамикаси асосида қилинган хисоб-китоб.

бўлган. Фақат харажатларнинг бошқа кўрсаткичларга (баҳо ва фойдага) нисбатан ўсиш суръати жадал бўлган. Натижада фойданинг ўсиши суръати барча кўрсаткичларга нисбатан кам бўлган.

#### 7.4-жадвал

**Жиззах вилоятида жойлашган боғдорчиликка ихтинослашган фермер хўжаликларида етиштирилган 1 кг олмани турли усулларда сақлаш жараёнида қилинган харажатларнинг 2010-2015 йиллар динамикаси<sup>119</sup>**

Йил-лар	Бош-лан-гич баҳо-си	Териш ха-ра-жат-лари	Сара-лаш ха-ра-жат-лари	Ортиш ха-ра-жат-лари	Жами ха-ра-жатлар	1 кг олма-ни сақ-лашдан олинган фойда	Ўсиш суръ-ати, %
1	2	3	4	5	6(3+4+5)	7 (2-6)	8
2010	800	33,3	6,7	4,2	44,2	755,8	100,0
2011	1100	42,8	8,2	4,9	55,9	1044,1	134,2
2012	1250	51,3	10,4	7,2	68,9	1198,7	158,6
2013	1800	75,0	14,7	7,7	97,4	1702,6	225,3
2014	1924	81,2	15,9	8,7	105,8	1818,2	240,6
2015	2010	87,0	16,8	9,6	113,4	1896,6	250,9

Бутунги кунда маҳсулотни анъанавий усулда омборда сақлаб сотишдан олинган фойдани хисоблаш йўллари ҳам ишлаб чиқилди. Бу ҳолатни Жиззах вилоятида жойлашган боғдорчиликка ихтинослашган бир қанча фермер хўжаликлари мисолида қараб чиқамиз. Юқорида таъкидланганидек, ушбу ҳолатда ҳам харажатлар ўртача олинди. Чунки мазкур ёндашув турли тасодифий ҳолатларнинг кўрсаткичларга таъсир этишига барҳам беради. Мазкур хўжаликларда етиштирилган 1 кг олмани анъанавий усулда омборда сақлаб сотганда олинган ўртача фойдасининг 2010-2015 йиллар динамикаси кўйидаги жадвалда хисоб-китоб қилинди (7.5-жадвал).

<sup>119</sup> Жиззах вилоятида жойлашган боғдорчиликка ихтинослашган “Абдурахим Каршибоев”, “Субонқул Кағтаев” номли фермер хўжаликларида ва шахсий тадбиркор Ж.Норматовнинг богида етиштирилган 1 кг маҳаллий олмани анъанавий усулда омборда сақлаб сотиш жараёнида қилинган харажатларнинг 2010-2015 йиллар динамикаси асосида қилинган хисоб-китоб.

**Жиззах вилоятида жойлашган бөгдорчиликка ихтисослашган  
фермер хўжаликларида етиштирилган 1 кг олмани турли  
усулларда саклаш жараёнида қилинган харажатларнинг  
2010-2015 йиллар динамикаси<sup>120</sup>**

Йиллар	Теришиш харажат- лари	Саралаш- харажат- лари	Ортиш- ташиб- ва ту- ши- риш харажат- лари	Анъя- навий сақ- лашда	Сақлаш- даги но- буд- гарчи- лик- лар, %	Жами харажат- лар, сўм	Анъя- навий сақлан- ганда охирги сотиш баҳоси, сўм	Фойда, сўм
1	2	3	4	5	6	7(2+3+ 4+6)	8	9 (8-7)
2010	33,3	6,7	17,3	18,7	291,7	349,0	1560	1211,0
2011	42,8	8,2	17,6	17,5	332,5	401,1	1900	1498,9
2012	51,3	10,4	28,9	18,2	500,5	591,1	2750	2158,9
2013	75,0	14,7	33,6	17,9	546,0	672,3	3050	2377,7
2014	81,2	15,9	34,7	18,0	621,0	752,8	3200	2447,2
2015	87,0	16,8	35,7	18,1	660,7	800,2	3650	2849,8

Ушбу жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, мазкур усул билан сакланганда харажатларнинг бешта тури олинган. Бунда саклаш жараёнидаги нобудгарчилик харажатларнинг аксарият қисмини ташкил қиласди. Мазкур харажатларнинг ўсиш суръати 226,5 %га ( $660,7 / 291,7 * 100$ ) teng. Жами харажатлар 2010-2015 йиллар давомида 229,3 %га ( $800,2 / 349,0 * 100$ ) ўсган. Анъянавий сакланганда охирги сотиш баҳоси 234 %га ( $3650 / 1560 * 100$ ) ошган. Натижада фойда суммаси 235,3 %га ( $2849,8 / 1211,1 * 100$ ) teng бўлган. Кўриниб турибдики, барча харажатлар ва шуларга мос равишда фойда суммаси ҳам деярли бир хил даражадаги ўсиш суръатига эга бўлган. Маҳсулотни анъянавий усулда омборда саклаб сотишдан олинган фойда ўзгаришига алоҳида харажатлар ва

<sup>120</sup> Жиззах вилоятида жойлашган бөгдорчиликка ихтисослашган “Абдураҳим Каршибоев”, “Субонкул Каттоев” номли фермер хўжаликларида ва шахсий таъбиркор Ж.Норматовнинг боғида етиштирилган 1 км махаллий олмани икъсанавий усулда омборда саклаб сотиш жараёнида қилинган харажатларнинг 2010-2015 йиллар динамикаси асосида қилинган хисоб-китоб.

баҳо ўзгаришининг таъсирини ҳисоблаш йўлларини ишлаб чиқиш бугунги кунда муҳим амалий аҳамиятга эга.

Ўрганилаётган обьектда фойданинг ўзгаришига, маҳсулотнинг баҳоси билан бирга, бешта ҳаражат турлари таъсир қилмоқда. Бунинг математик ифодаси қуидаги формулада келтирилган:

$$\Phi = Mcb - \sum_{i=1}^n X_i ; \quad (i=1,5)$$

Бунда:  $\Phi$  – маҳсулотларни анъанавий усулда саклағандаги олинган фойда суммаси;

$Mcb$  – маҳсулотларни саклаған сотиш пайтидаги баҳо;

$X_i$  –  $i$ -харажатларининг турлари;

$n$  – барча харажатлар сони (бизнинг мисолимизда уларнинг сони 5 та, яъни  $i=1,5$ );

$i$  – харажатларнинг тартиб рақами.

Мазкур формулани кенгайтирилган ҳолда қуидагича ифодалашимиз мумкин:

$$\Phi = Mcb - (X_1 + X_2 + X_3 + X_4 + X_5) ;$$

Бунда:  $X_1$  – терииш харажатлари;

$X_2$  – саралаш ва ортиши харажатлари;

$X_3$  – ташиши ва тушириши харажатлари;

$X_4$  – анъанавий саклашида нобудгарчиликлар;

$X_5$  – саклашдаги нобудгарчилик.

Мазкур формулага асосан, фойда суммасининг ўзгариши, яъни ҳисобот йилидаги фойданинг ўтган йилга нисбатан фарки ( $\Delta\Phi_m$ ) қуидагича аниқланади:

$$\Delta\Phi_m = [Mcb_x - (X_{1x} + X_{2x} + X_{3x} + X_{4x})] - [Mcb_{yu} - (X_{1yu} + X_{2yu} + X_{3yu} + X_{4yu})];$$

Бунда:  $x$  – ҳисобот йилидаги маълумот;

$yu$  – ўтган йилдаги маълумот.

Ушбу формула асосида натижага ўзгаришига юқоридаги бешта омилнинг таъсирини мувозанат ва занжирли алмаштириш усулларини қўллаб, аниқлаш мумкин. Бунинг учун қуидаги ҳисобкитоблар амалга оширилади:

1. Фойда суммасининг ўзгаришига маҳсулотларни саклаған сотиш пайтидаги баҳо ўзгаришининг таъсирини аниқлаш учун қуидаги формуладан фойдаланишни тавсия қиласиз:

$$\Delta \Phi_{M_{mc6}} = [Mc\bar{b}_x - (X_{1x} + X_{2y} + X_{3y} + X_{4y})] - \\ - [Mc\bar{b}_{\bar{y}} - (X_{1y} + X_{2y} + X_{3y} + X_{4y})];$$

2. Фойда суммасининг ўзгаришига териш харажатлари ўзгаришининг таъсирини аниқлаш учун қуйидаги формуладан фойдаланилади:

$$\Delta \Phi_{M_{x1}} = [Mc\bar{b}_x - (X_{1x} + X_{2y} + X_{3y} + X_{4y})] - \\ - [Mc\bar{b}_x - (X_{1y} + X_{2y} + X_{3y} + X_{4y})];$$

3. Таҳлил қилинаётган фойда суммасининг ўзгаришига саралаш ва ортиш харажатлари ўзгаришининг таъсирини аниқлаш учун қуйидаги формуладан фойдаланиши тавсия қиласиз:

$$\Delta \Phi_{M_{x2}} = [Mc\bar{b}_x - (X_{1x} + X_{2x} + X_{3y} + X_{4y})] - \\ - [Mc\bar{b}_x - (X_{1x} + X_{2y} + X_{3y} + X_{4y})];$$

4. Тадқиқ қилинаётган фойда суммасининг ўзгаришига ташиш ва тушириш харажатлари ўзгаришининг таъсирини аниқлаш учун қуйидаги формуладан фойдаланиш мумкин:

$$\Delta \Phi_{M_{x3}} = [Mc\bar{b}_x - (X_{1x} + X_{2x} + X_{3x} + X_{4y})] - \\ - [Mc\bar{b}_x - (X_{1x} + X_{2x} + X_{3y} + X_{4y})];$$

5. Ўрганилаётган фойда суммасининг ўзгаришига анъанавий саклашда нобудгарчиликлар билан боғлиқ харажатлар ўзгаришининг таъсирини аниқлаш учун қуйидаги формуладан фойдаланиши тавсия қиласиз:

$$\Delta \Phi_{M_{x4}} = [Mc\bar{b}_x - (X_{1x} + X_{2x} + X_{3x} + X_{4x})] - \\ - [Mc\bar{b}_x - (X_{1x} + X_{2x} + X_{3x} + X_{4y})];$$

Барча омиллар таъсири, одатдагидек, натижанинг умумий фарқига тенг бўлади:

$$\Delta \Phi_M = \Delta \Phi_{M_{mc6}} \pm \Delta \Phi_{M_{x1}} \pm \Delta \Phi_{M_{x2}} \pm \Delta \Phi_{M_{x3}} \pm \Delta \Phi_{M_{x4}}.$$

Ушбу формулалар асосида тавсия қилинган ҳисоб-китоб натижалари қуйидаги жадвалда келтирилган (7.6-жадвал).

Ҳисоб-китоб натижалари кўрсатмоқдаки, барча ҳолатларда харажатларнинг камайиши рўй бериши билан бирга, нарх ҳам йилдан-йилга ошиб борган. Шу икки ҳолат натижасида фойда суммаси ҳам кўлайган. Пировардида, барча омиллар таъсири натижга ўзгаришининг умумий қийматига тенг. Масалан, фойда суммаси 2015 йилда 2014 йилга нисбатан 402,4 сўмга ўсан. Ушбу ўзгаришга териш харажатларининг кўпайиши натижасида 5,8 сўмга салбий таъсир қилган. Ҳисобот йилида барча харажатлар ўтган йилга нисбатан кўп бўлган ва мос равишда фойда суммасини

камайтиришга ҳам олиб келган. Аммо ҳисобот йилида фойда сүммаси муттасил ошиб борган.

#### 7.6-жадвал

**Жиззах вилояттада жойлашган боғдорчиликка ихтисослашган фермер хўжаликларида етиштирилган 1 кг олмани турли усулларда сақлаш жараёнида олинган ўргача фойда ўзгаришига таъсири этувчи омилларнинг 2010-2015 йиллар динамикаси<sup>121</sup>**

Йиллар	Фойда ўзгаришига алоҳида омиллар таъсири						Фойда, сўм
	Теришхаражатлари	Сарахаражатлари	Ортишташишва туширишхаражатлари	Сақлаганинг будгарчилик, сўмда	Жамихаражатлар, сўм	Анъанавий сақланганда охирги сотиш баҳоси, сўм	
1	2	3	4	5	6	7	8
2010	0	0	0	0	0	0	0
2011	-9,5	-1,5	-0,3	-40,8	-52,1	+340	+287,9
2012	-8,5	-2,2	-11,3	-168,0	-190,0	+850	+660,0
2013	-23,7	-4,3	-4,7	-45,5	-81,2	+300	+218,8
2014	-6,2	-1,2	-1,1	-75,0	-80,5	+150	+69,5
2015	-5,8	-1,1	-1,0	-39,7	-47,6	+450	+402,4

Бунга сабаб ҳар йили инфляция натижасида олманинг нархи ошиб бориши бўлган. Шунинг эвазига улар фойда олишга эришган. Жумладан, 2011 йилда 2010 йилга нисбатан тадбиркор ҳар бир кг олмадан 287,9 сўм фойда қилган бўлса, 2015 йилга келиб, ушбу кўрсаткичнинг миқдори 402,6 минг сўмини ташкил қилган. Буни қўйидаги ҳисоб-китоб орқали асослаш мумкин:

$$450 - (5,8 + 1,1 + 1,0 + 39,7) = +402,4 \text{ сўм.}$$

<sup>121</sup> Жиззах вилояттада жойлашган боғдорчиликка ихтисослашган "Абдураҳим Каршибос", "Субонқул Каттаев" номли фермер хўжаликларида ва Ж.Нормативнинг бўғида етиштирилган 1 кг махаллий "Кримсон" навали олмаки анъанавий усула омборда саклаб сотишдан олинган ўргача фойласининг ўзгаришига алоҳида омиллар таъсиризининг 2010-2015 йиллар динамикаси асосида килинган ҳисоб-китоб.

Ушбу усул методологик асос сифатида берилди. Чунки бошқа усуулар билан сақланган ҳолатларда ҳам 1 кг маҳсулотни сақлаб сотиш натижасида олинган фойда ўзгаришига алоҳида омиллар таъсирини худди шундай хисоб-китобларни кўллаган ҳолда аниклаш мумкин.

Хар қандай иқтисодий жараён барқарор давом этиши учун манфаатлар муштараклигини таъминлаши лозим. Маҳсулотларни сақлаш ва сотиш жараёнида ҳам бир канча субъектларнинг манфаатлари мавжуд. Буларга қуидагилар киради: мулкдор, меҳнат жамоаси, ҳар бир ишловчи ҳодим, давлат, жамият, инвесторлар каби.

Маҳсулотларни сақлаб сотиш жараёни ҳам ушбу субъектларнинг бирортасини манфаатларига зид бўлмаслиги керак. Биз таҳлил қилаётган ҳолат бўйича сақлаш ва сотиш хизматларини кўрсатиш натижасида эришилган фойда миқдори ва уларнинг қиёсий таҳлили қуидаги жадвалда келтирилган (7.7-жадвал).

Мазкур жадвал мъйлумотларидан кўриниб турибдики, анъанавий усулда омборда сақлаб сотишдан олинган фойда 2010-2015 йиллар давомида 235,3 %га ( $2849,8 / 1211,1 * 100$ ) ўсган. Сақламасдан сотганда қилинган фойда суммаси таҳлия даврида 250,9 %га ( $1896,6 / 755,8 * 100$ ) ўсган. Тадбиркор етиштирилган маҳсулотни харид қилиб, ўзи совитгичда сақлаб сотгандаги олинган фойдаси ҳам 130,9 %га ( $2475,4 / 1891,2 * 100$ ) ошганлигига гувоҳ бўлдик. Бевосита фермер (дехқон)нинг ўзи етиштирган маҳсулотини совитгичда сақлаб сотишдан олинган фойда суммаси 166,7 %га ( $4485,4 / 2691,2 * 100$ ) ошганлигини кўрдик. Булардан кўриниб турибдики, маҳсулотни анъанавий усулда омборда сақлаб сотишдан ва сақламасдан сотганда қилинган фойда суммаси жадаллик билан ўсган. Аммо совитгичда сақлаб сотган маҳсулотдан олинадиган фойданинг миқдори юқори.

Мазкур таҳлил натижаси фермернинг қилган фойдаси барча усул билан сотгандаги ҳолатларга нисбатан юқори эканлигини кўрсатиб турибди. Фермер (дехқон)нинг совитгичда сақлашдан олинган фойдасининг қиёсий коэффициентини таҳлил қиласидан бўлсак, 2015 йилда анъанавий усулда омборда сақлаб сотишга нисбатан 1,6 марта, сақламасдан сотгандаги маҳсулотдан олинган фойдага нисбатан 2,4 марта, тадбиркорнинг маҳсулотни харид қилиб ўзи совитгичда сақлаб сотганига нисбатан 1,8 марта кўп фойда қилмоқда. Буларнинг ҳаммаси фермернинг ўз маҳсулотини

совитгичда саклаб сотиши ўта самарали эканлигидан далолат бериб турибди. Ушбу усулни мамлакатимизда кенг кўламда кўллаш мумкин. Чунки у юқорида келтирилган барча субъектлар манфаатларини ўзида ифода этади.

#### 7.7-жадвал

**Жиззах вилоятида жойлашган боғдорчиликка ихтисослашган фермер хўжаликларида етиштирилган 1 кг олмани турли усулларда саклаш жараёнида олинган ўргача фойданинг 2010-2015 йиллар динамикаси<sup>122</sup>**

Йиллар	Анъанавий усулда омборда саклаб сотишдан олинган фойда, сўм	Сакламасдан сотганда килинган фойда, сўм	Тадбиркорнинг совутгичда саклаб сотишдан олинган фойда-фойдаши, сўм	Фермер (дехкон)-нинг совитгичда саклаб сотишдан олинган фойда-фойдаши, сўм	Фермер (дехкон)нинг совитгичда саклашдан олинган фойданинг киёсий коэффициенти		
					Анъанавий усулда омборда саклаб сотишдан олинган фойда, сўм	Сакламасдан сотганда гига нисбатан	Тадбиркорнинг совитгичда саклаб сотишдан олинган фойда, сўм
1	2	3	4	5	6	7	8
2010	1211,1	755,8	1891,2	2691,2	2,222	3,561	1,423
2011	1498,9	1044,1	2266,4	3366,4	2,246	3,512	1,485
2012	2158,9	1198,7	2522,1	3772,1	1,747	3,147	1,496
2013	2377,7	1725,0	2405,1	4205,1	1,769	2,438	1,748
2014	2547,4	1825,3	2425,1	4342,8	1,704	2,379	1,790
2015	2849,8	1896,6	2475,4	4485,4	1,574	2,365	1,834

Шу пайтга қадар асосий ёндашув, такқослаш учун қулайликни таъминлаш мақсадида олмани саклаш ва сотишида ҳаражатларни 1 кг ҳажмидан келиб чиқсан ҳолда амалга оширишга қаратилди. Энди диккатимизни сотилган маҳсулот ҳажми, ҳаражатлар ва

<sup>122</sup> Жиззах вилоятида жойлашган боғдорчиликка ютисослашган “Аблуроҳим Каршибоев”, “Субонкул Каттаев” каби фермер хўжаликларида етиштирилган 1 кг маҳаллий “Кримсон” наъли олмани турли усулларда саклаш жараёнида олинган ўргача фойданинг 2010-2015 йиллар динамикаси.

фойда суммаларини умумий жамланган тарзда аниқлаш йўларига қаратамиз.

Эътироф этиш керакки, сақлаш хизматларининг ижтимоий самарадорлигини аниқлаш бўйича тегишили усуулларнинг йўклиги мазкур масалада ҳали ўз ечимини кутаётган муаммолар мавжудлигидан далолат беради.

Ушбу усул, бир қанча қуайликларни туғдириш билан бирга, иктисадий-ижтимоий самарадорликка эришиш имкониятини ҳам яратади. Буларга куйидагиларни киритиш мумкин:

Биринчидан, сақлаб сотиш фермер хўжалиги (дехқон)нинг манфаатига мос келади ва маҳсулотнинг нархи кўтарилиши эвазига фермер фойдасининг ошишига имконият яратилади.

Иккинчидан, маҳсулотнинг ҳажми анча муддат сақланиши билан бирга, кариб 20 % йўқотишдан сақланиб қолинади. Бу ахоли дастурхонига ҳар 100 кг дан 20 кг маҳсулот етиб борди, деган маънони англатади.

Учинчидан, маҳсулотнинг сифати сақланиб қолиши натижасида, аҳолининг хориждан импорт қилинган маҳсулотларга нисбатан анча арzon ва экологик жиҳатдан тоза маҳсулот истеъмол қилиш имконияти туғилади.

Тўртингидан, мамлакатимизда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш билан бирга, аҳолини йил давомида барра маҳсулотлар билан таъминлаш имконияти ҳам яратилади.

Бешинчидан, сақлаш хизматларини ташкил қилиш эвазига янги иш ўринлари яратилади, одамларни мавсумий эмас, балки йил бўйи иш билан таъминлаш шароити яратилади.

Тадқиқот ва таҳлиллар натижаси бир қанча илмий-амалий аҳамиятга молик тавсияларни ишлаб чиқиш имконини берди. Булар:

1. Мамлакатимизда қишлоқ хўжалик маҳсулотларини совитгичларда сақлашни ташкил қилиш ва бунинг учун мазкур иншоотларни ҳар бир ҳудуд имкониятидан келиб чиқиб, янада кўпайтириш лозим.

2. Ҳозирги пайтда фермер хўжаликларининг моддий ахволини янада яхшилаш учун этиширилган маҳсулотларини совитгичларда сақлаб сотишни ташкил қилиш лозим.

3. Сақлаш хизматлари самарадорлигини баҳолаш усуулларини ҳар бир фермер хўжалиги раҳбари ва мутахассислари ўзлаштиришлари лозим.

4. Сақлаш хизматлари самарадорлигини баҳолаш усулларини бевосита ўкув адабиётларига киритилиши, бўлажак мутахассисларни тегишли илм билан куроллантириш имконини беради.

Ўйлаймизки, агар биз томонимиздан берилган таклиф ва тавсиялар амалга оширилиб, улар амалиётга қўлланилиб, ўз ўрнини топса, маҳсулотларни сақлаб сотиш нафақат иқтисодий, балки муҳим ижтимоий самара келтирадиган фаолиятга айланади. Шунингдек, ушбу тавсияларимиз амалга ошадиган бўлса, мамлакатимизда озиқ-овқат хавфсизлиги таъминланади, аҳолини сифатли, экологик тоза маҳсулотлар билан йил давомида таъминлаш эвазига уларнинг яшаш даражаси ва сифати муттасил ошиб боришига эришилади. Ўзимизда етиширилиб, сотилган маҳсулотнинг аҳоли учун қулайлиги, хориждан олиб келинадиган маҳсулотларга висбатан анча арzonлиги билан ҳам аҳоли фаронлигининг оширилишига хизмат қиласди. Бу мамлакатимиз аҳолисининг ҳёт даражаси ва сифатининг ошишида ҳамда иктисадий-ижтимоий ҳаётида, иқтисодиётнинг ривожланишида муҳим аҳамият қасб этади.

### **7.3. Маҳсулотларни сотиш хизматлари самарадорлиги ўзгаришига таъсир қилувчи омиллар таснифи, уларни таҳлил қилиш йўллари**

Маҳсулотларни сақлаш билан бирга уларни тегишили тартибда, ўз вактида сотиш ҳам катта ижтимоий-иқтисодий аҳамиятга эга. Чунки кишлоқ хўжалик маҳсулотлари мавсумий тарзда етиширилади, аммо уни истеъмол қилиш йил давомида амалга оширилишини таъминлашни тақозо қиласди. Бу жараённи таъминлашда, таъкидланганидек, сақлаш билан бирга, уни сотишни ҳам тўғри ташкил қилиш лозимдир. Бунга эришиш учун маҳсулотларни сотиш хизматлари ҳажмига таъсир қилувчи омилларни аниклаш ва уларнинг таъсирини ҳисоблаш йўлларини ишлаб чиқиш мақсадга мувофикдир. Чунки шу йўл билангина ички имкониятлар аникланади.

Аммо сотиш самарадорлигини ошириш имкониятларини ахтариб топиш, унинг сифатини ошириш учун ушбу кўрсаткичлар ўзгаришига таъсир қилувчи омилларни таҳлил қилишни тақозо қиласди. Таҳлилинг муҳим вазифаларидан бири – ҳар қандай иқтисодий жараёнларнинг содир бўлишига таъсир қилувчи

омилларни имкон қадар хисоблашдан иборатdir. Бизнинг фикримизча, маҳсулотни сотиш ҳажмига таъсир қилувчи омиллар жуда кўп. Улар хисобланиш нуқтаи назаридан хисобланадиган ва аниқ хисоблаш имкони бўлмайдиган омилларга бўлинади.

Бу эса, иктиносидий таҳлил жараённида хисобланадиган қисмини олишга асосий эътиборни қаратишни тақозо қиласди. Маҳсулот ҳажмининг ўзгаришига таъсир қилувчи хисобланадиган омиллар ҳам бир қанча гурухларга бўлинади. Ушбу гурухларга қўйидагиларни киритиш мумкин:

1. Мехнат ресурслари ва моддий-техника базаси билан боғлиқ омиллар.

2. Молиявий натижалар ва тежамкорлик билан боғлиқ омиллар.

Биз ушбу омилларнинг сотиш самарадорлигига таъсирини бир қанча мисоллар орқали аниқлаш йўлларини ишлаб чиқдик. Биринчи гурух омилларини аниқлашда сотилган маҳсулотларнинг ўзгаришига таъсирини хисоблаш йўллари мисолида, иккинчи гурух омилларида корхонанинг соф фойдаси, унинг шаклланиши ва ўзгаришига таъсири қараб чиқилди.

Тадқиқотларимиз натижасида аникландики, сотилган маҳсулот ўзгаришига таъсир қилувчи омиллар иктиносидий адабиётларда етарли даражада ёритилган<sup>123</sup>. Ушбу масала қўн ҳолларда ишлаб чиқариш соҳаси ҳамда савдо корхоналари мисолида ёритилган. Аммо уларга маҳсулотларни сақлаб сотиш хизматлари мисолида комплекс тарзда меҳнат ресурслари ва моддий-техника базаси билан боғлиқ омиллар сифатида қаралмаган. Шу туфайли, сотилган маҳсулот ҳажми ўзгаришига таъсир қилувчи ушбу омиллар гурухига қандай омиллар киритилишини қараб чиқамиз. Тадқиқотларимиздан аниқланишича, мазкур гурух омилларига қўйидагиларни киритиш мумкин:

<sup>123</sup> Абдукаримов И.Т., Абдукаримова Л.Г., Смагина В.В. Анализ финансово-хозяйственной деятельности предприятия. Учебное пособие. 2-е изд. – Тамбов: Издательский дом ТГУ, 2008, 667 с., Абдукаримов Б.А. ва бошқалар. Корхона иктиносидиёти. Дарслик – Т.: Фан, 2005, 288 б., Вахабов А., Иброхимов А., Ишанкулов И. Молия ва босқарув таҳлили. Дарслик – Т.: Шарқ, 2005, 480 б., Ергешев Е. Иктиносидий ва молиявий таҳлил. Дарслик. –Т.: “Консайдитинформ-Нашр” национали, 2005, 346 б., Пардаев М.К. Иктиносидий таҳлил назарияси, Дарслик. – Самарқанд: Зарафшон, 2001, 272 б., Пардаев М.К., Исройлов Б.И. Иктиносидий таҳлил. 1-кисм. –Т.: Иктиносидиёт ва хуқук дунёси националиёт ўйи, 2001, 176 б., Пардаев М.К., Исройлов Б.И. Иктиносидий таҳлил. 2-кисм. –Т.: Иктиносидиёт ва хуқук дунёси националиёт ўйи, 2001, 256 б., Пардаев М.К., Абаукаримов И.Т., Исройлов Б.И. Иктиносидий таҳлил. Ўкув куллашма. –Т.: Мехнат, 2004, 556 б.

- омбордан сотиладиган маҳсулотларни сотадиган дўконлар сони ( $D_c$ );
- ҳар бир дўконда ишлайдиган сотувчиларнинг ўртача сони ( $X_c$ );
- ҳар бир сотувчининг меҳнат унумдорлиги ( $M_y$ ).

Натижа, яъни сотилган маҳсулот ҳажми ( $Q$ ) билан ушбу омиллар ўртасидаги боғлиқлик орқали таҳлил қилинаётган кўрсаткичга таъсир этувчи омилларнинг таъсирини аниқлаш учун ушбу формуладан фойдаланишни тавсия қиласиз:

$$Q = D_c * X_c * M_y;$$

Мазкур омилларнинг таъсирини аниқлаш учун, ушбу кўрсаткичнинг фарқини аниқлаш лозим бўлади. Бунинг учун куйидаги формулани тавсия қиласиз:

$$\Delta Q = (D_c^x * X_c^x * M_y^x) - (D_c^p * X_c^p * M_y^p);$$

Натижа кўрсаткичининг, яъни сотилган маҳсулот ҳажмининг мазкур омиллар эвазига ўзгаришини аниқлаш учун, занжирли алмаштириш усулидан фойдаланамиз. Бу ҳолда биринчи омилнинг, яъни омбордан сотиладиган маҳсулотларни сотадиган дўконлар сонининг таъсирини аниқлаш учун, натижа кўрсаткичини шу биринчи омилнинг ҳақиқий микдори билан қайта ҳисоблаб олинади ( $D_c^x * X_c^p * M_y^p$ ) ва натижа кўрсаткичининг режадаги микдори ( $D_c^p * X_c^p * M_y^p$ ) билан солиштирилади. Бунинг учун куйидаги формуладан фойдаланилади:

$$\Delta Q_{dc} = (D_c^x * X_c^p * M_y^p) - (D_c^p * X_c^p * M_y^p);$$

Сотилган маҳсулот ҳамининг ўзгаришига иккинчи омилнинг, яъни ҳар бир дўконда ишлайдиган сотувчиларнинг ўртача сони ўзгаришининг таъсирини аниқлаш учун, натижа кўрсаткичини шу иккинчи омилнинг ҳақиқий микдори билан қайта ҳисоблаб олинади ( $D_c^x * X_c^x * M_y^p$ ) ва ушбу микдорни натижа кўрсаткичининг биринчи омил билан қайта ҳисобланган микдори ( $D_c^x * X_c^p * M_y^p$ ) билан солиштирилади. Бунинг учун куйидаги формуладан фойдаланиш тавсия қилинади:

$$\Delta Q_{xc} = (D_c^x * X_c^x * M_y^p) - (D_c^x * X_c^p * M_y^p);$$

Натижа кўрсаткичининг, яъни сотилган маҳсулот ҳажмининг ўзгаришига учинчи омилнинг, яъни ҳар бир сотувчининг меҳнат унумдорлиги ўзгаришининг таъсирини аниқлаш учун, натижа кўрсаткичини шу учинчи омилнинг ҳақиқий миқдори билан қайта хисоблаб олинади ( $D_c^x * X_c^x * M_y^x$ ) ва натижа кўрсаткичининг иккинчи омил билан қайта хисобланган миқдори ( $D_c^x * X_c^x * M_y^p$ ) билан солиштирилади. Бунинг учун қуйидаги формуладан фойдаланилади:

$$\Delta Q_{my} = (D_c^x * X_c^x * M_y^x) - (D_c^x * X_c^x * M_y^p);$$

Барча омиллар таъсири натижанинг, яъни сотилган маҳсулот ҳажми ўзгаришининг умумий фарқига тенг бўлади. Буни қуйидаги формула билан аниқлаш мумкин:

$$\Delta Q = \Delta Q_{dc} \pm \Delta Q_{xc} \pm \Delta Q_{my};$$

Ушбу омилларнинг таъсирини аниқ маълумотларни қўллаб аниқлайдиган бўлсак, сотиладиган маҳсулотнинг ўзгаришига меҳнат ресурслари билан боғлиқ омилларнинг таъсирини аниқлаш билан бирга, у билан боғлиқ ички имкониятларни ҳам ахтариб топиш йўллари белгиланади. Бу эса, шу кўрсаткични яхшилаш бўйича таъсирчан бошқарув карорларини қабул килиш учун асос бўлади.

Сотиш билан шугулланувчи “Bahmal Golden Apple” қўшма корхонанинг Жиззах вилояти Бахмал туманида жойлашган совит-гичида хисобот йилидаги маълумотлари асосида сотилган маҳсулот ҳажмининг ўзгаришига ушбу омиллар таъсирини хисоблаш ва ички имкониятларни аниқлаш усулини қараб чиқамиз (7.8-жадвал).

Мазкур жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, сотилган маҳсулот ҳажми хисобот йилида ўтган йилга нисбатан 117,9 %га ёки 2200,8 минг сўмга ошган. Чунки маҳсулотни сотадиган дўконлар сони ҳам шу йилда биттага кўпайган. Бу ўтган йилга нисбатан 106,3 %ни ташкил қилган. Мос равишда сотув билан банд бўлган ходимлар сони ҳам 4 кишига кўпайган, бу ўтган йилга нисбатан 112,1 %ни ташкил қилган.

7.8-жадвал

**Сотиш билан шуғулланувчи “Bahmal Golden Apple” қўшма корхонасида сотилган маҳсулот ҳажмининг ўзгаришига меҳнат ресурлари билан боғлиқ омиллар микдорини хисоблаш усули<sup>124</sup>**

T/р	Кўрсаткичлар	Ўтган 2013 йилда	Жорий 2014 йилда	Фарқи (+,-)	Ўсиш суръати, %
1.	Сотилган маҳсулот ҳажми, минг сўм	12325,2	14526,0	+2200,8	117,9
2.	Маҳсулотларни сотадиган дўконлар сони, та	16	17	+1	106,3
3.	Сотув билан банд бўлган ходимлар сони, киши	33	37	+4	112,1
4.	Ҳар бир дўконда ишлайдиган сотувчиларнинг ўртача сони, киши (3к:2к)	2,063	2,176	+0,113	105,8
5.	Сотувчиларнинг меҳнат унумдорлиги, минг сўм (1к:3к)	373,491	392,594	+19,103	105,1

Энг муҳими, ушбу омборхонага тегишли дўконларда ишлайдиган ходимларнинг меҳнат унумдорлиги ҳам хисобот йилида ўтган йилга нисбатан 105,1 %га ёки 19,1 минг сўмга ошган. Ушбу омиллар эвазига ўрганилаётган кўрсаткичининг микдори ошган бўлиши мумкин. Аммо уларнинг қай даражада таъсир қилганлигини билиш ва ички имкониятларни ахтариб топиш учун юқорида келтирилган формулалар асосида омилли тахлил усуllibаридан фойдаланган ҳолда, тегишли маълумотларни кўллаб, аниқлаш мумкин.

Юқорида келтирилган иқтисодий тахлилнинг занжирили алмаштириш усулидан фойдаланиб, омиллар таъсирини аниқлаш мумкин (7.9-жадвал).

<sup>124</sup> “Bahmal Golden Apple” қўшма корхонаси маълумотлари асосида муаллиф ишланмаси.

**Сотиш билан шуғулланувчи “Bahmal Golden Apple” қўшма корхонасида сотилган маҳсулот ҳажмининг ўзгаришига меҳнат ресурлари билан боғлиқ омиллар таъсирини аниқлаш ҳисоб-китоби<sup>125</sup>**

Т/ р	Кўрсаткичлар	Ўтган йилда	Хисо- бот йилида	Занжирили алмаштиришлар		
				1	2	3
1.	Маҳсулотларни сотадиган дўконлар сони, та	16	17	17	17	17
2.	Ҳар бир дўконда ишлайдиган сотувчиларнинг ўртача сони, киши	2,063	2,176	2,063	2,176	2,176
3.	Сотувчиларнинг меҳнат унумдорлиги, минг сўм	373,491	392,594	373,491	373,491	392,594
4.	Сотилган маҳсулот ҳажми, минг сўм <sup>126</sup>	12325,2	14526,0	13098,7	13816,2	14526,0

Ушбу жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, ҳисобот йилида таҳлил қилинаётган корхонада сотилган маҳсулот ҳажми +2200,8 минг сўмга кўпайган:

$$14526,0 - 12325,2 = +2200,8 \text{ минг сўм.}$$

Мазкур ўзгаришга бир қанча омиллар таъсир қилган. Улардан биринчиси – маҳсулотларни сотадиган дўконлар сони. Ушбу кўрсаткич ўтган йилда 16 та бўлган, ҳисобот йилида яна биттага кўпайиб, 17 тага етган. Натижада сотилган маҳсулотнинг ҳажми 773,5 минг сўмга кўпайган:

$$13098,7 - 12325,2 = +773,5 \text{ минг сўм.}$$

Сотилган маҳсулот ҳажмининг ўзгаришига ҳар бир дўконда ишлайдиган сотувчиларнинг ўртача сони ҳам таъсир килади. Ушбу

<sup>125</sup> “Bahmal Golden Apple” қўшма корхонаси маълумотлари асосида муаллиф ишланмаси.

<sup>126</sup> Сотилган маҳсулот ҳажмишаги озгина фарқ рақамларни яхлитлаш эвазига содир бўйган.

омилнинг микдори ҳисобот йилида ўтган йилга нисбатан 0,113 кишига камайган. Бу омил эвазига таҳлил қилинаётган кўрсаткичнинг микдори 717,5 минг сўмга кўпайган:

$$13816,2 - 13098,7 = +717,5 \text{ минг сўм.}$$

Ўрганилаётган кўрсаткичга таъсири қилувчи учинчи омил – ҳар бир сотувчининг меҳнат унумдорлиги бўлиб, унинг микдори шу даврда 19,103 минг сўмга кўпайган. Ушбу омил ҳисобига сотилган маҳсулот ҳажми 709,8 минг сўмга ошган:

$$14526,0 - 13816,2 = +709,8 \text{ минг сўм.}$$

Барча омиллар таъсири натижа ўзгаришининг жамига тенг бўлса, қилинган ҳисоб-китобнинг тўғрилигидан ва омилларнинг бир-бири ҳамда натижа ўзгариши билан боғлиқлигидан далолат беради. Бизнинг мисолимизда барча омиллар таъсири  $+2200,8$  минг сўмга тенглигини кўрамиз. Демак, бизнинг ёндашувимиз ушбу омиллар тизимини ишлаб чиқишда тўғрилигидан далолат беради.

$$773,5 + 717,5 + 709,8 = +2200,8 \text{ минг сўм.}$$

Ушбу омилли таҳлил сотилган маҳсулотни кўпайтириш учун ички имкониятларни аниқлаш имконини беради. Бизнинг мисолимизда барча омиллар таъсири ижобий бўлган. Шу туфайли, ушбу омилларни шу даражада ушлаб туриш чора-тадбирларини кўриш лозим бўлади. Агар салбий таъсири қилган омиллар бўлса, улар таҳлил қилинаётган кўрсаткични яхшилаш имконияти бўлиб ҳисобланади. Ўрганилаётган ушбу кўрсаткичларнинг кўпайиши нафақат корхона ёки мулк эгаси учун, балки бутун жамият ва давлатнинг ҳам манфаатига мос келар эди.

#### **7.4. Маҳсулотларни сақлаш билан боғлиқ хизматларга кетадиган харажатлар ва улар ўзгаришига таъсири этувчи омиллар**

Маҳсулотларни сақлаш билан боғлиқ хизматларга кетадиган харажатларни камайтириш, тежамкорлик режимига амал қилиш дастурини амалга оширишда муҳим аҳамиятга эга. Шу туфайли, ушбу харажатлар ҳажмига таъсири этувчи ташкилий-иктисодий омилларни аниқлаш ва уларни баҳолаш йўлларини ишлаб чиқиш ўта муҳимлиги билан бирга, бугунги давр нуқтаи назаридан, долзарб масала сифатида баҳоланмоқда.

Маҳсулотларни сақлаш билан боғлиқ хизматларга кетадиган харажатларга таъсири қилувчи омиллар иктисодий адабиётларда

қараб чиқылмаган. Шу туфайли, ушбу омилларни тадқиқотларимиз натижасида қилинган хulosалар асосида күриб чиқамиз. Мазкур омилларни куйидаги гурухларга бўлиш мумкинлиги асосланди:

- меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланиш билан боғлик омиллар;

- корхона активларидан фойдаланиш билан боғлик омиллар.

Маҳсулотларни саклаш билан боғлик хизматларга кетадиган умумий харажатлар ўзгаришига ( $G$ ) таъсир этувчи меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланиш билан боғлик омилларга куйидагиларни киритиш мумкин:

- саклашга кўйилган маҳсулотнинг умумий хажми ( $Q$ );

- сақланадиган кунлар сони ( $D$ );

- кўйилган маҳсулотни бир кун саклаш учун кетган харажатлар ( $K$ ).

Натижа билан омиллар ўртасидаги боғликларни куйидаги формула орқали ифодалашни тавсия қиласиз:

$$G = Q * D * K;$$

Натижа ўзгаришига ушбу омиллар таъсирини аниқлаш учун, иқтисодий таҳлилнинг фарқли, занжирли алмаштириш, индекс, интеграл каби усуllibаридан фойдаланиш мумкин. Биз уларнинг натижа ўзгаришига таъсирини иқтисодий таҳлилнинг занжирли алмаштириш усулидан фойдаланган ҳолда ечиш йўлини тавсия қиласиз. Чунки омилли таҳлил натижасида ўрганилаётган кўрсаткичларнинг яхшиланиш йўлларини топиш имкониятлари туғилади.

Маҳсулотларни саклаш билан боғлик хизматларга кетадиган умумий харажатларга алоҳида омиллар таъсирини топиш учун, энг аввало ушбу кўрсаткичининг фарқини аниқлаб олинади. Бунинг учун куйидаги формуладан фойдаланиш мумкин:

$$\Delta G = (Q_1 * D_1 * K_1) - (Q_0 * D_0 * K_0);$$

бунда:  $(Q_1 * D_1 * K_1)$  – кўрсаткичларнинг (омилларнинг) ҳакиқий миқдори;

$(Q_0 * D_0 * K_0)$  – кўрсаткичларнинг (омилларнинг) режадаги (асос давридаги) миқдори.

Натижа кўрсаткичининг фарқи аниқлангач, унга таъсир қилувчи омилларнинг таъсирини ҳисоблаб олиш лозим бўлади. Бизнинг мисолимизда, формулада кўриниб турганидек, натижанинг ўзгаришига учта омил таъсир қиласиз. Буларнинг таъсирини аниқлаш учун куйидаги ҳисоб-китобларни амалга оширамиз:

1. Махсулотларни саклаш билан боғлиқ хизматларга кетадиган умумий харажатлар ҳажмининг ўзгаришига саклашга қўйилган маҳсулотнинг умумий ҳажми ўзгаришининг таъсирини ( $\Delta G_0$ ) аниқлаш учун, натижа кўрсаткичини биринчи омилнинг ҳақиқий миқдори, қолган омилларнинг режадаги миқдори билан қайта ҳисоблаб олинади ( $Q_1 * D_0 * K_0$ ) ва чиккан натижадан унинг режадаги миқдори ( $Q_0 * D_0 * K_0$ ) айрилади. Бунинг учун куйидаги формуладан фойдаланишини тавсия қиласиз:

$$\Delta G_G = (Q_1 * D_0 * K_0) - (Q_0 * D_0 * K_0);$$

2. Махсулотларни саклаш билан боғлиқ хизматларга кетадиган умумий харажатлар ҳажмининг ўзгаришига маҳсулотларнинг сакланадиган кунлар сони ўзгаришининг таъсирини ( $\Delta G_D$ ) аниқлаш учун, натижа кўрсаткичини биринчи ва иккинчи омилларнинг ҳақиқий миқдори, қолган битта омилнинг режадаги миқдори билан қайта ҳисоблаб олинади ( $Q_1 * D_1 * K_0$ ) ва чиккан натижадан унинг битта омил билан қайта ҳисобланган миқдори ( $Q_1 * D_0 * K_0$ ) айрилади. Бунинг учун куйидаги формуладан фойдаланишини тавсия қиласиз:

$$\Delta G_D = (Q_1 * D_1 * K_0) - (Q_1 * D_0 * K_0);$$

3. Натижа кўрсаткичининг, яъни маҳсулотларни саклаш билан боғлиқ хизматларга кетадиган умумий харажатлар ҳажмининг ўзгаришига учинчи омилнинг, яъни қўйилган маҳсулотни бир кун саклаш учун кетган харажатлар ўзгаришининг таъсирини ( $\Delta G_K$ ) аниқлаш учун, натижа кўрсаткичини биринчи, иккинчи ва учинчи омилларнинг ҳақиқий миқдори билан қайта ҳисоблаб олинади ( $Q_1 * D_1 * K_1$ ) ва чиккан натижадан унинг биринчи ва иккинчи омил ўзгариши билан қайта ҳисобланган миқдори ( $Q_1 * D_1 * K_0$ ) айрилади. Бунинг учун куйидаги формуладан фойдаланишини тавсия қиласиз:

$$\Delta G_K = (Q_1 * D_1 * K_1) - (Q_1 * D_1 * K_0);$$

Барча омиллар таъсири одатдагидек натижа ўзгаришининг умумий фаркига тенг бўлиши керак. Бу ҳолат ўрганилаётган кўрсаткичини яхшилаш бўйича ички имкониятларни аниқлаш имконини беради. Бунинг учун куйидаги формуладан фойдаланилади:

$$\Delta G = \Delta G_Q \pm \Delta G_D \pm \Delta G_K;$$

Ушбу формулаларга амалий маълумотларни қўллаб ечиладиган бўлса, маҳсулотларни саклаш билан боғлиқ хизматларга кетадиган умумий харажатлар ҳажмини қисқартириш

йўллари аниқланади ва тежамкорликни амалга ошириш ҳамда уларни ишга солиш учун тегишли чора-тадбирлар ишлаб чиқиш имконияти туғилади.

Ушбу усулдан фойдаланган ҳолда “Bahmal Golden Apple” кўшма корхонасининг маълумотларини қўллаб, унинг амалиётда фойдаланиш йўлларини қараб чиқамиз (7.10-жадвал).

Таҳлилларнинг кўрсатишича, маҳсулотларни сақлаш билан боғлиқ хизматларга кетадиган умумий харажатлар ҳажми 2010 йилда 2009 йилга нисбатан 1484963,0 минг сўмга кўпайган:

$$2005939,9 - 520976,9 = +1484963 \text{ минг сўм}$$

Ушбу ўзгаришга қўйидаги омиллар таъсири қилган:

1. Маҳсулотларни сақлаш билан боғлиқ хизматларга кетадиган умумий харажатлар ҳажмига биринчи омилнинг, яъни сақлашга кўйилган маҳсулотнинг умумий ҳажмининг 4159,1 тоннага кўпайиши, харажатлар суммасини 1173258,2 минг сўмга кўпайтирган:

$$1694235,1 - 520976,9 = +1173258,2 \text{ минг сўм}$$

2. Натижанинг ўзгаришига маҳсулотларни ўртача сақланадиган кунлар сонининг 4 кунга кўпайганлиги ҳам ушбу харажатлар ҳажмини 77010,7 минг сўмга оширган:

$$1771245,8 - 1694235,1 = +77010,7 \text{ минг сўм}$$

3. Маҳсулотларни сақлаш билан боғлиқ хизматларга кетадиган умумий харажатлар ҳажмига маҳсулотни бир кун сақлаш учун кетган ўртача харажатлар миқдорининг 0,425 минг сўмга кўпайиши, харажатлар суммасини 234694,1 минг сўмга кўпайтирган:

$$2005939,9 - 1771245,8 = +234694,1 \text{ минг сўм}$$

Барча омиллар таъсири натижанинг умумий фарқига тенг бўлганлиги, амалга оширилган ҳисоб-китобларнинг тўгрилигини ва омилларни натижа билан боғлиқлиги функционаллигини кўрсатади.

$$1173258,2 + 77010,7 + 234694,1 = +1484963 \text{ минг сўм}$$

Ушбу таҳлил харажатларни камайтириш имкониятларини аниқлаш учун асос бўлиши мумкин. Биз тадқик қилган корхонада ва таҳлил қилган даврда барча омиллар харажатларни кўпайтиришга олиб келган. Аммо уларнинг ҳаммаси объектив заруратдан келиб чиқсан. Жумладан, омборда қанча маҳсулот сақланса, шунча харажат кўпаяди, мос равишда сақлаш кунларининг кўпайиши ҳам харажатларни ошишига олиб келади.

**“Bahmal Golden Apple” кўшма корхонасида маҳсулотларни  
сақлаш билан боғлиқ хизматларга кетадиган умумий  
харажатлар ҳажмининг ўзгаришига алоҳида омилларнинг  
таъсирини аниқлаш хисоб-китоби**

Т/ р	Кўрсаткичлар	Ўтган 2013 йилда	2014 хисо- бот йи- лида	Фар ки (+,-)	Занжирилли алмаштиришлар		
					1	2	3
1.	Сақлашга кўйилган маҳсулотнинг умумий ҳажми (Q), тонна	1846,1	6005,2	+4159,1	6005,2	6005,2	6005,2
2.	Сақланадиган кунлар сони (D), кунлар	88	92	+4	88	92	92
3.	Маҳсулотни бир кун сақлаш учун кетган ўртача харажатлар (K), минг сўм	3,206	3,631	+0,425	3,206	3,206	3,631
4.	Маҳсулотларни сақлаш билан боғлиқ хизматларга кетадиган умумий харажатлар ҳажми (G), минг сўм ( $1\text{к}^*2\text{к}^*3\text{к}$ )	520976,9	2005939,9	+1484963	1694235,1	1771245,8	2005939,9

Бироқ, бир кунлик харажатларнинг камайиши, умумий харажатлар микдорининг камайишига олиб келиши лозим эди. Лекин шу корхонада бир кунлик сақлаш харажатлари эвазига умумий харажатлар суммаси 234694,1 минг сўмга ошган. Ҳисобот даврида ушбу кўрсаткич ошмаганда, мазкур корхонада шунча маблаг тежалиб, ўз навбатида, корхонанинг фойдасини кўпайтирган бўлар эди. Хулоса шуки, келгусида мазкур корхона раҳбарияти имкон қадар кунлик харажатларни кўпайтирмаслик чораларини кўриши лозим.

## **8-боб. МАҲСУЛОТЛАРНИ САҚЛАВ СОТИШ ХИЗМАТЛАРИ БҮЙИЧА МОЛИЯВИЙ НАТИЖАЛАР ВА УЛАРНИ ЯХШИЛАШ ЙЎЛЛАРИ**

### **8.1. Маҳсулотларни сақлаб сотиш хизматлари бўйича молиявий натижаларни ифодаловчи кўрсаткичларнинг ўзаро алоқадорлиги ва уларни баҳолаш йўллари**

Маҳсулотларни сотиш самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичлар, бизнинг фикримизча, бир қанча гурухларга бўлинади. Улардан бири ва бозор муносабатлари шароитида энг муҳими – молиявий натижалар, хусусан, фойда ва рентабелликни ифодаловчи кўрсаткичидир. Ушбу кўрсаткичларнинг ўзига хос хусусияти шундаки, улар бири-бири билан узвий боғлиқ равища ўзаро бир-бирига таъсир қилган ҳолда шаклланади. Шу туфайли, самарадорлик кўрсаткичларига таъсир қилувчи омилларнинг иккинчи гурухи бевосита молиявий натижалар ва тежамкорлик билан боғлиқ омиллардир.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, молиявий натижаларнинг ўзаро таъсирини аниқлаш масаласи ҳамон иқтисодий адабиётларда, хусусан, иқтисодий таҳлилга оид дарслик, ўкув қўлланма ва монографияларда ҳам етарли даражада ўрганилмаган. Бироқ, молиявий натижаларни ифодаловчи кўрсаткичлар самарадорлик кўрсаткичлари сифатида барча соҳага оид адабиётларда қараб чиқилган<sup>127</sup>. Лекин уларнинг бир-бирига таъсир этиши масаласини ёритиб берадиган адабиётлар ҳамон етарли эмас. Шу туфайли, ушбу масалани хизмат кўрсатиш соҳасида қараб чиқишни мақсадга мувофиқ, деб топдик. Чунки хизмат кўрсатиш соҳасига доир

<sup>127</sup> Волжин И.О., Эргашбоев В.В. Молиявий таҳлил. –Т.: Иктисолидёт ва ҳуқук дунёси нашриёт уйи, 1998, 254 б., Галицкая С.В. Финансовый менеджмент. Финансовый анализ. Финансы предприятий: учебное пособие. - М.: ЭКСМО, 2008, 652 с., Иброҳимов А. Молиявий таҳлил. –Т.: Мехнат, 1995, 60 б., Вахабов А., Иброҳимов А. Молиявий таҳлил. Дарслик. –Т.: Шарқ, 2002, 224 б., Ахмаджонов Х.И., Рахимов М.Ю. Молиявий таҳлил. Ўкув қўлланма. –Т.: ТМИ, 2004, 160 б., Акрамов Э.А. Анализ финансового состояния предприятия. –Т., 2000, 169 б., Акрамов Э.А. Корхоналарнинг молиявий ҳолати таҳлили. – Т.: Молия, 2003, 224 б., Бочаров В.В. Финансовый анализ. Краткий курс. 2-е изд. – СПб.: Питер, 240 с., Беристайи Л. Анализ финансовой отчетности. Теория и практика. Пер. с англ. –М.: Финанс и статистика, 1996. Маркарьян Э.А. Финансовый анализ: учеб. пособие. – М.: КНОРУС, 2009, 264 с., Пардаев М.К. Молиявий таҳлил методологияси. – Самарқанд: СамКИ, 1996, 155 б., Пардаев М.К., Исройлов Б.И. Молиявий таҳлил. –Т.: Иктисолидёт ва ҳуқук дунёси нашриёт уйи, 1999, 356 б., Шеремет А.Д., Сайдулин Р.С., Негатев Е.В. Методика финансового анализа. – М.: ИНФРА-М, 2000, 208 с.,

адабиётларда, унинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чикқан ҳолда, ушбу масала ҳамон етарли даражада ёритилган эмас. Иқтисодий таҳлил ва бошқа иқтисодий адабиётларда ушбу кўрсаткичларнинг бир-бири билан боғлиқлиги, уларнинг бир-бирига ўзаро таъсир этиши мумкинлиги ва уларни аниклаш йўлларини кўрсатган ҳолда тадқиқ қилиш масаласи – ушбу ишнинг асосий негизини ташкил қиласи. Буларни инобатга олиб, мазкур масаланинг назарий жиҳати билан бирга амалий маълумотларни кўллаган ҳолда, муаммонинг ечими бўйича ўзимизнинг ёндашувларимизни ифода этишини лозим кўрдик.

Молиявий натижаларни ифодаловчи кўрсаткичлар, таъкидланганидек, бир-бири билан боғлиқ равишда ва ўзаро таъсир қилиши натижасида шаклланади. Ушбу ҳолатга тўғри баҳо бериш учун молиявий натижаларни ифодаловчи даромадлар ва фойда билан боғлиқ кўрсаткичлар гурухига “Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот” (2-сон шакл) бўйича 8 та кўрсаткични киритишини маҳсадга мувофиқ, деб топдик. Чунки ушбу кўрсаткичларнинг бир-бирига боғлиқлиги шу даражадаки, уларни ҳисоблаш жараёнида бирортасини ҳам қолдириб бўлмайди. Бундай боғликларнинг молиявий натижаларни таҳлил қилиш учун кулай томонлари ҳам бор. Биринчидан, бир вактнинг ўзида кўрсаткичларнинг тўғри ифода этилганлигини текшириб бориш мумкин бўлса, иккинчидан, уларнинг таъсири ҳам ўрганиб борилади.

Сотиш билан шуғулланувчи корхоналарнинг молиявий натижаларини таҳлил қилганда, энг аввало, ушбу кўрсаткичларнинг таҳлил давридаги ўзгаришларини аниклаш лозим бўлади. Бунда фойдани шакллантирадиган барча кўрсаткич ва омиллар, яъни сотилган маҳсулот ҳажмидан тортиб соф фойдагача бўлган кўрсаткичлар киритилади. Буни биз Жizzах вилояти Бахмал туманида жойлашган сотиш билан шуғулланувчи “Bahmal Golden Apple” кўшма корхонаси мисолида қараб чиқамиз. Мазкур корхонанинг ҳисобот йилида олган даромадлари ва фойда кўрсаткичларининг асосий турлари бўйича 2013-2015 йиллардаги ҳисоб-китобини методологик асос сифатида келтиришни ўринли деб ҳисобладик. Чунки мазкур усульнин хизмат кўрсатиш соҳасининг бошқа корхона ва хўжалик юритувчи субъектларида ҳам кўллаш мумкин. Бунинг учун қуйидаги жадвални тузишни тавсия қиласи (8.1-жадвал).

8. 1-жадвал

**Сотиши билан шугулланувчи “Bahmal Golden Apple” кўшма корхонанинг хисобот йилида олган даромадлари ва фойда кўрсаткичларининг асосий турлари бўйича 2014-2015 йиллардаги хисоб-китоби<sup>128</sup>(минг сўм)**

Кўрсаткичлар	Ўтган 2014 йилда	2015 хисобот йилида	Фарқи (+,-)	Ўсиш суръати, %
1. Махсулот (товар, иш, хизмат)ларни сотишидан соғ тушум (Ст)	12325,2	14526,0	+2200,8	117,9
2. Сотилган махсулот (товар, иш, хизмат)ларнинг таннархи, яъни сақлаш билан боғлиқ харажатлар (Тн)	1693,1	1673,0	-20,1	98,8
3. Махсулот (товар, иш, хизмат)ларни сотишининг ялпи фойдаси (Яф) (1к – 2к)	10632,1	12853,0	+2220,9	119,0
4. Давр харажатлари (Дх)	1827,7	2088,9	+261,2	114,3
5. Асосий фаолиятнинг бошка даромадлари (Афбд)	85,6	121,9	+36,3	142,4
6. Асосий фаолиятнинг фойдаси (зарари) (Афф) (Зк-4к+5к)	8890,0	10886,0	+1996,0	122,2
7. Молиявий фаолиятнинг даромадлари (Мфд)	722,8	807,9	+85,1	111,8
8. Молиявий фаолият бўйича харажатлар (Мfx)	128,0	147,8	+19,8	115,5
9. Умумхўжалик фаолияти фойдаси (Ухф) (6к+7к-8к)	9484,8	11546,1	+2061,3	121,5
10. Фавкулотда (тасодифий) фойда (Гф)	41,4	28,3	-13,1	68,9
11. Даромад (фойда) солигини тўлангунга қадар фойда (Фстк) (9к+10к)	9526,2	11574,4	+2048,2	121,3

<sup>128</sup>Bahmal Golden Apple” кўшма корхонасининг молиявий хисоботларни мазлумотлари асосида тузилди ва хисоб-китоб юлиниди. Методологик асосни таъминлаш максадида, айрим кўрсаткичларни кўшган ҳолда тақрибан олишига тўғри келди.

12. Даромад (фойда) солиғи ва бошқа соликлар ҳамда йигимлар (ДСЙ)	212,1	279,2	+67,1	131,6
13. Соф фойда (СФ) (11к-12к)	9314,1	11295,2	+1981,1	121,1

Ушбу жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, маҳсулот (иш, хизмат)ни сотишдан тушган тушум, яъни молиявий натижаларни шакллантирувчи асосий кўрсаткич шу таҳлил қилинаётган йилда 117,9 %га ёки 2200,8 минг сўмга ошган. Бироқ, сотилган маҳсулот (товар, иш, хизмат)лар таннархининг, яъни сотиш билан боғлиқ харажатлар ўсиш суръатида камайиш рўй берган. Унинг ўтган йилга нисбатан 98,8 %га ёки 20,1 минг сўмга камайиши рўй берган. Бу ҳолат корхонанинг харажатлари эришилган натижанинг ўсиш суръатига нисбатан анча паст бўлганини кўрсатади. Демак, ушбу корхонада тежамкорлик режимига қатъий амал қилинган. Бу ҳолат харажатларнинг маҳсулотларни сотиш билан боғлиқ самараадорлигини ошганлигидан далолат беради.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, давр харажатларининг ўсиш суръати сотилган маҳсулот таннархига нисбатан бироз кўп бўлган (114,3 %), аммо сотилган маҳсулот ҳажмига нисбатан (117,9) ушбу кўрсаткичининг ўсиш суръати бир мунча камроқ эканлигини кўриш мумкин. Мазкур корхонада асосий фаолиятнинг бошқа даромадлари ошганлиги эвазига асосий фаолиятнинг фойдаси ҳам бироз жадалликда ўсган ва унинг микдори шу даврда 122,2 %га тенг бўлган.

Корхоналарда молиявий фаолиятнинг фойдаси ва зарари алоҳида ҳисобга олиб борилиши ва ҳисоботларда алоҳида кўрсатилишини инобатга олиб, ушбу кўрсаткичларни ҳам таҳлил қилиш мумкин, деган фикрдамиз. Агар ҳисобот даврида ўтган йилга нисбатан молиявий фаолиятнинг даромадлари 111,8 %га ошган бир паллада молиявий фаолият бўйича харажатлар 115,5 %га ошганини инобатга олсак, бу ерда ҳам харажатларнинг даромадларга нисбатан ўсиш суръати жадалроқ. Жадаллик коэффициенти 1,033 ни ташкил қиласди ( $115,5/111,8$ ). Буларнинг натижасида умумхўжалик фаолиятларининг фойдаси юқори суръатлар билан ўсган ва шу таҳлил даврида унинг жадаллик коэффициенти маҳсулотни сотишдан соф тушумга нисбатан 1,031 ни ташкил қиласди ( $121,5/117,9$ ). Ҳисобот даврида мазкур корхона

фавқулотда фойда олишга эришган, аммо унинг микдори ўтган йилга нисбатан бир мунча (68,9 %) кам бўлган. Натижада даромад (фойда) солиги тўлангунга қадар фойданинг ўсиш суръати 121,3 %га тенг бўлган.

Хисобот даврида корхона томонидан тўланган даромад (фойда) солиги ва бошқа йиғимларнинг ўсиш суръати 131,6 %га тенг бўлган. Буларнинг ҳаммаси пировардида соф фойданинг ўзгаришига олиб келган. Унинг ўсиш суръати маҳсулот (иш, хизматнинг) таннархининг ва бошқа бир қанча кўрсаткичларнинг ўсиш суръатига нисбатан бироз юқори бўлган. Натижада соф фойданинг ўсиш суръати 121,1 % ни ташкил қилган. Ушбу кўрсаткичнинг ўсиш суръати маҳсулот (товар, иш, хизмат)ларни сотишидан соф тушумнинг ўсиш суръатига нисбатан юқори бўлганлиги туфайли, унинг жадаллик коэффициенти шу даврда 1,027 га тенглигини кўрамиз (121,1/117,9).

Молиявий натижаларни ифодаловчи кўрсаткичлар ўсиш суръатларининг бир-бирига нисбатан ошиб боришини ва харатжатларнинг камайишини ижобий ҳолат сифатида баҳолаш мумкин.

Кўриниб турибдики, корхонанинг молиявий натижаларини ифодаловчи кўрсаткичлар ҳам бир-бири билан узвий ва чамбарчас боғлиқ экан. Бу боғлиқлик уларнинг фойдаси ва рентабеллик кўрсаткичларини аниқлаш жараёнида ҳамда омилли тахлилини ўтказишида ҳам яққол намоён бўлади.

Корхоналар молиявий натижаларини ифодаловчи кўрсаткичларнинг асосийси ва самарадорликни баҳолашда кўлланиладиган натижа кўрсаткичи сифатида кўлланиладиган кўрсаткичлардан бири соф фойда бўлиб ҳисобланади. Юқорида кўрганимиздек, бу барча молиявий натижаларни ифодаловчи кўрсаткичлар эвазига шаклланади. Тахлил жараёнида уларни ҳар бирининг таъсирини аниқлаш лозим бўлади.

Омилли тахлилни амалга оширишида учун иқтисодий тахлилнинг мувозанат усулидан фойдаланиш мумкин. Бунда соф фойдага (Сф) таъсир этувчи омилларни аниқлаш учун қўйидаги формуладан фойдаланишни тавсия қиласиз:

$$Сф = Ст - Ти - Дх + Афbd + Мфд - Мfx + Тф - Дей.$$

Ушбу формуладан кўриниб турибдики, соф фойда ўзгаришига саккизта омил таъсир қиласи. Шулардан, тўрттасининг кўпайиши

ижобий (сотилган маҳсулот – Ст, асосий фаолиятнинг бошқа даромадлари – Афбд, молиявий фаолият даромадлари – Мфд ва тасодифий фойда – Тф) ва тўрттасининг кўпайиши салбий (сотилган маҳсулот таннархи – Тн, давр харажатлари – Дх, молиявий фаолият харажатлари – Мфх ва даромад (фойда) солиги ва бошқа йигимлар – Дсй таъсир қилас экан).

Буни юкорида келтирилган мисолимиздан ҳам кўришимиз мумкин. Бунинг учун куйидаги жадвални тузиш тавсия қилинади (8.2-жадвал).

Ушбу жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, ҳисобот йилида соф фойда 1981,1 минг сўмга ошган. Бунга 8 та омил таъсир қилган:

1. Маҳсулот (товар, иш, хизмат)ларни сотищдан соф тушумнинг (Ст) ҳисобот йилида +2200,8 минг сўмга (14526,0 – 12325,2) кўпайиши айнан соф фойдани ҳам шу микдорга кўпайтирган.

2. Сотилган маҳсулот (товар, иш, хизмат)ларнинг таннархи (Тн) -20,1 минг сўмга камайган. Ушбу омил эвазига соф фойда 20,1 минг сўмга (1673,0 – 1693,1) ошган.

3. Мазкур корхонада давр харажатлари (Дх) 261,2 минг сўмга кўпайган. Ушбу харажатларнинг кўпайиши соф фойдани айнан шу суммага камайтирган (2088,9 – 1827,7).

4. Асосий фаолиятнинг бошқа даромадлари (Афбд) ҳисобот йилида 36,3 минг сўмга ошган. Ушбу омил эвазига соф фойда 36,3 минг сўмга кўпайган (121,9 – 85,6).

5. Корхонада молиявий фаолиятнинг даромадлари (Мфд) 85,1 минг сўмга кўпайганлиги ҳам тахлил қилинаётган кўрсаткични шу микдорга оширган (807,9 – 722,8).

6. Натижа ўзгаришига таъсир қилувчи навбатдаги омил молиявий фаолият бўйича харажатлар (Мфх) бўлиб, ушбу кўрсаткичининг микдори ҳисобот даврида 19,8 минг сўмга кўпайган. Ушбу омил эвазига корхонанинг соф фойдаси 19,8 минг сўмга камайган (147,8 – 128,0).

7. Корхона ҳисобот йилида фавқулотда (тасодифий) фойда (Тф) олишга эришган. Аммо у ўтган йилга нисбатан 13,1 минг сўмга кам бўлган. Натижада соф фойда ҳам 13,1 минг сўмга камайган (28,3 – 41,4).

8. Соф фойдага таъсир этувчи навбатдаги омил даромад (фойда) солиги ва бошқа солиқлар ҳамда йигимлардир (Дсй). Ушбу

8.2-жадвал

**“Bahmal Golden Apple” қўшма корхонасининг таҳлил даврида эришган соф фойдаси ўзгаришига таъсир этувчи омилларнинг хисоб-китоби<sup>129</sup> (минг сўм)**

Кўрсаткичлар	Ўтган 2014 йилда	2015 хисо- бот йилида	Фарқи (+,-)	Соф фой- данинг ўзгари- шига омиллар таъсiri
1. Маҳсулот (товар, иш, хизмат)ларни сотишдан соф тушум (Ст)	12325,2	14526,0	+2200,8	+2200,8
2. Сотилган маҳсулот (товар, иш, хизмат)ларнинг таннархи, яъни саклаш билан боғлиқ харажатлар (Тн)	1693,1	1673,0	-20,1	+20,1
3. Давр харажатлари (Дх)	1827,7	2088,9	+261,2	-261,2
4. Асосий фаолиятнинг бошқа даромадлари (Афбд)	85,6	121,9	+36,3	+36,3
5. Молиявий фаолиятнинг даромадлари (Мфд)	722,8	807,9	+85,1	+85,1
6. Молиявий фаолият бўйича харажатлар (Мфх)	128,0	147,8	+19,8	-19,8
7. Фавқулотда (тасодифий) фойда (Тф)	41,4	28,3	-13,1	-13,1
8. Даромад (фойда) солиги ва бошқа соликлар ҳамда йиғимлар (Дсй)	212,1	279,2	+67,1	-67,1
9. Соф фойда (Сф) (1к-2к-3к+4к+5к-6к+7к-8к)	9314,1	11295,2	+1981,1	x

кўрсаткич таҳлил даврида 67,1 минг сўмга кўлайган. Бунинг натижасида соф фойда суммаси ҳам шунгача камайган (279,2 – 212,1).

<sup>129</sup>“Bahmal Golden Apple” қўшма корхонасининг молиявий хисоботлари мъалумотлари ҳамда 8.1-жадвал мъалумотлари асосида тузилиди ва муаллиф томонидан хисоб-китоб килинди.

Барча омиллар таъсири одатдагидек, натижка ўзгаришининг умумий фарқига тенг бўлиши керак. Буни мазкур мисолда ҳам кўриш мумкин:

$$2200,8 + 20,1 - 261,2 + 36,3 + 85,1 - 19,8 - 13,1 - 67,1 = +1981,1 \text{ минг сўм.}$$

Ушбу ҳисоб-китоб натижасида корхонанинг молиявий натижаларини кўпайтириш бўйича ички имкониятларини аниқлаш мумкин. Бизнинг тадқиқотларимиздан кўриниб турибдики, 4 та ҳолда ички имкониятларимиз мавжуд экан. Буларга қўйидагиларни киритиш мумкин:

- корхонанинг давр харажатлари ҳеч бўлмаганда ўтган йилги ҳажмда қолганда, унинг соф фойдаси яна 261,2 минг сўмга ошган бўлар эди;

- молиявий фаолият бўйича харажатлар 19,8 минг сўмга ошмаганда, натижка кўрсаткичи шунча суммага кўпайган бўлар эди;

- фавқулотда (тасодифий) фойданинг 13,1 минг сўмга камайиши, соф фойданинг шу микдорда камайишига олиб келган;

- даромад (фойда) солиги ва бошқа солиқлар ҳамда йигимларининг 67,1 минг сўмга ошганлиги, соф фойдани шунча сўмга камайишига олиб келган.

Агарда шу имкониятлар ишга солинганда, корхонанинг соф фойдаси шу ҳисобот йилида яна 361,2 минг сўмга (261,2 + 19,8 + 13,1 + 67,1) ошган бўлар эди. У ҳолда ҳақиқий соф фойда 11295,2 минг сўм эмас, балки 11656,4 минг сўмни (11295,2 + 361,2) ташкил қиласади. Соф фойда режасининг бажарилиши 121,1 % эмас, балки 125,4 %га тенг (11356,4 \* 100 : 9314,1) бўлган бўларди.

## 8.2. Маҳсулотларни сақлаш рентабеллиги ўзгаришига таъсир этувчи омилларни аниқлаш ва таҳлил қилиш йўллари

Сақлаш хизматлари самарадорлигини ифодаловчи иккинчи кўрсаткич – унинг рентабеллигидир ( $Pc$ ). Ушбу кўрсаткични қўйидаги анъанавий формулани кўллаган ҳолда аниқлаш мумкин:

$$Pc = Cf * 100 : Q ;$$

Бунда:  $Pc$  – сақлаш хизматлари рентабеллиги;

$Cf$  – сақлаш натижасида эришилган соф фойда суммаси;

$Q$  – сотилган маҳсулотнинг умумий қиймати.

Мазкур формулани сақлаш хизматларининг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқиб, биринчи галда маҳсулотларни

сақлаш натижасида эришилган фойда суммасини ( $C_{\phi}$ ) аниклаб олишни тақозо қиласы.

Ушбу күрсаткычны аниклашда икки хил йұналишни инобаттаға олиш лозим. Биринчи йұналиш – маҳсулотни етиштирган фермер (декон)нинг фойдасини аниклашга қаратылса, иккінчи йұналиш етиштирилган маҳсулотни сотиб олиб, үзининг совитгичига қўйиб, саклаб соттаган тадбиркор учун аникланади.

Маҳсулотни етиштирган фермер (декон)нинг саклаб сотишдан олган фойдасини аниклаш учун маҳсулотни сақлаш, саралаш, ортиш, тушириш, ташиш каби ҳаражатлар миқдорини кўшиб, маҳсулотни сотиши пайтидаги умумий нархидан ( $C_n$ ) айрилади. Ушбу миқдорга сақлаш жараёнида йўқотилган, яъни нобуд бўлган маҳсулотлар қийматини ( $M$ ) ҳам кўшиш лозим бўлади. Чиққан натижани сақлашга қўйилган олманинг умумий миқдорига ( $R$ ) кўпайтирамиз. Бу куйидагича хисобланади:

$$C_{\phi} = [C_n - (Cx + Tx + Bx) + M] * R;$$

Бунда:  $C_{\phi}$  – фермер (декон)нинг олмани саклаб сотишдан олган соф фойдаси;

$C_n$  – сақлашга қўйилган маҳсулотнинг сотиши пайтидаги нархи;

$Cx$  – маҳсулотларни сақлаш ҳаражатлари;

$Tx$  – маҳсулотларни ташиши ҳаражатлари;

$Bx$  – маҳсулотларни саралаш, ортиш, тушириш каби бошқа ҳаражатлар;

$M$  – сақлаш жараёнида нобуд бўлган маҳсулотлар қиймати;

$R$  – сақлашга қўйилган олманинг умумий миқдори.

Энди декон етиштириб, сакламасдан соттаган пайтда тадбиркор харид килиб, совитгичга сақлашга қўйиб соттандан кейинги фойдасини аниклаш усулини қараб чиқамиз.

Тадбиркорнинг сақлашга қўйилган маҳсулотидан олинган фойдасини аниклаш учун, юқоридаги формуладаги ҳаражатлар тизимиға маҳсулотни йиғиширилган пайтидаги нархини ( $M_{\phi}$ ) кўшиб, хисоблаш лозим бўлади. У ҳолда, тадбиркорнинг сақлаш натижасида эришилган соф фойдасининг умумий ҳажмини аниклаш учун куйидаги формуладан фойдаланишни тавсия қиласмиз:

$$C_{\phi} = [C_n - (M_{\phi} + Cx + Tx + Bx) + M] * R;$$

*Бунда: Мийн – маҳсулотни ийгишилган пайтда сақлаамасдан сотгандаги нархи.*

Ушбу маълумот аниқлангач, маҳсулотни сақлаш самарадорлигининг мухим кўрсаткичларидан бири рентабелликнинг даражасига баҳо бериш мумкин бўлади. Сақлаш хизматларининг ўзига хос хусусиятларини ифода этган ушбу кўрсаткичнинг умумий формуласи қўйидагича ифодаланади:

Фермер (дехкон) сақлаб сотган пайтдаги рентабеллик қўйидагича аниқланади:

$$Pc = \frac{[Cn - (Cx + Tx + Bx) + M] * R}{(R - U) * p_1} * 100;$$

Етиштирилган маҳсулотни тадбиркорнинг сақлаб сотиш эвазига эришгандаги рентабеллик кўрсаткичи қўйидагича аниқланади:

$$Pc = \frac{[Cn - (Myn + Cx + Tx + Bx) + M] * R}{(R - U) * p_1} * 100;$$

Тадқиқотларимиз натижасида ушбу усулни бемалол амалиётга кўллаш мумкинлигига амин бўлдик. Мисол тариқасида Жиззах вилоятида жойлашган боғдорчиликка ихтисослашган “Абдурахим Каршибоев” номли фермер хўжалиги раҳбари, фермер (дехкон) Раҳматулла Донобоевнинг<sup>130</sup> 2010-2015 йиллар давомида етиштирилган олмасининг бир қисмини совитгичда сақлаш самарадорлигини таҳлил қилиб кўрдик. Ушбу тадбиркорнинг беш йил давомида ўзи етиштирилган олма маҳсулотини сақлашини тажриба сифатида кузатиб бордик.

Тажриба натижасида сақлаш самарадорлигига баҳо берилди. Бунинг учун сақлаш жараёнида қилинган харажатлар ва олинган даромадларни ҳамда сақлаш натижасида эришиладиган самарадорлик ва рентабеллик кўрсаткичларининг ҳолатини кўриб чиқиши лозим, деб топдик<sup>131</sup>. Бунинг учун юкорида ишлаб чиқилган усулларимизнинг ҳаётийлигини амалиётда синааб кўришни мақсад қилиб қўйдик. Мазкур ҳолатда ҳисоб-китобларнинг қулагилгини таъминлаш мақсадида, бир килограмм олманинг сақланишига кетган харажатларни ва ушбу миқдор доирасида эришилган

<sup>130</sup> Тадбиркорнинг фамилияси ва исми ўзининг илтимосига биноан ўзгартириб берилмоқда.

<sup>131</sup> Жиззах вилоятининг Бахмал туманида боғдорчиликка ихтисослашган “Абдурахим Каршибоев” номли фермер хўжалигига ўтказилган тажриба натижалари.

фойдани аниқлаш усулини ҳам келтирдик. Натижада саклашга қўйилган ва сотиш давридаги маҳсулотнинг умумий ҳажми ва уларга мос равища харажатлар ҳамда фойда суммалари ҳам аник хисоб-китоб қилинди.

Ушбу усууларнинг ҳаётлигини қўрсатиш учун, уни амалиётда қўллаб кўрдик ва бир канча ижобий натижаларни қўлга киритдик. Ўтказилган тажрибаларимиз натижаси бўйича куйидаги таҳлилий жадвални тузишни тавсия қиласиз (8.3-жадвал).

### 8.3-жадвал

#### **Жizzах вилоятида жойлашган боғдорчиликка ихтисослашган**

**“Абдурахим Каршибоев” номли фермер хўжалигига  
етиширилган маҳаллий “Кримсон” навли олмани саклаш  
самарадорлигини аниқлашнинг 2010-2015 йиллар бўйича  
хисоб-китоби<sup>132</sup>**

Т/п	Кўрсаткичлар	Йиллар				
		2010	2011	2012	2013	2015
1.	Саклашга қўйилган олманинг умумий микдори, кг	6330	6800	6500	5820	5000
2.	Олманинг сакланишга қўйилган пайтидаги ўртача нархи, сўм	800	1100	1250	1800	2010
3.	Саклаган пайтидаги олманинг умумий суммаси, минг сўм (1к * 2к)	5064,0	7480,0	8125,0	10476,0	10050,0
4.	Саклангандан кейин олмани сотиш пайтидаги умумий микдори, кг	6160	6625	6323	5656	4863
5.	Олмани сотиш пайтидаги ўртача нархи, сўм	3000	3740	4250	4845	5200
6.	Сотилган олманинг умумий қиймати, минг сўм (4к * 5к)	18480,0	24777,5	26872,8	27403,3	25287,6

<sup>132</sup> Маълумотлар Жizzах вилоятида жойлашган боғдорчиликка ихтисослашган “Абдурахим Каршибоев” номли фермер хўжалигига этиширилган маҳаллий “Кримсон” навли олмани саклаш самарадорлигини аниқлашнинг 2010-2015 йиллар бўйича хисоб-китоби асосида шакллантирилди.

7.	Сақлаш жараёнида нобуд бўлган маҳсулотнинг миқдори, кг.	170	175	177	164		137
7a.	Сақлаш жараёнида нобуд бўлган маҳсулотнинг қиймати, минг сўм ( $5\text{к} \cdot 7\text{к}$ )	510,0	654,5	752,3	794,6		712,4
8.	Сақлаш жараёнида нобуд бўлган маҳсулотларнинг улуши, %	2,69	2,58	2,72	2,81		2,74
9.	Олмани сақлаш, ташиб ва бошқа сақлаш билан боғлиқ ҳар бир кг. учун қилинган харажатлар, сўм	308,8	373,6	477,9	639,9		714,6
10.	Сақлаш учун кетган умумий харажатлар суммаси, минг сўм ( $1\text{к} \cdot 9\text{к}$ )	1954,7	2540,5	3106,4	3724,2		3573,0
11.	Олманинг бошланғич нархи ва барча харажатлар суммаси, минг сўм ( $2\text{к}+9\text{к}$ )	1108,8	1473,6	1727,9	2439,9		2724,6
12.	Тадбиркорнинг бир кг олмадан қилган фойдаси, сўм ( $5\text{к} - (2\text{к} + 10\text{к})$ ёки ( $5\text{к} - 11\text{к}$ ))	1891,2	22266,4	2522,1	2405,1		2475,4
13.	Тадбиркорнинг сақлашга кўйилган жами маҳсулотдан олган фойдаси, сўм ( $4\text{к} \cdot 12\text{к}$ )	11649,8	15014,9	15947,2	13603,3		12037,9
14.	Маҳсулотларни сақлаш харажатлари самарадорлиги, минг сўм ( $6\text{к} : 10\text{к}$ )	9,45	9,75	8,65	7,36		7,08
15.	Харажатлар	100,0	103,2	91,5	77,9		74,9

	самарадорлигининг ўсиш суръати, %					
16.	Махсулотлар рентабеллиги, % (13к : 6к * 100)	63,0	60,6	59,3	49,6	47,6
17	Махсулот рентабеллигининг ўсиш суръати, %	100,0	96,2	94,1	78,7	75,5
18.	Фермер (дехқон)нинг 1 кг олмани сақлашдан олган фойдаси, сўм(5к – 9к)	2691,2	3366,4	3772,1	4205,1	4485,4
19.	Фермер (дехқон)нинг махсулотни сақлашдан олган жами фойдаси, минг сўм(18к * 4к)	16577,8	22302,4	23851,0	23784,0	21812,5
20.	Фермер (дехқон)нинг махсулотни сақлаш жараёнида қилган барча харажатлари самарадорлиги, минг сўм(19к / 10к)	8,48	8,78	7,68	6,39	6,10
21.	Фермер (дехқон)нинг махсулотни сақлаш жараёнида қилган барча харажатлари самарадорлигининг ўзгариш суръати, %	100,0	103,5	90,6	75,4	71,9

Мазкур жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, олма  
йигиштирилган куз пайтида (2010 йил сентябрь ойида) бир кгнинг  
нархи 800 сўм бўлган. Фермер (дехқон) шу пайтда 6330 кг олмани  
сақлашга қўйган. Уни сотиш пайтида (2011 йил февраль ойида)  
унинг нархи 3000 сўмга етган. Сақлашга ва бошқа тадбирларга  
кетган харажатлар, сақлаш жараёнида нобуд бўлган махсулотлар  
каби йўқотишиларнинг умумий суммаси ҳар бир килограмм учун  
308,8 сўмни ташкил қилган. Ушбу маълумотлар асосида 1 кг  
олмадан қилинган дехқоннинг фойдасини аниқлаб олиш мумкин:

$$3000 - 308,8 = 2691,2 \text{ сўм}$$

Аммо бир қисм олмани совитгичнинг эгаси, шахсий тадбиркор ҳам сотиб олиб, сақлашга қўйган. Унинг шу даврда ушбу нархда сотган ҳолдаги фойдаси 1891,2 сўмни ташкил қиласди:

$$3000 - (800 + 308,8) = 1891,2 \text{ сўм}$$

Шу йилнинг февраль ойида олмани кўтара сотган паллада унинг чириши, куриши эвазига олмани саралаганда, 6160 кг маҳсулот чиқди. Бу ерда олмани узоқ сақлаш натижасида, унинг ҳар бир килограммидан олинадиган фойдаси дехқон учун 2108,8 сўмни ташкил қиласди. Бу ҳолда унинг умумий фойдаси 16577,8 минг сўмга teng:

$$6160 * 2691,2 = 16577,8 \text{ минг сўм}$$

Шахсий тадбиркор, яъни совитгич эгасининг фойдаси ҳар бир кг олмадан 1891,2 сўмни ташкил қиласган ҳолда хисоб-китоб қилинганда, 11649,8 минг сўм бўлиши аниқланди:

$$6160 * 1891,2 = 11649,8 \text{ минг сўм}$$

Ушбу ҳолат тадбиркор учун ҳам, фермер учун ҳам фойдали эканлигини кўрсатади. Бу ерда тадбиркор факат харид қилиб, сақлаш эвазигагина фойда қилмокда. Дехқон эса, уни экиб сотгунча бўлган жараёнда меҳнат қиласган. Шу туфайли, унинг фойдаси тадбиркорнинг фойдасига нисбатан юқори бўлиши табиий. Ҳақиқатда, фермернинг фойдаси тадбиркор фойдасига нисбатан 142,3 %га кўп бўлган.

$$16577,8 * 100 / 11649,8 = 142,3 \%$$

Энди маҳсулотни сақлашдан қиласган фойдаси ва умумий самарадорлигини аниқлаш учун, юқорида таъкидланганидек, иккита кўрсаткичдан фойдаланилади. Буларга:

- маҳсулотни сақлаш натижасида кетган харажатлар самарадорлиги;
- маҳсулотни сақлаш натижасида эришилган умумий самарадорлик, яъни рентабеллик кўрсаткичлари олинади.

Мавсум давомида шу маҳсулотни сақлаш учун кетган харажатлар самарадорлигини аниқлаш учун, сақлаш натижасида эришилган фойдадан сақлаш давомида қилинган барча харажатларига сақлаш жараёнда йўқотилган маҳсулотлар ҳажми қўшилиши (Сх) лозим бўлади. Ушбу кўрсаткичга янада аниқлик киритиш учун, сақлаш давомида йўқотилган маҳсулотлар ҳажми ҳам аниқланади. Бунинг миқдори шу мавсум давомида 170 кг ни (6330 - 6160) ташкил қиласди. Сақлаш жараёнда йўқотилган маҳсулотга кетган харажатларнинг миқдори 510,0 минг сўмни ташкил қиласди:

$$170 * 3000 = 510,0 \text{ минг сүм}$$

Энди дәхқоннинг олмани сақлашга кетган харажатлари самарадорлигини аниқлаш мумкин. Бунда барча сотилган маҳсулот умумий қийматини харажатларнинг умумий суммасига нисбати олинади ва унинг микдори 9,45 сүмга тенгдир:

$$(18480,0 / (6330 * 308,8) = 9,45 \text{ сүм.}$$

Мазкур кўрсаткич, бир килограмм олма учун 100 сүм харажат қилинган бўлса, у 9,45 сүм фойда келтирганлигини ифодалайди. Сақламасдан сотганда фермернинг фойдаси ва мос равишда унинг самарадорлиги ҳам паст бўлган бўларди. Кўриниб турибдики, мазкур кўрсаткичининг ҳажми йилдан-йилга камайиб бормоқда. 2015 йилда маҳсулотларни сақлашга кетган харажатлар самарадорлиги 7,08 сүмни ташкил қиласди.

$$25287,6 / (5000 * 714,6) = 7,08 \text{ сүм}$$

Бу 2010 йилга нисбатан 2,37 сүмга (7,08 – 9,45) ёки 25,1 %га  $[100 - (7,08 / 9,45) * 100]$  кам демакдир. Таҳлил натижаси шуни кўрсатмоқдаки, келажақда мазкур ҳолатда харажатлар самарадорлигини ошириш борасида тегишли тадбирларни амалга оширишлари ва тежамкорлик режимига амал қилиш билан сотилган маҳсулот ҳажмини муттасил ошириб борини чораларини кўришлари лозим.

Иккинчи кўрсаткични аниқлашда ҳам самарадорликнинг умумметодологик усулидан фойдаланган ҳолда ёндашиб мумкин, яъни самарадорликни баҳолашда натижани харажатларга ёки ушбу жараёнда фойдаланилган мавжуд ресурсларга бўлиш йўли билан хисобланади. Бу ерда натижа сифатида маҳсулотларни сақлаб сотган пайтдаги тушум ва уни сақлаш эвазига олинган фойда ҳажми олинади. Мисолимизда келтирилган маълумотлардан фойдаланиб, маҳсулотни сақлаш натижасида эришилган маҳсулотлар рентабеллиги 63,0 %га тенг бўлади:

$$11649,8 : 18480,0 * 100 = 63,0 \%$$

Бундан шундай хулоса қилиш мумкинки, тадбиркор ҳар 100 сүм сотилган маҳсулотидан 63 сүм фойда олмоқда. Унинг бир мавсумда сақлаб сотган маҳсулотининг ҳажми 6160 кг ни, ҳар бир кг олмадан олинган фойдаси 1891,2 сүмни ташкил қилишини инобатга оладиган бўлсақ, шу даврда қилган умумий фойдаси 11649,8 минг сүмни ташкил қиласди:

$$6160 * 1891,2 = 11649,8 \text{ минг сүм}$$

Күриниб турибдики, ушбу усул пировардида саклаш харажатлари самарадорлигига баҳо бериш баробарида, тегишли хуласалар чиқариш билан бирга, бошқарув қарорларини қабул килиш имконини ҳам яратади.

Бугунги кунда маҳсулотларни саклаш нафакат иқтисодий, балки муҳим ижтимоий аҳамиятга эга эканлигини инобатга олинадиган бўлса, унинг самарадорлиги факат ушбу кўрсаткичлар билангина чекланиб қолмайди, чунки мазкур кўрсаткич факат масаланинг иқтисодий жиҳатинигина характерлайди.

Маҳсулотларни саклаш самарадорлигининг ижтимоий жиҳатини инобатга олган ҳолда аниқлаш ва уни иқтисодий самарадорлик билан уйғунлаштиришга ҳам тегишли аҳамият берилиши лозим. Зоро, ушбу тадбирларнинг барчаси аҳолининг ҳаёт даражаси ва сифатини таъминлашга қаратилганлиги, ўзимизга хос тарақ-киётнинг асосий негизини ташкил қиласи. Шу жиҳатдан ижтимоий самарадорликка қўйидагилар киради:

- аҳоли кузда етиштирилган маҳсулотини йил бўйи истеъмол қилиш имкониятига эга бўлади;
- шу даврда хориждан олиб келинган маҳсулотга нисбатан 2,0 – 2,5 баробар арzon сотиб олиш имконияти яратилади;
- дехқонлар ҳам маълум миқдорда фойда олиш ҳамда ўз фаолиятини диверсификация ва модернизация қилиш имконияти туғилади.

Тадқиқот натижалари, фермер маҳсулотни совитгичларда саклаб сотганда, анъанавий усулда саклаб сотганига нисбатан анча самарали эканлигини, пировардида аҳолининг яшаш даражаси ва сифатининг ошиб бориши учун моддий асос яратилганлигини кўрсатди.

### **8.3. Маҳсулотларни саклаб сотиш ҳажми, фойдаси ва рентабел-лигини ўзгариш тенденцияларининг қиёсий таҳлили**

Таҳлилнинг вазифаси имкониятларни топиш билан чекланиб қолмайди, балки ҳар бир кўрсаткичнинг ўзгариш тенденциясини аниқлаб, бир қанча йиллар давомида ушбу кўрсаткич кай даражада ўзгарганлигига ҳам баҳо бериш лозим. Бунда сотиш самарадорлигининг динамикасига баҳо бериш орқали, унинг йўналишларига ташхис кўйиш мумкин бўлади. Зоро, таҳлилий кўрсаткичларни шакллантирадиган бир қанча умумий кўрсаткичлар динамика-

сининг қиёсий таҳлили айнан шу саволга жавоб топиш учун кўл келади. Буларни иnobатга олиб, ўрганилаётган кўрсаткичларнинг ҳолатига ва ўзгариш тенденциясига баҳо бериш учун, унинг динамикасини бир неча йиллар бўйича ҳисоб-китоб қилиш мақсадга мувофиқдир (8.4-жадвал).

#### 8.4-жадвал

#### **“Bahmal Golden Apple” қўшма корхонасида маҳсулотларни сотиш ва соф фойдасининг 2007-2015 йиллардаги динамикаси<sup>133</sup>**


Йиллар	Маҳсулот (товар, иш, хизмат)ларни сотишдан соф тушум ва бошқа даромадлар		Соф фойда		Рентабеллик даражаси, соф фойданинг сотилган маҳсулотга нисбати	
	Суммаси,млн. сўм	Ўсиш суръати,%	Суммаси,млн. сўм	Ўсиш суръати,%	Даражаси,%	Ўсиш суръати,%
2007	1781,1	100,0	1047,5	100,0	58,81	100,0
2008	1616,0	90,7	962,5	91,9	59,56	101,3
2009	1254,2	70,4	765,2	73,1	61,01	103,7
2010	3572,0,	200,0	2457,5	234,6	68,80	117,0
2011	8400,1	471,0	5899,4	563,2	70,23	119,4
2012	10425,2	585,3	7521,8	718,1	72,15	122,7
2013	11872,3	666,6	8835,4	843,5	74,42	126,5
2014	12325,2	692,0	9314,1	889,2	75,57	128,5
2015	14526,0	815,6	11295,2	1078,3	77,75	132,2

Мазкур жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, “Bahmal Golden Apple” қўшма корхонасида маҳсулотларни сотиш ҳажми 2007-2015 йиллар давомида 815,6 %га ошган. Соф фойда суммасининг шу таҳдил давридаги ўсиш суръати жуда юкори, яъни 1078,3 %га teng бўлган. Соф фойданинг жадаллик коэффициенти сотилган маҳсулот ҳажмига нисбатан 1,32 га teng ( $1078,3 / 815,6$ ). Шунки эътиборга олиш лозимки, натижа кўрсаткичининг динамикаси ўрнига унинг жадаллик коэффициентини аниқласа хам

<sup>133</sup> “Bahmal Golden Apple” қўшма корхонаси маълумотлари яосинда муаллиф ҳисоб-китоби.

етарли бўлади. Чунки амалиётда натижада кўрсаткичининг жадаллик коэффициенти унинг ўзгариш динамикасининг даражасига тенг бўлади. Буни жадвалда ҳам кўриш мумкин. Хуллас, фойда суммасининг сотилган маҳсулот ҳажмига нисбатан тез суръатлар билан ўсиши, рентабеллик даражасининг ошиб боришига сабаб бўлган.

Агарда фойда суммасига нисбатан сотилган маҳсулот суммасининг ўсиш суръати юқори бўлганда, рентабеллик кўрсаткичининг даражаси ҳам, динамикаси ҳам пасайиш тенденциясига эга бўлган бўлар эди. Ҳозирги ҳолатда рентабеллик даражаси 2007 йилда 58,81 %га тенг бўлган бўлса, 2015 йилга келиб, 77,75 %гача кўтарилиган ёки шу даврда унинг ўсиш суръати 132,1 %га тенг бўлган. Ушбу ҳолатни мазкур кўрсаткичлар динамикасининг графигида ҳам яқкол кўриш мумкин (8.1-расм).



8.1-расм. “Bahmal Golden Apple” кўшима корхонасида сотилган маҳсулотлар соф фойда ва рентабеллик кўрсаткичларининг 2007-2015 йиллардаги динамикаси графиги<sup>134</sup>.

<sup>134</sup> 8.1-расмда мазъумотлари асосида тузилди. Мазкур графикда келтирилган 1-катор – маҳсулот (товар, иш, хизматларни сотишдан соф тушум ва бошка даромадларининг ўзгариш чизиги; 2-катор – соф фойда суммасининг ўзгариш чизиги; 3-катор – рентабеллик даражаси, соф фойданинг сотилган маҳсулотта чирабатининг ўзгариш чизиги.

Мазкур графикдан күриниб турибдики, соф фойда суммаси “Bahmal Golden Apple” күшма корхонаси очилган ва фаолият күрсатишни бошлаган 2007 йилдан бошлаб маҳсулот (товар, иш, хизмат)ларни сотишдан соф тушумга нисбатан юқори бўлган. Рентабеллик даражаси ҳам 2007 йилдан 2015 йилгача барқарор равишда ўсиш тенденциясига эга. Ушбу ҳолатга мазкур маълумотлар асосида баҳо бериладиган бўлса, шуни таъкидлаш мумкинки, 2010 йилдан бошлаб барча кўрсаткичларда кескин ўсиш тенденцияси кузатилган. 2007-2015 йилларда сотилган маҳсулот-нинг ўсиш даражаси 815,6 %ни ташкил қилган бўлса, соф фойданинг ўсиш даражаси энг юқори, яъни 1078,3 %ни ёки 10,8 баробарни ташкил қилган. Натижада рентабеллик даражаси ҳам ўсиш тенденциясига эга бўлган. Шу даврда мазкур кўрсаткич 132,2 % га ўсган.

Албатта, бунга бир қанча бошқа омиллар ҳам таъсир қилиши мумкин. Буларни аниқлаш учун, мазкур кўрсаткичининг омилли таҳлилини ўтказиш ва унинг турли омиллар билан боғликларини ўрганиш лозим бўлади.

Хозирги шароитда ҳар қандай жараённинг ёки харакатларнинг самарадорлигини ошириш масаласи ўта долзарб масалалар сирасига кирадиган бўлди. Шу нуқтаи ҳазардан, маҳсулотларни сотиш хизматлари самарадорлигини оширишининг асосий йўналишларини аниқлаш масаласи ҳам долзарб ва устувор вазифалардан бирига айланди. Чунки ушбу хизматнинг даражаси аҳолининг фаровонлиги, ҳаёт даражаси ва сифати билан бевосита боғлиқ бўлиб бормоқда.

## **9-бөб. МАҲСУЛОТЛАРНИ СОТИШ ХИЗМАТЛАРИ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ВА УНИНГ ТАШКИЛИЙ ТАДБИРЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎЛЛАРИ**

### **9.1. Махсулотларни сотиш хизматлари самарадорлигини оширишнинг объектив зарурлиги**

Мамлакатимиз иқтисодиётини ислоҳ қилиш ва озиқ-овқат цасури ижросини таъминлаш мақсадида қишлоқ хўжалик махсулотларни ишлаб чиқариш, уни сақлаш ва сотиш хизматларини кўрекутувчи субъектларниң улуши йилдан-йилга оширилиши сенапаштирилмоқда. Мазкур масала юзасидан бир қатор карорлар қилиниб, соҳани ривожлантиришга оид чора-тадбирлар жосси тасдиқланди. Шу боис, ушбу соҳа корхоналари фаолияти самарадорлигини ошириш алоҳида тадқикот объекти сифатида қизарий ва амалий жиҳатдан ўрганилиши ҳамда тегишли таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишини тақозо этмоқда.

Махсулотларни сотиш хизматлари самарадорлигини ошириш бугунги кунда объектив заруриятга айланди. Унинг даражасини билиш учун эса, уларни ифодаловчи кўрсаткичлар тизимини ишлаб чиқишини тақозо қиласди. Мазкур масалалар билан мамлакатимизда Б.А.Абдукаримов, К.Б.Уразов, А.Н.Жабриев, М.Қ.Пардаев, Н.Р.Зугуров, А.Т.Кудбитдинов, А.Б.Бектемиров, Ш.С.Салимов, Э.Ш.Шавқиев, Ф.Б.Абдукаримов, А.Н.Холиков, Ж.А.Абиев, И.С.Очилов, Н.Э.Ибодуллаев, Р.А.Исломова, Ҳ.А.Рахимов, О.М.Пардаева, Ж.Р.Ураков, С.Хусенов, Н.У.Худайбердиев, М.Б.Аннаев, Ё.Ж.Исройлов, Д.Д.Пашаходжаева, М.Ш.Мардонов, Қ.Ж.Мирзаев, Ю.П.Ўринбаева, Ш.А.Султонов, Э.С.Файзиев каби олимлар<sup>135</sup> шуғулланмоқдалар. Ушбу олимларнинг самарадорлик

<sup>135</sup> Абдукаримов Б.А. Ички савдо иқтисодиёти. Дарслик. –Т.: “Фан ва технологиялар”, 2007, 61-64 б., Абдукаримов Б.А. Ички савдо иқтисодиёти. Дарслик 1-кисм. –Т.: “Фан ва технологиялар”, 2008, 134-17 б., Абдукаримов Б.А. ва бешкалар. Корхона иқтисодиёти. Дарслик. –Т.: “Фан”, 2005, 122-141 б. Абдукаримов Б.А. ва бешкалар. Корхона иқтисодиёти. Дарслик. –Т.: “Фан ва технология” нашриёти, 2013, 146-168 б., Пардаев М.Қ. ва бешкалар. Хизмат кўрсатиш тармоклари иқтисодиётинин: алрим муаммолари. Монография. – Т.: “Наорӯз” нашриёти, 2014, 48-61 б. Уразов К.Б. Худайбердиев Н.У., Аннаев М.Б. Исройлов Ё.Ж., Пашаходжаева Д.Д., Мардонов М.Ш. Хизмат кўрсатиш саҳаси корхоналаридан бухгалтерия хисоби ва аудитнинг долзарб муаммолари. Монография. – Т.: “Иқтисодиёт” нашриёти, 2011, 260 б., Мирзаев Қ.Ж. АгроСервис иқтисодиёти. Монография. – Т.: “Иқтисод-молия” нашриёти, 2013, 212 б. Мирзаев Қ.Ж. АгроСервис хизматлари самарадорлигини оширишнинг методологик масалалари. Монография. – Т.:

масаласига ташкилий-иктисодий тадбирлари бўйича қарашлари бир-биридан мазмуни, шакли ва кўрсаткичлар сони билан ҳам фарқ қилади. Айрим олимларнинг асарларида самарадорлик кўрсаткичлари билан самарадорлик мезонига бир хил тушунчалар сифатида қарабган. Буларни инобатга олиб, ушбу масалани назарий, методологик ва амалий жиҳатдан тадқик қилишни мақсадга мувофик, деб топдик.

Маҳсулотларни сотиш хизматлари самарадорлигини оширишни икки босқичда қараб чиқишини тавсия қилмоқдамиз.

Биринчидан, маҳсулотларни сотиш хизматларининг объектив зарурлиги. Чунки етиширилган ва ишлаб чиқарилган маҳсулотлар, албатта истеъмол қилиниши ва бунинг учун сотилиши кераклиги.

Иккинчидан, маҳсулотларни сотиш жараёни албатта самарали бўлишлиги ҳам объектив заруриятдир. Чунки ушбу жараёнда самарадорлик бўлмаса, у билан шуғулланувчи тадбиркор ҳам ўз фаолиятини тўхтатишга мажбур бўлади. Бу иккала жиҳат ҳам бир-бирига узвий боғлиқ жараёнлардир.

Етиширилган ва сақланиб турилган маҳсулотларни сотишнинг объектив зарурлиги, ахолининг озиқ-овқат, унинг таркибий қисми бўлган мева-сабзавот маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини кондиришда, қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг такрор ишлаб чиқарилишини ташкил қилишда, ахолининг ҳайёт даражаси ва сифатини оширишда иштирок этиши билан ҳам белгиланади. Маҳсулотни етиширувчи, сақловчи ва сотиш билан шуғулланувчи субъектларга пул маблағлари ҳам айни шу жараён натижасида келиб тушади ва улар фаолиятининг бардавомлиги учун иктисодий замин яратилади.

Яна бир жиҳат. Маҳсулотни сотиш жараёнида олинган даромадлар қилинган харажатларни қоплай олмаса, сотиш билан шуғулланадиган субъект фойда кўрмайдиган бўлса, бундай фаолият билан шуғулланадиган субъект касодга учрайди. Бу ҳолат сотиш жараёнининг самарадорлигини ошириш ҳам ҳозирги шароитда объектив заруратга айланганини яна бир бор кўрсатмоқда. Шу туфайли, мамлакатимизда мазкур масала билан бир гурух

“Иктисол-молия” нашриёти, 2010, 164 б., Ураков Ж.Р. Хизмат кўрсатиш корхоналари фаолияти самарадорлигини ошириш. Монография. – Т.: “Иктисолёт” нашриёти, 2013, 33 б., Ўринбекова Ю.П. Хизмат кўрсатиш соҳаси ва ахоли турмуш дарражаси: ўзаро боғликлари ва ривоҷланниш истикборлари. Монография. – Т.: “Файз” нашриёти, 2013, 144 б., Султонов Ш. Кичик бизнес ва ҳусусий тадбиркорлик: худудий муаммалар ва сўчинлари. Монография. – Т.: “Наврўз” нашриёти, 2013, 43-48 б., Файзиев Э.С. Сервис тизими фаолияти асослари. Ўкув кўлланма. – Самарқанд: “Зарифон” нашриёти, 2010, 73-106 б.

олимлар шуғулланиб келмоқдалар. Зеро, сотиш хизматлари самарадорлиги факат сотиш жараёнини қамраб олмасдан, балки барча иқтисодий жараёнлар ва фаолиятларнинг пировард мақсадини ўзида ифода этади.


Маҳсулотларни сотиш хизматларининг объектив зарурлиги, уларнинг сотилиши лозимлигидан келиб чиқади. Булар куйидагилардан иборат:

- етиштирилган ва сақланган маҳсулотларнинг сотилиш зарурати;
- аҳолини қишлоқ хўжалик маҳсулотлари билан йилнинг барча даврлари ва мавсумлари давомида узлуксиз таъминлаш зарурати;
- иқтисодий жараёнларнинг узлуксизлиги ва ҳаётийлигини таъминлаш мақсадида етиштирилган маҳсулотларнинг пулга айланиш зарурати;
- маҳсулотларни етиштиришга қўйилган маблағларнинг доиравий айланишида маълум фойда олиб, уларни кўпайтиришни таъминлаш зарурати;
- маҳсулотларни сотиш жараёнида бозор муносабатлари талабларидан бири бўлган тежамкорлик тамоилига амал қилиш лозимлиги;
- ҳар бир иқтисодий жараёндан, шу жумладан, сотишдан ҳам фойда олиш зарурлиги;
- сотиш билан шуғулланувчи корхоналарнинг иқтисодий хавфсизлигини, унинг барқарор тараққиётини таъминлашнинг зарурлиги;
- ушбу жараёнда сотиш билан шуғулланувчи ходимларнинг, савдо корхонасининг, тадбиркорнинг, давлатнинг, жамиятнинг манфаатлари уйғунлигини таъминлаш зарурати кабилар.

Ушбу объектив заруратлар куйидаги расмда ўз аксини топган (9.1-расм).

Мазкур расмдан ҳам кўриниб турибдики, маҳсулотларни сотиш хизматлари ва уларнинг самарадорлигини ошириш объектив зарурият эканлигини исботловчи иккита йўналиш мавжуд. Биринчи йўналиш, маҳсулотларни сотиш хизматларининг объектив зарурлиги, уларнинг сотилиши лозимлигидан келиб чиқади. Энг муҳими, маҳсулотларни ўз вақтида истеъмолчиларга етказиб бориш зарурати бўлса, иккинчидан, етиштирилган маҳсулотни сотиб,

тегишли маблаг тўплаб, яна шу жараённи давом эттириш заруратидан иборатдир.



#### 9.1-расм. Махсулотларни сотиш хизматлари ва уларнинг самарадорлигини оширишнинг объектив заруриятлари.

Биринчи ҳолат жамият манфаатига мос келса, иккинчи ҳолат бевосита тадбиркор манфаатига мосдир. Бундан давлат ҳам бир қанча йўналишлар бўйича (солик тушуми, бозорининг тўйиниши, экспорт имкониятининг мавжудлиги, накд пул тушумининг кўпайиши кабилар) манфаатдордир.

Жамият ҳаётида аҳолини маҳсулотлар билан йилнинг барча даврларида узлуксиз таъминлаш зарурати ҳам муҳим аҳамиятга эга. Чунки улар мева-сабзавотларни фақат мавсум даврида эмас, балки йилнинг ҳамма даврларида истеъмол қилиш заруратидан келиб чиқади. Таъкидланганидек, ушбу жараён иқтисодий жараёнларнинг узлуксизлиги ва ҳаётийлигини таъминлаш заруратини ҳам келтириб чиқаради. Чунки иқтисодий жараёнларнинг мавсумийлик ҳолатидан барқарор ҳаракатда бўлиши ҳам бутун иқтисодиёт учун аҳамиятлидир.

Иқтисодиётнинг барқарор ривожланишини таъминлашда маҳсулотларга кўйилган маблағларнинг доиравий айланишини таъминлаш зарурати ҳам мавжуд. Ушбу ҳолат маҳсулотларни такрор ишлаб чиқаришнинг узлуксизлигини таъминлаш имконини яратади.

Юқоридаги расмда маҳсулотларни сотиш хизматлари самарадорлигини оширишнинг объектив зарурлигини белгиловчи иккинчى йўналишдаги омиллар тизими ҳам келтирилган. Булар бир қанча сабабларга боғлиқ ва улар куйидагилар билан изоҳланади.

Иқтисодиётда асосий тамойиллардан бири, айниқса бозор муносабатлари шароитида, қатъий тежамкорлик тамойилига амал қилиндан иборатdir. Чунки тегишли микдорда маҳсулотларни сотишга ва даромад олишга эришиш мумкин, аммо тежамкорлик тамойилига амал қилинмаса, шунча ҳаракат билан ҳам заарга ишлашга тўғри келиб қолиши табиий. Шу туфайли, самарадорликни оширишнинг муҳим йўлларидан бири – бутун фаолият давомида тежамкорлик тамойилига амал қилиндан иборатdir.

Юқоридаги ҳолат бошқа жараёнлар билан ҳам узвий боғлиқdir. Чунки ҳар бир иқтисодий жараёндан, шу жумладан, сотишдан ҳам фойда олишга эришиш учун тежамкорликка амал қилинади. Бу эса, ўз навбатида, тадбиркорнинг манфаатини бевосида ўзида ифодалайди. Ҳар бир хўжалик юритувчи субъектнинг фойда олиб ишлаши жамият ва давлат манфаатларига ҳам мос келади. Барқарор фаолият кўрсатиб келаётган корхоналарда иш ўринлари қисқармасдан, бандлик масаласи таъминланиб бориши билан бирга, бозорнинг барқарорлиги таъминланади ва давлатга шу корхонадан солиқ тушумининг узлуксизлиги таъминланиб туради.

Ҳозирги шароитда сотиш билан шуғулланувчи корхоналарнинг иқтисодий хавфсизлигини, унинг барқарор тараққиётини таъминлашнинг зарурлиги ҳам ушбу жараёндан давлатнинг, жамиятнинг, тадбиркорнинг ва бевосита аҳолининг манфаатлари мавжудлигидан келиб чиқади. Чунки корхона иқтисодий хавфсизлигининг таъминланганлиги, унинг банкротликка учраб, ночор ҳолатга тушиб қолишидан химояланганлиги билан ўлчанади. Шундай экан, сотиш билан шуғулланувчи субъектлар самардорлиги ҳам бевосита уларнинг иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш билан боғлиқдир.

Юқорида келтирилган далилларнинг ҳаммаси сотиш билан шуғулланувчи ходимларнинг, савдо корхонасининг, тадбиркорнинг, давлатнинг, жамиятнинг манфаатлари уйғунлигини таъминлашга хизмат қилади. Манфаатлар бир-бири билан уйғунлашган жойда барча иқтисодий жараёнлар барқарор ва самарали ривожланиши учун тегишли шароит яратилади.

## **9.2. Мева-сабзавот маҳсулотларини чакана савдо корхоналарида сотишнинг ташкилий-иктисодий механизмлари ва уларнинг ўзига хос ҳусусиятлари**

Мева-сабзавот маҳсулотларини чакана савдо корхоналарида сотиш масаласи бугунги кунда муҳим масалалардан биридир. Чунки, совитгичлардан олинган мева-сабзавот маҳсулотларини чакана савдо корхоналарида саклашнинг оптимал муддатидан ошиб кетадиган бўлса, уларнинг бир қисми яроқсиз ҳолга келиши мумкин. Шу туфайли, ушбу масалага ҳам алоҳида аҳамият берилиши шарт. Бунинг учун маҳсулотларни сақлаш самардорлигини оширишга оид ташкилий-иктисодий тадбирларни ишлаб чиқиш ва уларни мувофиқлаштириш асосида такомиллаштириш керак бўлади.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ихтисослаштирилган мева-сабзавот дўконларида, озиқ-овқат дўконларининг бўлимлари ва секцияларида, шунингдек, мулкчиликнинг барча шаклларидаги павильонларда янги узилган сабзавот, ҳўл мева, узум, резавор мева, субтропик ўсимликлар, ёнғок, полиз маҳсулотлари, қўзикорин, ёввойи ҳолда ўсуви мевалар, картошка ва уларни қайта ишлашдан олинган маҳсулотлар сотилади. Ушбу савдо шаҳобчалари асосан

мева-сабзавот маҳсулотларини сотишга ихтисослаштирилган ва уларда тегишли шароит яратилган.

Айрим ҳолларда, айниқса байрамлар арафасида, мева-сабзавот маҳсулотлари ва картошка кўплаб келтириладиган мавсумий даврда, уларнинг савдоси туманлар, шахарлар ҳокимликлари, давлат солик хизмати ва санитария назорати органларининг рухсати билан лотоклар, тележкаларда, шунингдек, гузарлар, ярмаркалар ва ушбу мақсадлар учун ажратилган жойларда маҳсус ташкил этилган савдо усусларида амалга оширилади. Бунда маҳсулотлар бевосита фермер ва дәжконлар томонидан сотилади. Ушбу маҳсулотларнинг бир қисми маҳсулотларни сотишга ихтисослашган чакана савдо тармоғи ва уларни сақлаб сотадиган совитгич корхоналари ҳамда ташкилотлари томонидан ҳам таъминланади.

Амалдаги тартиб бўйича, мева-сабзавот билан савдо қилувчи корхоналар ва ташкилотлар қўшимча равишда қадоқланган бошқа озиқ-овқат маҳсулотлари: зиравор, кетчуплар, дориворлар, асал, ўсимлик мойи, туз, озиқ-овқат маҳсулотларига қўшиладиган 10 фоиздан ортиқ бўлмаган концентрацияли сирка кислотаси, мева-сабзавот шарбатлари ва чанқовбосди ичимликлар ҳам сотиши мумкин.

Хозирги пайтда, харидорлар учун қулайлик туғдириш мақсадида, мева-сабзавот маҳсулотлари билан савдо қилувчи айрим корхоналар ва ташкилотлар иш шароитларига караб, хўжалик маҳсулотлари: картошка-сабзавот тозалагич, шарбатсиккич, қопкоқлаш машиналари, ҳар хил идишлар, тикиш ва ўраш материаллари, кичик механизация воситалари, бөғ-полиз анжомлари, полиэтилен плёнка, мева-сабзавот экинлари ва бошқа қишлоқ хўжалиги экинларининг уруғлари ҳамда қўчатларини сотиш билан шуғулланмоқдалар. Фикримизча, ушбу тадбирни мева-сабзавот маҳсулотлари билан савдо қилувчи барча савдо шахобчаларида ташкил қилиш мақсадга мувофиқ.

Хозирги пайтда деярли барча мева-сабзавот маҳсулотлари билан савдо қилувчи дўконларда ўз-ўзига хизмат кўрсатиш усули жорий қилинган. Бундай дўконларда савдога тайёрланадиган маҳсулотлар дўконларнинг маҳсус хонасида боягламланади, қадоқланади, овқат тайёрлаш учун тўплам қилиб қўйилади, ил ва полиэтилен тўрхалталарга, қопчаларга ва бошқа ўраш-жойлаш

материалларига жойланади ҳамда маркаланади. Ушбу тайёрланган маҳсулотларнинг вазни ва нархи кўрсатиб қўйилган бўлиши лозим.

Дўконларда тортиб сотиладиган картошка, мева-сабзавот маҳсулотларининг вазни харидорга кўринарли жойда, белгиланган идишда тортишга йўл қўйилади. Шуни таъкидлаш жоизки, тузланган карам, тузланган ва сиркаланган қўзиқорин, амалдаги техник регламентлар ёки стандартларга мувофиқ, фоиз нисбатларидаги шарбат, тузли ва сиркали сув билан бирга сотилади. Бундай мева-сабзавот маҳсулотларини сотишда суюқлик маҳсулот тортиб бўлингандан сўнг, харидор илтимосига кўра қўшилиши кўзда тутилган. Юқорида кўрсатилган маҳсулотларни сотишда маҳсус анжомлар: қошиқ, вилка, куракчалар каби мосламалардан фойдаланиш мақсаддага мувофиқ.

Одатда, сотувчи харидорга картошка, мева-сабзавот маҳсулотларини сотишда савдо жараёнида вужудга келган яроқсиз ва сифати паст маҳсулотларни ажратиб ташлашга мажбур. Агар уларнинг сифати паст бўлиб, истеъмолга яроқсиз бўлса, фақат ташланиши, агар истеъмолга яроқли бўлса, бундай мева-сабзавот маҳсулотларини қайта ишлашни ташкил қилиш лозим.

Тадқиқот жараёнида музлаттичдан олинган мева-сабзавот маҳсулотларини чакана савдо корхоналарида сақлаш муддатларини оптималлаштириш ва маҳсулотларни йўқолиши даражасини камайтириш билан боғлиқ ташкилий-иктисодий тадбирларни такомиллаштириш бўйича тегишли таклифлар ишлаб чиқилди.

Савдо шахобчаларида сотиш ишларини ташкил этиш ва сотиш жараёнида турли ташқи омиллар таъсири эвазига маҳсулотлар сифатининг пасайиши ва йўқолиши кузатилади. Маълумки, амалдаги меъёрларга мувофиқ, савдога қўйиладиган мева-сабзавот маҳсулотлари навларга ажратилган, стандартлар талабларига кўра сараланган бўлиши талаб этилади. Маҳсулотларнинг яроқсизлик даражаси ва чиқит микдори олмалар учун 5 фоиздан, данакли мевалар ва узум учун 10 фоиздан ортиқ бўлмаса, ушбу маҳсулотлар навларга ажратилмасдан сотилиши мумкин.

Совитгичлардан олинган олма, нок ва цитрус каби мева-сабзавотларни савдо залларида сақлаш муддати 24 соатни ташкил этади. Белгиланган муддатда сотилмаган маҳсулотлар сифатининг бузилиши эвазига, маҳсулотнинг табиий камайиши ва бир қисмининг истеъмолга яроқсиз ҳолга келиб қолиши, савдо хизмати

субъектлари харажатларининг ошишига ҳамда самарадорлигининг пасайишига сабаб бўлмоқда.

Мазкур савдо хизмати субъектлари самарадорлигига салбий таъсир этувчи омилларни олдини олиш мақсадида, мева-сабзавот маҳсулотларини чакана савдо шахобчаларида сақлаш ва сотиш ташкилий тадбирларини жорий этиш мақсадга мувофиқлиги асосланди.

Чунки салбий таъсир этувчи омилларни бартараф қилинмаса, ижобий таъсир килувчи омилларининг таъсири ҳам сезилмасдан колади.

Тадқиқотлар натижасида чакана савдо қоидаларига савдо шахобчаларида мева-сабзавотларни сотишни ташкил этишда маҳсус совитгичлар билан жиҳозлаш зарурлиги тўғрисидаги куйидаги меъёрларни киритиш асосланди. Мева-сабзавот маҳсулотлари билан савдо қиласидаги чакана савдо корхоналарида кунлик савдо ҳажмига мос равишда 1-2,5 тониалик совитгич ўрнатилиши тавсия этилди. Совитгичнинг ҳажми, мос равишда, сотиш микдори ўзгаришига қараб, кўпайиши ёки камайиши мумкин (9.1-жадвал).

#### 9.1-жадвал

#### **Сотиш дўконларига совитгичларни ўрнатиш ва уларнинг ҳажмини аниқлаш ҳисоб-китоби**

Т/р	<b>Маҳсулотларни сотиш ҳажми</b>	<b>Талаб этиладиган совитгич ҳажми</b>	
		<b>Мева</b>	<b>Сабзавот ва полиз маҳсулотлари</b>
1.	0,25	0,5	0,5
2.	0,50	0,5	0,5
3.	0,75	1,0	1,0
4.	1,0	1,5	1,5
5.	1,5	2,0	2,0
6.	2,0	2,5	2,5

Мева-сабзавот ва полиз маҳсулотлари билан савдо қиласидаги шахобчалар совитгич бўлмаган пайтда кунлик сотиш ҳажмидаги маҳсулотларни олиб келади. Совитгич ўрнатилгандан сўнг 3

кунлик маҳсулотни олиб келиш имконияти туғилади. Бу савдо корхонасининг транспорт харажатларини тежаш, шу ҳисобдан умумий харажатларини камайтириш имконини беради.

Мева-сабзавот ва полиз маҳсулотлари билан бир вактнинг ўзида савдо қиласиган дўконлар учун маҳсулотларни алоҳидагина сақланишини таъминлаш мақсадида, икки камералик совитгичлар ўрнатилиши зарур. Чунки ушбу ташкилий тадбирни амалга ошириш натижасида маҳсулотларни саклаш муддати 3-3,5 баробарга узайиши ва харажатларнинг 2,0-2,5 % тежалиши аниқланди (9.2-жадвал).

#### 9.2-жадвал

#### **Маҳсулотларни совитгичларда сақлаб сотганда анъанавий усулга нисбатан эришиладиган харажатлар тежамкорлигининг ҳисоб-китоби**

Сақлаш усуллари	Харид қилинган маҳсулот миқдори, кг	Со-тиш ҳажми, кг	Йўқо-тиш мельёри, кг	Со-тилган маҳсулотнинг соф миқдо-ри, кг.	Мах-су-лот со-тиш ба-хоси, минг сўм	Ял-пи ту-шум мли, сўм	Мах-сулот та-шиш хара-жатла-ри, минг сўм	Сақлаш ха-ра-жат-ла-ри, минг сўм	Йўқо-тиш сума-си, минг сўм	Жами хара-жатлар, минг сўм (8+9+10)	
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	
Анъанавий усулда	300	250	5,4	244,6	3,6		880,6	60,0	0	16,2	72,2
Совитгич ўрнатилганда	300	250	2,4	247,6	3,6		891,4	60,0	4,7	7,2	71,9
Совитгич ўрнатилгандаги фарқ	-	-	-3,0	+3,0	-		+10,8	-	+4,7	-9,0	-0,3

(жадвал давоми)

Сақлаш усуллари	Олин- ган даро- мад- нинг микдо- ри, минг сўм (7-11)	Сақлан- ган маҳсу- лотнинг сотиш нархи, минг сўм	Сақлаб сотил- ган маҳ- сулот ҳажми, кг (2-3-4).	Сақлан- гандан кейинги тушум, млн. сўм (13*14)	Сақлаб сотилган маҳсу- лотдан умумий даромад, минг сўм (12+15)	Совит- гич ўрна- тилган холатнинг самара- дорлиги, % (1к/2к* 100)
	12	13	14	15	16	17
Анъа- навий усулда	808,4	3,8	44,6	169,5	977,9	100,0
Совит- гич ўрна- тил- ганда	819,5	4,2	47,6	199,9	1019,4	104,2
Совит- гич ўрна- тилганда- ги фарқ	+11,1	+0,4	+3,0	+30,4	+41,5	+4,2

Жадвалда келтирилган маълумотлардан кўриниб турибдики, дўконда соф микдори 300 кг сотишга мўлжалланган маҳсулотдан 250 кг сотилган. Аммо анъанавий усулда сақлаб сотиш билан совитгичларни ўрнатиб сотгандаги фарқ 3 кг ни ташкил қиласди ва тушум 10,8 минг сўмга кўп бўлган. Совитгич ўрнатилганда, сақлашга кетган харажатлар кўп бўлишига қарамасдан, жами харажатлар микдори 0,3 минг сўмга кам бўлган. Тадқиқотларимиз атиги 50 кг маҳсулотни дўконда сақлаб сотиш эвазига 30,4 минг сўм қўшимча даромад олишга эришилганини кўрсатди. 50 кг маҳсулотни сақлаб сотилганда олинган умумий даромад 41,5 минг сўмни ёки анъанавий усулда сотганга нисбатан 4,2 % ортиқ микдорни ташкил қилмоқда.

Кўриниб турибдики, ушбу рақамлар атиги 50 кг маҳсулотни сақлаб сотиш асосида килинган ҳисоб-китоб натижалариидир. Агар 500 кг маҳсулотни дўконда сақлаб сотадиган бўлса, унинг микдори яна 10 баробарга ошади ва 415,0 минг сўмни (41,5\*10) ташкил

килади. Мөс равища 1,0 тонна маҳсулотни сақлаб сотилса, даромад миқдори яна 2 баробарга кўпаяди ва 830,0 минг сўмни (415,0\*2) ташкил киласди.

Булардан ташқари, маҳсулотлар савдо заліда ўрнатилган совитгичларда сақлаб сотилганда, уларни сақлаш муддати 72-85 соатгача узайиши сабабли, унинг ҳажми ва сифати ўзгармасдан сақлаш имконини беради. Бу ҳолат белгиланган меъёрга нисбатан 3,0-3,5 баробарга сақлаш муддатини узайтиради.

Мазкур ҳолатда совитгич ўрнатилганда умумий харажатларнинг тежалганлиги 0,3 %ни ташкил килиши аникланди. Бироқ, маҳсулотлар ҳажми ва уни етказиб беришдаги транспорт ва энергия харажатлари ҳажмига мөс равища ўзгариб турганлиги туфайли, тежамкорлик яна ошади. Чунки дўёноларга совитгич ўрнатилса, бир марта ташиб келтирилиш 300 кг эмас, балки 1,0 тоннани ташкил қиласди. У ҳолда транспорт харажатлари бўйича 200,0 минг сўм [(1000/300)\*60,0] тежалади ва бу умумий тушумга нисбатан 19,6 %ни (200,0\*100/1019,4) ташкил қиласди.

Шунингдек, тадқиқотларда совитгичларда сакланган маҳсулотларни сотиш муддатининг узайиши натижасида табиий камайиш 5,4 %дан 2,4 %гача кисқариши аникланди. Ушбу сақлаб сотиш билан боғлиқ ташкилий-иктисодий тадбирларни такомиллаштириш эвазига маҳсулотларни сотишдан олинадиган умумий тушумни ошириш мумкинлиги асосланди. Тавсия этилган ташкилий тадбирларни кўллаб, маҳсулотларни саклаш ва сотиш хизмати субъектлари амалий маълумоглари асосида умумий тушумни 4,2 % га ошириш мумкинлиги (жадвалда 17-устун) кўрсатиб берилди. Таҳлиллар натижасида тавсия этилган тадбирлар ҳисобидан ҳар 1,0 тонна маҳсулотдан 30 кг (1000\*3), 10 тонна маҳсулотдан 300 кг тежалиши аникланди. Тежалган маҳсулотлар эвазига, ахоли жон бошига 100 граммдан бир кунда истеъмол қилинса, жами 300 кишини мева-сабзавотлар билан таъминлаш мумкинлиги ҳисоб-китоб қилинди.

Мева-сабзавотларнинг сақлаш ва сотиш самарадорлигини оширишнинг тавсия этилаётган ташкилий тадбирларида бири сифатида маҳсулотлар сифати, унинг зарарли нитратлар даражасини текшириб кўриш шароитларини яратиш мақсадида, савдо-залларини маҳсус ускуналар билан жиҳозлаш мақсадга мувофиқлиги асосланди. Ушбу тадбир натижасида харидорларнинг

маҳсулот сифатига бўлган ишончини ошириш эвазига маҳсулот сотиш ялпи тушуми миқдорини ўсиши таъминланди.

Мазкур ташкилий тадбир Самарақанд шаҳридаги “Саватча” супермаркетида тажриба тариқасида 2014-2015 йил июнь-ноябрь ойлари давомида кўлланилди. Натижада супермаркет харидорларининг маҳсулотларда зарарли нитратлар даражасини тезкор текшириш имконияти туғилиб, уларнинг харид қилинаётган озиқовқат маҳсулотлари хавфсизлигига ишончи ортди (9.3-жадвал).

### 9.3-жадвал

#### “Саватча” супермаркетида харидорлар ва ялпи тушум миқдорини маҳсулот хавфсизлигига оид тадбир натижасида ўзгариши<sup>136</sup>

Ойлар	2014 йил		2015 йил		Ўзгариш суръати, %	
	Харидорлар сони, киши	Ялпи тушум, млн. сўм	Харидорлар сони, киши	Ялпи тушум, млн. сўм	Харидорлар сони	Ялпи тушум
Июнь	3646	101,3	4398	128,7	120,6	127,0
Июль	3691	114,8	4471	136,6	211,1	119,0
Август	3846	123,9	4843	141,7	125,9	114,4
Сентябрь	3953	128,9	4952	148,3	125,8	115,1
Октябрь	4283	132,4	5244	158,2	122,4	119,5
Ноябрь	4188	122,5	5223	160,1	124,7	130,7
ЖАМИ	23607	723,8	29131	873,6	123,4	120,7

Мазкур тадбир натижасида харидорлар сони ўртача 23,4 %га, маҳсулотларни сотишдан ялпи тушум 20,7 % ўстсанлиги аникланди.

Юкорида кайд этилган маҳсулотларни сақлаш ва сотиш хизматларини такомиллаштиришга қаратилган ташкилий-иктисодий механизмлар «Ўзбекозиқовқатхолдинг» холдинг компаниясин томонидан қабул қилинган “Ўзбекистон Республикасида мева-сабзавот маҳсулотларини сақлаш ва сотиш хизматларини кўрсатиш илмий тавсиялари”да ўз аксини тоғган (“Ўзбекозиқовқатхолдинг”

<sup>136</sup>“Bahmal Golden Apple” кўпима корхонаси мальумотлари асосида муаллиф ишланмаси.

ХКнинг 2016 йил 30 августда имзоланган 85-сонли бўйруғи ва 2016 йил 7 сентябрда имзоланган ОР/11-1742-сонли маълумотномаси). Мазкур тавсиялар 2017-2019 йиллар давомида холдинг компаниясиning маҳсулотларни сақлаш ҳажмини ҳар йили ўртacha 10,3 %га, маҳсулот экспортини 7,4 %га, совитгич корхоналари фойдасини 16,8 %га ошириш чора-тадбирларни белгилашга асос бўлди.

### **9.3. Маҳсулотларни сотиш хизматлари самарадорлигини оширишнинг ташкилий тадбирлари ва уларни амалга ошириш йўллари**

Маҳсулотларни сақлаш ва сотиш жараёнида юкори самарадорликка эришиш учун бир қанча йўналишлар мавжуд. Буларни хўжалик юритувчи субъектга дахлдорлиги нуқтаи назаридан иккига бўлиш мумкин: ички ва ташки имкониятлар. Ҳозирги жаҳон молиявий-иктисодий инқизозининг навбатдаги оқимидан химояланишга қаратилган тадбирлар амалга оширилаётган паллада самарадорликни оширишнинг ички имкониятларини ишга солиш муҳим аҳамиятга эга.

Сотиш хизматлари самарадорлигини оширишга таъсир қилувчи ички имкониятларни ишга солиша кўлланиладиган ташкилий-иктисодий тадбирлардан бири – унинг ўзгаришига таъсир қилувчи омилларни аниқлаш ва уларнинг таъсирини ҳисоблашдан иборат. Тадқиқотларимиз натижасида маҳсулотларни сотиш самарадорлигини оширишга таъсир қилувчи омиллар туркумига куйидагиларни киритиш лозимлиги асосланди:

- ишни бошқаришда “Ходимнинг шахсий масъуллигини ошириш” (ХШМО) ташкилий тадбиридан фойдаланиш;
- сотувчига кўйиладиган талабларни кўпайтириб, унинг ҳар бир талабга масъуллигини ошириш;
- сотиша асосий учта ўзаро бир-бирига боғлиқ бўлган харидор, маҳсулот (товар), сотувчи муносабатларининг мувофиқлигини таъминлаш;
- буюртмалар асосида “Мобиль савдо” усулини қўллаган ҳолда харидорнинг уйига ёки ишхонасига маҳсулотларни етказиб бериш ишларини йўлга қўйиш.

Бозор муносабатлари шароитида ҳар қандай иқтисодий жараён маълум самарадорлик асосида амалга оширилиши лозим. Маҳсулотларни сақлаш ва сотиш иқтисодий жараён сифатида

юқори самарадорлик асосида содир бўлиши керак. Бунга эришиш учун бир қанча усуллар ва омиллар мавжудки, улардан тўгри фойдаланиш кўзланган мақсаднинг муваффакиятли якунланиши учун етарли даражада имконият яратади. Бу борада бир қанча тадқиқотлар олиб борилди ва асосий эътибор мазкур жараён самарадорлигини оширишнинг ички имкониятларидан фойдаланиш бўйича омиллар таркибини аниклашга қаратилди. Булардан бири, таъкидланганидек, “Ходимнинг шахсий масъуллигини ошириш” (ХШМО) ташкилий тадбиридир. Бу тадбирга таяниш – ички имкониятларни ишга солган ҳолда юқори самарадорликка эришин имконини беради.

Ушбу тадбирнинг ўзига хос хусусияти шундаки, меҳнат жамоасидаги ҳар бир ходим ўзининг иш натижаси учун ўзи жавоб беради, яъни ҳар бир ходим ўз функциясини бажариш жараёнида уни мікдор ва сифат жиҳатидан вижданан бажаришга ўзини-ўзи сафарбар қиласи. Бунга эришиш учун ҳар бир ходимнинг қўлига ишга қабул қилишда бажарадиган функциясининг рўйхати топширилади. Агар у шу функцияни ҳалол-покиза қилиб рисоладагидай бажарса, унга келишилган иш ҳақи берилади. Агар уни такомиллаштириб, сифати ва самарадорлигини ошириб бажаришга эришса, мос равишда ойлик маоши пропорционал тарзда ошиб боради. Борди-ю, ишнинг мікдори ва сифатини пасайтириб, белгиланган меъёрдан ёки келишилган ҳолатдан паст кўрсаткичларга эришилса, белгиланган маош мос равишда пропорционал тарзда камайиб боради.

Бунга бир мисол келтирамиз. Штат бўйича 4 нафар бухгалтер лавозимида фаолият кўрсатадиган хизматчи керак, деб фараз қиласи. Ҳаммасининг функционал вазифаси ва уларга тўланадиган иш ҳақлари бир хил, яъни ҳар бирига 550,0 минг сўмдан ойлик маош тўлаш белгилаб кўйилган. Бу олдиндан ишлаб чиқилган ва тегишли тарзда тасдиқланган. Агар шу 4 та белгиланган функцияни 3 киши бўлиб олса ва уни ўз вактида удласидан чиқиб, аъло даражада бажарса, шу 4 кишининг ойлик маошини ишни бажараётган 3 кишига бўлиб бериш кўзда тутилиши лозим.

Кўп ҳолларда щундай ҳолатларни ҳам қўрамизки, бирорта ташкилотнинг бир бўлимида, таъкидланганидек, 4 киши ўринида 3 киши фаолият кўрсатади. Шу 3 киши 4 кишининг ишини бажаради. Аммо маош факат 3 кишига, факат бир оклад мікдорида, яъни

ўзларининг иш хақлари доирасида тўланади. Уларни рағбатлантириш учун, бўш турган бир окладни шу З кишига бўлиб берилиши лозим, деб ўйлаймиз. Чунки шу иш 4 киши билан эмас, балки З киши иштирокида бажарилди. Албатта, бундай тартибни ўрнатиш учун, айниқса, бюджет ташкилотларида тегишли меъёрий ҳужжатлар етарли эмас. Шунинг учун, иш хақининг рағбатлантирувчи механизмини такомиллаштириш тўғрисида, айнан масаланинг шу жиҳатларини инобатга олган холда, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг карори қабул килиниши лозим, деб ўйлаймиз.

Мукофотни қайси иш учун қанча фоиз тўланиши лозимлиги борасида шкала ишлаб чиқилади. Бундай ҳолатда ходим ўз ишининг микдори ва сифатини яхшилаш учун курашади. Шу тариқа ҳар бир ходимнинг ҳар бир муваффакияти учун рағбатлантирилиши асосида унинг руҳиятида шахсий масъулликни ошириш туйгуси шаклланади.

Яна бир жиҳат. Яхши иш учун рағбатлантириладиган ходим, ёмон иши учун, яъни яхши натижани қўлга кирита олмаганлиги учун албатта жазо муқаррарлигини ҳам билиши керак ва худди шундай тартиб мазкур корхонада ўрнатилган бўлиши керак. Бундай ҳолда у айнан оладиган ойлигининг камайиши мумкинлигини хис килиши лозим. Хуллас, ҳар бир функция ўз вақтида сифатли равишда бажарилмаса, албатта ойлик маошнинг микдори камайиши керак. Бунинг учун олдиндан тегишли низом ишлаб чиқилган ва унинг ҳамма банди билан ходимлар таништирилган бўлиши лозим.

Хозирги шароитда маъмурий буйруқбозлик механизми вактинчалик таъсир қилиши мумкин, лекин унинг умри узокка бормайди. Бозор иктисодиётида бозорга мос, ўзининг рағбатлантирувчи ва жазоловчи механизмлари ишга тушиши лозим. Камчиликка йўл қўйилган вазиятларда, иш хақини кискартириш кўпроқ самара беради. Мос равишда катта муваффакиятларга эришилса, моддий рағбатлантиришнинг самарадорлиги юқори бўлади. Ҳамиша юқори самарадорликка эришган ходимларни шкалада белгилангани тарзда моддий рағбатлантириш билан бирга, уни тегишли тарзда эътироф этиб туриш, ходимни янада самаралироқ ишлашга унрайди. Бу самарадорликни оширишнинг ички имкониятларидан фойдаланилади.

Таъкидланган усулнинг афзаллиги шундаки, юқори самарадорликка эришган ходимни рағбатлантиришга кетадиган маблағ унинг корхонага келтирилган даромадининг атиги 15-20 фоизини ташкил қилади. Қолган қисми корхонанинг ўзига ва бир қисми давлат бюджетига солиқ шаклида тўланади. Бундай натижага қўшимча маблагларни сарф қилмаган ҳолда эришилади. Бу усул нафақат корхонага ёки ходимнинг ўзига, балки давлатга ҳам катта наф келтиради.

Самарадорликни оширишда ушбу тадбирнинг куйидаги хусусиятларини инобатга олиш мақсадга мувофик:


– ҳар бир ишнинг натижаси бўйича (ижобий ёки салбий натижа учун) ҳар бир ходим ўзининг масъуллигини ўзи таъминлайди;

– жамоавий жавобгарлик ходимлардан олиб ташланади (бир ходим иккинчи ходимнинг иш натижаси учун рағбатлантирилмайди ва мос равишда жазоланмайди) ва жавобгарлик шу жамоанинг раҳбарига юқлатилади;

– масъулият ҳар бир ходимнинг фақат ўзига юқлатилади, яъни ўз муваффақияти учун ўзи рағбатлантирилади (иш ҳақи мос равишда оширилади) ва ўзининг камчилиги учун ўзи жазоланади, жавоб беради (иш ҳақи мос равишда қисқартирилади);

– ҳар бир ходим руҳиятида “бизнинг ишимиzinинг натижаси бизникидан, менинг ишимиning натижаси меники» тамойилига ўтилади.


Бундай тадбирларнинг амалга оширилиши аста-секинлик билан ходимлар ўртасида шахсий масъулиятни оширишга олиб келади. Шуни инобатга олиш лозимки, бизнинг ижтимоий-иктисодий ҳаётимизда индивидуалликдан кўра жамоавий масъуллик кўпроқ анъана тусига кирган. Аммо бу ҳолат шахсий масъулликни бир мунча сусайтириб юборади. Шу туфайли, биз таклиф қилган юқори самарадорликка эришиш тамойилларидан бири – ХШМО бозор муносабатларининг чукурлашиб бориши билан такомиллашиб боради ва яхши натижа бериши муқаррар (9.2-расм).



**9.2-расм. Корхона фаолияти самарадорлигини оширишда ходимлар шахсий масъулиятини ошириш тадбирининг йўналишлари<sup>137</sup>.**

Ушбу расмдан кўриниб турибдики, ходим мукофот учун ҳам, жарима учун ҳам ўзи сабабчи эканлигини тан олади. Шундай экан, яхши маош олиш учун самарали ишлаш лозимлигини тушуниб ишлайди. Энг мухими, ишловчи ходимда ҳам, назоратчида ҳам бефарқликка ўрин қолмайди. Бефарқлик йўқ жойда албатта мувваффакиятларнинг бўлиши тайин.

Биз тавсия қилган тадбирда, самарадорликни оширишда ҳар бир ходим ўзининг барча куч ва имкониятларини сафарбар қилиш йўлларини ўзи ахтаради, ишга масъулият билан ёндашади. Бирор мажбурлаб қилинган ишдан одам чарчайди, ўз ихтиёри билан амалга оширилган ишдан роҳатланади, дам олади, завқланади. Пировардида самарали натижага эришилади. Буни куйидаги расмда ҳам кўриш мумкин (9.3-расм).



**9.3-расм. Ходимнинг масъулияти ва самарали натижасининг ўзаро боғлиқлиги<sup>138</sup>.**


<sup>137</sup> Тадқикотлар натижасида муаллиф томонидан ишлаб чиқилди.

<sup>138</sup> Тадқикотлар натижасида муаллиф томонидан ишлаб чиқилди.

Буни хизмат кўрсатиш соҳасининг барча тармоқларига, шу жумладан, маҳсулотларни саклаш ва сотиш хизматларини кўрсатишида ҳам кўллаш мумкин. Масаланинг муҳимлиги ҳамда вазифаларнинг устуворлигига қараб баҳолайдиган (рағбатлантирувчи ва жазоловчи) кўрсаткичларни бир неча баробар кўпайтириш мумкин.

Бундай усууллардан фойдаланиши маҳсулотларни сотиш ва саклаш жараёнида жуда муҳимдир. Масалан, маҳсулотлар омборларда ёки совитгичларда сакланади. Уларнинг тўлиқ ва сифатли сакланишини таъминлаган ходимларни келишилган шкалада рағбатлантириш лозим бўлади. Аммо саклаш жараёнида, ходимнинг эътиборсизлиги оқибатида сифатнинг бузилиши ёки камайиши юзага келса, унда ходим жазоланиши керак. Айбнинг микдорига қараб, мос равишида, иш хақининг камайиши ёки камомадни қоплаш масаласи қўйилиши табиий.

Сотишни самарали ташкил қилиш учун, сотовучи асосий эътиборни харидорга қаратиши керак. Самарали сотишга факат сотиш жараёнини такомиллаштириш орқали эришиб бўлмайди, балки харидорга хизмат қилишни такомиллаштириш лозим бўлади. Сотишида муваффақиятга эришиш учун асосий эътиборни хизматнинг сифатини оширишга қаратмоқ мақсадга мувофиқдир. Таъкидлаганимиздек, маҳсулотларни сотишида асосий учта ўзаро бир-бирига боғлиқ бўлган жиҳатларни: харидор, маҳсулот (товар), сотовучи инобатга олинниши керак. Буни қўйидагича ифодаланади (9.4-расм):



*9.4-расм. Маҳсулотларни самарали сотишида ўзаро боғлиқ жиҳатлар<sup>139</sup>.*

Кўриниб турибдики, маҳсулотларни сотишида юкори самарадорликка эришиш учун асосий эътибор, сотовучи билан бирга маҳсулотга ҳам қаратилмоги лозим. Бу ерда хизмат савдонинг

<sup>139</sup> Таджикотлар матижисида муаллиф томонидан ишлаб чиқулди.

ҳамма жиҳатига дахлдордир. Харидорга кўрсатиладиган сифатли ва маданиятли хизмат билан бирга маҳсулотнинг ҳам сифатли бўлишини таъминлашни талаб қиласди.

Сотувчи дўконга кириб келган харидорни бирор лахза ҳам эътибордан қочирмаслиги лозим. Уларни самимият ва хушмуомалалик билан кутиб олиб, барча истакларини ўрганиши, сўраб олиши керак. Нима мақсадда шу дўконга кирди, нимани харид қилишни хоҳлаяпти, ҳамма-ҳаммасини сўраб суриштириб олиш кўзда тутилмаган маҳсулотларни ҳам харид қилишига олиб келади. Харидор дўконга кириб, эътиборсиз ўзича айланиб, томоша қилиб, ҳеч нарса харид қиласдан қуруқ чиқиб кетмаслиги лозим. Унга эътибор берилиб, харидорга тегишли маҳсулотларни шу ерининг ўзида реклама қилиш керак бўлади. Чунки у бирорта нарсани ахтариб келгандир. У сизнинг дўконингизда мавжуд, аммо унинг кўзига ташланмасдан турган маҳсулотни кўрмасдан, йўқ экан, деган тушунча билан дўконни тарк этмаслиги керак.

Сотувчи сотаётган маҳсулотининг (товарининг) бутун хусусиятларини жуда яхши билиши керак. Харидор харид қилаётган маҳсулот хусусида тўлиқ маълумотга эга бўлишигини таъминлаш мақсадга мувофиқ. Кўп ҳолларда бу маҳсулот қаерда етиширилган, деган харидорнинг саволига ҳам сотувчи тўлиқ жавоб бера олмайди. Бу харидорни ранжитади, харид қиласман, деб турган маҳсулотини ҳам олмаслиги мумкин. Буларга барҳам берилиши керак.

Агар сотувчи сотаётган маҳсулотининг қаерда етиширилганлигини, қандай сақланганлигини, экологик тоза маҳсулот эканлигини, қандай ҳолда истеъмол қилинса фойдали эканлиги кабиларни тўлиқ билса, харидор етарлича маълумот олади ва албатта мазкур маҳсулотни айнан шу дўкондан харид қилиши мумкин.

Унбу жараённи ташкил қилиш учун сотувчидан жуда катта маҳоратни, билим ва тажрибани талаб қиласди. Буларга қуйидагиларни киритиш мумкин:

- ўзига хос маданиятли, ёқимтой ва озода кийинган бўлиши;
- харидорга эътиборли, чаққон ва уддабурон бўлиши, уни кизиқтира олиши;
- харидор билан мулойимлик билан гаплаша олиши, ҳозиржавоб бўлиши;

- харидорнинг истагини ўргана олиш қобилияти, рухшунос бўлиши;
- харидорнинг истагини амалга оширадиган, унга ёрдамчи бўлиши;
- харидорга маданиятли хурмат кўрсата билиш, уларга нисбатан эътиборли бўлиш;
- сотадиган маҳсулотининг хусусиятларини яхши билиши кабиларни билиш лозим бўлади.

Ушбу талабларнинг кетма-кетлигини қуидагича ифодалаш мумкин (9.5-расм).



*9.5-расм. Сотувчига қўйиладиган талабларнинг ўзаро боғлиқлиги<sup>140</sup>.*

Замонавий сотувчининг вазифаси кимдандир пулини олиб, эвазига ниманидир бериб юборишдан иборат эмас. Бу ўта нозик ва

<sup>140</sup> Талкикотлар натижасида муаллиф томонидан ишлаб чикилди.

мураккаб касб. Жамиятда инсонларнинг моддий фаровонлиги, диди ва савияси ошиб борган сари, савдо маданиятига бўлган талаб ҳам ошиб боради. Бу эса, энг аввало савдо ходимларига катта талабларни қўяди ва масъулиятини оширади. Шу жиҳатдан, ушбу касб оддий касб даражасидан санъат даражасига қўтарилади.

Сотувчининг энг катта муваффақиятларидан бири, харидорни ҳеч маҳал, ҳар кандай вазиятда ҳам алдамаслик. Уларни бир марта алдадингизми, иккинчи марта сизнинг дўконингизга кирмай қўяди. Чунки сизга рақобатчи дўконлар кўп эканлигини унутманг. Харидорни кўп гапириб ранжитманг, уларга керак гапнин гапиринг ва сўраган барча саволларини жавобсиз қолдирманг.

Инсонларнинг бир-бири билан (бири сотувчи иккинчиси харидор сифатида) ижтимоий, иктисолий, маънавий, ҳатто сиёсий муносабатлари савдода намоён бўлади. Харидорга маҳсулот (товар) билан биргалиқда яхши кайфиятни ҳам бериб юборишга ҳаракат килинг. У товарингиз учун тўлаган пулига ачинмайдиган, харид қилганилиги учун мамнун бўладиган руҳиятга эга бўлсагина, сизнинг дўконингизга қайта-қайта келаверади. Бунга эришиш осон иш эмас. Демак, замонавий савдо ходими бўлиш ҳам осон иш эмас экан.

Маҳсулотларни сотиш самарадорлигини оширишнинг яна бир йўли, харидорлар аёллар бўлганда катта эътибор бериш лозим. Одатда, “пулни эркаклар топади, аёллар сарфлайди” деган ақида бор. Қишлоқ ҳўжалик маҳсулотларининг асосий харидори аёллар эканлигини ҳам унумаслигимиз керак. Тадқиқотларимизнинг кўрсатишича, “Bahmal Golden Apple” кўшима корхонасига қарашли бешта дўкондан 2015 йил октябрь-ноябрь ойларида сотилган маҳсулотларнинг 67,4 %ни аёллар харид қилган. 15,7 %ни аёллар эрлари билан бирга келиб, харид қилган. Бунда асосий ташаббускорлар ҳам аёллардир. Улар эрларини машинаси борлиги ва маҳсулотларни катта миқдорда (2-3 қоп сабзавотлар ва меваларни қишига сақлаш учун) харид қилганилиги туфайли ушбу савдога жалб қилган. Агарда буларни ҳам қўшиб ҳисобласак, аёл харидорлар зиммасига 83,1 % (67,4+15,7) харид тўғри келади<sup>141</sup>.

Самарқанд шахри ва туманларидағи (Тайлоқ, Ургут, Жомбой, Булунғур) айrim хонадонларда пул топадиган ва сарфлайдиган шахсларни социологик сўров асосида тадқиқ қилганимизда,

<sup>141</sup> “Bahmal Golden Apple” кўшима корхонасига қарашли бешта дўкондан 2014 йил октябрь-ноябрь ойларида сотилган маҳсулотларнинг кимга сотилганлигини рўйхат килиш асосида аникланди.

уларнинг аксариятида пулнинг асосий қисмини (60 %дан ортиқ) эркаклар топади. Лекин рўзгор учун унинг асосий қисмини (80,0-85,0) аёллар сарфлайди<sup>142</sup>. Щуни алоҳида эътироф этиш керакки, тадқиқ қилинган оиласларда барча харажатларнинг аксарият қисми, яъни 61,4 % и озиқ-овқат маҳсулотларини харид қилишга сарфланади. Ушбу харажатларнинг ҳам асосий қисми аёллар зиммасига тўғри келади. Лекин ушбу кўрсаткич шахарларда 78,4 %ни ташкил қиласа, қишлоқ жойларда унинг микдори 49,5 %ни ташкил килади холос<sup>143</sup>. Булардан ҳам кўриниб турибдики, маҳсулотларнинг асосий харидори аёллар экан. Шу туфайли, уларни сотиш жараёнида аёл харидорларга алоҳида аҳамият бериш керак бўлади.

Тадқиқотларимиз маҳсулотларни сотиш хизматлари самара-дорлигини оширишнинг асосий йўналишларидан бирин буюртмалар асосида харидорнинг уйига ёки ишхонасига маҳсулотларни етказиб беришдан иборат эканини кўрсатди. Харидорлар билан сұхбат чоғида кўплари ушбу ҳолатни эътироф этдилар. Щуни таъкидлаш жоизки, “Bahmal Golden Apple” қўшма корхонасига қарашли бирорта дўконда бундай хизматлар ташкил қилинмаган. Аммо ушбу тажриба Самарқанд шаҳрида жойлашган “Каримбек” ва “Сайёр” ресторонларида аллақачон йўлга қўйилган ва улар яхши самара бермоқда. Бунинг самара-дорлиги нафақат иқтисодий, балки ижтимоий томондан ҳам юқоридир. Энг муҳими, ахолининг истеъмол харажатларини ҳам камайтириш имконини беради. Ушбу тажрибалардан келиб чиқиб, таъкидлаш жоизки, дўкон маъмурияти маҳсулотни етказиб бериш билан боғлиқ йўл хақини олмаслик имкониятларини ахтариб топиши керак. Бу харажатлар харид қилинган маҳсулотлар ҳисобидан қопланиб кетади. Фақат бунда сифатли товарларни етказиб бериш лозим бўлади.

Маҳсулотларни сотиш хизматлари самара-дорлигини оширишнинг асосий йўналишларидан яна бир ҳар бир сотувчи ёки дўкон ҳодимлари биргаликда ўзларининг доимий харидорларини шакллантиришга эришишдан иборат. Харидорларнинг сафини узлуксиз кенгайтириб боришга эришилса, муваффақиятнинг асосий омили шу бўлади. Бунга куйидагилар киради:

<sup>142</sup> Социологик сўровлар натижасида муаллиф томонидан ҳисобланади. Сўровноманинг тақли 5-иловада келтирилган.

<sup>143</sup> 5-иловада келтирилган сўровнома асосида тадқиқ қилингая оиласлар мазъумотлари асосида муаллиф томонидан ҳисоб-китоб қилинди.

- харидорларни таниб олиш ва улар билан яқин кишисидек мулокотда бўлиш;
- харидорларнинг характеристини ўрганиш ва уларнинг инжикликларига ҳамиша тайёр туриш;
- барча харидорлар билан ўзларига мос равишда муомала қила олиш кўнгасини шакллантириш;
- дўкондаги маҳсулотлар нархларини имкон қадар ҳар бир товарнинг кўринадиган жойига жойлаштириш;
- дўкондаги нархларни бошқа субъектлардаги нархлар билан муттасил солишириб бориш, улардан ошиб кетишига йўл қўймаслик;
- имкон қадар маҳсулотнинг ва дўкон ишининг энг муҳим жиҳатларини харидорларга реклама орқали ахборотларни етказиш;
- янги харидорларни излашни сусайтирмаслик;
- дўконда муддати ўтган, яроқсиз ва сифатсиз маҳсулотларнинг пайдо бўлишига йўл қўймаслик;
- дўкон иш тартибини харидорларнинг бўш вақтига мослаштириш ва белгиланган иш вақтида унинг очиқ туришига эришиш кабилар.

#### **9.4. “Мобиль савдо” усулини йўлга қўйишининг зарурлиги**

Харидорни жалб қилишнинг муҳим йўлларидан бири “Мобиль савдо” усулини йўлга қўйишидир. Ҳозирги кунда фуқаролар ўзларининг мобиль телефонларидан коммунал тўловларни амалга оширишда, мобиль телефонларга пул ўтказиш кабиларда фойдаланмоқда. Агар мобиль савдони йўлга қўйилса, харидор дўконга келмасдан, иш ёки уйда туриб, тегишли маҳсулотларга буортма беради. Нархини келишиб, дўкон ҳисобига пул мобиль телефон орқали ўтказилгандан сўнг, сотувчи товарни дўкондан харидорнинг ишхонасига ёки уйига етказиши мумкин.

Бундай савдонинг кулайлиги шундаки, биринчидан, харидорнинг вақтини тежайди, иккинчидан, маҳсулотнинг ишга ёки уйга олиб келиб берилиши оқибатида жуда катта кулайликка эга бўлади. Учинчидан, дўкон ходимларига ҳам кулайлиги шундаки, уларда харидорларнинг дўконга ташрифисиз товарини сотиш имконияти тугилади. Бу қўшимча товар айланмасини келтириб чиқаради. Бунинг тузилиши куйидаги кўринишда бўлади (9.6-расм).

“Мобиль савдо”нинг кулайлигини яна бир жихати шундаки, харидор дўконга бормасдан пулни ўтказиш имкониятига эга бўлади.

Кўриниб турибдики, савдо самарадорлигини оширишининг бир қанча йўллари мавжуд. Буларнинг рўйхатини яна давом эттириш ва тадбирлар сонини кўпайтириш мумкин. Аммо умумий услугбий йўналишни белгилаш учун ушбу холатлар етарли, деб ўйлаймиз.



*9.6-расм. Харидорнинг маҳсулотни “Мобиль савдо” орқали дўконга бормасдан харид қилишининг боғлиқлиги.*

## **10-бөб. МАҲСУЛОТЛАРНИ САҚЛАБ СОТИШ ХИЗМАТЛАРИ САМАРАДОРЛИК КҮРСАТКИЧЛАРИНИ ПРОГНОЗЛАШ УСУЛЛАРИ**

### **10.1. Махсулотларни сақлааб сотиши хизматлари ҳажми, фойда ва рентабеллик күрсаткичларини прогнозлаш усуллари**

Ҳозирги кунда аҳолини сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари билан йил давомида таъминлаш бир қанча ижобий ҳолатларни юзага келтиради. Хусусан:

- аҳолининг яшаш даражаси ва сифати оширилади;
- озиқ-овқат хавфсизлиги таъминланади;
- бозорларимизнинг йил давомида тўкинлигига эришилади;
- озиқ-овқат маҳсулотларининг нархи унчалик даражада ошиб кетмаслик ҳолатлари эвазига унинг барқарорлиги ҳам таъминланади.

Мазкур ҳолатлар етиштирилган маҳсулотларни сақлаш заруратини туғдиради. Бу объектив зарурият ушбу хизматларнинг самарадорлигини оширишни тақозо қиласди. Бунга эришиш учун эса, шу хизматларни ифодаловчи күрсаткичларни аниқлаш ва таҳлил қилиш лозим бўлади. Буларнинг барчаси мазкур мавзунинг ўта долзарб масалага бағишлиланганлигидан далолат беради.

Тадқикотларимизнинг кўрсатишича, мазкур масала амалиётда етарли даражада қўлланилаётганлигига қарамасдан, иқтисодий адабиётларда уни яхлит ҳолатда қараб чиқилмаган. Шу туфайли, маҳсулотларни сақлааб сотиши хизматлари самарадорлигини баҳолаш ва таҳлил қилиш учун, боғдорчиликка ихтисослашган шахсий тадбиркорнинг олмани сақлааб сотиши натижасида эришган сотилган маҳсулот ҳажми, фойда ва рентабеллик кўрсаткичларини олишни мақсадга мувофиқ, деб топдик. Мазкур гурух кўрсаткичларда маҳсулотни сақлааб сотишдан тушган соғ тушум ҳажми ва фойда натижавий миқдорий кўрсаткичлар бўлиб ҳисобланади. Рентабеллик кўрсаткичи эса, натижавий сифат ва мазкур хизматлар самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичdir.

Сақлааб сотиши хизматлари рентабеллигини аниқлашда анъянавий усулдан фойдаланамиз, яъни соғ фойдани юзга

кўпайтириб, сотилган маҳсулот ҳажмига бўлинади. Бунинг учун куйидаги анъанавий формуладан фойданиш мумкин:

$$P = \frac{\Phi c * 100}{Q}$$

бунда:  $P$  – сақлаб сотилган маҳсулот рентабеллик кўрсаткичи;

$\Phi c$  – сақлаб сотилган маҳсулот эвазига эришилган соф фойда;

$Q$  – сақлаб сотилган маҳсулот ҳажми.

Ушбу формула бўйича қараладиган бўлса, рентабеллик кўрсаткичига иккита омил, яъни сақлаб сотилган маҳсулот эвазига эришилган соф фойда ва сақлаб сотилган маҳсулот ҳажмининг ўзгариши таъсири килади. Аммо уларнинг таркибида вакт омили билан боғлиқ омиллар мавжудки, улар айнан ушбу омиллар таркибида ўз ифодасини топади. Тадкиқот жараёнида ушбу кўрсаткичларни аниқлаш, таҳлил қилиш ва прогнозлаш бўйича боғдорчиликка ихтисослашган шахсий тадбиркорнинг олмани сақлаб сотиш натижасида эришган соф тушум ҳажми, фойда ва рентабеллик кўрсаткичларининг 2010-2015 йиллардаги динамикаси куйидаги жадвалда келтирилган (10.1-жадвал).

Мазкур жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, боғдорчиликка ихтисослашган шахсий тадбиркорнинг олмани сақлаб сотиш бўйича эришилган соф тушум ҳажми, фойда ва рентабеллик кўрсаткичларининг 2010-2015 йиллардаги динамикаси уларнинг барқарор ўсаётганлигини кўрсатади. Шу таҳлил даврида маҳсулотни сақлаб сотишдан тушган соф тушум ҳажми 125,0 %га ўсан. Фойда суммасида ҳам шу даврда кескин ўсиш рўй берган. Унинг микдори таҳлил даврида 165,9 %ни ташкил қиласи. Ушбу кўрсаткичининг маҳсулотни сақлаб сотишдан тушган соф тушум ҳажмига нисбатан ўсиш коэффициенти 1,356 ни ташкил қиласи ( $169,5 / 125,0$ ). Ушбу ҳолат мазкур хизматлардан фойдаланиш анча самарали эканлигини кўрсатади. Буни унинг рентабеллик кўрсаткичидаги ҳам кўриш мумкин. Жумладан, рентабеллик кўрсаткичининг микдори 2010 йилда 10,95 %ни ташкил қиласи эди. Аммо 2015 йилга келиб, 14,61 %гача кўтарилиши. Демак, олдин ҳар юз сўмга сотилган маҳсулот учун қарийб 11 сўм фойда олинган бўлса, 2015 йилга келиб, унинг микдори 14,6 сўмга кўтарилиган, яъни ўзгариш суръати 133,4 %ни ташкил қиласи. Ушбу кўрсаткичининг жадаллик

**Боғдорчилликка ихтисослашган шахсий тадбиркорнинг олмани сақлаб сотилгандаги тушум ҳажми, фойда ва рентабеллик кўрсаткичларининг 2010-2015 йиллардаги динамикаси<sup>144</sup>**

Йиллар	Маҳсулотни сақлаб сотишдан тушган соф тушум ҳажми		Фойда, млн. сўм		Рентабеллик, %	
	Сум-маси, млн сўм	Ўсиш сурати, %	Сум-маси, млн сўм	Ўсиш сурати, %	Сум-маси, млн сўм	Ўсиш сурати, %
2010	4852,3	100,0	531,2	100	10,95	100
2011	5011,5	103,3	641,2	120,7	12,79	116,8
2012	5603,7	115,5	682,3	128,4	12,18	111,2
2013	5781,8	119,2	741,5	139,6	12,82	117,1
2014	5924,7	122,1	794,3	149,5	13,41	122,5
2015	6031,5	125,0	881,2	165,9	14,61	133,4

коэффициенти маҳсулотни сақлаб сотишдан тушган соф тушум ҳажмига нисбатан 1,07 ни (133,4 / 125,0) ташкил қиласа, фойдага нисбатан 0,80 ни ташкил қилади. Албатта, рентабеллик кўрсаткичнинг ошишига эришиш учун, фойда суммасининг миқдорий – ҳажм кўрсаткичларига нисбатан тез ўсган бўлишилигини тақозо қиласи.


Юқорида келтирилган кўрсаткичлар миқдорининг графикдаги тасвири, ҳар бир мутахассисга холосани ойдинлаштириши учун кулагай дастак бўлиб ҳисобланади. Бунинг учун, компьютернинг дастурний таъминотига таянган ҳолда қуйидаги графикни келтиришни мақсаддага мувофиқ, деб топдик (10.1-расм).

Мазкур расмда ҳар бир кўрсаткичнинг ўсиш суръати аниқ ифода этилган. Энг юқорида фойда кўрсаткичи келтирилган бўлса, ундан пастда рентабеллик кўрсаткичи ва ниҳоят, энг пастда сотилган маҳсулот ўсиш динамикаси турганлигига гувоҳ бўламиз.

<sup>144</sup> Маълумотлар боғдорчилликка ихтисослашган шахсий тадбиркор Жалолитдин Хўжахматович Абдуразаковнинг етештирилган олмасини 2010-2015 йилларда сақлаб сотилгандаги тушум ҳажми, фойда ва рентабеллик кўрсаткичларининг динамикаси тахлил килингб, муаллиф томонидан ҳисоб-китоб келинди.

Богдорчиликка ихтисослашган шахсий тадбиркорнинг олмани сақлаб сотишдан тушган соф тушумининг ҳажми вакт омили билан боғлиқ ҳолда компьютер дастуридан фойдаланиб таҳлил қилинганда, олти йил давомидаги ўзгариш натижаси кўйидаги тенгламани келтириб чиқарди:

$$Y = -0,7x^2 + 10,189x + 89,14$$



*10.1-расм. Богдорчиликка ихтисослашган шахсий тадбиркорнинг олмани сақлаб сотилгандағи тушум ҳажми, фойда ва рентабеллик күрсаткичларининг 2010-2015 йиллардаги динамикаси (10.1-жадвал маълумотлари) асосида тузилган графиги<sup>145</sup>.*

Ушбу тенглама орқали сақлаб сотилган маҳсулот ҳажмининг таҳлил қилинган даврда қанча бўлишилгини назарий жиҳатдан аниқлаш мумкин. Шунингдек, таҳлил қилинаётган кўрсаткич бўйича прогноз микдорини ҳам аниқлаш мумкин бўлади. Бунинг учун ҳар бир бўйича хисоблаб чиқилади. Бунда кўйидаги жадвални тузиш мумкин (10.2-жадвал).

<sup>145</sup> Маълумотлар bogdorchilikka ixtisoslaшgan shaxsий tadbirkor oлmани saqlab sotilganдан tushum ҳажmi, foyda va rentabellik kўrsatkiчlariнинг dinamikasi асосида kompyuter dasturlari асосида muallif томонидан xisob-kitob қилинган maъlumotlар асосидаги grafiki.

**Боғдорчиликка ихтисослашган шахсий тадбиркорнинг  
маҳсулотни сақлаб сотишида соф тушумнинг 2010-2015  
йилларда ўзгариш суръати ва 2016-2019 йилларга  
мўлжалланган прогноз кўрсаткичлари<sup>146</sup>**

<b>Маҳсулотларни сотишида соф тушумнинг ҳажми бўйича <math>Y = -0,2268x^2 + 13,79x + 89,19</math> тенгламанинг назарий натижалари<sup>147</sup></b>					
<b>Йиллар</b>	<b>Y</b>	<b>-0,7x<sup>2</sup></b>	<b>10,189x</b>	<b>89,14</b>	<b>Сотилган маҳсулотнинг ўсиш суръати, %</b>
2010	Y <sub>1</sub>	-0,7*1 <sup>2</sup>	10,189*1	89,14	98,6
2011	Y <sub>2</sub>	-0,7*2 <sup>2</sup>	10,189*2	89,14	108,1
2012	Y <sub>3</sub>	-0,7*3 <sup>2</sup>	10,189*3	89,14	113,4
2013	Y <sub>4</sub>	-0,7*4 <sup>2</sup>	10,189*4	89,14	118,7
2014	Y <sub>5</sub>	-0,7*5 <sup>2</sup>	10,189*5	89,14	122,6
2015	Y <sub>6</sub>	-0,7*6 <sup>2</sup>	10,189*6	89,14	125,1
2016 прогноз	Y <sub>7</sub>	-0,7*7 <sup>2</sup>	10,189*7	89,14	126,2
2017 прогноз	Y <sub>8</sub>	-0,7*8 <sup>2</sup>	10,189*8	89,14	125,9
2018 прогноз	Y <sub>9</sub>	-0,7*9 <sup>2</sup>	10,189*9	89,14	124,1
2019 прогноз	Y <sub>10</sub>	-0,7*10 <sup>2</sup>	10,189*10	89,14	121,0

Боғдорчиликка ихтисослашган шахсий тадбиркорнинг олмани сақлаб сотилган маҳсулот ҳажмининг 2010-2015 йиллардаги ўзгариш суръатини назарий жиҳатдан аниқлаш орқали унинг прогнозини ҳам аниқлаш мумкин. Юқоридаги таҳлилларга таянган холда 2016-2018 йилларга мўлжалланган прогноз кўрсаткичлари аниқланди. Ушбу ҳисоб-китоб, агар сотилган маҳсулот факат шу битта омилга боғлиқ бўлганда эди, унинг миқдори 2010 йилда 100 % эмас, балки 98,3 % миқдорида бўлган бўлишини кўрсатмоқда.

<sup>146</sup> Мавъумоглар боғдорчиликка ихтисослашган шахсий тадбиркор Жалолитдин Хўжаахматовиҷ Абдуразаковхинг етиштирилган олмасини сақлаб сотилгандаги тушум ҳажми бўйича 2010-2015 йиллардаги динамикасини муаллиф томонидан назарий жиҳатдан аниқланган ҳисоб-китоби.

<sup>147</sup> Ушбу жадвалнинг тўлиқ ҳисоб-китоби I-иловада келтирилган.

2015 йилда эса 125 % эмас, балки 125,1 %ни ташкил қилган бўйарди.

Аммо прогноз кўрсаткичлар шуни ифодаламоқдаки, 2016 йилда сотилган маҳсулот ҳажми кўпайган бўлса-да, 2017 йилдан бошлаб унинг миқдори камайиш тенденциясига эга бўлади. 2019 йилга бориб ўсиш суръати **121,0 %ни ташкил қилишини кўрсатмоқда**. Шу туфайли, вақт ўтиши билан унинг ўзгаришига таъсир этувчи омилларни чуқур ўрганишни ва салбий таъсир қилувчи омилларни бартараф килиш йўлларини ишлаб чиқишни тақозо қиласи.

Сотилган маҳсулотнинг ўсиши ҳозирги пайтда вақт ва у билан боғлик комплекс омилларни ўзида мужассам этади. Агар улар ўртасидаги корреляцион боғлиқликка назар солсак, ушбу натижанинг таҳлил қилинаётган омил билан бевосита боғлик эканлигини кўриш мумкин. Чунки натижка жуда юқори:

$$R^2 = 0,965$$

Буни унинг графигида ҳам кўриш мумкин. Чунки назарий чизик хақиқий чизикдан унчалик фарқ қилмайди.

Фойда суммасининг ўсиш динамикаси полинаминал чизиги бўйича тенгламанинг шакли куйидагича бўлди:

$$Y = -0,2268x^2 + 13,79x + 89,19$$

Ушбу тенглама бўйича фойда кўрсаткичининг динамикасини назарий жиҳатдан аниқлаш мумкин. Бунинг учун куйидаги ҳисоб-китоб амалга оширилади (10.3-жадвал).

Юқорида қараб чиққанимиздек, боғдорчиликка ихтисослашган шахсий тадбиркорнинг олмани сақлаб сотиш эвазига эришган фойдаси 2010-2015 йиллардаги ўзгариш суръатини назарий жиҳатдан аниқлаш орқали, унинг прогнозини ҳам аниқлаш мумкинлиги кўриниб турибди. Агар юқоридалаги таҳлилий маълумотларга таянган ҳолда яна ҳисоб-китобни давом эттирадиган бўлсак, бунда куйидаги ўсиш суръатига эга бўлишимиз мумкин экан.

Мазкур ҳолатда тўрт йилга прогноз қилганимизда, келгуси йилларда ҳам фойда суммасининг барқарор ўсишини кўрамиз. Бу ҳолатни албатта ижобий баҳолаш мумкин.

10.3-жадвал

**Боғдорчилликка ихтисослашган шахсий тадбиркорнинг олмани  
сақлаб сотилган маҳсулот эвазига эришилган фойданинг  
2010-2015 йилларда ўзгариши суръатини назарий жиҳатдан  
аниқланган динамикаси<sup>148</sup>**

Маҳсулотларни сотишда эришилган соғ фойданинг ҳажми бўйича $Y = -0,2268x^2 + 13,79x + 89,19$ тенгламанинг назарий натижалари <sup>149</sup>					
Йиллар	Y	$-0,2268x^2$	$13,79x$	89,19	Фойда суммасининг ўсиши суръати, %
2010	$Y_1$	$-0,2268*1^2$	$13,79*1$	89,19	102,75
2011	$Y_2$	$-0,2268*2^2$	$13,79*2$	89,19	115,86
2012	$Y_3$	$-0,2268*3^2$	$13,79*3$	89,19	128,52
2013	$Y_4$	$-0,2268*4^2$	$13,79*4$	89,19	140,99
2014	$Y_5$	$-0,2268*5^2$	$13,79*5$	89,19	152,47
2015	$Y_6$	$-0,2268*6^2$	$13,79*6$	89,19	163,77
2016 прогноз	$Y_7$	$-0,2268*7^2$	$13,79*7$	89,19	174,61
2017 прогноз	$Y_8$	$-0,2268*8^2$	$13,79*8$	89,19	184,99
2018 прогноз	$Y_9$	$-0,2268*9^2$	$13,79*9$	89,19	194,93
2019 прогноз	$Y_{10}$	$0,2268*10^2$	$13,79*10$	89,19	204,41

Таҳлиллар фойда суммасининг ўсиши вақт ва у билан боғлиқ комплекс омилларга боғлиқлигини кўрсатди. Бунда вақт омили билан бирга, сотилган маҳсулотнинг ҳажми ва унга боғлиқ барча омиллар таъсири ётади. Ушбу омиллар ва натижага кўрсаткичи ўртасидаги корреляцион боғлиқликка назар солсак, бу ерда ҳам натижанинг таҳлил қилинаётган омил билан бевосита боғлиқ эканлигига гувоҳ бўламиз. Чунки ушбу ҳолатда улар ўртасидаги боғлиқлик жуда юкори:

<sup>148</sup> Маълумотлар боғдорчилликка ихтисослашган шахсий тадбиркор Ж.Хўжахматови Абдуразаковнинг етингтирилган олмасини сақлаб сотилгандаги ҳажми бўйича 2010-2015 йиллардаги динамикасини муаллиф томонидан назарий жиҳатдан аниқланган хисоб-китоби.

<sup>149</sup> Ушбу жадвалнинг гўлиқ хисоб-китobi 2-иловада келтирилган.

$$R^2 = 0,9828$$

Буни унинг графигида ҳам яққол кўришимиз мумкин. Чунки унинг ҳақиқий ва назарий микдорлари бир-бiri билан жуда яқинлиги туфайли, улар деярли бирлашиб кетган.

Тахлил қилинаётган хизматлар самараадорлигини ифодаловчи кўрсаткичлардан бири – унинг рентабеллик даражасидир. Рентабеллик даражасининг ўсиш динамикаси, компьютер дастурига мувофиқ полиноминал чизиги бўйича тенгламанинг шакли кўйиндагича бўлди:

$$Y = 0,2589x^2 + 3,6161x + 100,25$$

Мазкур тенглама бўйича рентабеллик кўрсаткичининг динамикасини назарий жиҳатдан аниқлаб, тегишли хulosа қилишга бошкарув қарорларини қабул қилиш мумкин. Буни қуидаги жадвалда кўришимиз мумкин (10.4-жадвал).

Мазкур жадвал маълумотларидан кўриниб турибдик, рентабеллик даражаси динамикасининг назарий микдори, унинг ҳақиқий микдорига мос келади. Аммо барча омиллар таъсир этганда, йил бошидаги ҳолати 100,0 % эмас, балки 104,13 % микдорида бўлиши мумкин. Мос равишда 2015 йилда 133,4 % эмас, балки 131,24 % бўлиши кутилади. Буни чизмада ҳам яққол кўриш мумкин. Чунки унинг ҳақиқий чизигига нисбатан назарий чизиги бироз пастрокда жойлашган. Булардан ҳам кўриниб турибдик, рентабеллик даражасининг ўсиши ҳам вакт ва у билан боғлиқ комплекс омилларга, хусусан, сотилган маҳсулотнинг ҳажми, фойда суммасининг ўзгаришига бевосита боғлиқ ҳолда ўзгарган.

Ушбу кўрсаткичининг графигига эътиборни каратадиган бўлсак, унинг жойлашиши ҳам сотилган маҳсулот ҳажми билан фойда суммасининг ўртасига тўғри келади. Натижа кўрсаткичи билан вакт ва юқорида кайд этган омиллар ўртасидаги корреляцион боғлиқлик, бу ерда ҳам жуда юқори эканлигига гувоҳ бўламиз. Чунки ушбу ҳолатда улар ўртасидаги боғлиқликнинг даражаси баланд:

$$R^2 = 0,8335$$

**Боғдорчиликка ихтисослашган шахсий тадбиркорнинг олмани  
сақлаб сотилган маҳсулот эвазига эришилган рентабеллик  
даражасининг 2010-2015 йилларда ўзгариш суръатини назарий  
жихатдан аниқланган динамикаси<sup>150</sup>**

<b>Рентабеллик даражаси бўйича <math>Y = 0,2589x^2 + 3,6161x + 100,25</math> тenglamанинг назарий натижалари<sup>151</sup></b>					
<b>Йиллар</b>	<b>Y</b>	<b>-0,2268x<sup>2</sup></b>	<b>13,79x</b>	<b>89,19</b>	<b>Рентабеллик даражасининг ўсиш суръати, %</b>
2010	Y <sub>1</sub>	0,2589*1 <sup>2</sup>	3,6161*1	100,25	104,13
2011	Y <sub>2</sub>	0,2589*2 <sup>2</sup>	3,6161*2	100,25	108,52
2012	Y <sub>3</sub>	0,2589*3 <sup>2</sup>	3,6161*3	100,25	113,43
2013	Y <sub>4</sub>	0,2589*4 <sup>2</sup>	3,6161*4	100,25	118,85
2014	Y <sub>5</sub>	0,2589*5 <sup>2</sup>	3,6161*5	100,25	124,80
2015	Y <sub>6</sub>	0,2589*6 <sup>2</sup>	3,6161*6	100,25	131,24
2016 прогноз	Y <sub>7</sub>	0,2589*7 <sup>2</sup>	3,6161*7	100,25	138,25
2017 прогноз	Y <sub>8</sub>	0,2589*8 <sup>2</sup>	3,6161*8	100,25	145,75
2018 прогноз	Y <sub>9</sub>	0,2589*9 <sup>2</sup>	3,6161*9	100,25	153,77
2019 прогноз	Y <sub>10</sub>	0,2589*10 <sup>2</sup>	3,6161*10	100,25	162,30

Мазкур таҳлиллардан аниқланишича, олмани сақлаб сотилган маҳсулот эвазига эришилган рентабеллик даражасининг ўзгариши бўйича қилинган хисоб-китоблар, ушбу кўрсаткичининг прогнозини белгилаш имконини беради. Биз таҳлил қилган ҳолатда рентабеллик кўрсаткичи келгусида ошиш тенденциясига эга. Жумладан, унинг миқдори 2016 йилда 138,25 %га ўсиши кўзда тутилаётган бўлса, 2019 йилда 2010 йилга нисбатан 162,30 % ошиши кутилмоқда.

<sup>150</sup> Маълумотлар боғдорчиликка ихтисослашган шахсий тадбиркор Субонқул Каттаевнинг етештирган олмасини сақлаб сотилгандаги хажми бўйича 2010-2015 йиллардаги динамикасини муаллиф томонидан назарий жихатдан аниқланган хисоб-китоби.

<sup>151</sup> Улубу жадвалнинг тўлиқ қисоб-китоби З-иловада колтирилган.

Булар ҳам вақт билан боғлиқ комплекс омиллар натижасида маҳсулотларни сақлаб сотиш хизматлари самарадорлигини ифодаловчи рентабеллик кўрсаткичи йилдан-йилга ошиб боришини кўрсатмоқда. Бу тенденция келгусида ҳам сақланиб қолаётганлигига гувоҳ бўлмоқдамиш.

Мазкур хulosалар таҳлил натижасида бир қанча илмий-амалий тавсияларни ишлаб чиқишга асос бўлади. Булар жумласига куйидагиларни киритиш мумкин:

1. Махсулотларни сақлаб сотиш бўйича ҳозирги ҳолатни ушлаб туриш билан бирга, унинг айрим жиҳатларини кучайтириш лозим. Хусусан, сотилган маҳсулот ҳажмини 2016 йилдан бошлаб барқарор ошириш чораларини кўришга тўғри келмоқда. Чунки прогноз кўрсаткичининг далолат беришича, 2017 йилдан бошлаб ўсиш суръатининг секинлашиш тенденцияси кузатилмоқда.

2. Махсулотларни сотиш бўйича сотув каналларини ва бозорларни диверсификация қилинишига эришиши лозим. Бунинг учун маркетинг хизматларини жонлантириш ва тегишли тарзда реклама хизматларини жадаллаштириш лозим бўлмоқда.

3. Боғдорчиликка ихтисослашган шахсий тадбиркорларнинг маҳсулотларини сақлаб сотиш эвазига эришилган самарадорлик кўрсаткичларининг ўзгариш суръатини қатор йиллар давомида назарий жиҳатдан динамикасини аниқлаш орқали реал ҳолатга баҳо бериш кўнукмасини шакллантириш ҳам бугунги кунда мутахассисларнинг иқтисодий билим салоҳиятини ошириш имконини беради.

## **10.2. Мева ва сабзавот маҳсулотларини сақлаб сотиш хизматлари самарадорлик кўрсаткичларини прогнозлаш усули**

Юкорида таъкидланганидек, аҳолининг яшаш даражаси ва сифатининг оширилиши, озиқ-овқат хавфсизлигининг таъминлаши, бозорларимизнинг йил давомида тўкинлигига эришилиши, озиқ-овқат маҳсулотларининг нархи уччалик даражада ошиб кетмаслик ҳолатлари эвазига унинг барқарорлигини таъминлаш каби масалалар аҳолини сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари билан йил давомида таъминлашга қаратилган чора-тадбирлар билан боғлиқ.

Шуларнинг барчасини ҳисобга олган ҳолда, мазкур ишнинг устувор мақсади – мева ва сабзавот маҳсулотларини сақлаб сотиш

хизматлари самарадорлик кўрсаткичларини прогнозлаш усулини кўрсатиб беришдан иборат.

Ушбу режалаштирилган мақсаддан келиб чиқиб, бир қанча вазифалар белгиланган. Бу қўйидагилардан иборат:

- советгич корхоналарида маҳсулотларни сақлаш бўйича самарадорлик кўрсаткичлари динамикасини аниқлаш;
- кўрсаткичлар прогнозини белгилаш учун тегишли моделларни танлаш;
- маҳсулотларни сақлаш самарадорлигини ифодаловчи прогноз кўрсаткичларининг ҳақиқий ва назарий ўзгаришларини аниқлаш ҳамда прогноз миқдорини белгилаш.

Мева-сабзавот маҳсулотларини сақлаб сотиш бўйича бир-бири билан боғлиқ бўлган муҳим кўрсаткичларни инобатга олиб, уларнинг динамикаси ва прогноз кўрсаткичларини аниқлаш лозим, деган холосага келинди. Шу мақсадда қўйидаги кўрсаткичлар динамикаси таҳлил қилинди:

- сақлаш корхонасиning фойдаси;
- сақлаб сотилган маҳсулотдан умумий тушум;
- сақлаш харажатлари;
- сақлаб согилган маҳсулотнинг ўртача баҳоси;
- сақлаб сотилган маҳсулот ҳажми.

Ушбу кўрсаткичларнинг динамикаси қўйидаги жадвалда келтирилган (10.5-жадвал).

Тадқиқотларимиздан маълум бўлишича, маҳсулотларни сақлаш масаласи амалиётда етарли даражада кўлланилаётганлигига қарамасдан, уни назарий жиҳатдан деярли тадқиқ қилинмаган ва мос равишда иктисодий адабиётларда яхлит ҳолатда қараб чиқилмаган. Шу туфайли, маҳсулотларни сақлаб сотиш хизматлари билан боғлиқ масалаларни, айниқса, унинг самарадорлигини баҳолаш ва таҳлил қилиш ҳамда муҳим стратегик кўрсаткичларни прогнозлаштириш тадқиқотимизнинг асосий мақсади қилиб олинди.

Бунда сақланган маҳсулотлар билан боғлиқ кўрсаткичларни ўрганиш билан бирга, унинг динамикаси ва прогноз кўрсаткичларини аниқлаб, улар асосида киёсий таҳлил қилиб, мазкур хизматлар самарадорлиги ҳакида тегишли холосалар чиқариш учун, ушбу кўрсаткичларнинг динамикасини алоҳида-алоҳида қараб чиқишини лозим, деб топдик.

10.5-жадвал

**Самарқанд вилоятида жойлашган мева-сабзавот  
маҳсулотларини сақлаб сотиш бўйича 2005-2015 йиллардаги  
кўрсаткичлар динамикаси**

Йил- лар	Сақлаш корхо- наси фой- даси	Сақлаб сотилиган маҳсулотдан умумий тушум	Сақлаш хара- жат- лари	Сақлаб сотилиган маҳсулотнинг ўртача баҳоси	Сақлаб сотилиган нахсулот хажми
2005	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0
2006	88,5	136,7	151,3	128,6	106,3
2007	157,2	208,9	224,5	164,0	127,4
2008	77,0	324,1	401,6	254,6	128,2
2009	71,8	418,8	523,4	321,5	130,3
2010	398,8	555,9	603,2	393,7	141,2
2011	716,5	714,8	714,2	490,8	145,6
2012	607,7	757,9	803,2	557,7	135,9
2013	937,5	928,1	925,3	635,8	146,0
2014	1193,4	1025,0	974,2	650,4	157,6
2015	1203,6	1112,8	1085,4	682,4	163,1

Юкорида келтирилган бешта кўрсаткичнинг динамикаси ва прогноз миқдорларини алоҳида-алоҳида қараб чиқамиз. Сақлаш корхонаси фойдасининг 2005-2015 йиллар динамикаси ва унинг 2016-2019 йилларга мўлжалланган прогноз кўрсаткичлари хамда уларни аниқлаш ўйларининг полинаминал моделин бўйича куйидаги тенглама келтириб чиқарилди:

$$Y = 12,77x^2 - 0,476x;$$

Ушбу тенгламанинг полинаминал модель бўйича ҳисобкитоби куйидаги жадвалда келтирилган (10.6-жадвал).

Тадқик қилинган советгич корхонасида сақлаб сотилиган маҳсулотдан олинган фойданинг ўзгариш суръати 2005-2015 йиллар давомида энг юкори эканлиги кузатилди. Унинг графикдаги чизиги хам буни тасдиқлаб турибди. Мазкур кўрсаткични прогноз қилиш жараёнида унинг аппроксимациясини аниқлаб олиш лозим бўлди. Бунда экспонциал, чизиқли, логорифмик, полинаминал, даражали, чизиқли, фильтрланадиган ўзгаришларга мослиги синааб кўрилди ва бизнинг мисолимизда полинаминал моделидан

фойдаланиш лозимлиги аниқланди. Ушбу моделни кўллаганда, мазкур кўрсаткич бўйича 2010-2015 йиллар учун куидаги тенглама келиб чиқди:

$$Y = 2,065x^2 + 74,62x$$

10.6-жадвал

**Сақлаш корхонаси фойдасининг 2005-2015 йиллар динамикаси ва 2016-2019 йилларга мўлжалланган  $Y = 12,77x^2 - 0,476x$  полиноминал модели бўйича прогноз кўрсаткичлари ( $R^2 = 0,935$ )**

Йил-лар	Сақлаш корхонаси фойдаси	$12,77x^2$	$- 0,476x$	Сақлаш корхонаси фойдасининг назарий жиҳатдан ўсиш суръати, %
2005	100,0	$12,77*1^2$	$- 0,476*1$	$12,77 - 0,476 = 12,29$
2006	88,5	$12,77*2^2$	$- 0,476*2$	$51,08 - 0,952 = 50,13$
2007	157,2	$12,77*3^2$	$- 0,476*3$	$114,9 - 1,428 = 113,47$
2008	77,0	$12,77*4^2$	$- 0,476*4$	$204,32 - 1,904 = 202,42$
2009	71,8	$12,77*5^2$	$- 0,476*5$	$319,25 - 2,38 = 316,87$
2010	398,8	$12,77*6^2$	$- 0,476*6$	$459,72 - 3,86 = 455,88$
2011	716,5	$12,77*7^2$	$- 0,476*7$	$625,73 - 3,33 = 622,39$
2012	607,7	$12,77*8^2$	$- 0,476*8$	$812,28 - 3,81 = 808,47$
2013	937,5	$12,77*9^2$	$- 0,476*9$	$1034,37 - 4,28 = 1030,08$
2014	1193,4	$12,77*10^2$	$- 0,476*10$	$1277,0 - 4,76 = 1272,24$
2015	1203,6	$12,77*11^2$	$- 0,476*11$	$1545,7 - 5,24 = 1540,46$
2016	X	$12,77*12^2$	$- 0,476*12$	$1838,9 - 5,715 = 1833,19$
2017	X	$12,77*13^2$	$- 0,476*13$	$2158,13 - 6,188 = 2151,94$
2018	X	$12,77*14^2$	$- 0,476*14$	$2502,92 - 6,66 = 2496,26$
2019	X	$12,77*15^2$	$- 0,476*15$	$2873,25 - 7,14 = 2866,11$

Натижанинг, яъни сақлаб сотилган маҳсулотдан олинган фойданинг ўзгариши, ушбу комплекс омилнинг ўзгариши билан ўзаро боғлиқлиги юқори эканлиги, яъни  $R^2 = 0,992$ га тенглиги аниқланди. Ушбу кўрсаткич мазкур жараёнда аппроксимациянинг ишончлилигини кўрсатади.

Юқоридаги формуалалар билан ҳисоб-китоб килинганда, сақлаб сотилган маҳсулотдан олинган фойданинг прогнози йилма-

йил аниқланиб, 2016 йилда – 119,0 %, 2017 йилда – 117,4 %, 2018 йилда – 116,0 % ва 2019 йилда 114,8 % ошганлигига гувоҳ бўлдик. Уларнинг шу даврдаги ўртacha ўсишини қўйидаги формула билан аниқлашни тавсия қиласиз:

$$Смф = 1/2 \sum_{i=1}^n Сфи$$

Бунда: *Смф* –сақлаб сотилган маҳсулотдан олинган фойдаланинг ҳақсми;

*i* – ҳар бир ўзгариши суръатини ифодаловчи кўрсаткичнинг тартиб рақами;

*n* – ўзгариши суръатини ифодаловчи кўрсаткичларнинг сони;

*x<sub>i</sub>* – совитгич корхонаси фойдаласининг ўзгариши суръатини ифодаловчи кўрсаткичлар миқдори;

$\Sigma$  - жамлаш белгиси.

Юқоридаги маълумотлар ва формулаларни қўллаб, сақлаб сотилган маҳсулотдан олинган совитгич корхонасининг фойдаси 2016-2019 йилларга мўлжалланган прогноз кўрсаткичи 186,1%ни ташкил қилиши аниқланди. 2016-2019 йиллардаги натижавий кўрсаткич ўсиш суръатининг ўртacha миқдори 116,8 %ни ташкил килди. Демак, ушбу кўрсаткичга эришиш учун, тўрт йил мобайнида ҳар йили 116,8 %дан ошириши лозимлиги аниқланди.

Юқоридаги ҳисоб-китобларни совитгич корхонасида сақлаб сотилган маҳсулотдан умумий тушумнинг 2005-2015 йиллар динамикасини ҳисоб-китоб қилганда ҳам кўриш мумкин (10.7-жадвал).

Сақлаб сотилган маҳсулотдан умумий тушумни прогноз қилиш жараёнида ҳам аппроксимацияси полиноминал моделидан фойдаланиши лозимлигини кўрсатди. Ушбу модельни қўллаганда, мазкур кўрсаткич бўйича 2010-2015 йиллар учун қўйидаги тенглама келиб чиқди:

$$Y = 2,065x^2 + 74,62x$$

Натижанинг, яъни сақлаб сотилган маҳсулот ўзгаришига ушбу комплекс омилнинг ўзгариши билан ўзаро боғлиқлиги юқори эканлиги, яъни  $R^2 = 0,992$ га тенглиги аниқланди. Мазкур формулалар билан ҳисоб китоб қилинганда, сақлаб сотилган

**Сақлаш корхонасида саклаб сотилган маҳсулотдан умумий тушумнинг 2005-2015 йиллар динамикаси ва 2016-2019 йилларга мўлжалланган  $Y = 2,065x^2 + 74,62x$  полиноминал модели бўйича прогноз кўрсаткичлари ( $R^2 = 0,992$ )**

Йиллар	Сақлаб сотилган маҳсулотдан умумий тушум	$2,065x^2$	$74,62x$	Сақлаб сотилган маҳсулотдан умумий тушумнинг назарий жиҳатдан ўсиш суръати, %
2005	100,0	$2,065*1^2$	$74,62*1$	$2,065+74,62=76,68$
2006	136,7	$2,065*2^2$	$74,62*2$	$8,26+149,24=157,5$
2007	208,9	$2,065*3^2$	$74,62*3$	$18,58+233,86=242,44$
2008	324,1	$2,065*4^2$	$74,62*4$	$33,04+298,48=331,52$
2009	418,8	$2,065*5^2$	$74,62*5$	$51,62+373,1=424,72$
2010	555,9	$2,065*6^2$	$74,62*6$	$74,34+447,72=522,06$
2011	714,8	$2,065*7^2$	$74,62*7$	$101,8+522,34=623,52$
2012	757,9	$2,065*8^2$	$74,62*8$	$132,16+596,96=729,12$
2013	928,1	$2,065*9^2$	$74,62*9$	$167,26+671,58=838,84$
2014	1025,0	$2,065*10^2$	$74,62*10$	$206,5+746,2=952,70$
2015	1112,8	$2,065*11^2$	$74,62*11$	$249,9+820,82=1070,7$
2016	X	$2,065*12^2$	$74,62*12$	$297,4+895,44=1192,4$
2017	X	$2,065*13^2$	$74,62*13$	$349,0+970,06=1319,1$
2018	X	$2,065*14^2$	$74,62*14$	$404,7+1044,68=1449,4$
2019	X	$2,065*15^2$	$74,62*15$	$446,6+1119,30=1565,9$

маҳсулотдан умумий тушумни йилма-йил аниқланиб, 2016 йилда – 111,4 %, 2017 йилда – 110,6 %, 2018 йилда – 109,9 % ва 2019 йилда – 108,0 % ошганлигига гувоҳ бўлдик. Уларнинг шу даврдаги ўртacha ўсишини куйидаги формула билан аниқлашни тавсия қиласиз:

$$Смт = 1/2 \sum_{i=1}^n Сми$$

Бунда:  $Смт$  – сақлаб сотилган маҳсулотдан умумий тушумнинг ҳажми;

$i$  – ҳар бир ўзгарши суръатини ифодаловчи кўрсаткичнинг тартиб рақами;

$n$  – ўзгариши суръатини ифодаловчи кўрсаткичларнинг сони;  
 $Cm$ ; – сотилган маҳсулот ўзгариши суръатини ифодаловчи кўрсаткичларнинг миқдори;  
 $\Sigma$  – жамлаш белгиси.

Юқоридаги маълумотлар ва формуласларни қўллаб, 2015-2019 йиллардаги натижавий кўрсаткичининг ўртача миқдори аниқланганда, унинг ҳажми 110,0 %ни ташкил қилди. Демак, сақлаб сотилган маҳсулотдан умумий тушумнинг 2015-2019 йилларга 146,3 % прогноз кўрсаткичига эришиш учун, тўрт йил мобайнида ҳар йили 110,0 %дан ошириши лозимлиги аниқланди.

Худди шундай ҳолатни сақлаш корхонасида сақлаш харажатларининг 2005-2015 йиллар динамикасини ҳисоб-китоб қилганда ҳам кўриш мумкин (10.8-жадвал).

#### 10.8-жадвал

**Сақлаш корхонасида сақлаш харажатларининг 2005-2015  
йиллар динамикаси ва 2016-2019 йилларга мўлжалланган  
 $Y = -1,183x^2 + 97,48x$  полиноминал модели бўйича прогноз  
кўрсаткичлари ( $R^2 = 0,991$ )**

Йиллар	Сақлаш харажатлари	$-1,183x^2$	97,48x	Сақлаш харажатларининг назарий жиҳатдан ўсии суръати, %
2005	100,0	$-1,183*1^2$	97,48*1	$-1,18+97,48=95,3$
2006	151,3	$-1,183*2^2$	97,48*2	$-4,73+194,96=190,2$
2007	224,5	$-1,183*3^2$	97,48*3	$-10,64+292,44=281,8$
2008	401,6	$-1,183*4^2$	97,48*4	$-18,92+389,92=371,0$
2009	523,4	$-1,183*5^2$	97,48*5	$-29,57+487,4=457,8$
2010	603,2	$-1,183*6^2$	97,48*6	$-41,58+584,88=542,3$
2011	714,2	$-1,183*7^2$	97,48*7	$-57,96+682,36=624,4$
2012	803,2	$-1,183*8^2$	97,48*8	$-75,71+779,84=704,1$
2013	925,3	$-1,183*9^2$	97,48*9	$-95,82+877,32=781,5$
2014	974,2	$-1,183*10^2$	97,48*10	$-118,3+974,8=856,5$
2015	1085,4	$-1,183*11^2$	97,48*11	$-143,14+1072,28=929,2$
2016	X	$-1,183*12^2$	97,48*12	$-170,35+1169,76=999,4$
2017	X	$-1,183*13^2$	97,48*13	$-999,92+1267,2=1067,3$
2018	X	$-1,183*14^2$	97,48*14	$-231,86+1384,72=1132,9$
2019	X	$-1,183*15^2$	97,48*15	$-266,17+1462,2=1196,0$

Сақлаш корхонасида сақлаш харажатларининг 2005-2015 йиллар динамикаси ва 2016-2019 йилларга мўлжалланган прогноз кўрсаткичлари аниқланди. Сақлаб сотилган маҳсулот учун сақлаш харажатларини прогноз қилиш жараёнида тренд чизигининг аппроксимацияси ҳам полиноминал моделидан фойдаланиш лозимлигини кўрсатди. Ушбу модельни қўллаганда, мазкур кўрсаткич бўйича 2010-2015 йиллар учун куйидаги тенглама келиб чиқди:

$$Y = -1,183x^2 + 97,48x$$

Натижанинг, яъни сақлаш харажатларининг таҳлил давомида вақт омили билан боғлиқ бўлган ушбу комплекс омилининг ўзгариши билан ўзаро боғлиқлиги юқори эканлиги, яъни  $R^2 = 0,991$ га тенглиги аниқланди. Жадвалда келтирилган маълумотлар асосида тегишли формулаларни қўллаб, ҳисоб-китоб қилинганда, сақлаш харажатларининг йилма-йил ўсиш суръати 2016 йилда – 107,5 %, 2017 йилда – 106,7 %, 2018 йилда – 106,1 % ва 2019 йилда – 105,5 % ошганлигига гувоҳ бўлдик. Шу йилларда унинг ўртacha ўсиш суръати ҳам юқорида келтирилган формулани қўллаган ҳолда аниқланди ва 106,4 %ни ташкил қилди.

Жадвалда келтирилган маълумотлар ва юқоридаги формуласларни қўллаб, сақлаш харажатларининг 2015-2019 йилларга прогноз кўрсаткичи аниқланди. Прогноз қилинган тўрт йил мобайнида мазкур кўрсаткичининг микдори 128,7 %га ўсиши аниқланди. Ушбу 2015-2019 йилларга мўлжалланган кўрсаткичга эришиш учун, харажатларнинг ўртacha микдори ҳар йили 106,4 %дан ўсиши таъминланган бўлиши лозим экан. Кўриниб турибдики, сотилган маҳсулотнинг умумий тушуми харражатларга нисбатан анча юқори. Шу туфайли, совитгич корхонаси фойдасининг юқори ўсиш суръатини таъминлаш имконияти яратилган.

Сақлаб сотилган маҳсулот умумий тушумининг 2015-2019 йиллардаги прогноз кўрсаткичи сақлаш харажатларига нисбатан 1,14 марта (146,3/128,7) баланд. Бунинг натижасида фойданинг ўсиш суръати шу йиллар давомида сақлаб сотилган маҳсулот умумий тушумининг прогноз кўрсаткичига нисбатан 1,27 марта (186,1/146,3) ва харражатларга нисбатан 1,45 марта (186,1/128,7) кўплиги аниқланди.

Ушбу ўзгаришларда сотилган маҳсулотнинг баҳоси муҳим роль ўйнайди. Шу туфайли, унинг ўзгариш тенденцияси ҳам аниқланди (10.9-жадвал).

*10.9-жадвал*

**Сақлаш корхонасида сақлаб сотилган маҳсулот ўртача баҳосининг 2005-2015 йиллар динамикаси ва 2016-2019 йилларга мўлжалланган  $Y = -0,595x^2 + 69,20x$  полинаминал модели бўйича прогноз кўрсаткичлари ( $R^2 = 0,984$ )**

Йиллар	Сақлаб сотилган маҳсулотнинг ўртача баҳоси	$-0,595x^2$	$69,20x$	Сақлаб сотилган маҳсулотнинг ўртача баҳосининг назарий жиҳатдан ўсиш суръати, %
2005	100,0	$-0,595*1^2$	$69,20*1$	$-0,60+69,2=68,6$
2006	128,6	$-0,595*2^2$	$69,20*2$	$-2,38+138,4=136,0$
2007	164,0	$-0,595*3^2$	$69,20*3$	$-5,35+207,6=202,3$
2008	254,6	$-0,595*4^2$	$69,20*4$	$-9,52+276,8=267,3$
2009	321,5	$-0,595*5^2$	$69,20*5$	$-14,87+346,0=331,1$
2010	393,7	$-0,595*6^2$	$69,20*6$	$-21,42+415,2=393,8$
2011	490,8	$-0,595*7^2$	$69,20*7$	$-29,15+484,4=455,3$
2012	557,7	$-0,595*8^2$	$69,20*8$	$-38,08+553,6=515,5$
2013	635,8	$-0,595*9^2$	$69,20*9$	$-48,19+622,8=574,6$
2014	650,4	$-0,595*10^2$	$69,20*10$	$-59,5+692,0=632,5$
2015	682,4	$-0,595*11^2$	$69,20*11$	$-71,99+761,2=689,2$
2016	X	$-0,595*12^2$	$69,20*12$	$-84,88+830,4=744,7$
2017	X	$-0,595*13^2$	$69,20*13$	$-100,55+899,6=799,1$
2018	X	$-0,595*14^2$	$69,20*14$	$-116,62+968,2=852,2$
2019	X	$-0,595*15^2$	$69,20*15$	$-133,8+1038,0=904,2$

Сақлаш корхонасида сақлаб сотилган маҳсулот ўртача баҳосининг 2005-2015 йиллар динамикаси трендли чизиги аппроксимациясининг полинаминал модели қўйидагича аниқланди:

$$Y = -0,595x^2 + 69,20x;$$

Комплекс омилнинг ўзгаришини ўзида мужассам этган вакт омили билан бөғлиқликнинг ишончлилик даражаси юкори, яъни  $R^2 = 0,984$ га тенглиги аниқланди. 2016-2019 йилларга мўлжал-

ланган полинаминал модели бўйича прогноз кўрсаткичлари 131,2 %ни ташкил қиласди. Бунинг учун ҳар йили қуйидаги суръатларда ўсиш мумкинлиги аниқланди: 2016 йилда ўсиш суръати 108,0 %ни ташкил қилмоқда, 2017 йилда эса 107,2 %, 2018 йилда 106,6 % ва ниҳоят 2019 йилда 106,1 %га teng. Шу даврда ўртача ўсиш 106,9 %ни ташкил қиласди.

2015-2019 йиллар давомида ўсиши кўзда тутилган сақланган маҳсулотнинг ўсиш суръати, баҳосининг ўсиш суръатига нисбатан ҳам юкори. Ушбу кўрсаткичнинг миқдори 1,12 мартаға (146,3/131,2) teng. Бундан кўриниб турибдик, мева-сабзавот маҳсулотларини сақловчи корхоналарнинг фойдаси нархнинг оширилиш эвазига эмас, балки сақлаш ҳажмини кўпайтириш эвазига амалга оширилмоқда. Фойданинг нархга нисбатан 1,42 мартаға (186,1/131,2) кўплиги ҳам аниқланди.

Сақлаш корхонасининг молиявий-хўжалик фаолияти кўп холларда нарх ва бошқа пул билан боғлиқ кўрсаткичлар билан бирга, уларнинг натурал ҳажмига ҳам бевосита боғлиқ. Шу туфайли сақлаб сотилган маҳсулотнинг натурал ҳажмининг динамикасини таҳлил қилишни мақсадга мувофиқ, деб топдик (10.10-жадвал).

Сақлаш корхонасида сақлаб сотилган маҳсулот ҳажмининг 2005-2015 йиллар динамикасининг кўрсатишича, шу йилларда унинг ўсиш суръати 163,1 %ни ташкил қилган. Шу даврда нархнинг ўсиш суръати – 682,4 %га teng бўлган. Ушбу кўрсаткичнинг натурал ҳажмига нисбати 4,18 мартағи (682,4/163,1) ташкил қиласди. Кўриниб турибдик, нархнинг анча кескин ўсиши рўй берган. Агар вакт билан боғлиқ омиллар таъсир қилганда, шу йиллар давомида ушбу кўрсаткичнинг ўсиш суръати назарий жиҳатдан 425,2 %ни ташкил қилган бўлар эди. Аммо сақлаб сотишнинг ўзгаришига бошқа омиллар ҳам таъсир қиласди, уларни инобатга олиш учун тадқиқотни янада чукурлаштириш лозим бўлади. Мазкур кўрсаткичнинг 2010-2016 йилларга мўлжалланган полинаминал модели  $Y = -0,260x^2 + 41,51x$  ни, ушбу модель бўйича 2015-2019 йилларга мўлжалланган прогноз кўрсаткичи 132,7 %ни ташкил қиласди. Аммо унинг ишончлилик даражаси паст, яъни  $R^2 = -1,07$  га тенглиги ҳам бунга жуда кўплаб бошқа омиллар таъсир қилишини кўрсатади.

10.10-жадвал


**Сақлаш корхонасида сақлаб сотилған маҳсулот ҳажмининг  
2005-2015 йиллар динамикаси ва 2016-2019 йилларга  
мүлжалланған  $Y = -0,260x^2 + 41,51x$  полиноминал модели  
бүйінча прогноз күрсаткічлари ( $R^2 = -1,07$ )**

Йиллар	Сақлаб сотилған маҳсулот ҳажми	$-0,260x^2$	$41,51x$	Сақлаб сотилған маҳсулот ҳажмининг изазарий жиҳатдан үсіш суръати, %
2005	100,0	$-0,260*1^2$	$41,51*1$	$-0,16+41,51=41,3$
2006	106,3	$-0,260*2^2$	$41,51*2$	$-1,04+83,06=82,0$
2007	127,4	$-0,260*3^2$	$41,51*3$	$-2,34+124,53=122,2$
2008	128,2	$-0,260*4^2$	$41,51*4$	$-4,16+166,04=161,9$
2009	130,3	$-0,260*5^2$	$41,51*5$	$-6,5+907,55=201,1$
2010	141,2	$-0,260*6^2$	$41,51*6$	$-9,36+249,06=246,7$
2011	145,6	$-0,260*7^2$	$41,51*7$	$-12,74+290,57=277,8$
2012	135,9	$-0,260*8^2$	$41,51*8$	$-16,64+392,08=315,4$
2013	146,0	$-0,260*9^2$	$41,51*9$	$-21,06+373,59=352,5$
2014	157,6	$-0,260*10^2$	$41,51*10$	$-26,0+415,1=389,1$
2015	163,1	$-0,260*11^2$	$41,51*11$	$-31,46+456,61=425,2$
2016	X	$-0,260*12^2$	$41,51*12$	$-37,44+498,12=463,7$
2017	X	$-0,260*13^2$	$41,51*13$	$-43,94+539,63=495,7$
2018	X	$-0,260*14^2$	$41,51*14$	$-50,96+581,14=530,2$
2019	X	$-0,260*15^2$	$41,51*15$	$-58,5+622,65=564,2$

Сақлаш корхонасида сақлаб сотилған маҳсулот ҳажмининг 2016-2019 йилларга мүлжалланған прогноз күрсаткічи 12,7 %ни ташкил қылади. Унинг йиллар бүйінча динамикаси хам үсіш тенденциясига зерттеу. Бұның көрсеткіші 2016 йилда 109,1 % үсеган бўлса, 2017 йилда – 106,9 %, 2018 йилда – 107,0 % ва ниҳоят 2019 йилда – 106,4 %га тенг. Шу йилларда ўртача үсіш 107,4 %ни ташкил қылади.

Мева-сабзавот маҳсулотларини сақлаб сотиш бүйінча бир-бири билан боғлиқ бўлган мухим күрсаткічларни инобатта олиб, уларнинг динамикаси ва прогноз күрсаткічлари аникланади. Бунда куйидаги күрсаткічлар динамикаси таҳлил қилинди: сақлаш

корхонаси фойдаси; саклаб сотилган маҳсулотдан умумий тушум; саклаш харажатлари; саклаб сотилган маҳсулотнинг ўртача баҳоси; саклаб сотилган маҳсулот ҳажми. Ушбу кўрсаткичлар динамикасининг графиги кўйидаги расмда келтирилган (10.2-расм).



**10.2-расм. Мева-сабзавот маҳсулотларини саклаб сотилиши бўйича 2005-2015 йиллардаги динамикасининг графиги ва трендили аппроксимациясининг полиноминал моделлари.**

Мазкур расмда келтирилган ҳисоб-китобларни ва бошқа тадқиқот маълумотларини жамлаб, қўйидаги комплекс жадвални тузиш тавсия қилинди (10.11-жадвал).

Саклаб сотилган маҳсулотдан умумий тушумнинг 2015-2019 йиллардаги прогноз кўрсаткичи саклаш харажатларига нисбатан 1,14 марта (146,3/128,7) юқорилиги мазкур субъектда фойданинг ўсишига олиб келади. Мазкур корхонада фойданинг ўсиш суръати шу йиллар давомида саклаб сотилган маҳсулот умумий тушумининг прогноз кўрсаткичига нисбатан 1,27 марта (186,1/146,3), харажатларга нисбатан 1,45 марта (186,1/128,7), сотилган маҳсулотнинг ўртача баҳосига нисбатан 1,42 марта (186,1/131,2) кўплиги аниқланди. Мазкур тавсияларимиз саклаш корхонаси фойдаси, саклаб сотилган маҳсулотдан умумий тушум, саклаш харажатлари, саклаб сотилган маҳсулотнинг ўртача баҳоси ва саклаб сотилган маҳсулот ҳажмини 2005-2015 йиллар динамикасини ва ушбу кўрсаткичларининг 2016-2019 йилларга мўлжалланган прогноз кўрсаткичларини ишлаб чиқиш учун асос

бўлди. Шу туфайли, улар амалиётда кенг қўлланилмоқда. Жумладан, мева-сабзавот маҳсулотларини сақлаш ва сотиш самарадорлигини кўрсатиш бўйича олинган тавсиялар услубий кўрсатмалар сифатида «Ўзбекозикоўкатхолдинг» холдинг компанияси акциядорлик жамияти бошқаруви бўйича бўйруқ (30.08.2016 й.; №85) билан амалиётга жорий қилинди.

*10.11-жадвал*

**Маҳсулотларни саклаш билан боғлиқ кўрсаткичлар динамикаси ва улар прогнозларининг чизиқли тренд аппроксимациясининг полиноминал модели**

Т/ р	Кўрсат- кичлар- нинг номи	Чизиқли тренд аппрокси- мация- сининг полина- минал модели	2005- 2015 йил- лар ўсиш суръ- ати, %	2016-2019 йиллар прог- ноз кўрсат- кичлари		$R^2$
				Уму- мий ўсиш суръ- ати, %	Ўртча йиллик ўсиши, %	
1.	Сақлаш корхонаси фойдаси	$y=12,77x^2-0,476x$	1203,6	186,1	116,8	0,991
2.	Сақлаб со- тилган маҳ- сулотдан умумий тушум	$y=2,065x^2+74,62x$	1112,8	146,3	110,3	0,984
3.	Сақлаш харажатлари	$y=-1,183x^2+97,48x$	1085,4	128,7	106,4	0,935
4.	Сақлаб со- тилган маҳ- сулотнинг ўртча баҳоси	$y=-0,595x^2+69,20x$	682,4	131,2	106,9	0,992
5.	Сақлаб со- тилган маҳ- сулот ҳажми	$y=-0,260x^2+41,51x$	163,1	132,7	107,2	-1,07

Унда музлаткичдан олинган маҳсулотни чакана савдо корхоналарида сақлашнинг максимал муддати ва яроксиз ҳолга келиши мумкин бўлган маҳсулотларга оид иқтисодий тадбирлар келтирилган («Ўзбекозиқовқатхолдинг» холдинг компанияси акциядорлик жамиятининг 2016 йил 16 июлдаги ОР/11-1742-сон маълумотномаси). Илмий натижаларнинг норматив ҳужжат дараҷасида жорий қилиниши, маҳсулот сифатини сақлаш, истеъмолчилар ҳуқуқини ҳимоя қилиш ва тегишли самарадорликни таъминлаш учун уларнинг прогнозларини ишлаб чиқиш имконини беради.

## ХУЛОСА

Маҳсулотларни саклаб сотиш хизматларини кўрсатувчи хўжалик юритувчи корхоналар фаолияти самарадорлигини оширишнинг ташкилий-иқтисодий механизмларини тадқик қилиб, бир қанча хуласаларга келинди ва илмий-назарий ҳамда услубий аҳамиятга молик таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди.

1. Хизмат кўрсатиш соҳасининг назарий масалалари, унда саклаш ва сотиш хизматларининг ўрнини тадқик қилиб, маҳсулотларни саклаш ва сотиш хизматларининг хизматлар тизимидағи ўрни ва ўзига хос хусусиятлари, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини тайёрлаш ва қайта ишлашнинг мамлакат озиқовқат хавфсизлигини таъминлашдаги ўрни етарли даражада тадқик қилинмаганлигини инобатга олиб, уларнинг мазмуни очиб берилди.

2. Тадқиқотда маҳсулотларни “боғдан дастурхонгача” схемаси асосида истеъмолчиларга етказиш хизматлари самарадорлигини ошириш ва табиий йўқотиш меъёrlарини асослашга алоҳида аҳамият берилди ҳамда ишда маҳсулотларни “боғдан дастурхонгача” схемаси асосида етказиш хизматларининг турлари ва улар самарадорлигини ошириш имониятлари, маҳсулотларни саклаш хизматларини кўрсатиш асосида табиий йўқотиш меъёrlарини аниқлаш ва уларни аниқлаш бўйича ўтказилган тажриба натижаларига таянган ҳолда бир қанча амалий аҳамиятга молик тавсиялар ишлаб чиқилди.

3. Ишда маҳсулотларни саклаш ва сотиш хизматлари самарадорлиги, уларнинг мазмуни, кўрсаткичлари, таснифи, аниқлаш йўллари ва ўзига хос хусусиятларига тегишли тарзда аҳамият берилиб, маҳсулотларни саклаш ва сотиш хизматлари самарадорлигининг назарий масалалари, уларнинг ўзига хос хусусиятлари, ушбу хизматларнинг самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичлар тизими, уларнинг таснифи ва аниқланиш йўллари, маҳсулотларни саклаш ва сотиш билан боғлиқ инновацион фаолият самарадорлигини ифодаловчи индивидуал, интеграл ва комплекс кўрсаткичларни аниқлаш йўллари ишлаб чиқилди ва улар ҳам амалиётга жорий килинди.

4. Монографиянинг асосий мазмуни маҳсулотларни саклаш ва истеъмолчиларга етказиш билан боғлиқ хизматлар самарадорлигини оширишнинг ташкилий-иқтисодий механизмларини такомиллаштириш йўлларига қаратилганлиги туфайли, унда

ташкилий-иктисодий механизмларнинг мазмуни ва уларнинг назарий масалалари, маҳсулотларни сақлаб сотиш хизматлари самарадорлигини оширишнинг ташкилий-иктисодий механизмларини такомиллаштириш йўллари, мева-сабзавот маҳсулотларини сақлаш ва қайта ишлаш корхоналарининг моддий-техника базасини яратиш бўйича имтиёзли кредитлар бериш тартибини ҳамда мева-сабзавотларни сақлаб сотиш хизматлари самарадорлигини оширишнинг лицензиялаш билан боғлиқ механизмларини такомиллаштириш, маҳсулотларни етиштириш ва сақлаб сотиш хизматлари самарадорлигини оширишнинг илгор инновацион усуслари, улардан бири бўлган тадбиркор инвестициясининг аниқ қопланиш миқдори ва муддатини аниқлаш усуслари ёритилди ва ушбу муаммоларни ҳал килиш бўйича бир қанча илмий-назарий ва амалий аҳамиятга молик тавсиялар ишлаб чиқилди.

5. Иктисодий адабиётларда синергетик самара ва синергетик самарадорлик тушунчаларининг назарий масалалари ва уларни ифодаловчи кўрсаткичларни аниқлаш йўллари етарли даражада ёритилмаганлигини инобатга олиб, синергетик самара ва синергетик самарадорлик тушунчаларининг назарий масалалари, синергетик самара ва синергетик самарадорликнинг асосий йўналишлари, синергетик самарадорликни баҳолашнинг назарий масалаларига ҳам алоҳида аҳамият берилди ва ушбу масалалар амалий маълумотларни кўллаган ҳолда ёритилди ҳамда тегишли илмий-назарий аҳамиятга молик хуносалар қилинди.

6. Маҳсулотларни сақлаб сотиш билан боғлиқ хизматларга кетадиган харажатларнинг камайишига таъсир этувчи омиллар ва уларни хисоблаш йўллари иктисодий адабиётларда деярли ёритилмаганлигини инобатга олиб, ишдамаҳсулотларни сақлаш харажатлари самарадорлиги ва унинг ўзгаришига таъсир этувчи омиллар, маҳсулотларни сақлаш харажатларининг турлари ва улар ўзгаришига таъсир этувчи омилларни хисоблаш йўллари, маҳсулотларни сотиш хизматлари самарадорлиги ўзгаришига таъсир қилювчи омиллар таснифи, уларни таҳлил қилиш йўллари, маҳсулотларни сақлаш билан боғлиқ хизматларга кетадиган харажатлар ва уларнинг ўзгаришига таъсир этувчи омиллар аниқланди ва омилли таҳлил натижасида тегишли бошқарув қарорларини қабул қилиш усуслари кўрсатиб берилди.

7. Тадқиқотнинг асосий максадларидан бири – маҳсулотларни сақлаб сотиш хизматлари бўйича молиявий натижалар ва уларни

яхшилаш йўлларини қараб чиқишга қаратилганлиги туфайли, монографияда маҳсулотларни саклаб сотиш хизматлари бўйича молиявий натижаларни ифодаловчи кўрсаткичларнинг ўзаро алокадорлиги ва уларни баҳолаш, маҳсулотларни саклаш рентабеллиги ўзгаришига таъсири этувчи омилларни аниқлаш ва таҳлил қилиш йўллари, маҳсулотларни саклаб сотиш ҳажми, фойдаси ва рентабеллигининг ўзгариш тенденцияларининг қиёсий таҳлили амалга оширилди ва молиявий натижаларни яхшилаш бўйича тегишли тавсиялар ишлаб чиқилди.

8. Монографиянинг алоҳида боби маҳсулотларни сотиш хизматлари самарадорлигини ошириш ва унинг ташкилий тадбирларини такомиллаштириш йўлларига бағишинланганлигига сабаб ҳам унинг анча қисми иқтисодий адабиётларда қараб чиқилмаганлиги туфайлидир. Шуларни ҳисобга олган ҳолда, маҳсулотларни сотиш хизматлари самарадорлигини оширишнинг объектив зарурлиги, мева-сабзавот маҳсулотларини чакана савдо корхоналарида сотишнинг ташкилий-иқтисодий механизмлари ва уларнинг ўзига хос ҳусусиятлари, маҳсулотларни сотиш хизматлари самарадорлигини оширишнинг бир қанча замонавий ташкилий тадбирлари ва уларни амалга ошириш йўллари, улардан бири бўлган “Мобиль савдо” усулини йўлга кўшишнинг зарурлиги кўрсатиб берилди.

9. Иқтисодиётнинг ажралмас қисми кўрсаткичларни прогнозлашга қаратилган тадбирларни ишлаб чиқишга қаратилганлиги туфайли, маҳсулотларни саклаб сотиш хизматлари самарадорлик кўрсаткичларини прогнозлаш усуllibарига ҳам алоҳида аҳамият берилди. Унда маҳсулотларни саклаб сотиш хизматлари ҳажми, фойда ва рентабеллик кўрсаткичларини прогнозлаш усуllibарига, мева ва сабзавот маҳсулотларини саклаб сотиш хизматлари самарадорлик кўрсаткичларини прогнозлаш усулини амалий маълумотларни қўллаган ҳолда кўрсатиб беришга эришилди.

## ТАКЛИФ ВА ТАВСИЯЛАР

Юқоридаги илмий-назарий хуносалар билан бирга, бугунги кунда мамлакат ижтимоий-иктисодий ҳаётида мухим аҳамиятга эга бўлган бир қанча илмий таклиф ва тавсиялар ҳам ишлаб чиқилди.

1. Қишлоқ хўялиги маҳсулотларини тайёрлаш ва сақлаб сотиш хизматлари самарадорлигини баҳолашда уч поғонали кўрсаткичлардан (индивидуал, интеграл ва комплекс кўрсаткичлар) фойдаланиши асосланди. Самарадорликни баҳолашнинг мавжуд методикаси дастлаб 36 та индивидуал кўрсаткичларни, улар асосида 9 та интеграл кўрсаткичлар гурӯхини ва буларга асосан комплекс кўрсаткични аниқлаш оркали самарадорликни баҳолаш усусларини такомиллаштириш тавсия қилинди.

2. Мева-сабзавот маҳсулотлари сифатини сақлаш, сақлаш жараёнини рационал ташкил қилиш ва сарф-ҳаражатларни оптимальлаштириш кабиларни зътиборга олган ҳолда, маҳсулотларни мавсумий сақлашда табиий йўқотиш нормативлари ишлаб чиқилди. Ушбу нормативлар олма бўйича 2,71%ни ташкил қилиши, картошка бўйича – 5,0% ва пиёз бўйича – 12,2% килиб белгилаш асосланди ва бу амалиётга татбиқ этилди.

3. Мева-сабзавот маҳсулотларини чакана савдо корхоналарида сотиш ва музлатгичда сақлаш самарадорлигини оширишнинг ташкилий-иктисодий механизmlарини такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқилди, жумладан, чакана савдо залларида кичик ҳажмдаги совитгич камераларидан фойдаланиши, харидорларнинг ишончини қозониш ва маҳсулотларнинг хавфсизлигини таъминлаш мақсадида савдо залларига нитратлик даражасини ўлчайдиган асбобдан фойдаланиши жорий қилиш таклиф этилди ва улар ҳам амалиётда ўз исботини топди.

4. Маҳсулотларни сақлаш ва сотиш хизматлари самарадорлигини оширишда синергетик самара ва самарадорлик тушунчалари билан боғлиқ атамаларнинг такомиллаштирилган тарьифлари ишлаб чиқилди ва унинг асосий йўналишлари, яъни кучларни бирлаштириш, тизимли таъсири ва келажакнинг бугунга таъсири амалиётга жорий қилинди ва тегишли самарадорликка эришиш мумкинлиги асосланди.

5. Ҳозирги иктисодиётнинг ривожланишида рақобат мухитининг мавжудлиги муқаррар эканлиги билан бирга, ўзимизнинг менталитетимиздан келиб чиқкан ҳолда самарадорликни ошириш

учун ҳамкорлик тамойилларидан фойдаланиш ҳамда буни амалга ошириш учун ҳалқаро тажрибада амал қилиб келинаётган кластер ёндашувларидан фойдаланиш йўллари асосланди ва бу таклиф ҳам амалиётга қўлланилди.

6. Мева-сабзавот маҳсулотларини саклаб сотиш бўйича бирбири билан боғлик бўлган бир қанча кўрсаткичлар, хусусан, саклаш корхонаси фойдаси; саклаб сотилган маҳсулотдан умумий тушум; саклаш харажатлари; саклаб сотилган маҳсулотнинг ўртача баҳоси; саклаб сотилган маҳсулот ҳажми кўрсаткичлар динамикаси маҳсулотларни саклаш ва сотиш соҳасини ривожлантиришни прогнозлаштиришда қўллашга оид тавсиялар асосида, Самарканд вилоятида 2016-2019 йилларга мўлжалланган маҳсулотларни саклаш билан боғлиқ кўрсаткичлар динамикаси ва улар прогноз кўрсаткичлари тавсия этилаётган чизикили тренд аппроксимациясининг полиноминал модели асосида ҳисоб-китоб қилинди ҳамда соҳанинг ривожлантиришни прогнозлаштириш юзасидан таклиф ва тавсиялар асосланди.

7. Маҳсулотларни саклаш ва сотиш билан боғлиқ хизматларга кетадиган харажатларни камайтириш ва самарадорлигини ошириш максадида, улар ўзгаришига таъсир этувчи омиллар тизими, уларнинг таснифи, ҳар бирининг таъсирини баҳолаш ва аниқлаш йўллари иқтисодий таҳлил ва статистика усусларидан фойдаланган ҳолда ишлаб чиқилди.

8. Маҳсулотларни саклаб сотиш хизматлари самарадорлигини оширишининг ташкилий-иктисодий механизmlари ишлаб чиқилди, мазкур хизматлар ҳажмининг ўзгаришига таъсир қилувчи омиллар аниқланди, уларни групкаларга бўлган ҳолда ҳисоблаш усуслари таклиф қилинди.

9. Боғдорчилик билан шуғулланадиган фермер (дехқон)нинг интенсив серҳосил боғларни шакллантиришга ва маҳсулотини саклаб сотишга қўйган инвестицияси самарадорлиги маҳаллий боғларникуига нисбатан юкорилиги аниқланиб, бунинг натижасида совиттич корхоналари самарадорлигини ошириш имконини бериши асосланди ҳамда инвестор инвестициясининг қанча вактда ва қанча миқдорда қайтишини белгилайдиган усул тавсия қилинди.

10. Маҳсулотларни саклаш ва сотиш хизматларига кетадиган харажатлар самарадорлигини таъминлаш учун инвестор, яъни боғдорчилик билан шуғулланадиган тадбиркорининг инвестицияси ва оладиган даромадларининг ҳаётийлик ҳалқаси ишлаб чиқилди ва

қўйилган инвестициясини қанча даврда қопланишининг аниқ вакти ва миқдорларини белгилайдиган усули ишлаб чиқилди.

11. Маҳсулотларни сақлаш ва сотиш хизматларини кўрсатувчи корхоналарда ходимлар шахсий масъулиятини ошириш фаолият самарадорлигини кўтаришнинг ички имконияти эканлиги асосланди ва ушбу омил эвазига натижা кўрсаткичларини яхшилаш йўллари ишлаб чиқилди.

Агар бизнинг тавсияларимиз амалиётга жорий қилинса, маҳсулотларни сақлаб сотиш хизматлари самарадорлиги ошади, мамлакат озиқ-овқат хавфсизлиги таъминланади, маҳсулотларни экспорт қилиш ҳажми ошади, валюта тушумини кўпайтириш эвазига хориждан инновацион илғор замонавий технологияларни олиб келиш имконияти яратилади, маҳсулотларни сақловчи корхоналарни совитгичлар билан жихозланиш имконияти яратилади, янги боғларни ва қайта ишловчи корхоналарни барпо қилиш эвазига иш ўринлари яратилиб, бандлик масаласи ҳал қилинади, пировардида аҳолининг хаёт даражаси ва сифати кўтарилади.

## **ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР**

### **Ўзбекистон Республикасининг қонуулари**

1. Ўзбекистон Республикасининг Конститутцияси. –Т.: “Ўзбекистон”, 1993.

2. Ўзбекистон Республикасининг “Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида”ги қонуни. –Т.: “Ўзбекистон”, 1991.

3. Ўзбекистон Республикасининг “Ижара тўғрисида”ги қонуни. –Т.: “Ўзбекистон”, 1991.

4. Ўзбекистон Республикасининг “Монополистик фаолиятдан чиқариш тўғрисида”ги қонуни. –Т.: “Ўзбекистон”, 1991.

5. Ўзбекистон Республикасининг “Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги қонуни. 1992 йил 9 декабрда қабул қилинган. Унга 1993, 1995, 1997, 1999, 2000, 2003, 2004 ва 2006 йилларда ўзгартаришлар киритилган.

6. Ўзбекистон Республикасининг “Аудиторлик фаолияти тўғрисида”ги қонуни. –Т.: Ўзбекистон, 2000. Мазкур қонунга 2000, 2003, 2006, 2007, 2009 йилларда ва 2013 йил 30 апрелда ўзгартаришлар ва ќўшимчалар киритилиб, янги таҳрири қабул қилинди.

7. Ўзбекистон Республикасининг “Гаров тўғрисида”ги қонуни. –Т.: “Ўзбекистон”, 1992.

8. Ўзбекистон Республикасининг “Давлат статистикаси тўғрисида”ги қонуни. –Т.: “Ўзбекистон”, 1993.

9. Ўзбекистон Республикасининг “Стандартлаштириш тўғрисида”ги қонуни. –Т.: “Ўзбекистон”, 1993. Мазкур қонунга 1994, 2000, 2003, 2006, 2009 йилларда ва 2013 йил 30 апрелда ўзгартаришлар ва ќўшимчалар киритилиб, янги таҳрири қабул қилинди.

10. Ўзбекистон Республикаси Хўжалик процессуал кодекси. 1997 йил 30 августда қабул қилинган. Унга 1998, 2001, 2002, 2003, 2006, 2007, 2008, 2010, 2011, 2012 йилларда ва 2013 йил 30 апрелда ўзгартаришлар ва ќўшимчалар киритилиб, янги таҳрири қабул қилинди.

11. Ўзбекистон Республикаси Фукаролик процессуал кодекси. 1997 йил 30 августда қабул қилинган. Унга 2001, 2004, 2007, 2008, 2009, 2010, 2011, 2012 йилларда ва 2013 йил 30 апрелда

ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритилиб, янги таҳрири қабул қилинди.

12. Ўзбекистон Республикаси Божхона кодекси. 1997 йил 26 декабрда қабул қилинган. Унга 1998, 1999, 2001, 2002, 2003, 2005, 2006, 2008, 2009, 2010, 2012 йилларда ва 2013 йил 30 апрелда ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритилиб, янги таҳрири қабул қилинди.

13. Ўзбекистон Республикасининг “Чет эл инвесторлари ва чет эллик инвесторлар фаолиятининг кафолатлари тўғрисида”ги қонуни. –Т.: “Ўзбекистон”, 1995.

14. Ўзбекистон Республикасининг “Банкротлик тўғрисида”ги қонуни. –Т.: “Ўзбекистон”, 1994. Мазкур қонунга 1998 ва 2003 йилларда қўшимчалар ва ўзгартиришлар киритилиб, янги таҳрири қабул қилинган.

15. Ўзбекистон Республикаси меҳнат кодекси. –Т.: “Ўзбекистон”, 1995. 1995 йил 25 декабрда қабул қилинган. Унга 1996, 1997, 1998, 1999, 2001, 2005, 2009, 2010 йилларда ва 2013 йил 30 апрелда ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритилиб, янги таҳрири қабул қилинди.

16. Ўзбекистон Республикасининг “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги қонуни. 1996 йил 25 апрелда қабул қилинган. Мазкур қонунга 1996, 1997, 1999, 2006, 2008, 2009, 2012 йилларда ва 2013 йил 30 апрелда ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритилиб янги таҳрири қабул қилинди.

17. Ўзбекистон Республикасининг “Истеъмолчиларнинг хукуклини химоя қилиш тўғрисида”ги қонуни. –Т.: “Ўзбекистон”, 1996.

18. Ўзбекистон Республикасининг “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида”ги қонуни. 1996 йил 30 августда қабул қилинган. 2013 йил 30 апрелда ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритилиб, янги таҳрири қабул қилинди.

19. Ўзбекистон Республикасининг “Товар бозорларида монополистик фаолиятни чеклаш ва ракоат тўғрисида”ги қонуни. –Т.: “Ўзбекистон”, 1996.

20. Ўзбекистон Республикасининг “Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси тўғрисида”ги қонуни. –Т.: “Ўзбекистон”, 1997.

21. Ўзбекистон Республикасининг “Энергиядан оқилона фойдаланиш тўғрисида”ги қонуни. 1997 йил 25 апрелда қабул қилинган. Мазкур қонунга 2003, 2007 йилларда ва 2013 йил 30 апрелда ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритилиб, янги таҳрири қабул қилинди.

22. Ўзбекистон Республикасининг “Шаҳар йўловчилар транспорти тўғрисида”ги қонуни. 1997 йил 25 апрелда қабул қилинган. Мазкур қонунга 2006, 2008 йилларда ва 2013 йил 30 апрелда ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритилиб, янги таҳрири қабул қилинди.

23. Ўзбекистон Республикасининг “Реклама тўғрисида”ги қонуни. 1998 йил 25 декабрда қабул қилинган. Мазкур қонунга 1999, 2002, 2003, 2005, 2006, 2008, 2010 йилларда ва 2013 йил 30 апрелда ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритилиб, янги таҳрири қабул қилинди.

24. Ўзбекистон Республикаси “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”ги қонуни. (Янги таҳрирда). 2000 йил 25 майда қабул қилинган. Унга киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар Конунчилик Палатаси томонидан 2012 йил 29 февралда қабул қилинган. Сенат томонидан 2012 йил 23 марта маъкулланган. 2012 йил 2 майда имзоланган. 2013 йил 30 апрелда яна ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритилиб, янги таҳрири қабул қилинди.

25. Ўзбекистон Республикасининг “Фаолиятнинг айrim турларини лицензиялаш тўғрисида”ги қонуни. 2000 йил 25 майда қабул қилинган. Мазкур қонунга 2003, 2006, 2011, 2012 йилларда ва 2013 йил 30 апрелда ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритилиб, янги таҳрири қабул қилинди.

26. Ўзбекистон Республикасининг “Оилавий тадбиркорлик тўғрисида”ги қонуни. 2012 йил 26 апрелда қабул қилинган. Унга 2013 йил 30 апрелда ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритилиб, янги таҳрири қабул қилинди.

27. Ўзбекистон Республикасининг “Тижорат сири тўғрисида”ги қонуни. Конунчилик палатаси томонидан 2014 йил 18 июнда қабул қилинган. Сенат томонидан 2014 йил 28 августда маъкулланган.

28. Ўзбекистон Республикасининг “Коррупцияга қарши кураш тўғрисида”ги қонуни. Конунчилик палатаси томонидан 2016 йил 24

ноябрда қабул қилинган. Сенат томонидан 2016 йил 13 декабря маъқулланган.

## **Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари, қарорлари ва Вазирлар Махкамасининг қарорлари**

1. “2012-2016 йилларда Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш дастури тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 10 майдаги Қарори.

2. “Статистик, солиқ, молиявий ҳисоботларни, лицензияланадиган фаолият турларини ва рухсат бериш тартиб-тамойилларини тубдан кисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 16 июлдаги Фармони.

3. “Ишбилармөнлик муҳитини янада тубдан яхшилаш ва тадбиркорликка янада кенг эркинлик бериш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 18 июлдаги Фармони.

4. “Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатига олиш ва ҳисобга қўйишнинг хабардор қилиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳакида” Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 8 августдаги Қарори.

5. “Ўзбекистон Республикасининг ҳусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасини ташкил этиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 13 ноябрдаги Фармони.

6. “2012 йилда республикани ижтимоий-иктисодий ривожлантириш якунлари ва 2013 йилги иктиносидий дастурнинг асосий устувор вазифалари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг Қарори. 2013 йил 18 январь. “Халқ сўзи” газетаси. 2013 йил 22 январь, 2-бет.

7. “Тўғридан-тўғри ҳусусий хорижий инвестицияларни жалб этишини рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 11 апрелдаги Фармони.

8. “Бозор ислохотларини чукурлаштириш ва иктисолиётни янада эркинлаштириш соҳасидаги устувор йўналишлар амалга оширилишини жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 14 июндаги Фармони.

9. “Гадбиркорлик субъектларини ҳукуқий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари түғрисида”ги 2005 йил 14 июнь Фармони.

10 “Тадбиркорлик субъектлари тамонидан тақдим этиладиган ҳисбөт тизимини такомиллаштириш ва уни ноконуний талаб этгандык учун жавобгарлыкни кучайтириш түғрисида”ги 2005 йил 15 июнь Қарори.

11. “Микрофирмалар ва кичик корхоналарни ривожлантиришни рағбатлантириш борасидаги күшимча чора-тадбирлар түғрисида”ги 2005 йил 20 июнь Фармони.

12. “Тадбиркорлик субъектларининг хўжалик соҳасидаги ҳукуқбузарликлари учун молиявий жавобгарлигини эркинлаштириш түғрисида”ги 2005 йил 24 июнь Фармони.

13. “Ташқи иқтисодий ва савдо алоқалари, хорижий инвестицияларни жалб этиш соҳасида бошқарув тизимини такомиллаштириш түғрисида”ги 2005 йил 21 юль Фармони.

14. “Банклардаги депозит ҳисбөтларидан нақд пул тўловларини узлуксиз таъминлаш кафолатлари түғрисида”ги 2005 йил 5 август Фармони.

15. “Тадбиркорлик субъектларини текширишни янада қисқартириш ва унинг тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари түғрисида”ги 2005 йил 20 октябрь Фармони.

16. “2006 йилда қишлоқ хўжалиги кооперативларини (ширкатларни) фермер хўжаликларига айлантириш чора-тадбирлари түғрисида”ги 2005 йил 6 ноябрь Қарори.

17. “Йирик саноат корхоналари билан касаначиликни ривожлантириш асосидаги ишлаб чиқариш ва хизматлар ўртасида кооперацияни кенгайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари түғрисида”ги 2006 йил 5 январь Қарори.

18. “Мева-сабзавотчилик ва узумчилик соҳасида иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш чора-тадбирлари түғрисида”ги 2006 йил 9 январь Фармони.

19. “Улгуржи ва чакана савдони либераллаштириш ҳамда уни ривожлантириш учун кулай шарт-шароит яратиш чора-тадбирлари түғрисида”ги 2006 йил 23 февраль Фармони.

20. “Улгуржи савдо корхоналари уюшмаси фаолиятини ташкил этиш түғрисида”ги 2006 йил 6 март Қарори.

21. “Автомобиль транспортида йўловчилар ташиш соҳасидаги тадбиркорлик фаолиятининг алоҳида турларини амалга оширишни

тартибга солиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 9 мартағи Қарори (ПҚ-303-сонли).

22. “Шахсий ёрдамчи, дехқон ва фермер хўжаликларида чорва молларини кўпайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 23 мартағи Қарори.

23. “Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси фаолиятини такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 26 апрелдаги Қарори.

24. “Ўзбекистон Республикасининг тикланиш ва таракқиёт жамгармасини ташкил этиш тўғрисида”ги 2006 йил 11 май Фармони.

25. “Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатига олиш ва ҳисобга қўйишининг хабардор қилиш тартибини жорий этиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 24 майдаги Қарори.

26. “Ургут”, “Фиждувон”, “Қўқон” ва “Ҳазарасп” эркин иқтисодий зоналарни ташкил этиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 12 январдаги Фармони.

27. “Тадбиркорлик субъектларига давлат хизматларини кўрсатиш механизmlарини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 1 февралдаги Фармони.

28. “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралда қабул қилинган ПФ-4947-сонли Фармонининг “2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси”га бағишлинган 1-иловаси. //Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда.

29. “Йўл хўжалигини бошқариш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 14 февралдаги Фармони.

30. “Фанлар академияси фаолияти, илмий-тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 17 февралдаги Қарори.

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарлари

1. Каримов И.А. «Ўзбекистон. Миллий истиқол, иктисад, сиёсат, мағкура. / Ислом Абдуғаниевич Каримов – Т.1. –Т.: “Ўзбекистон” НМИУ, 1996, 364 б.
2. Каримов И.А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. / Ислом Абдуғаниевич Каримов – Т. 2. –Т.: “Ўзбекистон” НМИУ, 1996, 380 б.
3. Каримов И.А. Ватан саҗдагоҳ каби муқаддасдир. / Ислом Абдуғаниевич Каримов – Т. 3. –Т.: “Ўзбекистон” НМИУ, 1996, 366 б.
4. Каримов И.А. Бунёдкорлик йўлида. 4 - том. –Т.: “Ўзбекистон” НМИУ, 1996, 349 б.
5. Каримов И.А. Янгича фикрлаш ва ишлаш давр талаби./ Ислом Абдуғаниевич Каримов – Т. 5. –Т.: “Ўзбекистон”, 1997, 330 б.
6. Каримов И.А. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. / Ислом Абдуғаниевич Каримов – Т. 6. –Т.: “Ўзбекистон” НМИУ, 1998, 429 б.
7. Каримов И.А. Биз келажагимизни ўз кўлимиз билан курамиз. / Ислом Абдуғаниевич Каримов – Т. 7. –Т: “Ўзбекистон” НМИУ, 1999, 412 б.
8. Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз. / Ислом Абдуғаниевич Каримов – Т. 8. – Т.: “Ўзбекистон” НМИУ, 2000, 528 б.
9. Каримов И.А. Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулмиз. / Ислом Абдуғаниевич Каримов – Т. 9. - Т.: “Ўзбекистон”, 2001, 432 бет.
10. Каримов И.А. Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак. / Ислом Абдуғаниевич Каримов – Т. 10. Т.: “Ўзбекистон” НМИУ, 2002, 432 б.
11. Каримов И.А. Биз танлаган йўл – демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли. / Ислом Абдуғаниевич Каримов – Т. 11. –Т.: “Ўзбекистон” НМИУ, 2003, 318 б.
12. Каримов И.А. Тинчлик ва хавфсизлигимиз ўз куч-кудратимизга, ҳамжиҳатлигимиз ва қатъий иродамизга боғлик. / Ислом Абдуғаниевич Каримов – Т. 12. –Т.: “Ўзбекистон” НМИУ, 2004, 400 б.

13. Каримов И.А. Ўзбек ҳалқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди. / Ислом Абдуғаниевич Каримов – Т. 13. –Т.: “Ўзбекистон”, 2005, 448 б.
14. Каримов И.А. Инсон, унинг ҳукуқ ва эркинликлари – олий қадрият. Т. 14. –Т.: “Ўзбекистон” НМИУ, 2006, 280 б.
15. Каримов И.А. Жамиятимизни эркинлаштириш, ислоҳотларни чуқурлаштириш, маънавиятимизни юксалтириш ва ҳалқимизнинг ҳаёт даражасини ошириш – барча ишларимизнинг мезони ва мақсадидир./ Ислом Абдуғаниевич Каримов –Т. 15. –Т.: “Ўзбекистон” НМИУ, 2007, 320 б.
16. Каримов И.А. Мамлакатни модернизация қилиш ва иқтисодиётимизни барқарор ривожлантириш йўлида. / Ислом Абдуғаниевич Каримов – Т. 16. – Т.: “Ўзбекистон” НМИУ, 2008, 368 б.
17. Каримов И.А. Ватанимизнинг босқичма-босқич ва барқарор ривожланишини таъминлаш – бизнинг олий мақсадимиз. / Ислом Абдуғаниевич Каримов – Т. 17. –Т.: “Ўзбекистон” НМИУ, 2009, 280 б.
18. Каримов И.А. Жаҳон инқирозининг оқибатларини енгиш, мамлакатимизни модернизация қилиш ва тараққий топган давлатлар даражасига кўтарилиш сари. //И.А.Каримов. –Т.: “Ўзбекистон” НМИУ, 2010, Ж. 18, 280 б.
19. Каримов И.А. Демократик ислоҳотларни янада чукурлаштириш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш – мамлакатимиз тараққиётининг асосий мезонидир.// И.А.Каримов. –Т.: “Ўзбекистон”, 2011, Ж. 19, 360 б.
20. Каримов И.А. Бизнинг йўлимиз – демократик ислоҳотларни чукурлаштириш ва модернизация жараёнларини изчил давом этириш йўлидир. Т. 20.// И.А.Каримов. –Т.: “Ўзбекистон” НМИУ, 2012, 320 б.
21. Каримов И.А. Мамлакатимизни янада озод этиш ва модернизация қилишни қатъяят билан давом этириш йўлида. Т. 21.// И.А.Каримов. – Т.: “Ўзбекистон” НМИУ, 2013, 384 б.
22. Каримов И.А. Ўзбекистон эришган ютуқ ва мэрралар – биз танлаган ислоҳотлар йўлининг тасдиғидир. 22-жилд. // И.А.Каримов. – Т.: “Ўзбекистон” НМИУ, 2014, 368 б.
23. Каримов И.А. Эришган мэрралар билан чегараланмасдан, бошлигаган ислоҳотларимизни янги босқичга кўтариш – бугунги

кундаги энг долзарб вазифамиздир. 23-жилд// И.А.Каримов. – Т.: “Ўзбекистон” НМИУ, 2015. –408 б.

24. Каримов И.А. Демократик ислоҳотларни, иқтисодиётимизда таркибий ўзгаришларни янада чуқурлаштириш, хусусий мулк, кичик бизнес ва тадбиркорликнинг устуворлигини таъминлашига кенг йўл очиб бериш – Ватанимиз тараққиётининг бугунги босқичида ҳал қилувчи омилдир. 24-жилд// И.А.Каримов. – Т.: “Ўзбекистон” НМИУ, 2016, 376 б.

25. Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида. – Т.: “Ўзбекистон” НМИУ, 1995, 269 б.

26. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. – Т.: “Ўзбекистон” НМИУ, 1997, 326 б.

27. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: “Ўзбекистон” НМИУ, 2008, 176 б.

28. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иктисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишлининг йўллари ва чоралари. – Т.: “Ўзбекистон” НМИУ, 2008, 56 б.

29. Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида./ И.А.Каримов. – Т.: “Ўзбекистон” НМИУ, 2011, 440 б.

30. Каримов И.А. Она юртимиз баҳту иқболи ва буюк келаҗаги йўлида хизмат килиш – энг олий саодатдир./ И.А.Каримов. – Т.: “Ўзбекистон” НМИУ, 2015, 304 б.

31. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак. –Т.: “Ўзбекистон” НМИУ, 2017. 104 б.

### **Монография, илмий мақола, патент, илмий тўпламлар**

1. Абдукаримов Б.А. ва бошқалар. Корхона иқтисодиёти. Дарслик. Т.: ‘Fan va texnoloqiya’, 2007, 288 б.

2. Абдукаримов Б.А. ва бошқалар. Корхона иқтисодиёти. Дарслик. Қайта ишланган 2-нашр. – Т.: ‘Fan va texnoloqiya’, 2013. 368 б.

3. Абдукаримов Б.А. Ички савдо иқтисодиёти. Дарслик. 2-нашр. –Т.: “IQTISOD-MOLIYA”, 2010, 384 б.

4. Абдукаримов Б.А., Комилова Н.А., Абдукаримов Ф.Б. Актуальные вопросы развития торговли в Узбекистане. Монография. – Т.: “Иқтисодиёт”, 2010, 96 б.

5. Абдукаримов Б.А. Савдо иқтисодиёти. Ўкув кўлланма. –Т.: “Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси” ДИ нашриёти, 2013, 264 б.
6. Акбарова З. Товар ва хизматлар бозори статистикаси. Ўкув кўлланма. –Т.: Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси Адабиёт жамгармаси нашриёти, 2004, 144 б.
7. Абулқосимов Ҳ. ва бош. Эркин иқтисодиёт тамойиллари. –Т.: “Akademiya”, 2005, 52 б.
8. Абдуллаев Ё.А. Бозор иқтисодиёти асослари: 100 савол ва жавоб. –Т.: Мехнат, 1997.
9. Абдуллаев Ё. Макройқтисодий статистика. 100 савол ва жавоб. –Т.: Мехнат, 1998.
10. Абдуллаев Ё., Пардаев М.К., Худайбердиев У.Х., Алиев Б.Р. Статистика. – Т.: “Иқтисод-молия”, 2011, 256 б.
11. Амалий иқтисодиёт. Ўкув кўлланма. –Т.: Шарқ, 1996.
12. Атроф-мухитни муҳофаза қилиш ва табиатдан фойдаланишга оид норматив-хуқуқий ҳужжатлар тўплами. –Т.: ЎзР Адлия вазирлига, 2007, 660 б.
13. Будко И.И. Транспортное обслуживание туризма: учебное пособие. – М.: Издательский центр «МарТ», 2006, 336 с.
14. Бурменко Т.Д. Сфера услуг: экономика. Учебное пособие / Т.Д. Бурменко, Н.Н.Даниленко, Т.А.Туренко. – М.: КНОРУС, 2007, 328 с.
15. Бухгалтерский учет в сфере услуг. Учебник. М.А.Вахрушина, Т.П.Карпова, А.М.Петров и др. –М.: Рид Групп, 2011, 576 с.
16. Бычков В.П. Предпринимательская деятельность на автомобильном транспорте. –СПб.: Питер, 2004, 448 с.
17. Волков Ю.Ф. Экономика гостиничного бизнеса. Учебное пособие. --Ростов-на-Дону: Феникс, 2005, 380 с.
18. Волков Ю.Ф. Гостиничный и туристический бизнес. –Ростов-на-Дону: Феникс, 2009, 637 с.
19. ВТО: механизм воздействия национальных экономик. Угрозы и возможности в условиях выхода на международный рынок / под ред. С.Ф.Сутырина. – М.: Эксмо, 2008, 400 с.
20. Дурович А.П. Менеджер турагентства. – Минск: Современная школа, 2010, 320 с.
21. Дубровский Д.А. Прибыльный автосервис. Советы владельцам и управляющим. –СПб.: Питер, 2010, 256 с.

22. Ибрагимов Р. Маркетинг. –Т.: Шарқ, 2002, 256 б.
23. Ибрагимов И.Х. Совершенствование разработки стратегического маркетингового плана в гостиничном хозяйстве. Монография. – Самарканд, СамИСИ, 2013, 100 с.
24. Инсон тарақиёти тўғрисида маъруза. Ўзбекистон, 1996–2007.
25. Информационно-ресурсное обеспечение высшего экономического образования в условиях модернизации экономики: опыт, результаты и перспективы. Сборник докладов международной научно-практической конференции. 2009 г. 5 ноября. –Т.: “Иқтисодиёт”, 2009, 305 с.
26. Как торговаться на восточном базаре. / Авт. – сост. А.И.Брестский. –М.: АСТ; Мин.: Харвест, 2006, 96 с.
27. Кэмбел Р. Макконелл, Стенли Л.Бю. Экономикс. Принципы, проблемы и политика. 1-2 книги –М.: Республика, 1993.
28. Кэнниов Г. Как начать ресторанный бизнес: пер. с англ. Ю.Бугаровой. –М.: Астрель, 2009, 304 с.
29. Маматкулов Х.М. Хизмат кўрсатиш соҳасига оид атамалар ва иборалар изохли луғати. –Т.: “Iqtisod-moliya”, 2010, 398 б.
30. Маликов Т.С. Молиявий қарор қабул қилиш асослари. –Т.: Шарқ, 1996.
31. Маршалл А. Принципы политической экономии. Пер. с англ. Т. 1-3. –М.: Прогресс, 1984.
32. Менкью Н. Григори. Принципы экономикс. –Санкт-Петербург: Питер, 1999, 784 б.
33. Мирзаев Қ.Ж. АгроСервис хизматлари самарадорлигини оширишнинг методологик масалалари. Монография. –Т.: “Iqtisod-moliya” нашриёти, 2010, 164 б.
34. Мирзаев Қ.Ж. АгроСервис иқтисодиёти. Монография. – Т.: “Iqtisod-moliya” нашриёти, 2013, 212 б.
35. Мичелли Дж. А. Ritz-Carlton: золотой стандарт гостиничного бизнеса нового тысячелетия / пер с англ. В.С.Иващенко. – М.: Эксмо, 2009, 320 с.
36. Мохова Ю., Мохов Г. Турфирма: с чего начать, как переуступить. – Спб.: Питер, 2010, 240 с.
37. Носиров Э.И., Хужамкулов Д.Ю., Маматов Б.С. Основы лизинга: учебное пособие. - Т.:” Iqtisod-moliya”, 2009, 144 б.

38. Овчинникова Н.Н. Рекламное дело: курс лекций. –М.: ЭКСМО, 2010, 336 с.
39. Пардаев М.К. Инвестиция лойиҳасининг молиявий таҳлили. (Маъруза матни) –Самарқанд: СамКИ, 2000.
40. Пардаев М.Қ. Бозор иқтисодиёти шароитида меҳнатга оид тушунчалар. – Самарқанд: СамКИ, СВБАА, 1997.
41. Пардаев М.Қ. Истроилов Б.И. Молиявий таҳлил. –Т.: “Иқтисодиёт ва хукуҳ дунёси” нашр уйи, 1999, 346 бет.
42. Пардаев М.К. Бозор иқтисодиёти шароитида корхонада фойда ва рентабеллик таҳлили. –Самарқанд: СамКИ, 1998.
43. Пардаев М.Қ., Атабаев Р., Пардаев Б.Р. Туризм соҳасини ривожлантириш имкониятлари. Рисола. –Т.: “Fan va texnoloqiya”, 2007, 28 б.
44. Пардаев М.Қ., Очилов И.С. Хизмат кўрсатиш соҳаси корхоналарида самарадорликни ошириш йўллари. Монография. – Т.: “Иқтисод-молия”, 2011, 172 б.
45. Пардаев М.Қ., Истроилов Ё.Ж. Автомобиль транспорти хизматини кўрсатувчи корхоналар таҳлилининг айrim жиҳатлари. – Т.: “Ноширлик ёғдуси”, 2011, 65 б.
46. Пардаев М.Қ. ва бошқалар. Ўзбекистон саноати ва хизмат кўрсатилиши тармоқлари ривожланиш босқичида: иқтисодий хавфсизлик масалалари. –Самарқанд: СамИСИ, 2008, 20 б.
47. Пардаев М.Қ., Аминов З.Ю. Корхонанинг иқтисодий хавфсизлиги ва уни таъминлаш йўллари. Рисола. –Самарқанд: “Зарафшон”, 2008, 47 б.
48. Пардаев М.Қ., Истроилов Ж.И., Гаппаров А.Қ. Хизмат кўрсатилиши соҳасида иқтисодий таҳлилни такомиллаштириш муаммалари. Рисола. –Самарқанд: “Зарафшон”, 2009, 66 б. (Ж.И.Истроилов ва А.Қ.Гаппаровлар билан ҳаммуаллифликда).
49. Пардаев М.Қ., Истроилов Ё.Ж. Автомобиль транспорти хизматини кўрсатувчи корхоналар таҳлилининг айrim жиҳатлари. –Т.: “NOSHIRLIK YOG'DUSI”, 2010, 70 б.
50. Пардаев М.Қ., Мирзаев К.Ж., Пардаев О.М.. Хизматлар соҳаси иқтисодиёти. Ўкув ўлланма. – Т.: “Иқтисод-молия”, 2014, 384 б.
51. Пардаев М.Қ. ва бошқалар. Хизмат кўрсатиш тармоқлари иқтисодиётининг айrim муаммолари. Монография. –Т.: “Наврўз” нашриёти, 2014, 264 б.

52. Пардаев О.М. Маҳсулотларни сақловчи корхоналарда самарадорлик. Монография. – Т.: “Иқтисодиёт” нашриёти, 2012, 162 б.
53. Пигу А. Экономическая теория благосостояния. пер. с англ. Т. 1-2 –М.: Прогресс, 1985.
54. Прикладные исследования в экономике, маркетинге, социологии, психологии и этнографии: последние данные. // Материалы международной научно-практической конференции. 26 августа 2009 г. – Самарканد, 2009, 160 с.
55. Рахимов А.А. Йўловчи ташиш хизматлари самарадорлигини ошириш йўллари. –Т.: “Наврўз” нашриёти, 2012, 188 б.
56. Расулов М. Бозор иқтисодиёти асослари. Дарслик. –Т.: Ўзбекистон, 1998.
57. Ромат Е.В. Реклама. Учебник для вузов. 7-е изд. –СПб.: Питер, 2008, 512 с.
58. Саак А.Э., Якименко М.В. Менемент в индустрии гостеприимства. (гостиницы и рестораны). Учебное пособие. –СПб.: Питер, 2007, 432 с.
59. Самуэльсон П.А. Экономика. –М.: МГП. «Алтон», ВНИИСИИ, 1992.
60. Сариков Э., Маматов М. Иқтисодиёт ва бизнес асослари. (Ўқув кўлланма). –Т.: Шарқ, 1997.
61. Сергеев А.Г., Латышев М.В., Терегеря В.В. Метрология, стандартизация, сертификация: учебное пособие. –М.: Логос, 2003, 536 с.
62. Смид А. Исследование о природе и причинах богатства народов. –М.: Соцэкиз, 1962.
63. Солиева Г.А. Ўзбекистонда китоб нашри, савдоси ва маркетинги. Монография. – Т.: “Iqtisod-moliya” нашриёти, 2013, 128 б.
64. Тадбиркорлик омиллари. (Тўпловчи Ж.Раззақов). –Т.: Мехнат, 1996.
65. Тулаходжаева М.М. Аудит финансового состояния предприятия. –Т.: Мир экономика и права, 1996.
66. Таълим фаолиятини тартибга солувчи норматив-хукуқий хужжатлар тўплами. –Т.: ЎзР Адлия вазирлиги, 2007, 776 б.
67. Тўхлиев Н. Ўзбекистон иқтисодиёти. –Т.: Ўқитувчи, 1994 ва 1998.
68. Тўхлиев Н., Ўлмасов А. Ишбилармонлар лугати. –Т.: Комуслар Бош таҳририяти, 1993.

69. Тухлиев Н., Абдуллаева Т. Услуги, технологии и продукты в туризме. –Т.: Гос. науч. изд-во “Ўзбекистон миллий энциклопедияси”, 2009, 624 с.
70. Тухлиев Н., Абдуллаева Т. Формальности в системе туризма Республики Узбекистан. –Т.: Гос. науч. изд-во “Ўзбекистон миллий энциклопедияси”, 2007, 504 с.
71. Тураев Б.Х. Теоретико - методологические основы развития туризма. –Т.: Изд. «Фан», 2008, 166 с.
72. Тухлиев Н., Абдуллаева Т. Национальные модели развития туризма. –Т.: «O'zbekiston milliy ensiklopediyasi», 2006, 424 с.
73. Тухлиев Н., Абдуллаева Т. Менежмент и организация бизнеса в туризме Узбекистана. –Т.: «O'zbekiston milliy ensiklopediyasi». 2006, 368 с.
74. Тухлиев Н., Абдуллаева Т. Экологический туризм: сущность, тенденции и стратегия развития. –Т.: «O'zbekiston milliy ensiklopediyasi», 2006, 416 с.
75. Тухлиев Н., Таксанов А. Экономика большого туризма. –Т.: «O'zbekiston milliy ensiklopediyasi», 2001, 208 с.
76. Тухлиев Н., Абдуллаева Т. Услуги, технологии и продукты в туризме. –Т.: Гос. науч. изд-во “Ўзбекистон миллий энциклопедияси”, 2009, 624 с.
77. Тухлиев Н., Абдуллаева Т. Формальности в системе туризма Республики Узбекистан. –Т.: Гос. науч. изд-во “Ўзбекистон миллий энциклопедияси”, 2007, 504 с.
78. Тухлиев Н., Абдуллаева Т. Основы безопасности в туризме. –Т.: Гос. науч. изд-во “O'zbekiston milliy ensiklopediyasi”, 2008, 504 с.
79. Уразов К.Б., Худайбердиев Н.У. ва бошқалар. Хизмат кўрсатиш соҳаси корхоналарида бухгалтерия ҳисоби ва аудитнинг долзарб муаммолари. Монография. – Т.: “Иқтисодиёт” нашриёти, 2012, 260 б.
80. Ураков Ж.Р. Хизмат кўрсатиш корхоналари фаолияти самарадорлигини ошириш. Монография. –Т.: “Иқтисодиёт” нашриёти, 2013, 127 б.
81. Урунбаева Ю.П. Хизмат кўрсатиш соҳаси ва ахоли турмуш даражаси: ўзаро боғликлиги ва ривожланиш истиқболлари.. Монография. – Т.: “Фан” нашриёти, 2013.

82. Усманова Д.И. Пути повышения социально-экономической эффективности торгового обслуживания сельского населения. Монография. – Т.: Издательство «Навруз» ГУП, 2014, 160 с.
83. Учебник по основам экономической теории. –М.: ВЛАДОС, 1994.
84. Хайдаров Ш.У. Лизинг: признание, оценка и учет / Хайдаров Ш.У., Ортиков Х.А., Тухсанов Х.А. – Тошкент: ООО “NORMA”, 2006, 240 с.
85. Хорижий мамлакатлар бозор иқтисодиёти моделлари. –Т.: ТДИУ, 1994.
86. Худайберганов Д., Бердикулова И. Товарлар ва хизматлар бозори самарадорлигини ошириш масалалари. –Самарқанд: СамИСИ, 2011, 116 б.
87. Шарифхўжаев М. Истиқолол истиқболлари. –Т.: Ўзбекистон, 1994.
88. Шишкин А.Ф. Экономическая теория в двух книгах. –М.: «Гуманитарный издательский центр ВЛАДОС», 1996.
89. Фишер С., Дорнбуш Р., Шмалензи Р. Экономика. Пер. с англ. –М.: Дело ЛТД, 1993.
90. Файзиев Э.С. Сервис соҳасининг иқтисодиётдаги ўрни. Рисола. –Т.: ‘Fan va texnoloqiya’, 2007, 16 б.
91. Файзиев Э.С. Сервис тизими фаолияти асослари. Маъруза матни. –Самарқанд: 2007, 208 б.
92. Файзиев Э.С. Сервис тизими фаолияти асослари. Ўкув қўлланма. –Самарқанд: “Зарафшон” нашриёти, 2010, 244 б.
93. Эшмухamedov A.Э. ва бошқалар. Бозор муносабатлари шароитида миллый иқтисодиётнинг ривожланиши. –Т.: Ўқитувчи, 1996.
94. Экономическая теория. Учебник для студентов ВУЗ, обучающихся по экономическим специальностям. // Шарқ. 1999.
95. Экономика предприятия. Пер. с нем. –М.: ИНФРА-М, 1999, 928 с.
96. Язык бизнеса. Под общей редакцией В.А. Чжена. –Т.: ИПК Шарқ, 1995.
97. Ўзбекистон Республикасининг “Реклама тўғрисида”ги қонунига шарх. –Т.: “Шарқ”, 2008, 256 б.
98. Ўзбекистон: жаҳон молиявий-иктисодий инқирози, инновацион тараққиёт ва миллый иқтисодиёт рақобатбардошлигини

ошириш. Монография. –Т.: “KONSAUDITINFORM - NASHR”  
нашриёти, 2011, 408 б.

99. Ўлмасов А., Тўхлиев Н. Бозор иқтисодиёти. Қисқача  
луғат-маълумотнома. Қомуслар бош таҳририяти, 1991.

100. Ўлмасов А. Иқтисодиёт асослари. –Т.: Мехнат, 1997,  
192 б.

101. Ўлмасов А. Оила иқтисоди. –Т.: Мехнат, 1998.

102. Ўлмасов А., Шарифхўжаев М. Иқтисодиёт назарияси.  
–Т.: Мехнат, 1996.

103. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. –М.: «Русский язык»,  
1981, 1- том, 526 б.

104. Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёти. Тузувчи муал-  
лиф Н.Тўхлиев. –Т.: Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси, 1998.

105. Кувондиқов Ш.О., Тухтабоев Ш.Ж. Иқтисодий иборалар  
луғати. Услубий кўлланма. – Самарқанд: СамДУ, 2011, 96 б.

106. Кудратов F.X., Пардаев М.Қ., Абдукаримов Б.А. Сервис  
ривожи – аҳолининг бандлигини таъминлаш ва фаровонлигини  
ошириш омили. Рисола. –Т.: ‘Fan va texnoloqiya’, 2007, 28 б.

107. Кудратов F.X., Пардаев М.Қ., Шодиева Г.М. Касаначилик –  
аҳолининг бандлиги ва фаровонлигини ошириш омили.  
Рисола. –Т.: ‘Fan va texnoloqiya’, 2007, 32 б.

108. Кудратов F.X., Мирзаев Ҳ.Ж., Пардаев М.Қ. Агросер-  
висни ривожлантиришнинг асосий йўналишлари. Рисола. –Т.: ‘Fan  
va texnoloqiya’, 2007, 16 б.

109. Кудратов F.X., Пардаев М.Қ., Ўзбекистоннинг 18 йиллик  
тараққиёт йўли: эришилган натижалар ва вазифалар. Рисола.  
–Самарқанд: СамИСИ, 2009, 39 б.

110. Кудратов F.X., Пардаев М.Қ. Ўзбекистоннинг 20 йил  
мобайнида эришган бетакрор ютуқлари. Рисола. –Самарқанд:  
СамИСИ, 2012, 39 б.

111. Кудратов F.X., Пардаев М.Қ., Худайбердиев У.Х., Пар-  
даева О.М. Оиласий корхона иқтисодиёти. Монография. –Т.:  
Иқтисодиёт, 2012, 232 б.

## **Диссертация ва авторефератлар**

1. Аминов З.Ю. Хизмат кўрсатувчи корхоналарнинг иктисадий хавфсизлигини таъминлаш йўллари. 08.00.05. И.ф.н. илмий даражасини олиш учун тақдим этилган диссертация автореферати. –Самарқанд: СамИСИ, 2009, 24 б.
2. Комилова Н.А. Состояние и пути совершенствования внутренней торговли Узбекистана (На примере Самаркандской области). 08.00.05. И.ф.н. илмий даражасини олиш учун тақдим этилган диссертация автореферати. –Самарқанд: СамИСИ, 2008, 24 б.
3. Очилов И.С. Хизмат кўрсатиш соҳаси корхоналарида самарадорликни ошириш йўллари. 08.00.05. И.ф.н. илмий даражасини олиш учун тақдим этилган диссертация автореферати. –Самарқанд: СамИСИ, 2010, 24 б.
4. Кувондиқов Ш.О. Хизмат соҳаларида оиласвий тадбиркорликни ривожлантириш муаммолари. 08.00.05. И.ф.н. илмий даражасини олиш учун тақдим этилган диссертация автореферати. –Самарқанд: СамИСИ, 2010, 24 б.
5. Шарипов Т.С. Умумий овқатланиш корхоналари самарадорлигини оширишнинг ташкилий-иктисодий механизmlарини тақомиллаштириш. 08.00.05. И.ф.н. илмий даражасини олиш учун тақдим этилган диссертация автореферати. –Самарқанд: СамИСИ, 2010, 26 б.
6. Шодиева Г.М. Оила хўжалиги фаровонлигини оширишда ташкилий-иктисодий омилларни ва сервисни ривожлантириш муаммолари. 08.00.05. И.ф.д. илмий даражасини олиш учун тақдим этилган диссертация автореферати. –Самарқанд: СамИСИ, 2008, 42 б.
7. Халикулов А.Н. Мехмонхоналарда сервис сифати ва самарадорлигини ошириш имкониятлари. 08.00.05. И.ф.н. илмий даражасини олиш учун тақдим этилган диссертация автореферати. –Самарқанд: СамИСИ, 2010, 26 б.
8. Худайберганов Д.Т. Иктиносидиётни ривожлантиришда товарлар ва хизматлар бозори самарадорлигини ошириш имкониятлари (Хоразм вилояти мисолида). 08.00.05. И.ф.н. илмий даражасини олиш учун тақдим этилган диссертация автореферати. –Самарқанд: СамИСИ, 2010, 24 б.
9. Кувондиқов Ш.О. Хизмат соҳаларида оиласвий тадбиркорликни ривожлантириш муаммолари. 08.00.05. И.ф.н. илмий

даражасини олиш учун тақдим этилган диссертация автореферати.  
—Самарқанд: СамИСИ, 2008, 24 б.

10. Сайдов А.М. Маший хизмат кўрсатиш корхоналарида меҳнатни ташкил қилишни такомиллаштириш йўллари. 08.00.05. И.ф.н. илмий даражасини олиш учун тақдим этилган диссертация автореферати. —Самарқанд: СамИСИ, 2011, 25 б.

11. Пардаев О.М. Маҳсулотларни сақлаш ва сотиш хизматлари самарадорлигини оширишнинг ташкилий-иктисодий механизmlарини такомиллаштиш. 08.00.05. И.ф.д. илмий даражасини олиш учун тақдим этилган диссертация автореферати. —Самарқанд: СамИСИ, 2017, 96 б.

## МУНДАРИЖА

КИРИШ.....	3
<b>1-боб. ХИЗМАТ КҮРСАТИШ СОҲАСИННИГ НАЗАРИЙ МАСАЛАЛАРИ, УНДА САҚЛАШ ВА СОТИШ ХИЗМАТЛАРИНИНГ ЎРНИ</b>	
1.1. Хизмат кўрсатиш соҳаси ва уни тадқик қилишнинг назарий масалалари.....	7
1.2. Маҳсулотларни саклаш ва сотиш хизматларининг хизматлар тизимидағи ўрни ва ўзига хос хусусиятлари.....	21
1.3. Мамлакат озиқ-овқат ҳавфсизлигини таъминлаш бўйичаамалга оширилган тадбирлар ва уларнинг таъминланишида маҳсулотларни саклаб сотиш хизматларининг ўрни.....	23
<b>2-боб. МАҲСУЛОТЛАРНИ “БОҒДАН ДАСТУРХОНГАЧА” СХЕМАСИ АСОСИДА ЕТКАЗИШ ХИЗМАТЛАРИ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ВА ТАБИЙ ЙЎҚОТИШ МЕЪЁРЛАРИНИ АСОСЛАШ ЙЎЛЛАРИ</b>	
2.1. Маҳсулотларни “боғдан дастурхонгача” схемаси асосида етказиш хизматларининг турлари ва улар самарадорлигини ошириш имкониятлари.....	29
2.2. Маҳсулотларни саклаш хизматларини кўрсатиш асосида табий йўқотиш меъёрларини аниқлаш йўллари.....	35
2.3. Мева-сабзавот маҳсулотларининг табий йўқотиш меъёрлари ва уларни аниқлаш бўйича ўтказилган тажриба натижалари.....	45
<b>3-боб. МАҲСУЛОТЛАРНИ САҚЛАШ ВА СОТИШ ХИЗМАТЛАРИ САМАРАДОРЛИГИ, УЛАРНИНГ МАЗМУНИ, КЎРСАТКИЧЛАРИ, ТАСНИФИ, АНИҚЛАШ ЙЎЛЛАРИ ВА ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ</b>	
3.1. Маҳсулотларни саклаш ва сотиш хизматлари самарадорлигининг назарий масалалари.....	50

3.2. Махсулотларни сақлаш ва сотиш хизматларининг ўзига хос хусусиятлари.....	58
3.3. Махсулотларни сақлаш ва сотиш хизматлари самараадорлигини ифодаловчи кўрсаткичлар тизими, уларнинг таснифи ва аниқланиш йўллари.....	65
3.4. Махсулотларни сақлаш ва сотиш билан боғлик инновацион фаолият самараадорлигини ифодаловчи индивидуал, интеграл ва комплекс кўрсаткичларни аниқлаш йўллари .....	75

**4-боб. МАҲСУЛОТЛАРНИ САҚЛАШ ВА  
ИСТЕММОЛЧИЛАРГА ЕТКАЗИШ БИЛАН БОҒЛИК  
ХИЗМАТЛАР САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШНИНГ  
ТАШКИЛИЙ-ИҚТИСОДИЙ МЕХАНИЗМЛАРИНИ  
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎЛЛАРИ**

4.1. Ташкилий-иқтисодий механизмларнинг мазмуни ва уларнинг назарий масалалари.....	85
4.2. Махсулотларни сақлаб сотиш хизматлари самараадорлигини оширишнинг ташкилий-иқтисодий механизмларини такомиллаштириш йўллари.....	92
4.3. Мева-сабзавот махсулотларини сақлаш ва қайта ишлаш моддий-техника базасини яратиш бўйича имтиёзли кредитлар бериш тартибини такомиллаштириш.....	95
4.4. Мева-сабзавотларни сақлаб сотиш хизматлари самараадорлигини оширишнинг лицензиялаш билан боғлик механизмларини такомиллаштириш.....	100
4.5. Махсулотларни етиштириш ва сақлаб сотиш хизматлари самараадорлигини оширишнинг илгор инновацион усуллари .....	105
4.6. Тадбиркор инвестициясининг қопланиш миқдори ва муддатини аниқлаш усуллари .....	111

**5-боб. МАҲСУЛОТЛАРНИ САҚЛАШ ВА СОТИШ  
ХИЗМАТЛАРИ КЛАСТЕРИ ВА УНДАН  
ФОЙДАЛАНИШНИНГ ТАШКИЛИЙ-ИҚТИСОДИЙ  
МЕХАНИЗМЛАРИ**

5.1. Махсулотларни сақлаб сотиш билан боғлик хизматларни ривожлантиришда ракобат ва ҳамкорлик
---

тамойилларидан фойдаланиш имкониятлари .....	121
5.2. Кластер тушунчаси ва унинг назарий масалалари.....	123
5.3. Мева-сабзавот маҳсулотларини сақлаб сотиш бўйича амалдаги турли бирлашмалар ва холдингларга нисбатан кластернинг ўзига хос хусусиятлари.....	135
<b>6-боб. СИНЕРГЕТИК САМАРА ВА СИНЕРГЕТИК САМАРАДОРЛИК ТУШУНЧАЛАРИНИНГ НАЗАРИЙ МАСАЛАЛАРИ ВА УЛАРНИ ИФОДАЛОВЧИ КЎРСАТКИЧЛАРНИ АНИҚЛАШ ЙЎЛЛАРИ</b>	
6.1. Синергетик самара ва синергетик самарадорлик тушунчаларининг назарий масалалари.....	139
6.2. Синергетик самара ва синергетик самарадорликнинг асосий йўналишлари.....	145
6.3. Синергетик самарадорликнинг назарий масалалари ва уларни баҳолаш йўллари.....	151
<b>7-боб. МАҲСУЛОТЛАРНИ САҚЛАБ СОТИШ БИЛАН БОҒЛИҚ ХИЗМАТЛАРГА КЕТАДИГАН ХАРАЖАТЛАРНИНГ КАМАЙИШИГА ТАЪСИР ЭТУВЧИ ОМИЛЛАР ВА УЛАРНИ ҲИСОБЛАШ ЙЎЛЛАРИ</b>	
7.1. Маҳсулотларни сақлаш харажатлари самарадорлиги ва унинг ўзгаришига таъсир этувчи омиллар.....	158
7.2. Маҳсулотларни сақлаш харажатларининг турлари ва улар ўзгаришига таъсир этувчи омилларни ҳисоблаш йўллари.....	163
7.3. Маҳсулотларни сотиш хизматлари самарадорлиги ўзгаришига таъсир килувчи омиллар таснифи, уларни таҳлил қилиш йўллари .....	176
7.4. Маҳсулотларни сақлаш билан боғлиқ хизматларга кетадиган харажатлар ва улар ўзгаришига таъсир этувчи омиллар.....	182
<b>8-боб. МАҲСУЛОТЛАРНИ САҚЛАБ СОТИШ ХИЗМАТЛАРИ БЎЙИЧА МОЛИЯВИЙ НАТИЖАЛАР ВА УЛАРНИ ЯХШИЛАШ ЙЎЛЛАРИ</b>	
8.1. Маҳсулотларни сақлаб сотиш хизматлари бўйича молиявий натижаларни ифодаловчи кўрсаткич-	

ларнинг ўзаро алоқадорлиги ва уларни баҳолаш йўллари.....	187
8.2. Маҳсулотларни сақлаш рентабеллиги ўзгаришига таъсир этувчи омилларни аниқлаш ва таҳлил қилиш йўллари.....	194
8.3. Маҳсулотларни сақлаб сотиш ҳажми, фойдаси ва рентабеллигини ўзгариш тенденцияларининг киёсий таҳлили.....	202
<b>9-боб. МАҲСУЛОТЛАРНИ СОТИШ ХИЗМАТЛАРИ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ВА УНИНГ ТАШКИЛИЙ ТАДБИРЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎЛЛАРИ</b>	
9.1. Маҳсулотларни сотиш хизматлари самарадорлигини оширишнинг объектив зарурлиги.....	206
9.2. Мева-сабзавот маҳсулотларини чакана савдо корхоналарида сотишнинг ташкилий-иктисодий механизmlари ва уларнинг ўзига хос хусусиятлари.....	211
9.3. Маҳсулотларни сотиш хизматлари самарадорлигини оширишнинг ташкилий тадбирлари ва уларни амалга ошириш йўллари.....	219
9.4. “Мобиъл савдо” усулини йўлга қўйишнинг зарурлиги.....	229
<b>10-боб. МАҲСУЛОТЛАРНИ САҚЛАБ СОТИШ ХИЗМАТЛАРИ САМАРАДОРЛИК КЎРСАТКИЧЛАРИНИ ПРОГНОЗЛАШ УСУЛЛАРИ</b>	
10.1. Маҳсулотларни сақлаб сотиш хизматлари ҳажми, фойда ва рентабеллик кўрсаткичларини прогнозлаш усувлари.....	231
10.2. Мева ва сабзавот маҳсулотларини сақлаб сотиш хизматлари самарадорлик кўрсаткичларини прогнозлаш усули .....	240
<b>ХУЛОСА .....</b>	254
<b>ИЛМИЙ ТАВСИЯЛАР .....</b>	257
<b>ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР .....</b>	260

## КАЙДЛАР УЧУН

**О.М.ПАРДАЕВ**

**МАҲСУЛОТЛАРНИ САҚЛАБ СОТИШ  
ХИЗМАТЛАРИ САМАРАДОРЛИГИНИ  
ОШИРИШНИНГ ТАШКИЛИЙ-  
ИҚТИСОДИЙ МЕХАНИЗМЛАРИ**

**Тошкент – «Fan va texnologiya» – 2017**

Муҳаррир: Ш.Алиева  
Тех. муҳаррир: Ф.Тишибаев  
Мусаввир: Д.Азизов  
Мусаххиҳа: Н.Ҳасанова  
Компьютерда  
саҳифаловчи: Н.Рахматуллаева

E-mail: tipografiyacnt@mail.ru Тел: 245-57-63, 245-61-61.  
Нашр.лиц. А1№149, 14.08.09. Босишга рұхсат этилди: 31.05.2017.  
Бичими 60x84 1/16. «Times Uz» гарнитураси.  
Офсет усулида босилди.  
Шартли босма табоги 17,5. Нашр босма табоги 17,75.  
Тиражи 500. Буюртма №90.

**«Fan va texnologiyalar Markazining bosmaxonasi»** да чоп этилди.  
100066, Тошкент шаҳри, Олмазор кўчаси, 171-уй.

δ/n



ISBN 978-9943-11-476-0

9 789943 114760